


ИБРОХИМ ХАККУА

ТАСДАВВУР  
ВА  
ШЕЪРИЯТ



ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ  
**ТАСДИВВУР  
ВА  
ШЕҶРИЯТ**



Тошкент  
Faфур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси  
1991

83.3Уз  
Х 40

## Ҳаққул, Иброҳим.

Тасаввуф ва шеърият.— Т.: Адабиёт ва санъат нашрёти, 1991.— 184 б.

Тасаввуф ва бу тарихий-ижтимонӣ, бадиӣ ҳодисанинг Шарқ халқлари тафаккури такомилида тутгай ўрни масаласи илмда энг кам ўрганилган. Таниқли олим Иброҳим Ҳаққул илк бор тасаввуф ва шеърият муносабатларининг ўзбек адабиётида эухр ётиш даражаси тадқиқига қўл урди. Олнининг кейинги изланишлари бу сайъи ҳаракатнинг самарали натижаларини сизу бизга етказади, деган умиддамиз.

Хаккулов, Иброхим. Суфизм и поэзия.

ББК 83.3УзI

X 4702620201 — 77  
M352(04) — 91 91—91

© Иброҳим Ҳаққул, 1991 йил.

ISBN 5—635—00630—2

## «ТАСАВВУФ ЭМАС ЗУҲДУ ТАҚВИЮ ТОАТ...»

Тасаввуф дунёдаги турли ҳалқларнинг ижтимоий, фалсафий, бадиий тафаккуридан кенг ўрин эгаллаган ва кўп тармоқли мураккаб таълимот. Тасаввуф тарихининг баъзи бир мұхим томонлари, хусусан, гносеологияси ҳанузгача тўла ёритилмagan. Рус олимни И. М. Петрушевскийнинг қайд қилишича, инглиз шарқшуноси Р. Николсон XI аср гача бўлган ёзма манбалардан тасаввуф, яъни сўғизм тушунчасининг етмиш саккиз маънодаги талқинини аниқлаган экан<sup>1</sup>. Шу далилнинг ўзиёқ тасаввуфга доир нуқтаи назарларнинг нақадар хилма-хил бўлганлигини тасдиқлайди. Тасаввуфнинг бир қаноти мистицизм бўлса, яна бир қаноти аскетизм. Бироқ унинг марказида пантеизм — ваҳдати вужуд ғояси туради. Шунинг учун тасаввуфни ўрганишда тарихчи, диншунос, файласуф, адабиётшунос ва психолог олимларнинг ҳамкорликлари ғоятда мұхимдир. Шарқ тасаввуфида будпарастлик, христианлик унсурлари мавжуд эканлиги илмда қайта-қайта изоҳлаб ўтилган. Айниқса, неоплатончилик ғоялари ундан сезиларли ўрин ишғол этган. Лекин тасаввуфнинг руҳи — исломий руҳ. Тасаввуф бошқа дин ва фалсафалардаги илғор қарашларни ўзида мужассамлаштирган. Бу таълимотнинг мустаҳкам мавқега эришишида Биби Робия, Абу Ҳамид Ғаззолий, Ибн Арабий, Фаридуддин Аттор, Боязид Бастомий, Абубакир Шибли, Мансур Ҳаллож, Жалолиддин Румий, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоваддин Нақшбандий сингари жуда кўплаб олим ва шоирларнинг хизмати каттадир.

Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон»ида ёзилишича, Шайх Абусаид Абулхайрдан «Тасаввуф нима?» деб сўраганларида «Бошингда не бўлса чиқариб ташлаш, қўлингда неки бор қўлдан чиқазиш ва бошқалардан сенга нима озор етса ранжимаслик», деган экан. Ҳақиқий сўғийлар чиндан ҳам бу шартларга қатъий риоя қилганлар. Нақл

<sup>1</sup> Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII—XV в. Ленинград, 1966, стр. 319.

борки, замонасининг бузруквори Сирожиддин Қазваний билан улуғ шоир Мавлоно Жалолиддин Румийнинг муносабатлари унча яхши бўлмаган эмиш. Жалолиддин Румий бир куни Қазванийнинг қошида «Мен етмиш уч мазҳаб била бирдурмен», деган гапни айтибди. Қазванийда шу ақидаси учун Румийни ранжитиб, беҳурмат қилиш ғарази туғилибди. Кейин ўз яқинларидан бир кимсага: «Жамоат ўртасида Мавлонодан сўрағилки, сен мундоқ дебсен? Агар йўқор қиласа, сафоҳат қил ва оғзингдан келгунча сўк ва ранжида қил!» деб буйруқ берибди. У кимса топшириқни бажариб шоирни жамоат ўртасида саволга тутибди. Румий ўшандада нима деган бўлса «Айтибмен!» дея жавоб қайта-рибди. Келишувга мувофиқ ҳалиги киши Румийни ҳақорат қилиб, сўка кетибди. Шунда шоир табассум ила «Булар била ҳам бирмен», деган экан.

Мир Алишер Навоийнинг «Насоимул муҳаббат» асарида битилган бу ҳикоятда ҳақиқий мутасаввуф характери учун хос саналган уч хусусият таъкидланган. Биринчиси, тор тушунчали ноҳақ зотлар ранжитганда — ранжимаслик. Иккинчиси, бирорни ранжитиш жоиз бўлганда ҳам унга озор етказмаслик. Учинчиси, ва энг муҳими, бошқа дин ёки ўзга мазҳабдаги одамларни асоссиз камситмаслик.

Алишер Навоийнинг «Фавойидул кибар» девонида бир фазал бор. Тасаввуф талқинига бағишлиланган ўша шеър бундай фикр билан бошланади:

Бирорга мусаллам тариқи тасаввуф,  
Ки зотида мавжуд эмастур тахаллуф.

Яъни: кимгаки тасаввуф тариқи маъқул келса, унинг шахсида ва моҳиятни билишида хилофлик, зиддият бўлмаслиги керак. Байт мазмунини «Тасаввуф тариқига кирган кишининг Ҳақ зотини англашида ихтилоф йўқ», деб тушуниш ҳам мумкин. Аммо бу маъно олдингисини асло инкор этмайди.

Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,  
Эрур истилоҳоти зебу такаллуф.

Тариқатдаги етти мақомдан биттаси — «ризо» (бу тўғрида кейинроқ тўхталамиз — И. X). Шариат шартларини бажо келтириб, «тавба», «варъа» сингари «мақом» зиналаридан ўтган «ризо аҳли» учун «яхши ахлоқ» чиндан ҳам мислсиз зийнат. Шу маънода уларнинг «зебу такаллуф»лари — ўзни аямасдан машаққатларга солиб, ички қаршиликларни енгиш орқали хулқни поклашдир. Ахлоқ тозалигини зуҳду тақво ҳам муҳофаза этиши шубҳасиз.

Бироқ «зұхду тақвию тоат» — булар тасаввуф әмас. Тасаввуфда макру риёға ўрин йўқ. Зұхду тақвода-чи? Мана, әшитинг:

Тасаввуф әмас зұхду тақвию тоат,  
Ки анда риे йўл топар бетавақыуф.

Тасаввуф — холислик таълими. Тасаввуф — софлик. Тасаввуф — риёсизлик «тақвий»си. У «Құллікка белни маҳкам» этишга чорласа-да, Ҳақ құлларининг нақадар ақлий, маънавий, ахлоқий имтиёzlарга эга эканлигини амалда исботлайди. Тасаввуф — муомала маданияти. У тил вадил юмшоғлигига, ўзгалардан келадиган ранжу озорларни ҳам ҳалимлик билан, ғазаб ва адовар пичоғига сира қўл чўзмасдан бартараф қилишга ўргатади.

Эрур маҳз тақвий ва лекин риёсиз,  
Убудият сарфу айни талаттуф.

Тасаввуф аҳли ахлоқи нодир фазилатларга бой. Одамларнинг сүз ва фикрларига зуғум ўтказиш — уларнинг онги, маслаги ва күнглига тажовуз қилишдир. Қишининг феълига озор бериш — бўрилик билан баробар. Тасаввуф йўлчиси муомала-муносабатда «эл қавлу феълиға» зўру зулм етказишни Ҳақ томонидан ман этилган амрларга қарши бориш, яъни гуноҳи азим ҳисоблайди. Қўйидаги байт худди шундай мулоҳазаларга йўл очади:

Не эл қавлу феълиға андин таадди,  
Не ҳақ амру наҳйиға андин тасарруф.

Кейинги сатр мазмуни таваккул «мақоми»га ҳам бевосита алоқадор. Буни навбатдаги байт мантиғи тўла равшанлаштиради:

Узни ўйла беихтиёр англабонким,  
Не қолиб тараффуд анга, не таассуф.

Ҳеч нимадан тараффудга тушмасдан, таассуфга берилмаслик — таваккулчилик талабларидандир. Газалнинг охирги қаторларида тасаввуфнинг асосий шарти ва туб моҳияти ёритилган. Бунинг номи ваҳдати вужуд — Ҳақ вужудига инсон вужудининг бириниши. Навоий ана шу тавфиқ ва тавҳидни тасаввуф тариқати деб таърифлайди:

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин.  
Навоий, мунин бил тарниғи тасаввуф.

Хўш, тасаввуф сўзининг лугавий маъноси нимадан иборат? Бу тўғрида ҳанузгача ягона хулосага келингани йўқ. Тўғри, кўпчилик тадқиқотчилар тасаввуф (жумладан сўфий ҳам) арабча «суф»дан келиб чиққан бўлиб, юнг мато — хирқа, деган қарорга келишган. Бошқа бирлари эса уни юони тилидаги «сафос» — донишманд сўзидан олинганингини айтганлар. Бу сўзни соф — поклик, яъни ахлоқий тозаланиш ва руҳий камолот мазмунида тушунтирган олимлар ҳам бор.

А. Кримскийнинг аниқлашига кўра, сўфий сўзи VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб тадбиқ этила бошланган. Ва у асосан комил, эътиқодли мусулмон дарвишларга нисбатан қўлланилган<sup>1</sup>.

«Фиёс-ул лугот»да ўқиймиз: «Сўфий — хирқапўшdir, зероки, юнгни суф дейилади; фуқаронинг истилоҳида, ўз дилига нигоҳ қаратган, хаёlinи Ҳақдан бошқа барча нарсадан поклаган киши сўфий деб аталади». Шунингдек, Муҳаммад Фиёсиддин сўфий суфа сўзига мансуб бўлиб, сўфийлар жаҳилият айёмида Қаъбада халқни Ҳаққа даъват этиш иши билан шуғулланганликлари сабабли тасаввувф аҳли мавқеига эришганликларини ёзган. Шу маънода сўфий мухлис мазмунида ҳам кенг қўлланилган<sup>2</sup>.

Абулҳасан Али Ҳажвирийнинг шарҳлашича, хирқапўшлар — азалий софликка восил бўлганлар; асҳоби-суф фа, яъни тиловат ва таваллочилар гуруҳини ҳам сўфийлар дейилган<sup>3</sup>.

«Иши фақат Худо билан бўлган, вужуди мутлақнинг мавжудлигинигина тан олгувчилар сўфийлар деб аталади», деб ёзади Жунайд Бағдодий.

Сўфий сўзи, умуман, этимологик моҳиятдан маҳрум бўлиб, ундаги ҳарфлар психофизиологик таассурот уйфотади, деган қараш ҳам мавжуд. Бунга қарши нуқтаи назар бўйича, суф мағҳумининг ҳар бир ҳарфи аниқ маънога эгадир: «с» — садоқат, сионат, салоъ, «в» — васл, важд, вафо; «ф» — фараҳ, фатаҳа, фаражадан иборат<sup>4</sup>.

Абу Райҳон Берунийнинг шарҳини ўқиймиз: «Юонча «суф» сўзи бизча ҳикматдир. Шунинг учун файласуфга «Пилосупо», яъни «ҳикматни суювчи» деб исм берилган.

<sup>1</sup> Крымский А. Е. История Персии, ее литературы и дервишской теософии. том I, М., 1903, стр. 84.

<sup>2</sup> Муҳаммад Фиёсиддин. Фиёс-ул лугот. Жилди 2, Душанбе, 1988, саҳ. 14.

<sup>3</sup> «Дурдонаҳон наср». Жилди 1, Душанбе, 1987, саҳ. 146.

<sup>4</sup> Қурбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. Душанбе, 1987, стр. 19.

Мусулмонлардан бир гурухи ўша (юқорида айтилган) тушунчаларга яқин фикрга борганидан улар ҳам Сүффия деб атадилар. Мусулмонларнинг баъзилари сўфия сўзининг термин эканини билмасдан «сад» ҳарфи билан ёзиб, уни суффа сўзига нисбат бериб, «Суффа сұхбатдошлари — асҳоби суффадан иборат кишилардир», — дедилар. Ундан кейин (бу сўзни) Суф аттуюс — така жуни сўзидан қисқартирилган деб тушунишдилар.

Беруний Абул-Фатҳ Бустийнинг суф сўзини тушунишдаги чалкашликни таъкидлаб, унинг қуйидаги сўзларига диққатни қаратган: «Одамлар сўфий сўзида тортишишиб, қадимдан турли фикрда бўлишиб, уни суф, яъни жун сўзидан олинган деб гумон қиласидилар. Мен сўфий сўзини софий (яъни соф, содда) йигитдан бошқа нарса деб билмайман. Шундай қилиб, ўша «софий» лафзӣ хато ёзилиб «сўфий» лафзига айланниб кетган, ниҳоят (бу сўз) бизга маълум сўфийларга лақаб бўлган»<sup>1</sup>.

«Айрим олимлар «сўфий» истилоҳи араб тилидаги жун мато маъносини билдирувчи «суф» сўзидан эмас, — дейди Радий Фиш — балки юонон тилидаги «софос» — донишманд сўзидан олинган, деб бежиз айтишмайди».

Жалолиддин Румий ва унинг шогирлари ўзларини сўфийлар эмас, ошиқлар деб аташган. «Уларга билиш йўлида карвонбоши — мантиқ эмас, муҳаббат эди...»<sup>2</sup> Сўфийлар ҳам аслида ошиқлар. Улар ҳам билиш йўлида мантиқамас, муҳаббатга таянишган. Сўфийларнинг хирқа кийишлари — чин ошиқлик белгиси. Гулшанийнинг «Гулшани роз» асарида бу ҳақиқат бундай сўзларда таъкидланган:

Қилса муҳаббат майдин сўфи нўш,  
Хок нишин бўлғайу пашмина пўш.

Шунинг учун «муҳаббат майдин» маст сўфий билан муқаддас Руҳ ошиқларини ўзаро ажратмаслик керак.

Тасаввуф тадқиқотчиси М. Ҳазратқулов Шаҳобиддин Сухравардийнинг «Авориф-ул маориф»да «Сўфий калимаси муқаддас каломда учрамайди, лекин сўфийлар тақво аҳлиданур» деб ёзган сўзларига диққатни жалб этади<sup>3</sup>. Сухравардий сўфий калимасининг «муқаддас калом» — да учратмаслигини шунчаки эслатиб ўтмасдан, қайси тилга мансублигини ҳам айтган.

<sup>1</sup> Беруний А. Р. Ҳикматлар. Тошкент, 1973, 41 - 42-бетлар.

<sup>2</sup> Радий Фиш. Жалолиддин Румий. Тошкент, 1985.

<sup>3</sup> Ҳазратқулов М. Тасаввуф. Душанбе, 1988, саҳ. 12.

Маълумки, Шаҳобиддин Абулҳафз Умар ибн Муҳаммад Сухравардий (1144—1234) тасаввуфдаги сухравардийя тариқатининг асосчиси бўлган. У Абдунахиж Абдулқодир ибн Абдуллоҳ Сухравардийнинг авлоди ва шогирди сифатида ўз тариқатини шакллантиришда унинг таълимотига асосланган. Шаҳобиддин Сухравардийнинг «Аворифул маориф»номли машҳур асарида «сўфий» сўзининг этиологиясига доир қайдига биноан, «сўфий» — туркча сўз. У ёзади: «.. «сўфий» «Қуръон»да йўқ ва бу сўз туркнидир. Ислом мамлакатларининг иккала қисмида ҳам — Шарқдагидек Ғарбда ҳам бу сўздан бехабар бўлишган». Сўфий сўзи нима маънени англатади — Сухравардий буни шарҳламаган экан. Озарбайжон олимни А. Г. Алиев «Сухравардийя тариқати тўғрисида қайдлар» номли мақоласида худди шу муаммони очишга интилган. У қадими туркларнинг дунёқарашида сув культи муҳим ўрин тутишини тасдиқловчи қатор далиллар келтириб, «суф» «сув» сўзидан яралган деган холосани илгари суради<sup>1</sup>.

Олис ўтмишда турк тилли халқлар сувнинг халоскорлик ва илоҳий қудратига ионганликлари маълум. Уларда сув инсонни ҳар қандай оғат, бахтсизлик ҳатто ўлимдан ҳам муҳофаза этади, деган собит ишонч бўлганлиги илмда исботланган<sup>2</sup>. Қадими аждодларимизнинг дунёқарашларида сув — жон, руҳ, боқийлик тимсоли, абадий тириклик нажоти, ҳаёт асоси эди. Бу мифологик ишонч ва эътиқодни акс эттирувчи кўплаб афсона ва ривоятлар яралган.

Мана ўша афсоналардан бирининг муҳтасар мазмuni: бир овчи Қуш кўли атрофида ов қилиб юрар экан. Отган қушини у кўл сувида тозаламоқчи бўлибди. Шунда кутилмаган ҳодиса юз берибди: қушнинг ўлик жасадига сув тегиши биланоқ, у жонланиб, учиб кетибди. Бу сир ошкор бўлмаслиги учун тангри кўл атрофида яна минг кўл яратибди. Шу тариқа ҳаётга қайтарадиган кўлнинг қайсилиги билинmasдан пинҳон қолганмиш.

Озарбайжон мифик тафаккури тарихини маҳсус ўрганган фольклорист олим Мирали Саидов сувнинг ўлимдан ғолиблиги билан боғли ушбу афсона ҳеч қандай таъсирга алоқадор яралмаганилиги ҳамда оригинал ва табиийлигига тўла ишонч билдиради. «Анча кейинроқ буюк мутафаккир-

<sup>1</sup> «Ислам в истории народов Востока». Сбор. статей. М., 1981, стр. 154—159.

<sup>2</sup> Қаранг: Сейидов М. А. К вопросу о трактовке понятий јег, Su в древнетурецких памятниках.—«Советская тюркология», Баку, 1973, № 3.

лар «Тириклик суви инсон Ұзлигиннадур», деган натижага келгандар», — дейди М. Сайдов<sup>1</sup>.

Маълумки, сўфий тасаввурда Худо — денгиз. Моддий дунё унсурлари тўлқин ва томчилар. Жумладан, инсон ҳам. Буларнинг барчаси денгизга сингиб кетади. Ана шу тушунчанинг ўзи инсон умрининг ўткинчилигига қарши. Унда абадий яшаш эътиқоди ҳоким. Абдулқодир Гилоний уқдирганидек, сўфийнинг идеали — дунёга ҳирсу ҳавасни мағлуб этиб, тақдирнинг қўрқувларидан тозаланмоқ эканлиги ва қадимий туркий халқларда «шув» ёки «сув» сўзлари «уйғониш», «тирилиш», «муваффақият» маъноларни ҳам ифодалаганлиги инобатга олинса, Шаҳобиддин Суҳравардийнинг «сўфий»га берган изоҳи тасодифий ёки юзаки эмаслиги ўз-ўзидан равшанлашади. Бугина эмас, ахир ҳамма сўфилар ҳам хирқа ёпинавермаган-ку! Аммо уларнинг барчаси учун ўзлик—тириклик суви саналган. Улар илоҳий Нур тажаллийсини кўпинча сув орқали идрок қилгандар. Ҳатто баъзи тариқат аъзолари дастлабки ҳаратини туз қўшилган сув ичишдан бошлашаркан ва бу воҳид қудрат олдидаги рамзий покланиш ҳисобланаркан.

Алишер Навоий ҳам сўфийликдан мурод — софланиш деган тушунчада бўлган:

Қайт, эй сўфики, пири дайр дурди жомира,  
Бўлморинг ториб агар софий эмастур машрабинг.

Шу ўринда зоҳид ким-у, сўфий кимлигини аниқ фикрлаш зарурияти туғилаётир. Ибн Сино таърифида зоҳидлар — дунё матосига қизиқиши сўнган шахслар. Илк босқичларида тасаввүфнинг асосиий мундарижаси зуҳд — аскетизмдан таркиб топган<sup>2</sup>.

Алишер Навоийнинг ғазалларидан бирида «Шаҳ юриб олам очар, дарвиш оламдан қочар», дейилади. Оламдан қочиш (ал-фирор мин-ад дунё) — дастлаб зоҳидларга хос хусусият бўлган. Машҳур француз олими А. Массэ, «Қуръон» суралари ва ҳадис шарҳларига асосланган ҳолда Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарлик ҳаёти ва фаолиятининг илк даврларида дўсту биродарларидан узоқлашиб, Макканинг чеккасида бир мағорада зоҳидона яшаб, бутунлай диний машғулотларга берилганлигини аниқлаган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Сайдов М. М. Азарбайжон мифик тафаккурининг гайнаглари. Баку, 1983, 118—119-бетлар.

<sup>2</sup> Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII—XV веках, стр. 316.

<sup>3</sup> Массэ А. Ислам. М., 1963, стр. 24-30.

Е. Э. Бертельс француз исломшуноси Л. Массиноннинг фикрларини қувватлаб, шахсий ҳаётда ҳамма жиҳатдан пайғамбар ҳаётидан ўринак олишга интилган муҳаддислар орасида ҳам зоҳидлик ривожланганлигини ёзади<sup>1</sup>. Абу Туроб Нахшабий зуҳддаги «з» ҳарфини — зиноатдан сақланиш, «ҳ»ни — ҳавога бермаслик, «д»ни — дунёпарастлик қиласлик деб изоҳлаган экан. Чиндан ҳам зоҳидлик ахлоқида зинокорлик, ҳаводорлик ва дунёпарастлик кескин қораланган. Е. Э. Бертельс ёзганидек, зоҳидлар ҳаётида яна бир жиҳат муҳим ўрин эгаллаган. Бу — ҳалол билан ҳаромни фарқлаш, ҳалолга ҳаромни мутлақо яқинлаштирипаслик. Ҳалол ризқ нима-ю, ҳаром емоқ нима — зоҳидлар учун буни ажратиш ва умумий қарорга келиш осон бўлмаган. Е. Э. Бертельс сўзлари билан айтганда, узоқ баҳсу мунозаралар олиб борилган. Ниҳоят шоҳ, унинг атрофидаги мансабдорлардан олинадиган ҳар қандай хайру садақа, ҳеч истисносиз, ҳаром, чунки бундай нуфузли кимсаларнинг бойликлари ҳалол меҳнат билан топилмаган, дея ягона хулоса чиқаришган. Шунинг учун шайху зоҳидларнинг аксарияти ё дашту биёбонлардан ўтиб териб ёки мешкоблик қилиб ризқи ҳалол билан умр кечирганлар<sup>2</sup>.

Зоҳидлик, аслини олганда, дастлабки босқичдаги мутасаввуфлик. Негаки, зоҳидлар ҳам ахлоқий комиллик, қаноат билан бир қаторда инсон руҳининг ҳурлиги, мушоҳада балогати учун қайғурганлар. Барча зоҳид ҳам узлатга چекиниб ётавермаган. Улар орасида ўз нуқтаи назарини будпарастлик, христианлик ақидалари билан бойитиб, маъруфий савиясини жуда юксалтирган шахслар бўлган. Қодирийя мазҳабидагилар «Фақирлик комиллашса, у — худолик», деб билганлар. Зоҳидлар-чи? Фақирлик — имони уйғоқ зоҳиднинг ақл таянчи, золим нафсни мағлуб этадиган кучи. У қалбини куну тун фақирликка чоғларкан, «Фақр эли имонға бой» бўлишини ўзинча яхши идрок қилади. «Илк сўфий — зоҳидлар учун... ихтиёрий фақирлик хос бўлиб, у билан боғли равишда таваккал таълимоти пайдо бўлган»<sup>3</sup>.

Лекин шу яқинлик ва уйғунликларга қарамасдан, зоҳид билан сўфий ўртасида тафовут ҳам бор. Булар нималар? Биринчидан, зуҳд аҳли асосан шариат атрофида иш юритганлар. Тўғри, баъзи зоҳидлар адолатсиз дунёдан бутун-

<sup>1</sup> Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. Москва, 1965, стр. 15.

<sup>2</sup> Бертельс Е. Э. Ўша асар, 16-бет.

<sup>3</sup> Петрушевский И. П. Ўша асар, 316-бет.

лай юз ўғирганларки, бунинг моҳияти ҳоким идеологияга муносабат ва ахлоқий қараашларнинг инкоридан бошқа истак бўлмаган. Ҳаётнинг ўзгариши ана шу муносабат ва ахлоқий тушунчаларнинг ўзгаришига боғлиқлигини улар яхши англашган. Бироқ таркидунёчиликни ҳамма зоҳидлар ҳам бир хилда тасаввур қилмаганлар<sup>1</sup>. Улар орасида бу ишда пассивлик кўрсатганлари ҳам, қолоқ ёки жуда ақидабозлари ҳам бўлган.

Классик шеъриятимизда зоҳидларни танқид этилиши мана шундан. Йккинчидан, зоҳидлик ҳаракатида мистик хаёл ва кечинмалар ўрин топмаган. Е. Э. Бертельс мистик кечинмаларни тасаввух тараққиётидаги асосий унсур сифатида баҳолаган<sup>2</sup>. Шуни унутмаслик керакки, мистицизм тасаввухнинг аскетизмдан кейинги, яъни навбатдаги босқичи. Мистицизм — инсон қалби учун илоҳий ишқ уфқалирнинг очилиши, тахайюл Майи, олам асрорларини ўзича кашф этадиган илми файдир. И. П. Петрушевский, «Мистицизм — бу, аскетизмнинг ривожланиши бўлиб, Худо билан шахсий мулоқот ва илоҳий ишққа интилиш», деб ҳарактерлагандаги ҳақдир<sup>3</sup>.

Инглиз олимни Ж. С. Тримингэм тасаввух ислом ичидаги ривожланган бўлса-да, мистик тамойилни шимолий христианлик тажрибаси ва фалсафасидан ўзлаштирган, мусулмон мистицизми шунинг маҳсули, деб қарайди<sup>4</sup>. Ш. И. Нуцубидзенинг айтишича, мусулмон мистикасининг илдизлари X асрга бориб тақаладики, бу вақтларда тасаввух ареопагитиклар мистицизмидаги қайта ишланган неоплатонизм тояларидан етарли даражада озиқланиб улгурган. Ш. И. Нуцубидзе, Ал-Киндийдан Фаззолийгача бўлган пешқадам файласуф-сўфийлар, шунингдек, Ибн Арабийга ўхшаш тасаввухнинг улкан арбоблари ареопагитиклар мистицизмидаги изчил суюнганликлари, ушбу фактга диққатни қаратмасдан Шарқ мистикасининг табиатини англаш қийинлигини ҳам таъкидлайди<sup>5</sup>. К. Казанский шарқ мистикасининг дунёга келишини, биринчи навбатда, будпарастлик динига боғлайди.

<sup>1</sup> Кули-заде З. А. Теоретические проблемы истории культуры Востока и низамиведение. Баку, 1987, стр. 43.

<sup>2</sup> Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература, стр. 17.

<sup>3</sup> Петрушевский И. П. Уша асар, 317-бет.

<sup>4</sup> Тримингэм Ж. С. Суфийские ордены в исламе. М., 1989, стр. 16.

<sup>5</sup> Нуцубидзе Ш. И. Руставели и Восточный Ренессанс. М., 1967, стр. 74—80.

Тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида буд-парастлик, неоплатончилик, христианликнинг иштирок этганлигини илмда кўп гапирилган. Айни бир моҳиятда тақорорланаверган бу фикрларнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиганлари ҳам оз эмас. Масалан, фарб ва рус шарқшуносларининг кўпчилиги мистикани дастлаб исломга ёт бўлган «элемент» деган тушунчани илгари сурадилар. Ҳолбукни, тасаввуфдаги мистик йўналишнинг замини исломийдир.

Бир қатор тадқиқотларда, мистицизм — сезги ва ҳиссий қобилият туфайли Ҳаққа яқинлашишнинг хос йўли — маҳсус тариқи деб аталган. Шу нуқтаи назардан биргина далилга диққатни қаратайлик. Аҳмад Яссавий Муҳаммад пайғамбарнинг меъроҷга чиқиши ҳақида сўзлаб, жумладан, бундай деган:

Ҳаққа қараб қўйди қадам Расулуллоҳ,  
Ҳақдин ўзга ҳеч ким йўқтур анда ҳамроҳ,  
Мундоғ мақом ҳеч кимга йўқ, воллоҳ-биллоҳ,  
Чин уммат сен эшиғиб дуруд айтинг, дўстлар...

Дарҳақиқат, «мундоғ мақом» ҳеч вақт, ҳеч кимга насиб этмагандир. Бироқ ҳудди шу мақом Ҳаққа ёвуқлашишга тасаввуф аҳли учун улуг' ибрат бўлмаганми? Улар учун меъроҷ ҳодисаси Ҳақ даргоҳига етиш, Ҳақ билан бевосита «мулоқот» юргизишнинг идеал намунаси бўлиб қолган. Бунга заррача гумондорлик — имон сустлиги ва азалий «стийрабахт»лик деб қаралган. Сўфийларда ўз ғояларини «Қуръон»га мувофиқлаширишга интилиш кучли бўлганлиги сир эмас, албатта. Бу ҳодисанинг сабабини, бизнингча, А. Е. Кримский анча тўғри баён қилган: «Чунки улар (сўфийлар — И. Ҳ.) қандай бўлмасин, мистик-пантейистик йўналишини ҳаммадан аввал исломнинг асосчиси Муҳаммад алайҳиссаломга нисбат бермоқни истаганлар...»<sup>1</sup> Исломда тангри даргоҳига юксалишининг йўллари учтадир: 1. Оллоҳнинг сифатларини эгалламоқ — бу, Боязид Бистомийнинг йўли. 2. Илоҳий хислатлардан завқланмоқ — бу, Воситийнинг йўли. 3. Тангри билан бирлашмоқ — бу, Мансур Халложнинг йўли<sup>2</sup>.

Мистик ошиқлар учун бош масала — Худо ва Инсон муносабати. Уларнинг образли тасаввурида Ишқ ва Комил

<sup>1</sup> Кримский А. Е. История Персии, ее литературы и дервишеской теософии, часть II, М., 1912, стр. 40.

<sup>2</sup> Жалил Сано. Ҳазрати Муҳаммаднинг фалсафаси. Истамбул, 1975, 53-бет.

Инсон ғояси — инсонни худолаштириш ғоясидир, одам — «нусхай Ҳақ» — Ҳақнинг нусхаси. Мистиклар «Оlam ҳама дар Ҳақ асту, Ҳақ дар олам» — бутун олам Худода-ю, у эса бутун оламда дея фикрловчилардир. Үларнинг идрок ва мушоҳада теранлиги, аввало, мана шунда, Мұхаммад пайғамбар ҳадисларидан бирида Оллоҳ номидан бундай дейилган экан: «Мен махфий ганж әдим, ўзимни ошкор қилишни севдим». Мистик кечинмаларнинг завқ манбай ва нури ана шу илоҳий ошкоралик ҳамда ишқдадир.

Мистика — тажриба йўли, одамни ботиний оламга, инсоннинг ўз ички дунёсига томон олиб боради. Мистик тажриба кишини ташқи борлиқдан, гўё узоқлаштирса-да, одам сийратида хаёлий олам очади. Мистикани инкор қилиш — Шахснинг ички Эрки, руҳий юксалишларини инкор этиш билан баробардир. «Мистик тасаввуф объектив суратда прогресснинг, халқ ва унинг баҳти, реал ҳаётнинг душманидир»<sup>1</sup>, дейиш мистикага душманлик назарида қарашни акс эттиради, холос. Үмуман, мистикани бутунлай қоралаш хатодир. «Фалсафанинг илдизи, унинг ҳаёттй асоси дин ва мистикадир», — дейди Н. А. Бердяев<sup>2</sup>. Ўзбек адабиётшунослигига (фалсафа илмида ҳам) масаланинг бу жиҳатлари мутлақо ўрганилмаган. Мана, профессор Н. М. Маллаевнинг олий ўқув юрти талабаларига айтилган сўзлари: «... мистицизм, бу олам қандайдир сирли оламдир ва ғайритабиий кучларнинг бир соясидир; инсоннинг яшамоги баҳтсизлик, ўлим баҳтдир, у ўз ўлими билан «ал-ҳақ»قا қовушади деб таълим беради...»<sup>3</sup> Мистицизм бу оламни «ғайритабиий кучларнинг бир соясидир» демаиди. Балки ягона илоҳий қудрат — Ҳақнинг акси, оламнинг моҳияти Ҳақда яшириндир, дея таълим беради. Бундан ташқари, мистик фалсафада «инсоннинг яшамоги баҳтсизлик» деган ақида йўқ, лекин илоҳий гўзаллик жозибаси, олами ғайб ҳайратларидан бенасиб, ҳайвондай кун кечириш баҳтсизлик ҳисобланган. «Ўлим баҳтдир», деган тушунчага келсак, уни саёз тушунмаслик керак. Мистикада ўлимга муносабат ҳар хил. Масалан, Руҳдаги ўлим. Бу — нафсга қурбон вужуддан руҳнинг чекиниши бўлиб, бошқа ҳеч вақт Руҳни одам руҳий ҳаёти билан қониқтира олмайди. Қалбдаги ўлим. Бу — қалбнинг маънавий видолашуви бўлиб, инсон бошқа ҳеч пайт қалб амри билан ҳаракат қила бил-

<sup>1</sup> Зоҳидов В. Улур шоир ижодининг қалби. Тошкент, 1970, 399-бет.

<sup>2</sup> Бердяев Н. А. Философия свободы. М., 1989, стр. 30.

<sup>3</sup> Маллаев Н. М. Ўзбек адабиётни тарихи. Тошкент, 1976, 510-бет.

майды. Ақлдаги ўлим. Бу — ақлнинг худбинлик қафасида жон узиши бўлиб, одам бошқа ҳеч қачон боқий ҳақиқатни англаш даражасига чиқа олмайди. Ахлоқдаги ўлим. Бу — кўникмага айланган ахлоқий ақидаларга қуллик бўлиб, одам бошқа ҳеч замон хулқий тубанлигидан кеча олмайди.

Мистика бундай ўлимнинг бирортасини баҳт ҳисобла-майди. Ва шундай баҳтсизликлардан қутулиш учун Ҳақ билан қовушишни тарғиб этади. Буюк шоир А. Блок мистик ўздан кечишни, шахснинг худбинлик, худпарастлик касалидан қутқазувчи чора деб бежиз инонмаган эди. Шуннинг учун ҳам тасаввуф мистикаси илк даврларда феодал худбинлиги, ижтимоий-сиёсий худпарастликка қарши бир исён руҳини ифодалаб, эзилган омманинг ҳақ-ҳуқуқларини ўзинча ёқлаган эди. Мистикада ёвузлик, зўравонлик, инсоний ноқислик ва идеал ҳурлик муаммолари кенг тадқиқ этилган. «Илк сўфийларнинг халқ орасида тез танилишига бош сабаб шуки,— дейди А. Ҳайитметов,— улар мазлум халқнинг ҳукмрон синфларга, бой табақаларга бўлган чексиз нафратини ифодаладилар ва бошқаларга зулм қилиб бойлик ортиргандан бу дунёда яшамаган, ундан кўз юмган аъло дедилар. Аббосий Тусий деган сўфий бу ҳақда шундай дейди: «Дунё—бу бир ўлакса нарса бўлиб, у билан аввал шерлар, кейин қоплонлар, бўри ва итлар, ундан кейин эса қарғалар қорин тўйдиради. Улардан қолганига эса гўнгўнғиз ва чумолилар ёпишади. Шерлар — подшоҳлар, қоплонлар — амирлар, бўри ва итлар — уларнинг аъёнлари, қарғалар уларнинг табаалариdir. Гўнгўнғизлар — аравакашлар, чумолилар эса бозордаги одамларdir»<sup>1</sup>.

Мана шундай сабабларга кўра ҳам мистик ошиқлар «сир шароби»дан қониб, тўғрилик, tenglik, ҳурлик, боқийлик оламига даҳлдор хаёлларга ғарқ бўлишган.

«Сукунат ва ёлғизликда ўз-ўзингни ва ўзингга доир ҳақиқатни топасан. Худди шу ҳақиқат орқали бошқалар тўғрисидаги ҳақиқатга етасан. Одамлар билан ҳар кунги муомала-муносабат, ҳатто эркин хоҳиш бўлишига қарамасдан, бизни уларнинг фақат кучсиз, ғалати, кулгили жиҳатлари-ю, майдакашликларидан огоҳ қиласди, холос»<sup>2</sup>. Жорж Бернаноснинг бу фикрларини мистик ҳиссиётларга эга ҳар бир илғор кишига нисбат бериш мумкин. Ўзига доир ҳақиқатни текшираётган Одам, албатта, воқеликни атроф-

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихи-дан. Тошкент, 1970, 161-бет.

<sup>2</sup> Ежи Қоесак. Экзистенциализм в философии и литературе. М., 1980, стр. 304—305.

липа таҳлилдан ўтказади. Шу тарзда у бошқалар тўғри-  
сидаги ҳақиқатни ҳам чуқур ўзлаштиради. Демак, бунда-  
ги ёлғизлик, одамлар ва воқеликдан шунчаки узоқлашиш  
эмас, балки маълум бир давр мафкураси ва худбинлик  
дуниёқарашидан ўзни четга олишдир. Махатма Ганди  
«Кимки Худога дўст бўлишни истаса, ё ёлғизланиши ёки  
ҳаммани ўзига дўст тутиши керак», — дейди. Мистикада  
Худога дўстлашиш — ёлғизланишдир. Аммо бу ёлғизла-  
нишда инсоний дўстлик шарти нисбатан бошқача. Унда  
дўстлик кўприги — илоҳий Гам. Шу кўприкдан ўтганлар-  
нинг барчаси Дўст «атрофида» уюшган, маслагу муҳабба-  
ти бир дўстлардир. Аммо бу нарса ҳеч қачон махсус таъ-  
кидланмайди. Чунки мистик таълимот бўйича инсон маъ-  
шуқи азалга нақадар яқинлашса, у ўшанча, ёлғиз. У одам-  
лардан қочаркан, ўзининг сўнгсиз танҳолигидан ҳам  
қочади.

Парим бўлса учуб қочсан улусдин то қанотим бор,  
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор.  
Чиқиб бу дайрдин Исоға нечун ҳамнафас бўлмай,  
Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор.  
Халойиқ сұхбатидин минг ғамим бордурки, муфт ўлғай.  
Агар минг жон бериб билсанки, бир ғамдин најотим бор.  
Чекиб ағёрдин юз жавру тортиб ёрдин минг ғам,  
Не ўзга халқдин ғайрат, не ўзимдин ўётим бор.  
Кечиб кўздин ёзай бир хатки, даҳр аҳлиға кўз солмай,  
Бу дамким кўз саводидин қаро кўздин давотим бор.  
Тилар кўнглум қуши анқодин ўтгай нари юз водий,  
Мунингдек сайр этарга Қоғдин ортуқ саботим бор.  
Навоний, билки шаҳ кўнгли манга қайд ўлмаса, биллаҳ,  
Агар кавнайинга ҳошок чоғлиғ илтифотим бор.

Ҳар қандай улуғ санъаткор шеърида Сўз, унинг ўзи  
акс эттиришни истаган фикр ва туйғудан бир неча ҳисса  
ортиқ маъноларни ифодалайди. Шунинг учун ҳақиқий  
шеърнинг ғоявий-бадний таркибида ҳамиша нималардир  
сир бўлиб, маъно гавҳари яширинлигича қолаверади. Энг  
зукко шеършуноснинг ҳам таҳлил имконияти чекланган.  
Чунки қанча уримасин, сўзнинг мажозий моҳиятини бар-  
ча ранг, оҳанг товланишлари билан гавдалантира олмайди.  
Бирданига бир неча рамзий мазмунларни таркибинга  
бирлаштира олган шеър — чинакам шеър. Навоийнинг  
ғазали шу даъвонинг ёрқин исботидир. Уни ўқиган бугун-  
ги ўқувчи қандай хulosаларга келади. Тахминан бундай:  
Шоирни «улус» жуда бездирган экан-да, қанот чиқарив

қочиши күзлабди. Шоҳ унга илтифот кўрсатганида, балким у «халойиқ сұхбатидан минг ғам»га гирифтор бўлмасмиди. Бунга сабаб ўша жаҳолатли замон, адолатсиз феодал тузум ва ҳ. к.

Ғазалнинг шахс ва замон ўртасидаги зиддиятлар хусусида фикр қўзғагани яхши, албатта. Лекин бу шоирнинг қўлига қалам тутқазган асосий дард ёки бош мақсад эмас.

Туркий тасаввуф шеъриятининг буюк вакили Юнус Эмро ҳусни мутлақ ошиқлари тилидан:

Ишқинг олди мандан мани,  
Манга сан кераксан, сан!  
Жиссимим ёнур кеча-кундуз,  
Манга сан кераксан, сан!—

деб айтган. Илоҳий «муҳаббат баҳрининг ғаввоси» бўлган юрак тавҳид шавқига муҳтождир. Уни Ҳақдин бошқа «на борлиқ», «на йўқлик» — ҳеч нима севинтиrmайди. У тахайюл ва ваҳдат майдан маст, халқу оламдан қочиб, «кўнгул таҳтининг шоҳи» — Ҳақ даргоҳига учмоқ шавқида ёнади. Навоий ғазалида ҳам «Ман»ликтан кечиб, «Сан»ликка юз бурган лирик қаҳрамоннинг сирли кечинмалари, олами ғайб сори хаёлан парвози тасвирланган.

Эрур мақсад йироқ, водий узун, тун тиъра, йўл бўртоқ,  
Бу йўлда салб этиб ўзлик юки, ўзни сабукбор эт.—

дейди Навоий бошқа бир ўринда. Юқоридаги ғазал қаҳрамони «ўзни сабукбор» эта олгани учун ҳам «учиб қочмоқ» ниятини очиқ изҳор қилган:

Парим бўлса учиб қочсам улусдин то қанотим бор,  
Қанотим куйса учмоғдин, югурсам то ҳаётим бор.

«Парим бўлса», демоқ билан одамда пар пайдо бўла қолмайди. «Учуб қочсам» дейиш улусдан қутилиш чораси эмас. «Қанотим куйса...» Дарвоқе, қанот нимадан куяди? Қуёш оташиданми? Йўқ, ҳусн қуёшининг нуридан. Навбатдаги байтни ўқиб англаймизки, лирик «Мен» «Парим бўлса учиб қочсам...», дея асоссиз сўзламаган экан. Самога учган Исо пайғамбар унга ўrnак. У Исоға ҳамнафас бўлмоғни истайди:

Чиқиб бу дайрдин Исоға невчун ҳамнафас бўлмай,  
Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор.

Дайрдин чиқмоқ — бу дунёни тарк қилмоқ. Аммо даҳри дундан баланд күтарилиш учун ҳам мустаҳкам қанот керак. Шу маънода тажарруд — воз кечиш ва ҳиммат тилга олинган.

Дийдор талаб ошиқларнинг суҳбати — илоҳий суҳбат. Улар учун, Ибн Арабий айтмоқчи, жимлик ва сукут орифликнинг олий белгиси. Ҳақиқий ишқ аҳлининг иқрорига кўра, «Қай ерда тинчлик бўлса, Ҳақ ила бирлик бўлар». Ҳалойиқнинг ўткинчи манфаатларга дахлдор машмашалари ана шу хаёлий бирликка халал беради.

Ҳалойиқ суҳбатидин минг ғамим бордурки, муфт ұлғай,  
Агар минг жон бериб билсамки, бир ғамдан нажотим бор.

«Ҳалойиқ суҳбатидин минг ғам» исканжасида қолган киши нажот тилаши табиий. Аммо бу «минг ғам»дан биттасида ҳам нажот йўқ. Агар бўлганида текинга «минг жон бериб» бўлса-да уни билиш мумкин.

Чекиб ағёрдин юз жавру тортиб ёрдин минг ғам,  
Не ўзга халқдин ғайрат, не ўзимдин ўётим бор.

Биринчи мисрада гап ёр ва ағёр ҳақида. Ағёр — душман ёки ғаним. У юз жавр кўрсатган бўлса, ёр ёҳуд дўст минг ғам етказган. Шу боис ўздин ҳам, «ўзга халқдин» ҳам узоқлашилган.

«Рақиб», «ағёр» деганда биз салбий қиёфадаги инсон образи тўғрисида ўйлашга кўнишиб қолганмиз. Ҳолбуки, тасаввуф адабиётида «рақиб ва ағёр» ҳақидаги фикрлар нафсга доирдир.

Тўққиз мингдур бу нафс ҳашорати,  
Мудом өгарлидир аларнинг оти...

Юнус Эмро «Тўрт кишидир йўлдошим...» дейди. «Ул тўртнинг бири — жон, бири — дин, бири — имон». Охиргиси-чи? Мана эшитинг:

Бирн нафснмдур душман,  
Анда савашиб қолдим...

Заҳриддин Мухаммад Бобур ҳам «Шаҳвату нафс қавий душмандур», «Нафс ёғисини мағлуб этгил», дер огоҳлантиради.

Навоийнинг «Чекиб ағёрдин юз жавр...», дейиши, бу — «нафсу золим»га тегишли. «Ёр» эса вужуди мутлақдир. Нафсни енгиш — «ўзлик иморатин» бузиш. Акс тарзда «Не

ўэга халқдин ғайрат, не ўзимдин уётим бор», дейиши ҳолатига күтарилиш имконсиздир.

Кечиб күздин ёзай бир хатки, даҳр аҳлиға кўз солмай,  
Бу дамким кўз саводидин ҳаро күздин давотим бор.

Нега кўздин кечиб «бир хат» ёзиш керак? Фақат «даҳр аҳлиға кўз солмас»лик учунми? Иўқ, албатта. «Жон кўзи» Ёрни кўриб, «Дил ондин хабар» бергач, ҳусн шоҳи жон ичинда жойлашиб, «кўнгилни арш» айлайди. Бу — ботин кўзнинг очилиши:

Ботин кўздир Дўстни кўрган,  
Бу зоҳир кўз ёбондадур...

Кўздин кечиш ва «кўз саводи»га онд ҳақиқат асосан мана шу.

Тилар кўнглум қуши анқодин ўтса нори юз водий,  
Мунишгдек сайр этарга Қофдин ортуқ саботим бор.

Бу икки мисрада фано водийсига сайр эътиборда тутилган. Чунки анқо қушидан ҳам «нори юз водий»га ўтишга аҳли фано қодирлигига Навоийнинг ўзи гувоҳлик берган:

Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилки.  
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густоҳ.

Демак, шеър қахрамонининг анқо манзилидан ҳам «нори юз водий»га сайр этарга саботи етарли. Ахир, унинг кўнгли «Фэнс кучидин зўрбозу» истаётир. Ғазалининг сўнгги сайдини ўқиймиз:

Навоий, билки, шаҳ кўнгли манга қайд ўлмаса, биллаҳ,  
Агар кавнайнга хошок чоғлиғ илтифотим бор.

Ниҳоят, бош муддағ гапирилди: шоҳнинг кўнгли шоирга мойилмас. Шунинг учун икки дунёга ҳам унинг «хошок чоғлиғ» илтифоти йўқ. Профессор А. Ҳайитметов ғазал шоирнинг йигитлик вақтида яратилганига таяниб, ўша шоҳ «Навоийга душманлик назари билан қараб, унга Ҳиротда кун бермаган золим Абу Санд эди. Унинг даврнда Навоий Ҳиротда ниҳоятда қийналиб, бир пулга зор бўлиб, турнингга уйи йўқ, ейишга овқати йўқ ҳолда яшайди... Ҳиротдаги хушомадгўй феодаллар подшонинг Навоийга муносабати-

нинг ёмонлигини билиб, унга нисбатан яхши қарамаганлар. Натижада шоир юқоридаги ғазалда тасвирланган аҳволга тушган ва охири Ҳиротдан кетиб қолган», деб ёзади<sup>1</sup>. Ғазалдаги умумий руҳ, мистик кечинмаларнинг бафоят қуюқлиги, сўз ва оҳангдаги ғамгинлик шундай холоса чиқаришга асос беради. Аммо ғазалнинг ғоявийбадиий мундарижаси бошқа мулоҳазаларни ўртага ташлашга ҳам монелик қилмайди.

Алишер Навоий ғазалларидан бирида шоҳга мурожаат этиб, ўзни «Ўздин улуғроқ шоҳфа ҳожатманд» билдишга чақирган. Бу шоҳ — Оллоҳ. Ғазал хотимасида ана шу шоҳдан марҳамат кутилаётир. Шопрининг икки дунёни ҳам ҳошокча назарга илмаслиги бир золим подшоҳнинг муносабатигагина боғланса, шеърда аксинни топган илоҳий-фалсафий моҳият ўз-ўзидан майдалашади.

Югурма ризқ учун, не етса ҳақдин англаким, комил  
Не келтургил демиш, не гайдин етганин қайтормиш.

Навоий энг мушкул аҳволда ҳам шу эътиқодга содиқ қолганлиги ва Тангридан бошқасидан қўрқиши, шафқат тилашни ноқислик билганлиги шубҳасизdir.

Алишер Навоийдан яна бир мисол келтирайлик:

Оллимда табиби чора созим ҳам йўқ,  
Енимда рафиқи дилнавозим ҳам йўқ,  
Теграмда аниси жон гудозим ҳам йўқ,  
Бошимда шаҳи банди навозим ҳам йўқ.

Бекаслик азоби жонидан ўтган ёки ортиқ даражада мусофирилик тортган кишигина шундай ҳазин ва ғамгин сўзлайди. Эътибор беринг, ёлғизлик бир бечорани тўрт тарафдан қуршаб олгандай. Гап шундаки, Дўст билан дўстлашган юрак одамлардан табиблик ҳам, рафиқлик ҳам, анислик ҳам кутмайди. Чунки унга азалий Ёрдан яқин чора соз ёки дилнавоз бўлмайди, у «Бор» — деса, ошиқлик даъвоси ёлғонлигини исботлайди. Рубоийдаги «Йўқ, йўқ, йўқ»ларнинг ортида «Моҳим ҳам, шоҳим ҳам Ҳақдур!» — деган моҳият акс эттирилган. Бундай шеърлардаги алоҳида таъкидларда яна бир мақсад яширинган бўлиб, худонинг фазилатларига диққатни қаратади. Ҳудога ахлоқ томонидан ёндошилганда, юксак ва ўrnак сифатлар унда беҳисобдир. Пайғамбар ҳадисларидан бирида айтилганидек,

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961.

«Тангри покдир, покизаликни яхши күради... сахийдурки, сахийларни яхши күради...».

Ахир, Оллоқнинг иродасида нега сустлик, ноқислик сезилмайди? Нега у қадар чекинмайди? Нечун унга на бойлиқ, на шуҳрат, на салтанат керакмас? Нега у таъсирга берилмайди? Қудратидан нега у ҳаволанмаган? Ақлли одамларнинг ҳам хаёлига келавермайдиган бундай саволлар мистикларни жиддий қизиқтирган.

Берtran Расселнинг «Мистицизм ва мантиқ» мақоласида ёзилишича, дунёни мистик идрок этишда донишмандликнинг шундай бир унсури мавжудки, унга ҳеч қандай восита билан эришиб бўлмайди. Мистик маърифат нури ёруғида яшайди. Ўзгалар зўрға пайқаётган мавҳум нарсларни у ёрқин кўради. Унинг билими қаршисида ҳар қандай бошқа билим кучсиз ва ночор кўринади<sup>1</sup>. Мана шу маърифат «Худо — олий ҳақиқат, унда ҳамма-ҳаммаси муқаммал, мусаффо ва гўзал, унинг адолати парчаланмас, қарашлари зиддиятсиз», дегандай мантиқларни акс эттиргандир.

Ҳар қандай ғоя Шахс характерида илдиз ёзиб, Ўзликни ифодалагандагина қудрат касб этади. Мистикларнинг ўзлигига биз ҳурлик, руҳий шижоат ва инсоннинг мислсиз улуғлашувини кўрамиз. Чунки, улар, Эрих Фромм айтганидек, «худосифат инсонлар кучидан, инсон Худога муҳтоҷ бўлганидек, Худо ҳам инсонга муҳтоҷ деган ўша ғоядан чуқур руҳланганлар. Ва Худо билан инсон бирлигини — инсон Худо тимсолида яралган деб тушунганлар». Э. Фромм яна мистикларнинг тажрибаларида «қўрқув ва итоаткорликмас, шахс кучини тасдиқлаш ётади», — дея таъкидлайдики, чиндан ҳам мистикада Худонинг инсон устидан ҳокимлиги йўқ. Инсоний ўзҳокимлик бор. Шунинг учун ҳам бу таълимот шахснинг эрк ва истиқболи шахснинг ўзида, унинг ўзида истак ва эҳтиёж уйғонмагунча у ҳеч қачон илоҳийлашмайди, деб ўргатган<sup>2</sup>.

Маълумки, тасаввуф маънавий комиллик йўлини тўрт босқичга ажратгандир. 1. Шариат. 2. Тариқат. 3. Маърифат. 4. Ҳақиқат.

Шариат — тайёргарлик босқичи. Унда диний қонун-қоидалар, «Қуръон» ва ҳадислардаги ахлоқий, илоҳий кўрсатмалар пухта ўзлаштирилган. Шариат талабларини бажармасдан тариқатга ўтишга рухсат бўлмаган.

<sup>1</sup> Рассел Б. Почему я не христианин. М., 1987, стр 37—60.

<sup>2</sup> Фромм Э. Психоанализ и религия. «Сумерки богов». М., 1989, стр. 175.

Маҳмуд Шабустарий шариатни—пүст, ҳақиқатни—мағзга қиёслайди. Ва пүст билан мағз оралигини тариқат деб атайди<sup>1</sup>.

«Шариат — «қонун». Тариқат — «йўл». «Қонун» вужуд ва қалбни тарбиялади, «йўл» кўнгилни поклаб, руҳни нурлантиради»<sup>2</sup>. Тариқат йўлига пир етакчилигига қадам қўйилади:

Тариқатга сиёсатлиғ муршид керак,  
Ул муршидга эътиқодлиғ мурид керак.

Аҳмад Яссавий муҳаббат «буроқини миниб», «сир шаробин ичиб» руҳи қонган ва «ишқ боянида наво» қилган соликка нисбатан, «Андоғ ошиқ тариқатда жавлон қилғай», дейди. Лекин «сир шаробин» ичгунча қадар Йўлчи манзилни яқинлаштирувчи бир неча ахлоқий-психологик «жараён»ларни бошдан кечириши зарур бўлган. Е. Э. Бертельс бу тўхтам — мақомларни алоҳида-алоҳида характерлаб берган<sup>3</sup>.

«Лисонут-тайр»да бир қуш «кўп гуноҳ» қилиб уятга ботганлигидан нолиди. Пок васлга поклик билангина етишиш мумкинлигини ўйлаб ғамга ботаётганлигини айтиб, Ҳудҳуддан ёрдам сўрайди. Шунда Ҳудҳуд:

Бу гунаҳдин оримоқ эттинг ҳавас,  
Ул доғи осон эрур, эй булҳавас.  
Тавбадур они оритмоққа илож,  
Зулмати исён аро будур сирож,—

дейди ва бир ҳикоят нақл қиласди. Бу — «журму исён бирла» тийраҳол бўлиб жаннат развасидан қувилган «Одам Сафий алайҳиссалом ҳикояти». «Юз қаролиғ» толеидан кўп инграган бу Одам сарсон-саргардон, ғарифликда кун ўтказган. Лекин тавбаси туфайли чора эшиги очилиб, яна ҳайдалган жойига қайтган.

Тариқат йўлидан мақсад манзилига боргувчи ошиқ ҳам тавба қилмасдан илгарилай олмайди. Тавба — дастлабки мақом.

«Маҳбуб ул-қулууб»да тавба тўғрисида ёзилган: «Ҳақиқий тавба—ёмон феъллар туфайли келадиган азоб-уқубат-

<sup>1</sup> Маҳмуд Шабустари. Гюльшан-и раз. Баку, 1977, стр.57.

<sup>2</sup> Жуковский В. А. Человек и познание у персидских мистиков. С-Петербург, 1895, стр. 18.

<sup>3</sup> Бертельс Е. Э. Уша асар, 36-37-бетлар.

ларнинг олдини олмоқдир ва Ҳақ мадади билан у феъллардан чекинмоқдир.

Тавба — гуноҳкор банданинг кўнгил кўзгусини гуноҳ зангидан тозалайди; авф сайқали билан у кўзгунинг юзи ни ёритади. Тавба — бахтсизлик йўлининг охири ва тўғрилик йўлининг бошланишидир; у такабурлик ғафлатидан сесканмоқ ва башарият уйқусидан уйғонмоқ ва ўзининг нолойиқ аҳволини англамоқ ва беҳуда феълларини ташла-моқ, кўзга кўринмас ярамасликларни ҳис қилмоқ, керак-мас нарсаларга интилиш зараридан хабардор бўлмоқ... Тавба — инсонга хос саркашлиқдан воқиф бўлмоқ; киши-ни тўғри йўлдан оздирувчи нафс фасодидан ва кўнгил итоатсизлигидан нафратланмоқдир.

Тавба — Ҳақдан нажот тилаш вақти келганидир; банданинг нафсга тобеъ бўлишини тарк этганидир. Бу — кечани ёритувчи гавҳар, ҳар бир қора кун кечирувчи кимса-га лойиқ эмас. Бу тавфиқ шамини яхшиликлар йўлбошчиси ҳар кимга ҳам ато қилмайди...»<sup>1</sup> Шу маънода ҳам шариатдаги тавба билан тариқатдаги тавба ўртасида анча фарқ сезилади. Чунки Ҳаёл вужуди мутлаққа қаратилгандан сўнг ҳам гуноҳ ва тавба орасида тебраниш ўзлик камоло-тига тубдан зиддир. Навоийнинг қўйидаги рубоийсида шу масала талқини берилган:

Гар қилса киши қилиб гуноҳе тавба,  
Ул журмға бўлса уэрҳоҳи тавба.  
Қилимоқ неча тоҳ жумру тоҳи тавба,  
Бу журм ила тавбадин, илоҳи, тавба!

Навбатдаги мақом — вараъ, маъноси — тақво, парҳезкор-ликдир. Вараъ мақомида илк зоҳидларга ўхшаб ҳалол ва ҳаромни ажратишга жиддий эътибор қилиниб, «тотлифтотлиғ» ейиш, «турлук-турлук» кийиш майллари тўла ен-тилади. Қаноат туйғуси Йўлчининг кўнглига осудалик, ҳеч қандай таъма ва вужудий эҳтиёж чалғита олмайдиган хотиржамлик бахш этади.

Андоқки салоҳ анга вараъдин бўлди,  
Билғилки, фасод анга тамаъдин бўлди.

Алишер Навоий вараънинг самарасини покланиш ва

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Насрий ғаён муаллиғи Иноят Махсумов. Тошкент, 1983, 44-бет.

осойишталик деб эътироф қилгани ҳолда бошқа фикрни ҳам илгари сурган:

Навоийни вараъу зуҳд қайди ўзлукдин  
Халос қимади, эй ишқу май, магар ҳам сиз?

Вараъдан кейин «фақр» мақоми келади. Фақирлик дунё ноз-неъматларидан кечиш, моддий муҳтожликлардан устун келиб Рӯҳни бойитишдир. Ошиқ «нафс ширки»ни бу йўлдаги «балодур» деб англайди. Унингча, «Нуҳ умрию Сулаймон мулкига йўқтур бақо». Шунинг учун «атласу зарбофт сўзи» қўйиб «фақр этагин» тутмоқ лозим.

Ҳаводис дафъига шаҳ қўк ҳисори гар чиқсун,  
Ки фақр аҳли учун дайри фано дорул-амон бас,—

дейди Алишер Навоий. Лекин фақирлик тажрибаси осон эмас. Бунда руҳий заҳматлардан, ҳайратлардан, ишқий оғатлардан енгилмаслик керак. Хуллас, Навоий айтганидек, «Фақр дашти не қотиқ йўлдурки, солик ҳар неча Қиласа диққат бирла Ҳақ амрин адo, тақсири бор». Шуларга кўра ҳам фақрдан сўнгги мақом — «сабр». Бу мақомда солиқ ташқи дунё машаққатларига чидаш билан бир қаторда «ҳар не ҳақдии юзланса, таҳаммул пеша қилғай ва ҳар бало келса, сабр қилғай». Алишер Навоий сабрда эътиқод манзилини кўради. Собир кишининг доди, албатта тангрига етади:

Чун бўлди сабур тенгри додига етар,  
Собир киши оқибат муродига етар.

Сабр ранжни қанча афзун айлаб, «нечаким кўнгулни маҳзун» этмасин, у «зафар сори башорат»дир:

Нафс уйнга сабр ила иморат англа,  
Бесабрлигин анинг шарорат англа,  
Шу сабр сори анга ишорат англа,  
Сабрни зафар сори башорат англа.

В. Соловьев «Қуръон»да сабр «қалб поклиги ва ахлоқий эркни мўътадил сақлаш маъносида» битилган дейди<sup>1</sup>. Сабр мақоми тасаввуфда ҳам руҳ улуғворлиги, қалб поклиги ва ахлоқ ҳурлигини муҳофаза этиш воситасидир.

<sup>1</sup> Соловьев В. Магометъ. Его жизнь и религиозное учение. С-Петербургъ, 1896, стр. 41.

Сабр мақоми «таваккул» мақомига йўл очади. Бунда ошиқ ўзининг толенини ҳам, эртасини ҳам бутунлай маъшуқи азалга топширади. У тирикчилиги учун на ташвишланиди, на қайғуради. Чунки унинг улуғ посбони бор. Сўроқлардан сақланиш, шубҳага ўрин бермаслик, шафқат тиламаслик, ҳадия олмаслик — булар ушбу мақомнинг зарур шартлари дандир. Зеро:

Ҳар йўлғаки кўнглунгга ҳавас бўлғусидур,  
Тенгрига таваккул санга бас бўлғусидур.

Айрим олимлар таваккални тасаввуфнинг реакцион жиҳатларидан бири сифатида баҳолаб, меҳнаткаш омманинг синфиий туйғуларини ўтмаслашибир, мазлумларни ғоятда оғир ижтимоий шароитларда яшашга, пассивликка кўнигириган деб ҳукм чиқарадилар. Бизнингча, бундай ҳукм унча тўғри эмас. Ҳақиқий таваккалчилар учун жувонмардлик, имон ва эътиқод событлиги хос бўлган. Улар яратганинг ўзини ягона раҳбон ва фамхўр деб тан олишган. Шу боисдан таваккал йўлига тушган кишилар, кимлигидан қатъий назар, инсон қиёфасидаги «худоча»ларга бўйсунмаганлар. Бунда манфаат, дейликки «бир аёқ ош учун» маслагига хиёнат қилганлар кескин айланган. Алишер Навоийнинг қитъаларидан биридаги фикрлар бу даъвога далиллар:

Таваккулни улким қўюб хотириға,  
Тушар шоҳ оллинда қуллук ҳавоси,  
Насиби анинг бир аёқ ош эрур бас,  
Агар ганжи Қорун эрур муддаоси.  
Бирорким, бўлур бир аёқ ош учун қул,  
Юзига керакдур қазоннинг қароси.

Охириги мақом «ризо» аталиб, унда «ҳар не ҳақдин келса ва ҳар ким сабаб бўлса, мусаббибдин (сабабчидин) ўзга кишини арода кўрмагайлар. Варизо изҳорин ўзгалар тили ва кўнглига кирмагай.» Ризо сокинлик, ҳар қандай кулфат ёки хушнудликни ҳам ўзни йиғиштирган ҳолатда, бамайлихотир қаршилаш иродасини тарбиялади.

Қадимги Хитой файласуфлари, бошқаларга совуққонлик билан қара, ўзгаларни совуққонлик билан тингла, мушоҳада юритганда совуққон бўл, совуққонликда изтироб торт, деб талаб қилишган экан. Шундай талаб исломда ҳам бор. Совуққонлик — қизиққонликнинг тескари томони саналадиган бўлса, у — юзакилик, ўзни тутолмаслик ва худпарастликнинг кушандасидир. Ризо мақоми-

даги совуққонлик, донишмандлик, ички ҳурлик, бардош сингари хислатлар билан бирлика зуҳрланади.

Мазкур мақомлар тугагач маърифат босқичига кўтарилади. Маърифат илму ҳақиқатни эгаллаш, инсон ва Оллоҳ орасидаги яқинликни мукаммал англаш донолигидир. Йлоҳий маърифат ошиқни маълум дин ёки мушоҳадалардан беҳад баланд кўтаради.

Боқма эй зоҳид, ҳақорат бирла ашё сориким,  
Бўлмоғон онинг сифати мазҳари йўқ ҳеч зот.

Навоийнинг бу байтида маърифат «довон»идан ўтган кишининг нуқтаси назари акс эттирилган. Чунки билимда ўша юксакликка чиққан одам ҳеч пайт зоҳидга ўхшаб «ашё сори» «ҳақорат бирла» боқмайди. Балки ҳамма жой ва ҳамма нарсада Ҳақ сифотининг аксини кўради. Бундай киши эса ориф дейилади. Орифнинг мақсади ўз маъруфи, яъни Оллоҳга йўналгандир. Ориф илму илоҳийда танҳо, танҳоликда барчадан билимдон. Унинг Ақл назари ўткир ва кенг. Ҳеч ким кўрмаганни ҳам у кўриб, олам сир-асрорларини теран идрок этади. Лекин унинг тушунчаларини ўзгалар англашга қодир эмаслар. Аҳмад Яссавий демоқчи:

Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса,  
Ўн саккиз минг қомуғ олам ғулғул бўлур.  
Кўнгул қуши шавқ қанотин тутиб учса,  
Жумла вужуд ёдин сайрап — булбул бўлур.

Ҳа, орифнинг алами ҳам, шавқи ҳам «жон мулкида» кечиши, у «жаҳону жонни онинг садақаси» қилса-да, «Юз туман жону жаҳондин яхши жонон» ишқини халойиқдин пинҳон тутиши шарժ. Алишер Навоий ориф тилидан ҳатто:

Ичингда сирри ҳақиқатни ёшурай дер эсанг,  
Улустин, ул гуҳари бебаҳони пинҳон ют.—

дайди. Орифлик эътиқодига кўра, «билган — гапирмайди, гапирган — билмайди». Зотан, ориф — «маърифат оламинда бир уммон»дурки, у ўз табнатига хилоф тарзда сўз изҳор қилолмайди. Унинг «Ҳақ деяжак нафаси Ҳақддин» келиши учун ҳам «сўйлаяжак кўзлари» бамисли «Қуръон». Ахир у Ҳақддин бошқасидан узоқлашгач, на очлик, на тўқлик, на бойлик, на камбағаллик, на мақтов, на ҳақорат — хуллас, ҳаммасига бир зайлда бепарво бўлгач, орифнинг мана бундай қарорларга келиши ажабланарли эмас:

«Үз тилем чун истамас рознини ихфо айламак,  
Үзга тилдин не таажжуб бўлғай ифшо айламак...  
Кўз менга бас, тилем истарамким хўб эмас,  
Роз ифшо айламак, басдур тамошо айламак».¹

Шунинг учун орифга Ҳақдин қанча «ганж файз етса», «Иши дам урмайин ани ёшурмоқ». Алишер Навоий «Эрур орифқа ганж файз етса», деб бошланадиган қитъасида бу фикр исботига шундай қиёсий далил келтиради:

Қуёш акси тушуб дарё ичинда,  
Не мумкиндур анинг сувин тошурмоқ.

Дарҳақиқат, «ўтга солса ўтдин ёнмас», англаш азобла-ридан сира тонмас маърифатпарвар — бу, орифдур. Асло кўпирмас ва тошмас сокин Дарёдир ориф.

Шариатдан тариқатга ўтиш, маърифат босқичига кў-тарилишга нисбатан енгил. Бироқ «Тариқатни ҳақиқатга улаб», «Бу дунёдан дурру гуҳар» олиш ҳамма ошиқларга ҳам насиб этавермаган. «Жондин кечкан, хос қуллар»гина Ҳақиқат босқичига эриша билганлар. Аҳмад Яссавий:

Ҳақиқатнинг дарёсидин гавҳар олғон,  
Фаввос янглир ул дарёдин чиқмас бўлур,—

дейди. Бу ерда гап фанолик ҳақида. Фано — тасаввуфдаги энг мураккаб ва чалкаш масалалардан. Мирзо Фатали Охундов Жалолиддин Румий ҳақидаги мақоласида «на ҳинд файласуфлари, на ислом олимлари фано тушунчаси-нинг мағзини оча олмаган» ликларини айтган. Узликдан кечиб бутун борлиққа қўшилиб кетиш гояси дастлаб Будда томонидан ташвиқ қилингандеган қарашлағанинг кенг тар-қалганлиги маълум. Бироқ Е. Э. Бертельс фано ва бутпа-растлик таълимоти ўртасида умумий яқинлик йўқлигига ишонч билдирган.

Фано йўли — «банданинг Худо тарафиға сайди»нинг ниҳоясиdir. Бу ҳолат кўпинча ўзни йўқ этиш, тугалиш, янада аниқроғи, ўлимга нисбат ёсролади. Академик В. Зо-ҳидов сўфийларни «ўлимдан пессимистик, мистик натижа чиқариб, ҳаётдан тезроқ воз кечишга» даъват этувчиilar дейди. Агар умумий ҳукм билан чегараланадиган бўлса,

¹ Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. IV том, Тошкент, 1960, 330-бет.

сүййилар ўлимдан оптимистик натижа чиқарувчилардир, дейиш ҳам мумкин. Алишер Навоий ёзади:

Дединг: «Фано недурур?» Мухтасар дейин: «Ўлмак!»  
Ки шарҳни тиласанг, юз рисола бўлғусидур.

Фано дейилганда, «Ўлмак!» деган мухтасар жавоб билан чегараланмасдан, «юзлаб рисола» бўладиган шарҳлари билан ҳам изчил қизиқиш керакдир.

Хотам аталмиш бир сўфий, кимки тасаввуф тариқига кирмоқчи экан тўрт турли ўлимни бўйнига олиши зарур деган экан. 1. Оқ ўлим (мавти аби), бу — очлик. 2. Қора ўлим (мавти асад), бу — одамларнинг туҳмату бўхтонларига сабр. 3. Қизил ўлим (мавти ахмар), бу — ўз нафсингни енгиш. 4. Яшил ўлим (мавти азхар), бу — жулдурдан жанда тикмоқ.

Демак, тасаввуф адабиётида «ўлим» образлаштирилган ва у асл мазмунидан ташқари яна бир неча маъноларда фаол тадбиқ қилинган. Жалолиддин Румий ғазалларидан бирида «Ўлимга юз бургилу, пардани чок эт. Лекин лаҳатга элтгувчи ўлимнимас, янги руҳ туғдирувчи ўлимни танла», мазмунида сўзлайди. Алишер Навоий ҳам «Ёд этмак ўлум ёруғлуқ оҳангি эмиш», ёки «Ким, руҳни ўлмак сўзи равшан айлар» сатрларида Румий даъватидаги «ўлим»ни, яъни фанони назарда туттган.

Ҳамза Фансурий «Асрор ал-Орифин» асарида, «Фано» — ўлим сўзи Худодан бошқа барчасини маҳв этишни ифодалайди. Агар одам ўлимда ўзининг бутунлай ўлаётганини англаса, уни фоний бўлган дейиш мумкин эмас. Чунки унда Худодан ўзга ҳаммаси ҳали йўқотилмагандир. Ва бу фано аталмайди. Қачонки Худодан бошқа барча нарса маҳв қилинса, ҳеч шубҳасиз инсон ўзини ҳам, кимга сифи наётганилигини ҳам унугиб бирликка эришиб, фанолашади..., дейди Ҳамза Фансурийнинг фикрларида дикқатга молиқ мантиқ бор. Бу — фано воситасида жисман ўлишдан устун келиш туйгуси. Бу — инсон руҳининг боқийлигига ишончдир. Акс тарзда Алишер Навоий:

Не Ҳумоюн ердур, эй солик, ҳароби фано,  
Ким бақо важҳин кўрар жон ичра ҳамвори анинг,—

демаган бўлурди. Навоийнинг шеърний талқинларида «фано» — «жоми жаҳонбин», «риёву ужбу ҳасад» кушандаси, «гардун ғаму ранжи»дан фориғлик чораси, дил манзили ва ҳ. к.

Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос,  
Яна не суд керак ўзлукунгдин этса халос.  
Авомдин, демакни, ўзни қутқарай, эр эсанг,  
Ўзингдин ўзни қутулмоққа жаҳд қылғил хос.  
Кўнгул алил эса фориғ әмас хавотирдин,  
Жароҳат узра йигинмоқдуур чибинга хос.  
Ажаб эмастур, агар топти гавҳари мақсуд,  
Бирорки бўлди фано ашки баҳрида ғаввос.  
Оувч қоқармен ўз аҳволима таҳайюрдин,  
Рамида кўнглум эрур бу усул ила раққос.  
Десанг, бу йўлда ўлай, нафси бурун ўлтур,  
Ки ишқ шаърида гўё бу навъ келди қисос...

Бу ғазал мазмунини байтма-байт шарҳлайлик. 1-байт: Фано ҳарими ёки кўйига киришдан мақсад не эрур дема. Ўзлигингдан халос бўлишдан бошқа яна не мақсад керак сенга? 2-байт: Авомдан ўзни қутқарай деб ўйлама. Эр бўлсанг, ўзингдан ўзни қутқармоққа қатъий жаҳд қылғил. 3-байт: Кўнгил иллатли бўлса хавотирдан бўғилади. Чунки жароҳат узра чибин йигилади-да. 4-байт: Кимки фироқдан йиғлаб фано баҳрига ғаввослик этса, унинг мақсад гавҳарини қўлга олиши ажабланарли әмас. 5-байт: Ўз аҳволима ҳайратланганимдан қарсак чалурман. Ҳуркак кўнглум «эрур бу усул ила раққос». 6-байт: Ошиқлик йўлида ўлай десанг, аввал, нафси забун қил. Ишқ маслагидаги интиқом ана шу шаклда келгандир.

Эътибор қилдингизми, фано манзилида қанча мушкул муаммоларнинг тугуни счишларкан. Аслида «фано ҳаримиға» етгач на ўзликдан ва на авом қутқусидан, на кўнгул иллати-ю, на нафс зуғумидан қутилиш тӯғрисида ташвиш тортишга асло ҳожат қолмайди. Унда «гавҳари мақсуд» ҳам топилади, одамнинг ўз аҳволига ҳайратлари ҳам беҳад ортади. Лекин шоир фанонинг ёлғиз «Ўлмак»дан иборат әмаслигини асослаш учун шунга диққатни қаратади.

Машҳур олим И. С. Брагинский Жалолиддин Румий шеъриятида фано тушунчаси «ғавқулодда жасорат ила талқин этилган» лигини таъкидлаб, дейди: «фано» концепциясини «такаббурликка қарши хоксорлик» йўсинида характерлаш мумкин, бу эса алал оқибатда — ҳар бир алоҳида инсон шахсининг улуғланиши, демак, инсон эса мурракаб камолот йўлини босиб ўтиб, худога ўхшайди:

Аё сиз, жон чекиб, ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни,  
Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий — сиз, илоҳий — сиз!

Бизнингча, фанога доир тўғри шарҳлардан бири мана шудир. Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий фанони «такаббурликка қарши хоксорлик» мазмунларида атрофлича тадқиқ этганикларини аввалги ишларимиизда шарҳлаб ўтганмиз.

Тасаввуфдаги қатор мураккаб масалаларни тушунишда «фано» зарур «очиқ»дир, деса хато бўлмайди. Мана, Алишер Навоийнинг бир байти:

Гар фано даштиға киргунгдур сув худ кўз ёши бас,  
Лекин аввал зодсизлиқ зотини омода эт.

Биринчи мисрадаги фикр англашиларли. Аммо «зотсизлиқ зотини омода эт», дейилганда нима хусусида ўйлаш керак? Тўғри, уни «Ўзликдан кечиш моҳиятини ўзлаштиришга ҳозирлан», маъносида қабул этиш мумкин. Лекин бунда бошқа ишорат ҳам бор.

«Файласуфлар айтмишларки,— дейилади «Матла ул-эътиқод»да,— Тангри ўз зотини тарк этгандир ва ўз зотини тарк этмак эса унга буюк лаззатдир. Бироқ бу, лаззатдан бошқа бир нарса — завқ эрур. Фарқ шундадурки, завқ доимий, лаззат эса ўткинчи»<sup>1</sup>. Маълум бўлаётирки, Навоий «зотсизлиқ»да, биринчидан, Тангрининг ўзи намуналигини эслатган. Иккинчидан, бу ишдан туғиладиган завқнинг ўткинчимаслигига гўё ургу берган.

Фано борасида сўзлаганда илоҳий жозибанинг ролини ҳам унутмаслик лозим. Жозиба — икки турлидир. Бири — фаврий. Унга пайғамбар ва авлиёлар етишишган. Иккинчиси — тадрижий. Бунда илоҳий гўзалликни идрок этмоқ қобилиятига эга толиб ҳар бир нарсада муқаддас Руҳ ўз порлоқ шаклида зуҳрланиши учун азият тортади. Шундай жозиба натижасида инсон Тангридан бошқа барча нарсадан тамомила назарни поклайди. Сўнгра шу жозиба одамини «суратдан маънига» кўчиради. Ва унинг кўз ўнгига турган хаёлий шакллар, мавҳум нақшларни орадан кўтариб, уни ҳақиқий мақомга етказади.

Шунда Ҳақ тажаллиси огоҳ кўнгилга партав солади. Аҳмад Яссавийнинг таъриф беришича:

Тажаллинини мақомидур ажаб мақом,  
Ул мақомда ошиқ қуллар жавлон қилур.  
Қай кўнгулга тажаллиси партав солса,  
Беҳуд бўлуб ўзни билмай афғон қилур.

<sup>1</sup> Муҳаммад Фузулий. Асаллар, 5-жилд. Баку, 1985, 118-бет.

Тажаллий мақоми ҳам босқичларга ажратилиши илмий адабиётлардан яхши аён. Үнинг илк босқичи — тажаллий афъолда ошиқ ҳамма ҳаракатларини Ҳақ ҳаракатлари бағрига сингиб кетаётган ҳолда ҳис қиласи ва зоти мутлақнинг интилишларидан бошқасини кўрмайди.

Нарсаларнинг сифатларини Ҳақ сифатлари ичига чўмид кетаётганилиги идрок этилса, ошиқ илоҳий сифатлардан ўзга сифатни пайқамайди ва бутун борлиқни Дўстга дахлдор ҳисоблайди. Бу — тажаллий сифот. Учинчиси — тажаллий зот. Үнда жамики мавжудлик ягона вужудга сингиб ғойиб бўлувчи деб англанади. Вужуди мутлақ билан бирлашиш, яъни тавҳид, вужуднинг вужуд билан қовушишимас, балки инсон руҳининг илоҳий руҳга қўшилиб кетишидир. Тасаввуфга доир адабиётларда тавҳид мақоми атрофлича шарҳланган. Тавҳиди имоний, тавҳиди илмий, тавҳиди ҳолиий, тавҳиди илоҳий — булар тавҳиднинг даражаларидир.

— Нуктайи тавҳидни билган қила олмас баён,  
Ким баён қилдим деса, билгинки, қилмайдур билиб, —

дейди Алишер Навоий. Тасаввуфда тавҳидни билмоқ — илоҳий нурни мушоҳада қилмоқ, «соқийи тавфиқ илгидан» «май» ичмоқ. Ана шунда жон қайси, жонон қайси — буни ажратишнинг сира имкони қолмайди. Алишер Навоийнинг қўйидаги ғазалида айни шу моҳият ёритилган:

Жоним андоқ тўлди жонондинки, бўлмас фаҳмким,  
Жон эрур жоно эмас ё жон эмас, жонон эрур.  
Бўлса жонон, бордуур жон ҳам, чу жонон қилди азм,  
Жон кетиб жонон била, жондин менга ҳижрон эрур.  
Жон манга жонон учундур, йўқки жонон жон учун.  
Умр жонсиз қотиқ, жонсиз валие осон эрур.  
Борса жон, жонон йитар, гар борса жонон, жон етар,  
Кимсага жонону жонсиз умр не имкон эрур?  
Хуштуур жону жаҳон жонон била, жонон агар  
Бўлмаса жон уйлаким улмак жаҳон знандоқ эрур...

Жоннинг жононга бирикиши — бу, Анал ҳақлиқ. Яссавий ҳикматларининг мазмунига кўра, «Мен — Худоман» ту шунчасининг моҳиятини англолмаган нодон муллолар Мансур Халлож жасадини куйдириб кулинни кўкка совирганларида «Тоғ, тузлар Анал-Ҳақ», деб акс садо берганмиш. «Хуштуур жону жаҳон жонон била» деган эътиқодга содиқ ошиқлар учун ўлимдан кейин ҳам ўлим йўқ. Шу

маънода Юнус Эмроннинг мана бу фикрлари эътиборга лойиқдир:

Минг йил тупроқда ётарсам, ҳеч қўймасман Анал-Хақни,  
На замон керак бўларса, ишқ нафасин олиб келам.  
Иномағон кел ёним, дўст отини айтиб чақир,  
Қафан тўним пора этиб, тупроғимдан туриб келам...

Ибн Арабийнинг таъкидлашича, тасаввуф, ботинан ҳам, зоҳирان ҳам илоҳий ахлоқдир. Шунинг учун бу таълимот нағс «манзил»ларининг сирларига алоҳида эътибор билан қарашга ўргатади. Тасаввуф фақат инсоний, гўзал ва ҳур ҳаётдаги тирикликни ёқлади. Шунинг учун уни ахлоқнинг ҳусни деб таърифлашган. Тасаввуф аҳли — саҳоват, футувват, қаноат, диёнат, саёҳат ва ишорат аҳли. Булар инсон хулқидаги барча ноқислик, жамеки ёмонликлар билан курашувчилардир.

«Борғил, сен кўнгул уйингни орастга қил. Маъшуқанг кириб келиши учун жой тузат. Қачон сен чиқсанг, ўшанда у киради. Ва ўз гўзаллигини сенга сенсиз зоҳир қиласди», — дейди Маҳмуд Шабустарий. Бу foявний даъват тасаввуф билан боғланган барча шоирларнинг шеърларини ичдан нурлантириб туради.

## АҲМАД ЯССАВИЙ\*

Толибларға дурри гүҳар сочдим мано...

Аҳмад Яссавий

Маълумки, Аҳмад Яссавий туркий тасаввуф тариқати ва шеъриятининг асосчиси сифатида дунёга машҳур сиймо. Аҳмад Яссавийнинг шеърий ижодиёти асрлар мобайнида туркий халқлар томонидан севилиб ўқиб келинган. Узбек адабиётининг тараққиётидаги Аҳмад Яссавий ижодиётининг ғоявий-руқий таъсири жуда кучлидир.

Аҳмад Яссавийнинг туғилган йили маълум эмас. Лекин илмий адабиётларда вафоти 1166—1167 йиллар деб белгиланган. У Сайрамда Шайх Иброҳим хонадонида туғилган. Етти ёшида отасидан ажралиб етим қолган. Сўнг Арслонбоб номли шахснинг қўлида тарбияланган. Бу тўғрида Яссавий ҳикматларида маълумотлар мавжуд:

Етти ёшда Арслон бобом излаб топди,  
Ҳар сир кўриб парда бирла букиб ёпди.

Бошқа бир ҳикматда бундай сўзлар айтилади:

Ишққа қадам қўйғонлар Ҳақ дийдорин кўрарлар,  
Мусосифат маҳшарда ҳақдин савол сўрарлар.  
Сармаст бўлиб васфида ҳу зикрини кўрарлар,  
Арслон бобом сўзларин эшитингиз табаррук.

Уша замонларда Бухоро ислом илмининг Мовароуннаҳрдаги энг нуфузли марказларидан бўлган. Ва у ерда Туркистоннинг турли томонларидан толиби илмлар йиғилишган. Аҳмад Яссавий ҳам таҳсил учун Бухорога келади. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Ҳожа Юсуф Ҳамадоний ҳақида ёзди: «...Олим ва имоми раббоний ва орифи соҳиб аҳвол... Ибтиода Бағдодқа борди ва Шайх Абулисҳоқ Шерозий мажлисида мулозамат қилди ва иши юқори бўлди ва ўз ақронифа фикҳ илмида ва ўзга илмда, хусусан назар илмда фоиқ бўлди ва Шайх Абул Исҳоқ они

\* Бу мақола бир қадар ўзгартирилиб қайта босилаётir — И. Ҳ.

кичик ёшлиғ эканида күп улуғ поялиғ асқобиға тақдим қылур эрди ва күп уламодин Бағдод ва Исфаҳон ва Самарқандда ҳадис истмоғ қилди. Сүнгра барчани тарк қилди ва риёзат ва мужоҳадат тариқин илгари тутти ва машхур андоқдурки, тасаввуфда интисоби Шайх Абу-Али Фармадийғадур ва бу дебтурларки, Шайх Абдулло Жувайнний ва Шайх Ҳасан Симононий била сұхбат тутубтур. Марвда сокин бўлди ва андин Ҳирийга келди ва бир неча вақт иқомат қилди. Яна Марв аҳли мурожаат илтимос қилдилар ва Марвға борди...

Машхур Шайх Мұхәммадиддин Арабий ўз мусаннафотидин баъзида айтибдурки, Шайх Авҳадиддин Ҳомид Қирмоний Қуния шаҳрида менинг манзилимда эрди. Дедики, бизнинг билодда Юсуф Ҳамадонийки, олтмиш йилдан ортиқ шайхлиғ ва иршод сажжодасида ўлтуруб эрди, бир кун ўз зовиясида ўлтуруб эрдик, кўнглида ташқари чиқмоқ хутур қилди ва тариқи жумъа кунидин ўзга кун чиқмас эрдик ва бу анга оғир келдик, билмас эрдик, қаён борғай. Охир бир маркабға минди ва жиловини қўйди. То қаёнки, тенгри таоло элтса, борғай. Ул маркаб шаҳардин чиқти ва бодияға кирди ва борур эди, то ани бир вайрон масжид эшигига еткурди ва тутди. Шайх тушти ва ул масжидқа кирди ва қўрдик, бир йигит бошин муроқабаға тортибтур. Бир замондин сўнгра бошин кўтарди. Бир ҳайбатлиғ йигит эрди, деди: «ё Юсуф, менга масъала мушкул бўлубтур» ва зикр қилди. Шайх ул мушкулини ҳал қилғондин сўнгра дедики, эй фарзанд, ҳар қачон санга масъала мушкул бўлса, шаҳарға кел, дағи мендин сўр ва мени келурға ранжаға солма. Шайх дебтурки, ул йигит манга боқти ва айтти, ҳар қачон масъала манға мушкул бўлса, анинг ҳаллиға ҳар тош саннингдек бир Юсуфдур. Шайх ибн Арабий дебтурки, мен мундин билдимки, мурид таважжуҳ сидқи била Шайхни ўз жонибиға жазб қила олур эрмиш. Ҳожанинг ғарип ҳолоти ва ажиб мақомоти андин кўпрактурки шарҳ қиласа бўлғай...» Аҳмад Яссавий ана шу «олим ва имоми раббоний ва орифи соҳиб аҳвол» зотдан сулук одобини ўзлаштириб, зоҳир ҳамда ботин илмларидан сабоқ олади. Абулхолиқ Фиждувонийнинг «Мақомати Юсуф Ҳамадоний» рисоласидан англашилича, «Қуръон»ни чексиз мұхабbat билан тиловат қилиш ва Мұҳаммад алайҳис-салом даъват этган эътиқод йўлларидан юришда Ҳамадонийнинг ўз шогирдларига ўтказган таъсири ниҳоятда ибратлидир. Ҳамадонийнинг ориф кўнгли бутун махлуқотга мұхабbat тимсоли бўлган. У бағоят собир зот бўлган, фақирликни жуда улуғлаган. Унинг тўрт халифасидан бири — Аҳмад Ясса-

вий. «Хожа Юсуфдин сўнгра бу тўрт кишидин ҳар бир иршод ва даъват мақомида эрмишлар ва муридлар аниңг хизматида адаб ила мулоғим. Чун Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон сори азимат қилди», — дейди Алишер Навоий. Аҳмад Яссавий Туркистонга қайтиб ўз тариқатига асос соглаш, дин ва тасаввуф ғоялари тарғиби учун шеър шаклидан ҳам фойдаланган, яъни муридлар зикр чофида Яссавий яратган ҳикматларни ҳам ёд ўқишган.

Яссавий халқ бошига кўп қийинчилик ва мусибатлар ёғдирилган даврларда яшаб, ижод қилди. У турк ҳукмронлари — қорахонийлар билан қорахитойлар ўртасидаги урушлар ва уларнинг даҳшатли оқибатларини кўрган, шеърларида бу фожиаларга муносабатларини билдирган. «Нокас, хасис, беднёнат» золимлар ҳоким бўлган жамиятдаги шафқатсизлик ва маънавиӣ айнишлар баҳсида Яссавий ҳикматларидан бирида мана нима деган:

На онода раҳм қолди, на отода,  
Оғо, ини бир-биринга можарода.  
Мусулмонлар даъво қилур, ичар бода,  
Мастлиғ билан қариндошдин тонди, кўрунг.

Яссавийнинг дунёга назари, бизнинг давр кишилариникига нисбатан бошқача шаклланган. Шоирнинг ишқ, ҳақиқат, адолат, қаноат, диёнат сингари масалаларга ёндашибши ўзгача йўналишларда кечганлиги ҳам шубҳасиз. У ўз даври фарзанди сифатида ислом дини кўрсатмалари ва исломий ақндаларга таянган. Буни унинг ўзи ҳам эътироф қилган. Шоир ҳикматларидан бирида бундай сатрларни ўқишимиз:

Хушламойдур олимлар бизни ойғон туркни,  
Орифлардин эшитсанг, очар кўнгул мулкини.  
Оят, ҳадис маъноси турки бўлса мувофиқ,  
Маънисига етганлар, ерга қўяр бўркни.

Араб тили — ҳукмрон ва нуфузли тил деб ҳисобланган замонларда миллий тилда ижод қилишининг ўзи ҳам прогрессив интилиш эди. Машҳур рус олими А. Н. Самойлович Яссавий ҳикматлари ва Бурҳониддин Рабғузий асарини четлаб эски ўзбек тили ҳамда унда яратилган бадий асарларга муносабатда бўлмоғ мушкуллигини таъкидлаганди. «Девони Ҳикмат»нинг қачон ва ким томонидан тузилгани аниқ эмас. Энг қадимги қўллёмалари ўн еттинчи асрга мансуб. Муаллифлари вафотидан неча юз йил кейин шеърлари халқ оғзидан ёзиб олиниб, китоблари тикланиб, ўқиб,

ўрганилган шоирлар бўлганлиги кўпчиликка аён. Жуда қадимий бўлмаса-да, Яссавий ҳикматларининг қўлэзмалари сақланган. Ҳикматлар инқилобгача Қозон ва Тошкентда бир неча маротаба нашр этилган. Йўқни бор қилиш чорасизлиги кўндаланг турганда, борни йўқ қилишга йўл берилмагани маъқул. Аммо бу гап шунчаки мероспарастлик мазмунида англанмаслиги керак. Яссавийга нисбат берилган шеърларнинг барчасини жамлаб, илмий таҳлил орқали объектив баҳолаб, янги давр ўқувчисининг мафкурасидан ўрин оладиган жиҳатларини кўрсатиб, оммага етказиш адабиётшуносликнинг бурчи. Унинг ҳикматлари, «ўзбек тили тарихида қадимги ёзма обидалардан бирни сифатида аҳамиятга» эгалигини инкор этиб бўлмайди. Алишер Навоий рубойида бундай ҳақиқатни ифодалаган:

Оlam эли ичра гар гадо, гар шаҳ эрур,  
Не дардки, ул кўнгли аро ҳамраҳ эрур.  
«Қуръон»ни тиловат этсун ар оғаҳ эрур,  
Эл кўнглига чун даво каломуллоҳ эрур.

Аҳмад Яссавий ҳам худди мана шундай нуқтаи назар билан яшаган ва ҳикматлар айтган. Яссавий ҳикматларининг ахлоқий, фалсафий, илоҳий илдизлари тўғридан-тўғри «Қуръон» фоялари ва Муҳаммад пайғамбар ҳадисларинга бориб боғланади. Аҳмад Яссавий учун «Ўн саккиз минг оламға сарвар бўлғон Муҳаммад» пайғамбар таълимоти элни «ғариб бирла етимга» мурувватга чорлаши, «йўлдан озғон гумроҳ»ларга тўғри йўл кўрсатиши, «рост юриган қулини» фоятда эъзозлаши, «ёлғончилар қавмини уммат»га қўшмаслиги ва оллоҳдан ўзгага тобе бўлмасликка даъват этиши билан оламшумул қимматга эга эди. Агар биз масаланинг бу жиҳатини тушунмасак — Яссавий ижодиётини ҳам холис тушуна олмаймиз. Қадимий туркий адабий ёдгорликлардан бирида ўқиймиз: «Билингким, пайғамбар алайҳиссалом уч каррат айдиким, «Дин насиҳатдур». Айтурлар, «Ё расулуллоҳ, насиҳат не нарсадур?» Айди: «Мусулмонларга дину имон йўлини ўргатмоқдир, Тангрини билмакдур...».

Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам ҳоким руҳ — насиҳат руҳи. Лекин шоирнинг деярли барча панду насиҳат сўзлари битта мақсадга қаратилган. Бу — мутлақ ҳақиқатни билиш, ҳақни севиш — чунки «Ҳақни суйған ошиқлар» йўлдан озиб, нафсу дунё учун имонсотарлик қilmайдилар.

Тўғри юрган ошиқлардин Худо рози,  
Ошиқ иши осон эмас қилма бози,

Елғончилар ошиқ мен дер, Оллоҳ қози,  
Именини пучак пулга сотар әрмиш,

дәйди шонир.

Аҳмад Яссавий ҳикматлариниң ўқиганда бенхтиёр шундай хulosаларга келинади: Худо — инсон борлигининг энг олий зуҳуроти. Худо дилда яшайди. Бу Дил илоҳий жозиба касб этмоғи учун оллоҳ иноятила тубдан янгиланади. Мана шунда қалб доирасидаги Иңқиlob содир бўлади. Бу — ҳақиқий Йишқ. Одам ҳақ ва ҳақиқат дардида ўртаниб, ёнмоғи керак. Шу вазифани қай даражада уddyалай билишига қараб одамнинг одамлигини аниқлаш мумкин. У руҳан мутлақо эркинликка эришиши, ҳар қандай қарамликтан қутлиши лозим. Агар кишида Йишқ бўлмаса, ҳатто салтанат соҳиби сифатида довруғ таратганда ҳам у қуруқ жасадиди. Чунки «Йишқсизларни ҳам жони йўқ, имони йўқ». Йишққа етмоқ — ўтга тушмоқ.

Ишқ балоси бошга тушса нолон қилур,  
Ақлиниг олиб, беҳуш қилиб ҳайрон қилур...

Йишқ савдоси — оғир савдо. Бу савдодан ошиқнинг «уч юз олтмиш» томонига титроқ тушади. У кўнгилни турфа-турфа ҳайронликларга солади. Ва уни «Тун саҳарлар Ҳақ уйфотиб қон йиғлатар, Бедор қилиб ўз ишқиға дил боғлатар». Улуғ Яссавий ана шу бедорликлардан ва ишқий туғёнлардан сўзлади. Аҳмад Яссавий ибрат этиб кўрсатган ошиқ, аввало, Руҳи ва кўнгли «бўйи худо»га тўлган ШАХС. Унинг учун дардсиз одам одам саналмаганидек, ишқсизлар ҳам бамисоли ҳайвондур:

Дардсиз одам одам эрмас, муни англанг,  
Ишқсиз одам ҳайвон жинси, муни тингланг,

дёя огоҳлантиради у.

Аҳмад Яссавий ахлоқий поклик ва яхлитлик учун қайғурган донишманд. Яссавий Имон овозини тинглашга, ёмонлик билан яхшиликни фарқлашга, ҳалол нима, ҳаром нима — буни хатосиз билишга, ошиқликда ёлғон даъволарга берилмасликка, тўғриликин ёқлаб, эгрилика бўйин товламасликка ўргатади. У подонлик, бағритошлик, пинҳона ёнузликлардан кўп нолниди. Ҳар қанақа иллат ва қабоҳатнинг илдизи одамнинг онгига қуриб битиши керак. Ана ўшандада ҳеч қандай ғайриинсоний майл ва ноқисликлар одамлар аро муомала-муносабатларда кўкариб турмай-

ди. Бунинг улуғ чораси — илохий Ишқ, дейди Яссавий ҳикматларининг мантиғи. Чунки, биринчидан, «Тұғри юрган ошиқлардин худо рози». Иккинчидан, муҳаббат шавқидан хабардор киши «Ҳаром-ҳариш йиғиш молга» қувонмоқдан бутунлай ҳазар қиласы. Ниҳоят у «Нағс илгіда хароб, ад» бўлмоғдан ўзни қутқариш изтироблари билан яшайди. Шу зайлда «муҳаббатсиз халойиқдин» қочган ошиқ ҳатто дўстидан ажралганда ҳам ҳеч нима йўқотмайди. Балки юксак Рӯҳ эҳтиросидан маҳрум ожиз дўстидан кўра ишончли ва қудратли Дўстга қалбан қаттиқроқ боғланади. Ва бундай юрак табиий равишда фафлату иллатлардан тозалана боради. Бу тушунчалар эса ҳар бир сўғий ижодкорнинг матлаби. «Эътиқоднингни кундалик турмуш ташвишларидан баланд қўй, лаҳзалик ёки ўткинчи лаззату фароғатларга илохий ҳиссиётларингни қурбон этма!» — дейди сўғий шонр.

Худога муҳаббат, охирги нағасгача шу севги ғами билан кун кечириш, тавбаю тазарру, сабру тоқат ва маънавий шижаот, ёлғизликдаги хаёл ва тасаввур камолоти, тўғрилик ва самимият, нағсадан голиблиқ, фақру фано — булар тасаввуфдаги боиш масала ҳамда талаблардир. Аҳмад Яссавий ҳикматларининг мавзу мундарижаси худди шу ғоя ва масалалар талқинидан таркиб топгандир. Ҳақ ошиқларининг бутун диққат-эътиборлари муқаддас Рӯҳга қаратилган. Улар фақат худо ишқини тан оладилар. Бундай муҳаббат одамдан фавқулодда кўнгли поклик ва нағс эҳтиёжларидан озод бўлишни талаб қиласы. Мистик ошиқнинг битта ибратли хусусияти — ўз-ўзига муросасизлиги. Үнингча, шумлик ва гуноҳларни бекитмоқ ишққа хиёнатдир. Бугина эмас, «тоғдин оғир» ёзуқлари учун ҳатто «тоғи тошлар» ҳам сўқмоғи эҳтимолдан йироқмас. Шунинг учун у «Ишқ йўлида жон берганни армони йўқ», деган тушунчаларни эътиқод шиори билиб, маънавий-руҳий тозаланиш ранжу жафоларини бўйинга олмоғи шарт. Бу ҳақида Яссавий шундай ўғит берди:

Жафо чекмай ошиқ бўлмас, тингла ғофил,  
Жафо чекиб собир бўлғон бўлмас жоҳил.

Демак, жафо чекиб ошиқликка етишиш, биринчидан, ғофилликни ҳайдайди. Иккинчидан, жоҳилликка йўл қўймайди.Faflatdan қочиш — фаол тасаввурларга кенг йўл очади. Бу орқали илохий бўлса-да, моҳият ахтарилади. Моҳият излаётган шахс табиийки атроф-муҳитда содир этилаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қаролмайди. Агар диққат билан

мушоҳада юритилса, Яссавийнинг диний-ахлоқий фалса-фасида дунёдан юз бурилмайди, ёмонлик, жаҳолат, нодонлик, молнарастлик иллатларига ривож берган дунёни юракдан қувишига даъват этилади. Шу маънода шоир сўзлари «ноҳақ даъво қилғон» қози, имомлар, «ҳаром еган ҳокимлар», «дунё менинг» деб «жаҳон молин» йиққан гушна амалдорлар, «Оқни қаро қилғон» мулло-ю мударрислар, эл устига миниб олиб «тотлиғ-тотлиғ» еб, «турлук-турлук кийгон»ларга қарши кўнгулда нафрат уйготади. Бу қайдлардан «Яссавий мазлумлар томонида туриб фикран курашган шоир бўлган экан-да» деган хуносалар чиқарилмаслиги керак. У гарчи, «Етимлар бу жаҳонда хор экандур, Гарибларни иши душвор экандур» сингари мисраларида «кўнгли қоттиғ ҳалойиқ»ни шафқатга ва гариб, етим мазлумларга озор етказмасликка чақирган бўлса-да, феодал жамияти вакиллари қўл остида эзилган меҳнаткашларнинг ҳақ-хуқуқлари учун курашмоқни ўз олдига ғоявий мақсад қилиб қўймаган. Аҳмад Яссавий ўзи билан ўзи курашадиганлар ижодкори сифатида жуда эътиборли. У одамга ўз-ӯзини кечирмаслик сирларини ўргатади. Шоир ўз қалбининг энг чуқур жойларига назар ташлашни тарғиб этади. Шунинг учун ҳам унинг ахлоқий эътирозида шахснинг маънавий, илоҳий камолотига тўсиқ бўладиган инсондаги салбий ҳусусиятлар таҳлили табиий равишда изчилланиб боргандир. Аҳмад Яссавийдаги самимият — ошкораликда. Баъзан ундаги ошкоралик талабларига чидаш мушкул. Буни бадбинлик деб англаш нотўғри. Яссавий ҳикматларида бадбинликмас, ғамгинлик, маърифатли руҳни суюйдиган Дард ва Фарёд борки, улар инсоннинг ҳиссиёт фожналарини эрта англашга хизмат қиласди.

Олимларнинг эътирофларига кўра, гуноҳ масаласига диққатни тортмаган, гуноҳни англаш, ундан халос бўлиш омилларини кўрсатмаган бирорта ҳам дин йўқ экан. Ислом дини бўйича, гуноҳнинг аввали ахлоқ қоидаларидан чекинмоқ, имон ва диненатга хилоф иш тутмоқдир. Шу маъноларда гуноҳ, биринчи галда инсоннинг ўз-ӯзига зулм ўтказиши, гуноҳ — ахлоқдаги кучсизланиш. Гуноҳкорлик қонуний тарзда одамнинг ўзига нисбатан нафрат пайдо қиласди ва нафрат гуноҳдан қутқазади ҳам. Ҳатто баъзи христиан ва насроний мистиклари гуноҳни эзгуликнинг зарурий воситаларидан деб санашган экан. Уларнинг таълим беришларича, одам гуноҳ қилиб, кейин гуноҳини аниқ белгилаб уни бартараф этишда қўрқмасдан ҳаракат эта олса комил инсонга айланаркан. Гуноҳга иқрорлик — покланиш демак. Лекин гуноҳкорлик ёлғиз айбларингга иқрорлик деганигина

эмас, МОХИЯТНИ англаб, ҳақиқатнинг муқаддас эшигига калит солиш ҳамдир. Гуноҳ ҳиссиётларни енгиш — Аҳмад Яссавий ҳикматларида нафсни енгиш билан боғлиқ тарзда талқин этилади. Тасаввуфга доир китобларда кўрсатилганидек, нафсга қарши кураш нафс ал-амморани забун қилишдан бошланади. Чунки, у кишини зўравонлик, мунофиқлик, манманлик, ишратпараматлик, адоват, нодонлик, юзсизликка ундайдиган нафсоний қувватдир. Нафс ал-аммора билан кураш кўнгилни янги мақомга кўтаради. Бу — нафс ал-лаввома. Нафс ал-лаввоманинг асосий хусусиятлари, ўзни койимоқ, таъна-надомат қилмоқ, иккинозламачилик қилмасликни ўйлаш, хуллас, ахлоқ ва одобда маълум бир меъёрларга риоя этмоқ ва ҳаддан ошмасликдир. Навбатдаги босқич нафс ал-мулҳама. Мулҳама — илҳомли, илҳомланган демак. «Илҳом деганда кишига бирор сирли ҳодисанинг тўсатдан аён бўлиши тушунилади,— дейди профессор А. Рустамов,— «Нафс-и мулҳама» деганда эса кишида турли жозибали истакларни уйғотувчи куч тушунилади... Бундай нафс эгаларнга ҳаяжон, ижод, Фидоийлик, гўзаллик ва санъатни севици хислатлари хосдир»<sup>1</sup>. Тўртнинчи босқич нафс ал-мутманина деб аталади. Сабр, таваккал, тақдирдан рози-ризолик, миннатдорлик, ишонч, хотиржамлик — унинг асосий сифатлари. Нафс ал-розия — оллоҳ учун ҳаммасидан кечиб, ҳақ жэмоли гўзалликларидан ҳузурланишни шарт этиб қўяди.

Нафси ал-мардинийда нозик мижозлик, холиқ яратган барча нарсаларга меҳр, руҳий ёруғлик одатий ишга айланади. Ишқ фараҳ очади. Бу босқичда қалбнинг бутун ҳаракатларини оллоҳ бошқаради ва у «олам ал-ғайб»дан «олам аш-шаҳода»га парвоз қиласди. Халқдан Ҳаққа томон борган кўнгул, Ҳақдан халққа меҳру шафқат нурларини олиб қайтади. Ниҳоят охирги босқич — нафс ал-комилага етгач, юрак барча илоҳий сифатларни ўзида мужассамлаштириб комиллашади. Аҳмад Яссавий нафсга қарши жангга чорлаганда, ана шу «манзил» ва моҳиятга эришишни эътиборда тутади. Унинг таърифига биноан, нафс «ябон қушдек қўлга қўнмас» бир нарса. Бу «қуш» ўз ҳоҳишича «парвоз» эта-верса, одамни кундан-кун тўғриликдан оздираверади. Оқибатда эса:

Нафс йўлиға киргон киши расво бўлур,  
Йўлдин озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.  
Етса-турса шайтон била ҳамроҳ бўлур...

<sup>1</sup> Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент, 1987, 33-34-бет.

Шоир нафс бандаларига қарата, «Нафсни тебгил, нафсни тебгил, эй бадкирдор», деб мурожаат этади. Ва:

Нафсим мани йўлдин уриб хор айлади,  
Термултириб ҳалққа мани зор айлади,

дэя нафс учун «итдек кезиб» юрганларини ҳам сир сақла-майди. Хуллас, Яссавийнинг хуносалари шуки, нафс — ички, лекин жуда катта душман. У инсондаги бутунликни синдиради. Унинг амрларидан маънавий осойишталиклар барҳам топади. Шу боис «Нафсни тепиб меҳнат — етса роҳат» англанмоғи керак.

Яссавийда «Оллоҳ дарди сотқу эрмас, сотиб олсанг» деган мисра бор. У «оллоҳ дарди»ни ишқ ўтларида дилни ёқмоқ, покланиш изтироблари, таъма, ёлғон, макр, мансаб ва бойлик ҳирсларига қул бўлмаслик деб тушунган.

Қўзум намлиқ, дилим ғамлиқ, ман аламлиқ,  
Нечук илож айларимни билом, дўстлар.  
Бу ҳасратда, надоматда ёшим оқиб,  
Қаю тараф кетаримни билом, дўстлар.

Шоир бундай имконсизлик ҳолатларини ниҳоятда қадрлайди. Чунки у ҳасрат ва надоматда нақадар ортиқ ўртанса, ҳайратга ботса «ишқ сири»ни ўшанча теранроқ идрок этади. Унинг учун «ишқ сири» мана бундай моҳиятни ҳам қамраб олган: Инсон Ҳақиқат қаршисида оёққа тура билиш, оллоҳ олдида юзни ёруғ этгандек, ҳар бир киши Ўзлиги қаршисида ҳам қоматини букмаслиги шарт. Аммо бу енгил вазифамас, балки шунинг учун Яссавий тақдирнинг қоронғу ва туманли осмонларига ғамгин нигоҳ солгандир. Балки шунинг учун осмонда юлдуз кўрмаганидек атрофида ҳам комил Инсон кўрмагандир. Унинг «Доно топмай ер остиға кирдим, мано» дейиши, ҳар қалай, асоссиз бўлмаган.

Академик А. Е. Кримский туркий ҳалқларининг сўфийлик гояларига эътибори тўғрисида фикр юритиб Аҳмад Яссавий ижодиётини шу қизиқишининг эҳтиёжий маҳсули сифатида баҳолаган. Яссавий туркий адабиётдаги дастлабки мистик ижодкорлардан. Унинг мушоҳада ва ҳақиқат йўллари мистик тамойилга эга. Лекин у бу йўналишни ўзи кашф қилгани йўқ. Араб ва форслардаги тасаввуф адабиёти тажрибаларига таянган. Туркий ҳалқлар оғзаки ижодиётида яратилған диний қўшиқлардан илҳомланган. Яссавий ҳикматларининг вазни ҳалқ шеъриятидан ўзлаштирилиб, поэтик образларининг кўпчилиги оғзаки адабиётдан олинган. Бироқ Яссавий ижодиётини мистицизм тарихи, тасаввуф фал-

сафаси, энг асосийси, шарқ тасаввух шеъриятининг поэтик образлар системаси билан қизиқмасдан тўғри англаш ҳам, холис баҳолаш ҳам мумкинмас. Шу йўналишда ўзбек имида қандай натижаларга эришилди? Асосан Яссавий «ута реакцион шоир» деб қораланиб келинди. Тўғри, Яссавий ҳикматларидағи ғояларнинг «реакцион» эмаслигини тасдиқлашга бағишлиланган айрим мақолалар ҳам чиқди. Булар марҳум олим Эргаш Рустамовнинг «Аҳмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси» («Ўзбек тили ва адабиёти» журнали 1972 йил, 4 ва 5-сонларида), «Аҳмад Яссавий» («Тошкент оқшоми» газ. 1973 йил, 15 январь сони) номли мақолалари эди.

«Ўзбек тили ва адабиёти» журналида (1973 йил, 3-сон) босилган «Адабиётшунослик фанининг партиявилиги ва ғоявийлиги учун» деб номланган бош мақолада Эргаш Рустамов Яссавий «ижодини очиқдан-очиқ идеаллаштиришга» йўл қўйиб, «партиявилик принципини бутунлай унутган» тадқиқотчи сифатида айблангандир.

«Марксистик позицияда турган тадқиқотчига шу нарса аёнки,— дейилади ўша мақолада,— Яссавий «ҳикматлариға хос асосий хусусият илоҳиятга чекиниш, реал ҳаёт масалаларини ҳал этишдан қочиш, кишиларнинг кўнглини бу дунёдаги ҳаётдан совутиш, у дунё ҳақидаги ўта диний тасаввурлар билан алдаш, овутишдир. Шоир ўз ҳикматларида асосан диний-мистик образлар оламида яшаб, Мұхаммадни, уни кўмакчилари — халифаларини, мистикларни кўклардан ошириб таъриф қиласи ва идеаллаштиради. Э. Рустамов эса ана шундай шеърларни ҳам ижобий баҳолаб, унинг ҳақиқий мазмунини хаспўшлашга ҳаракат қиласи».

Мана, Сизга «марксистик позицияда турган» «аллома»-ларнинг фикри ва улуғ Яссавийга муносабати. «Илоҳиятга чекиниш» ҳақида илоҳиётни тушунган одам гапирганда эди, жаҳолатга ботиб Яссавийга тош отишдан бир қадар ҳазар қиласиди. Бугун очиғини айтайлик, сталинча партиявилик, синфиийлик ва ғоявийлик тушунчалари билан қуролланган адабиётшунослик ҳазарли бир кучга айланганди. У чинакам илмий баҳс ва текширишларга қодир эмаслиги учун ҳам сиёсий айномалар тўқиши ёки дарҳол душман ахтариб найзабозлик қилишга жуда моҳир эди. Унинг найзалари не-не ижодкорларнинг бағрини тилиб, қанчадан-қанча истеъодларнинг ўлимини тезлаштирамаган дейсиз? Эргаш Рустамовнинг ҳаётдан эрта кўз юмишига мана бу заҳарли сўзларнинг таъсир кўрсатмаганлигига ким кафолат бера олади: «Э. Рустамовнинг

Аҳмад Яссавий ҳақидаги мақолалари кишиларимизни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига зарар етказади. Яссавийнинг реакцион диний қарашларини тарғиб қилишга уриниш, уни прогрессив қилиб кўрсатиш мақола муаллифи нинг адабиётшуносликда партиявийлик ва синфиийлик позициясидан узоқлашганини, ғоявий позициясининг бўшашганини кўрсатади».

Э. Рустамов ёзган ўша мақолалардаги умумий бир камчилик, Яссавий шеърларини образли ижод намуналари шаклида таҳлил этилмагани, улардаги ахлоқий-диний ғояларни ҳозирги кун тушунчаларига мувофиқлаштиришга йўл қўйилгани эди, холос. Лекин улар «коммунистик тарбия»га зарар етказмасди. Билъакс кишиларни меҳрибонлик, шафқат, тўғриликка ундарди. Яссавий ижодиётини чуқур текшириб, ҳаққоний хulosалар чиқармоқ учун Э. Рустамовнинг ютуқ ва камчиликларидан маълум хulosаларга келмоқ мумкин эди-ку! Илмдаги зўравонлик, ақидапарастлик, қолаверса, саводсизлик, афсуски бунга эрк бермаган.

Мақолада «совет олимларининг кейинги текширишлари» Яссавийнинг «типик мистик шоир бўлганлигини ва ўзбек адабиёти, Урта Осиё ҳалқлари тафаккури тарихида умуман реакцион роль ўйнаганини исботлаб беради», — деган гап бор. Энди «совет олимлари»дан айримларининг «текшириш»ларига мурожаат этиб кўрайлил. «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг (беш томлик) биринчи томида Аҳмад Яссавий шеъриятн тўғрисида филология фанлари доктори С. Эркиновнинг шундай гаплари босилган: «Аҳмад Яссавийнинг мавжуд ижод намуналаридан келиб чиқадиган хulosалар ниҳоятда реакциондир. Уларда одамларни будунё азоб-уқубатларига бардош қилиб яшаш, охиратдаги баҳт-саодатга умид боғлаш ва бошқа диний таълимотлар поэтик қобиқда ваъз, панд-насиҳатлар йўли билан тарғиб этилади». Шоир ижоди намуналаридан «келиб чиқадиган хulosалар ниҳоятда реакцион»лиги эҳтимол ростдир. Аммо улар қайси хulosалар? «Бошқа диний таълимотлар» дейилганда ўқувчи нималарни тасаввур қилмоғи керак? Балким у бу дунёда пок ва тўғри умр кечирсанг, «охират» қийноқлари йўқ нарсалар демоқчи бўлгаидир? Илмнинг кучи шундаки, у олға сурилган даъволарини исботлайди. Исботлаш учун эса далил ва таҳлилга суюнади. Яссавийга мақтовнинг кераги йўқ. Унинг ижодиётидаги зиддиятларни таҳлил қилиш биздан масъулият ва маърифатни талаб этади. Маърифати саёз олимлик золимликдан ёмон. Чунки ў одамларнинг ишончига зулм кўрсатади, оқни bemalol

қора деб ваколат бераверади. Яссавийнинг «золимнинг жафосига» «оллоҳ» деб жавоб беришга чорлаши С. Эркиновни гўё ғоявий «жанг»га ундаиди. У ёзади: «Тўғри, Яссавий «золимнинг жафоси»ни қаламга олади, лекин у шу жафога чек қўйиш йўлларини кўрсатиш, ҳеч бўлмаса уни қоралаш ўрнига одамларни қаноатга, ўша золим жафосига бўйсуниб, реал ҳаёт масалаларини ҳал этишдан ўзини четга тортишга чақиради. Аниқроқ қилиб айтганда, халқнинг «қўйл-оёғини» ўша золимлар олдида кишанлаб қўйинши максад қилиб олади».

Аҳмад Яссавий реакцион-феодал тоифанинг дунёқарашини ифодалаган, дин ниқобида бадбинлик, таркидунёчиликни тарғиб этган, мазлум оммани золимларга тобе бўлишга чақирган тариқатнинг асосчиси сифатида ўзбек адабиётшунослигида кескин ва изчил айланган.

Академик И. Мўминовнинг ҳукми хулосасига кўра, «Яссавий мактабининг мистик таълимоти меҳнаткашларни синфий курашдан чалғитди ва шу билан уларнинг золимларга қарши курашига халақит берди... Яссавийчилик Мовароуннаҳр халқининг кучини Чингизхон ҳужумига қарши сафарбар қилишга салбий таъсир» кўрсатган.

Академик В. Зоҳидовнинг фикрича, «Аҳмад Яссавий Фаззолийга ўхшаб ўтакетган таркидунёчи мистик сўғизм билан Ислом динини бирлаштиришга, «келиштиришга» уринган «эклектиканидир». Мавриди келганда бир ҳақиқатни эслатиб ўтайлик. Асримизнинг буюк мутафаккир санъаткори Халил Жаброн ёзади: «Фарб шарқшунослари ва олимлари ал-Фаззолий тўғрисида тўла равищда юксак фикрда дурлар. Улар уни Шарқнинг тўнғич файласуфларидан ҳисоблаб Ибн Сино ва Ибн Рушд билан бир сафда қўядилар... Шарққа қараганда Фарбда Фаззолий тўғрисида маълумот кўп маротаба ортиқдур. Фарбликлар уни таржима қилишади, унинг таълимотини тадқиқ этиб, буюк максадлари, фалсафа ва тасаввупдаги фикру қарашларини барча тафсилотлари билан таҳлилдан ўtkазишади. Биз эса — араб тилида ёзувчи ва сўзловчилар ҳозирга қадар уни баъзан хотирлаб, у ҳақида гоҳида сўз очамиз — бизнинг диққатимизни ҳамон денгиз чағаноқларни жалб этади. Ҳаёт денгизи тун ва кунлар қирғоғига гўёки бундан ўзга ҳеч нарса чиқариб ташламаётгандек». Бу — Фаззолийнинг ворислари, яъни араблардаги аҳвол. Бизда Фаззолий асарларини оригиналда ўқиб теран тадқиқотлар яратишга интилиш ҳам бўлмаган. Шундай экан, унинг таълимоти ва асарлари устидан қандай қилиб қатъий ҳукм чиқариш мумкин? Бу қайси ҳақиқатга тўғри келади? Демак, Ясса-

вийни Ғаззолийга қиёсан айблаш ўзини оқладыган даъво эмас. Агар Ғаззолий мероси атрофлича ўрганилганда, Яссавий ижодиётига доир юзаки ва нотўғри баҳоларга алла-қачонлар чек қўйилган бўлармиди? Яссавий «мехнаткаш оммани эксплуататорларга қулларча итоатда бўлишга, ҳар қандай жабр-зулмга кўниб ва кўнишиб шукур қилишга» ўргатмаган. Нодонлик ва жаҳолатдан қонлар ютган буюк бир сиймо наинки насиҳатларини «нодонлик ва жаҳолатни тарғиб қилишга» қаратган бўлса? Бундай кескин айномалар унда қандай тўқилган? Яссавий шахси ва ижодига оид танқидлардаги муштараклик далил танлашдаги ҳамжиҳатликдан бошлангандир. Мана, яссавий шунослар ёътиборни қайта-қайта жалб этган ўша шеърий далилларнинг энг характеристиси:

Золим агар жафо қилса олло дегил,  
Илкинг очиб, зоре қилиб, бўйин сунғил.  
Ҳақ доднингға етмас бўлса гила қилғил,  
Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айдим мано.

Дейликки, Инқилоб арафасида бирор шоир шундай сўзларни ёзганида, ёътиroz билдириб «Нега одамларни зулмга чидашга чорлаётисан. Ноҳақликка қарши курашмасликни тарғиб этмоқни наҳотки шараф сезган бўлсанг? Ҳақдин эшитган сўзларинг ҳали шуми?» дея уни айбласа бўларди. Лекин ўшанда ҳам у адолатли танқид саналмасди. Нега? Жавобга шошилмайлик.

Яссавий даври билан бизнинг асримизни саккиз юз йилдан ортиқ вақт ва тарихий масофа ажратиб турибди. Яссавий ўз жамиятининг фарзанди. Унинг дунёқарашини шакллантирган муҳит талаблари ва ахлоқий, фалсафий, диний тушунчаларини ҳисобга олмасдан уни танқид қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Бундай ҳуқуқ йўқ ўзи. Истаймизми, истамаймизми, Яссавий ислом динига содик яшаган. Худога сифинган. Муҳаммад пайғамбарга эҳтиромини дариф тутмаган. Бироқ булар ўтмиш. Нимаики, ўтган бўлса, у — тарих. Тарихни эса ўзгаририб бўлмайди. Уни тушуниш керак. Яссавий ҳикматлари талқинида тарихни тушунишдан кўз юмилган.

Профессор Н. М. Маллаев ёзади: «Аҳмад Яссавий мазлумларга қарата: «Золим агар жафо қилса олло дегил»....— дер экан у бу билан мазлумларни золимларга қарши бош кўтармасдан худога... сифинишга, ҳар қандай курашдан воз кечишига чақиради». Тўғри, Яссавий худога сифинишга чақирган. Табиий савол туғилади: ўтмишда яшаб ижод қилган шарқнинг қайси улуғ шоири. худога

СИГИИМасликка чақирган? Ҳофиз ё Саъдийми? Навоий ёки Бобурми? Яссавий шеърида золимга қарши бош күттарма дейилмаган. Балки золимни енгишга даъват қилинган. «Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айдим мано», — дейди у. Бу юзаки эътирофмас. «Ҳақдин эшитиб» дегани «Қуръон»га ишора. Демак, ҳикматдаги ғояни у «Қуръон»дан ўзлаштирган. Афсусланарлиси шундаки, «бўйин сунғил» ибораси яратганга эмас, золимга «бўйин эг!» маъносида англанган ва изоҳланган. Ҳолбуки, биринчи икки сатрдаги мантиқ бундай: «Золим агар жафо қилса олло дегил. Муножотлар айлаб ундан мадад ва қувват тила. Ёлғиз ҳаққа бўйнингни ҳам қил!». Байтдаги фикр ана шундай тушунилиши ва шарҳланиши керак.

«Худонинг қўллаши яқин ғалаба. Бу мужда ила мусулмонларни қувонтири!» «Худо энг ишончли халоскор». «Оллоҳнинг ёрдами етгач ғалаба муқаррардур...». Булар «Қуръон» калималари. Муҳаммад Фузулий «Матал ул-эътиқод» асарида ёзди: «... Тангри одилдири. Бунга кўрада бурчлидурки, золимни жазоласин». Бундай ақидаларга Яссавий ишончсизлик билдирамиди? У учун «Қуръон» дунёning бош китоби ҳисобланган. Унинг эътиқодида бу китоб ҳоликнинг «арқони»дай гап. Шу арқонга осилиб юксаяпса талпинмаган киши золимнинг арқонига осилмоғига шак келтирмаганлиги учун ҳам «Золим агар жафо қилса олло дегил», дея кўрсатма берган.

Хўш, ғаддор золим мазлум бошида қиличини ростлаб турса-да, у «Олло» демоғдан нари ўтмаса? Курашдан чекиниш эмасми бу? Золимга нисбатан пассивлик яна қандай бўлиши мумкин? Яссавий ва ундан кейинги классикларимизнинг ҳам, дунёқараш ҳамда эътиқодларидан келиб чиқилса, у чекиниш ҳам, пассивлик ҳам эмас. Ривоят қилинишича, Мусо пайғамбар Фиръавн қавмидан қочиб ёлғиз, бечора ва оч-наҳор қолганида «Парвардигор, ёлғизман, хастаман, бечораман»— дея зорланибди. Ўшандай унга ғойибдан шундай овоз келган эмиш: «Эй, Мусо, мендек дўсти бўлмаган ёлғиздир, мендек табиби бўлмаган одам хастадир, мен билан алоқаси бўлмаган банда ожиз ва чорасиздир». Яссавий замондошлари ҳам худони энг содиқ дўст, барча чорасизликлардан қутқарувчи деб ишонишган. Бу учун уларни айблаш гумроҳлик бўларди. Навоий ҳам Яссавийга издошлик қилиб махлуқ, яъни яратилганданмас, Ҳолиқ — худодан мадад ва нажот сўрашни тарғиб этган.

Ҳеч иш ўлмас айру ҳолиқ амридик,  
Илтижо махлуққа келтирма кўп.

«Золим агар жафо қилса олло» дейишининг бошқа жиҳатини ҳам изоҳлаб ўтايлик. Золимлар жабру жафо ва ҳақсизликни зўрайтиришгани сайн хўрланган өмманинг ахволи оғирлашиб боради. Бу — табиий. Бироқ Алишер Навоий айтмоқчи, мазлум чеккан ранж ҳам зоеъ бўлмайди. «Зулму жафо ҳосили» нақадар кўпайса, зулмкорларнинг хотиржамлиги ўшанча емирилади. Навоий «Золимки эрур зулми жафо ҳосил анга» деб бошлинувчи рубойнисида:

Бўлмоқ хуш эмас қилғонидин хуъ дил анга,  
Уз зулмидин — ўқ ўлғусидур қойил анга,

дейди. Бу фоже қисматдан золим қочиб ёки қутулиб кетмоғи душвор. Негаки, у ҳақнинг жазосига маҳкум. Мазлумларнинг нолау фифонлари кўкка кўтарилганда яратувчи золимларни қаҳру ғазаб билан «мукофот»лайди. Навоининг қуйидаги тўртлиги худди шу масаладан баҳс этади:

Золимки шиор этти жафо поясини,  
Уз воясин истаб олди эл воясини.  
Қайдин топқай ҳаёт сармоясини,  
Ҳақ айлади қисқа умрин соясини.

Шундай қилиб, ўз ғараз ва манфаатларини кўзлаб элга жафо ўтказган золим учун «ҳаёт сармояси» йўқ. Наҳотки, шундай гаплар ҳам тадқиқотчиларга ҳикматдаги фикрларнинг мағзини очишга ёрдам бермаган? Яссавий тариқатнинг асослари ундан кейин ёзилган «Фақирнома» рисоласида ва унинг издошларидан бирининг «Жавҳорул аброр...» асарида ёритилган. Бу китобда Яссавий тариқатнинг суннатларидан бири «Золим ва муктадо кишиларга итоат этмаслик», — деб белгиланган. Шу далилнинг ўзиёқ Яссавийнинг «золимсевар» маслигини таъкидламайдими?

Ибн Арабийнинг айтишича, инсон ўзидан, ўзлик моҳиятидан юзага чиқармаса, ҳар қанча сифингани билан худо унга ҳеч нарса ато этмас экан. Яссавий бу каби тушунчаларни истисносиз ҳисобга олган. «Куръон»да қайта-қайта қайд қилинганидек, оламда ёлғиз худо енгилмас, ёлғиз у қудратиларнинг қудратидир. Бас шундоқ экан, Яссавий ҳикматидаги чақириқ «Худо ҳаҳр этса ҳар қандай золим енгилади. Ҳақни таниганлар ҳақ қадар шижоатли ва ҳеч пайт золимларга бўйсунмайдилар», мазмунида эканлиги ўз-ўзидан англанмайдими? Тўртлик моҳият этибери билан зулм ва зўравонликка қарши, кураш ва ғолибликка ундаш

руҳида айтилган бўлса-ю, ундан бутунлай тескарн хуло; салар чиқарилса. Бу фикрий тубанлик масми?

Тан олайлик, бизда шеър илмининг ривожи анча суст. Шунинг учун полифоник тафаккур хусусида ҳали жиддий ўйлаб кўрилмаган. Полифония — кўпоҳангли, кўпмаъноли дегани. Полифоник тасвир асар бағрига бир неча маъно ва оҳангларни сифдиришини заруриятга айлантиради. Бунда фикр чайнамайди. Шеър сўзбозлик ва маъно ялангочилигидан халос бўлади. Полифоник ифодалар шеърдаги маълум бир образ ёки белги таъсирида кўплаб ҳаётий ҳодисалар ҳақида фикрлашга йўл кўрсатади. Полифоник услубда тасвир ва муносабат гўё биринчи ўриида туради, тафаккур ялқовлиги ва фикрсизликка қандайдир аёвсиз қаршилик сезилади. Шеърхон айтилган сўздан айтилмаган сўзларда ҳақиқат кўплигини ҳис этиб, ўша ҳақиқатлар мушоҳадасига берилади.

Узбек адабиётида полифоник тафаккур Аҳмад Яссавийдан бошланиб, Навонӣ поэзиясида юксак босқичга кўтарилган. Яссавийнинг юқоридаги ҳикмати ҳам полифоник тафаккур маҳсули. Уни тасаввуф аҳли қўйидаги мазмунда қабул этишган. Ҳадислардан бирида «Рожаъна минал жиҳодил асфори илол жиҳодил акбар», яъни «Кичик курашдан улуғ курашга қайтмоқдамиз», дейилган. Бу улуғ кураш — нафсга қарши кураш. Дунёда нафсга тенг келадиган золим йўқ. Нафснинг ботиний зулмлари чегарасизdir. Яссавий қатор ҳикматларида нафсга золим сифатини берган: «Золим нафсим ҳеч қўймайин ўтқа солди». Ҳақни танимаслик, беғамлик, такаббурлик, ғийбат ва бўҳтон сўзлардан тилни тиймаслик, шайтонсифатлик, нодонлик — бу ларнинг барчаси Яссавий талқинларida золим нафснинг қилмишларидир. Хўш, «нафс бошини» янчишнинг чораси борми? Яссавийнинг «Олло дедим, шайтон мендан йироқ қочди, ҳаю ҳавас, моумонлик турмай кўчди», — сўзларини яна эслайлик. Ҳаю ҳавас ва барча майманликларнинг дояси нафс ҳам «олло» деганда енгилади. Бошқача қилиб айтганда, «олло сари тўлғонмоқ» — нафсдин кечмоқдир.

Эй бехабар, ҳаққа кўнгул югуртмадинг,  
Дунё ҳаром андин кўнгул совутмадинг.  
Нафсдин кечиб олло сари тўлғонмадинг,  
Бу нафс учун зору ҳайрон бўлдим мано.

Шунинг учун ҳам Аҳмад Яссавий «нафс бошинга юз минг бало» ёғдириш ташвишга тушганларга қаратади, «Золим агар жафо қилса олло дегил, Илкинг очиб зоре айлаб

бўйин сунғил» деган. Бу фикр «нафсдин кечиб оллоҳ сари» толпинмаган, яъни ишқи илоҳийдан маҳрум кимсаларга бир наснҳат бўлган. Бизнинг учун муҳими, бунда шоирнинг нафсга писбатан аёвсизлиги ва ботиний покланиш учун фикр қўзғашидир. Ахир, Навоий ҳам «То нафсу ҳаво қасри» йиқитилмагуича, «Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас», деган-ку.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари учун кўп овозлилик ҳам хос хусусиятлардандир. Унинг ҳикматларида орифнинг овози ҳоким. Улардан шайхнинг овози эшитилади. Баъзан бир ҳикматда ҳам ошиқ, ҳам дарвеш, ҳам донишмаднинг овози янграйди. Лекин булар орасида изчиллиги ва фаоллиги билан яна икки овоз алоҳида ажралиб туради. Улардан бири — гуноҳ «фалсафаси»ни тасдиқлайди. Бу — гуноҳкорлигини теран тушунгани кишининг овози. Мана, эшиting:

Сочи соқол ҳўб оқарди кўнглум қаро,  
Рўзи маҳшар раҳм этмасанг ҳолим табоҳ.  
Сенга аён амалсизман, кўпдир гуноҳ,  
Жумла малак ёзуқларим билди, дўстлар.

Бу овоз соҳибининг назари ўткир. У ўз гуноҳларига мардона назар ташлайди. Ва бундан тоқатсизланади, «Тоқатим йўқ агар боқсан гуноҳимга». «Гуноҳ дарди касал қилди бемор бўлдум», деган киши «беморлик»да Имон соғлигини қўзлаган шахсадир. Унда тан беришмас, тан бердириш қобилияти ҳам бор. Унинг «Не қилғайсан гуноҳларинг тоғдин оғир...», деган сўроқ сўзларини шунчаки эшитиш мумкинмас. Бу овоз ёлғизлиги билан диққатни чуқур жалб қиласди. Ва қалбда ўз-ўзинг билан қолиш, ўзлигинги текшириш изтиробларини қўзғайди. У инсон умрининг ҳаракат тарзини жуда нозик илғайди: «Аё ғофил, умринг сени ўтар елдек...» Елдек чопиб ўтадиган умрни мазмунли қилмоқ учун эса мардоналилк зарур.

Маълумки, IX асрда тасаввуфда маломатийя мазҳаби юзага келган. Бу мазҳабнинг маркази Нишопур бўлган. Е. Э. Бертельс маломатийя мазҳабига мансуб кишилар учун ўз-ўзини комиллаштириш, юракни поклаш бош вазифа ҳисобланганлигини ёзган. Лекин бу иш мутлақо шахсий ҳаракат тарзida атрофдагилардан яширин, қўз-қўз қилинмасдан амалга оширилиши шарт бўлган. Содда қилиб айтганда, маломатийя — бу, инсоннинг ўз-ўзини таҳлилдан ўтказиш, таҳлил этган сайин қурсу нуқсонлар учун ўзни аямаслик ва уларни маломат тилида фош қилмоқ йўлидир.

Бу йўлда одам барча ёмон хислатларини сира яширмасдан ошкор қилаверган. Аммо бунинг акси ўлароқ, у яхши фазилатларини қатъият билан пинҳон сақлаган. Ўзгаларнинг ёлғону риёкорликларидан сўз очиш осон. Бироқ ўзингдаги қаллоблик ва риёнинг пардаларини йиртиш матонатли ишдир. Маломатийачилар мана шундай матонат учун курашганлар. Аҳмад Яссавий ҳам мазкур мазҳабнинг на-мёндаларидан эди. Шунинг учун у ҳикматларида маломатийя қонун-қоидалари асосида фикр юритиб, одамни ўз-ўзига танқидий назар билан қарашга даъват қилгандир.

Дин гуноҳни қоралайди. Аммо гуноҳларига иқрорликни тўла ёқлади. Шарл Пеги «Гуноҳкор христианликнинг қалбини тушунади... Ҳеч ким христианликни гуноҳкор қадар англай олмайди...», дейди. Гуноҳ ҳиссиятлари Аҳмад Яссавий ҳикматларида диннинг дилини теран англаш истаклари билан ҳам чатишиб кетгандир.

Энди иккинчи Овоз ҳақида. У бошқа бир юксак моҳиятни очадиган илоҳий овоз. Инсон ҳаёти нечоғлик ўткинчи, кулфат ва машаққатларга тўла бўлмасин, у комилликка интилиши шарт. Қамолот йўлига тушган инсонни Виждон руҳий оғриқларга гирифтор этиб, аламга юзма-юз қилиб қўяди, юракни гуноҳ ва қўрқув, шубҳа ва ишонч оралаб олиб ўтади. Ўйғоқ Виждон энг охирги чегараларгача одамини ёлғизлантиради. Шундан бошлаб ўлим чекинади. Абадиятга чинакам ишонч шундан бошлаб туғилади. Бу Виждоннинг ахлоқ билан алоқаси йўқ. Қонун-қоидалардан йи-роқ. У эркин руҳ билан яшаш сирларини очади, ақлни толиқишлиарни енгиб, мутелик занжирларини синдиради. Бу виждон энг ноилож, энг кулфатли вазиятларда ҳам йўлсизликдан халос этади. Буни Шахснинг ўз Виждонинг бориши йўли деб атаса тўғри бўлади. Шу йўлни топган одамгина худо томонга талпинади. Талпинган сайин эса ўзига нисбатан муросасизликлари ортади. Аҳмад Яссавийда ана шундай. Буни у «ҳақиқатни дарёсидин» кечиш деб ҳам характерлаган:

Ҳақиқатни дарёсидин кечғон киши,  
Ўзи мунглуғ, кўнгли синуқ, кўзда ёши.  
Хорлиқ, зорлиқ, машаққаттур доим иши,  
Дийдорини талаб қилиб топар, дўстлар.

Яссавий «Ошиқ бўлсанг ишқ йўлида фано бўлғил, Диidor излаб, ҳасратид ҳадо бўлғил» сингари сатрларида ўлим учун «ўлган» кишиларнинг илоҳий-фалсафиј қарашлари-

ни ифодалаган бўлиб, ўлмасликнинг сирини ўзларича кашф этган зотлар шулардир. Хорлик, зорлик ва машаққатлар гирдобига ташлайдиган бир ғуссаларини улар юзлаб қувончга алмаштирмайдилар. Бунинг туб сабабларини холис тушишга уриниш керак. Гап шундаки, Яссавийнинг ғоявий бадиий анъаналари ўша замонлардаёқ қотиб ё тўхтаб қолмаган. У ёки бу шаклларда давом қилган. Навоий, Машраб, Махтумқули ёки бошқа шоирлар ижодиётида Яссавий анъаналарининг таъсир самаралари мавжудлигини қандай инкор этиш мумкин? Махтумқули «Кўрдингми» деб номланган шеърида «Ё, иқлим эгаси Аҳмад Яссавий, Менинг сохибжамолимни кўрдингми?» — дейди. Бу савол — мурожаат икки буюк санъаткор дунёқарашибаги яқинлик, ғоявий анъана ва таъсир самараларини очадиган фалсафий, ахлоқий, эстетик нуқтаи назарлардаги уйғунликдан далолат беради. Чиндан ҳам Махтумқулининг айрим шеърлари, ўнлаб сатрларининг туғилишида Яссавий ҳикматларининг таъсири шундоқ сезилиб туради. «Нафсим мени кўп юргурти ҳаққа боқмай», дейди Яссавий. Шу моҳият Махтумқулида «Ёронлар, йўллош бўлдум нафси ҳаво золимга» тарзida ифодаланган. Ёхуд унинг «Бад ишларга бой бўлдим, хайр ишга гадо бўлдим», деган фикрлари Яссавийда кўп маротаба деярли айнан учрайди. Бундан ташқари, дунё шеъриятида Яссавий тажрибалари алоҳида ҳодисамас-ку. Арман шоири Григор Нарекацининг «Мусибатномаси, Юнус Эмронинг девони умумий руҳи билан Яссавий тажрибаларидан айтарли фарқланмайди. Қолаверса, Яссавий Юнус Эмронинг салафи.

Ҳақдни мангага назар бўлди,  
Ҳақ эшигин очар бўлдим.  
Кирдим ҳақнинг ғазнасинага,  
Дурру гавҳар сочар бўлдим,—

дейди Юнус Эмро. Ахир Яссавий ҳам айни шу эҳтиёж ва мақсад билан ҳикматлар айтмаганми? «Толибларга дурру гавҳар сочтим мано», —деган Яссавий туркӣ шеъриятидаги Юнус Эмронга ўхшаш сўфий шоирларга:

Ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасавг,  
Ломаконда Ҳақдига сабоқ олдим мано,—

деган сабоқ бўларли фикрларни баён этган.

Албатта, Яссавийнинг муаллифлик масаласи мунозарали. «Девони ҳикмат»нинг кейинги асрлардаги нусхалари-

да шоир издошлари томонидан тўқилган нарсалар ҳам киритилган. Ёки ҳикматлар тили анча-мунча ўзгартирилган. Бу ҳақида кўп гапирилиб келинаётир. Лекин Яссавий ижодиётини адабиётимизнинг «хавфли майдони»га айлантирмасдан ҳақиқатни юзага чиқарадиган омилларни излаш керак. Устод Мақсад Шайхзода мана нима масалага диқ-қатни тортган эди: «Шубҳасизки, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ёзиб қолдирган «Ҳикмат» китоби кейинча тил жиҳатидан ва маъно томонидан қанчалик ўзгаришларга дучор бўлмасин, унинг асл вазни аввалги ҳолича қолган. Чунки бирорвлар илгариги вазни шунча илдизлардан ўзгартириб, қайтадан ишлашлари амри маҳол бўлур эди. Бу асарининг вазни эса автори аввалида ўзи ўйлаб ишлаган ҳолида сақланиб қолган». Демак, вазнга асосланиб тил ва маъно ўзгаришларини текшириш имкони бор. Нега бу ишни амалга оширмаслик керак? Ахир, шарқ поэтикасида вазн илми мустақил соҳа бўлган. У гарчи аруз вазни қонун-қоидала-ридан баҳс этса-да, Яссавийга ўхшаш шоирлар тажрибалирини тадқиқ этишга ҳам ёрдам кўрсатади.

Бултур «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Замон ва маданий мерос» номли давра сұхбатида профессор Абдуқодир Ҳайитметов «Йўлбарс териси-ни ёпинган паҳлавон»нинг энг олдинги нусхаси XVI асрга мансублиги, шуни деб грузин олимлари достонни ўрганишни тўхтатмаганлигини изоҳлаб, яна дейди: «1967 йили СССР Фанлар академиясининг юбилей мажлисида Дмитрий Сергеевич Лихачёв билан сұхбатлашган эдим. Кўп шоирларимиз асарларининг ишончли нусхалари йўқ, сизлар шу масалада қандай йўл тутасизлар, деб сўрадим. Маълум бўлишича, улар ҳам нимаики қўл остида мавжуд бўлса, шуни ўрганар эканлар. Яссавий, Машраб ва яна ўнлаб шоирларнинг қадимий девонлари йўқ. Лекин борини ўрганиш керак. XI асрда Яссавий деган шоир яшаб ўтганигини инкор қилиб бўлмайди-ку, буни Навоий ҳам, бошқалар ҳам айтиб ўтган».

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да ёзади: «Хўжа Аҳмад Яссавий — Туркистон мулкининг шайхул-машоийхидир. Мақомоти олий ва машҳур, каромоти матаволий (ҳайратланарли) на номаҳсур (чегарасиз) эмиш. Ином Юсуф Ҳамадонийнинг асҳобидиндор (сұхбатдоши)». Шундан сўнг Навоий Яссавийни Юсуф Ҳамадонийнинг бошқа халифалари Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андақийлар қаторида турганлигини таъкидлаб, охирида, «Ва анинг мазори Туркистонда Яssi деган ёрдаки, Туркистон аҳлининг қиблai дуосидир».

дәйди. Баъзи олимлар Навоий Аҳмад Яссавий ҳикматларидан намуналар келтирмаганлиги ёки унинг ҳикматна-вислигига муносабат билдиримаганлигига асосланиб, Яссавийнинг ўзи ҳикмат яратмаган, акс ҳолда бунга Навоий диққатни қаратарди, дегандай фикрларни илгари суришган. Умуман олганда, бундай даъво ўринли. Бунда бошқа бир далилни инобатга олмоқ зарурга ўхшайди. «Насойим ул-муҳаббат»да ўқнйимиз: «Ҳаким ота — оти Сулаймондор ва Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг муридидур. Ҳамоноки, бир кун, Ҳожа тобхе (овқат пишириш) буюргондурларки, матбахий (ошпаз) ўтун етмайдур деб келгандур. Алар асхобға дегандурларки, ёзидин ўтун териб келтурунг ва ул замон ёғин ёғодур экандур. Асҳабким, ўтун терибтурлар, матбах-ға (ошхона) келгунча ёғин жиҳатидин ўтунлар ўл бўлғондур. Ҳаким ота терган ўтунларни тўниға чирмаб, қуруқ келтургандур. Ҳожа Ҳазратлари дегандурларки, эй фарзанд, ҳакимона иш қилдинг ва аларға бу лақаб андин қолғондур ва Ҳаким отаға ҳикмат тили гўё бўлибтур. Андоқки, аниг фавониди атрок аросида машҳурдур. Ул жумладин бири будурким:

Тики турғон тўбадур,  
Борғонларни ютадур.  
Борғонлар келмас бўлди,  
Магар манэйл андадир».

Агар ушбу тўртликнинг тили Яссавий даврининг тили эканлигига гумон йўқ экан, унда Аҳмад Яссавий ҳикматларининг тил ва услубининг соддалигига ҳам шубҳа қўзғайвермаслик керак. Бу — бир. Иккинчидан, Ҳаким отанинг фақат лақабга эришиши эмас, унга «ҳикмат тили»нинг «гўё» бўлиши ҳам бевосита Яссавий таъсири билан алоқадорлигини Навоий фикрларининг ички мантифи тасдиқлаб турибди. Биз жўн ва якранг тушунишга одатланганмиз. Ҳаким отанинг терган ўтиларини «тўниға чирмаб» қуруқ келтиргани, бундоқ олганда, нима деган ҳодиса. Наҳотки, шунинг учунгина у ҳаким лақабига мушарраф бўлган бўлса. Бизнингча, бунда рамз бор. Бу рамзнинг мазмуни эса Ҳаким ота сиймосида Яссавий ўзининг содиқ муриди, ҳикматлар яратувчи издошини кўрганлигини билдиради. Ҳаким ота устозига тақлидан ёзилган бир байтида:

Барча яхши, биз ямон,  
Барча буғдор, биз самон,

деган. Ўзини самонга ўхшатган кишининг ижод намуналарини «қуруқ ўтун»га нисбат берилиши ажабланарли

эмас, албатта. Чунки, бу «ўтии»лар мухлислар қалбида алангаланиб ёнмоғи ҳам тасаввурдан четда қолдирилмаган. Э. Рустамов «Насойим ул-муҳаббат»даги «Ҳаким отанинг болалик чоғларида, ҳали Аҳмад Яссавий қўлида тарбия олиб юрган вақтларида ҳикмат айтишда гўё бўлгани» тўғрисидаги далилни, унинг «ҳикмат ёзишни Аҳмад Яссавийдан ўрганганига ишорат» деб белгилаши тўғридир.

Яссавий туркий тилда ҳикмат айтган файласуф шоир сифатида кўпроқ доинг таратган. Шундай бўлгач, унинг ҳикматларини «реакцион шайх»нинг поэтик қобиқдаги «ваъз»лари деб эмас, биринчи галда, сўфий шоирнинг поэтик асарлари ҳолида ўқиш ва тадқиқ қилиш лозим. Н. М. Маллаевнинг олий ўқув юртларига ёзилган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида Аҳмад Яссавий ҳаёти ва адабий фаолиятига маҳсус ўрин ажратилган. Унда шундай жумлалар бор: «Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларида мистика билан аскетизм», «сирлар олами»га ғарқ бўлиш, таркидунечилик, бир-бирига чатишиб кетади. Аҳмад Яссавий «Мавту қабла анта мавти» (ўлмасдан бурун ўлинг) деган тезисни илгари суради. Бу—киши бутун дунёдан, ўзлигидан, ҳаётининг неъматларидан воз кечиш, ўзни ҳар жиҳатдан қийнаб, ўлимни яқинлаштириш керак, яъни тирик мурда бўлиши керак, деган сўздир». Бу фикрларни асоссиз деб бўлмайди. Лекин уларда фано фалсафаси мутлақо инобатга олинмаган. Аҳмад Яссавий:

Мен йигирма икки ёшда фано бўлдум,  
Марҳам бўлиб чин дардликка даво бўлдум,  
Елғон ошиқ чин ошиққа гувоҳ бўлдум,  
Ул сабабдан ҳаққа сиғиниб келдим мано.

деган. Бу жойда «фано» поэтик образ. Ундаги мантиқни кимдир ўзликтан кечиб таркидунё этиш деб тушунар. Қимдир худо ишқига ғарқ бўлиш мазмунида қабул қиласди. Бошқа бирорда у фикр қўзгайди. Чунончи: фанолик бадбинлик ва тушкунлик аталадиган бўлса, унда шоир нега «чин дардлик» иборасини тилга олган? Ҳаётдан кўнглини совитган ва ўлмасдан бурун ўлиш қасдидаги кишининг ёлғону рост билан не иши бор? «Елғон ошиқ чин ошиққа гувоҳ бўлдим» — кўнгли юксак қандайдир бир ҳакам сўзларига ўхшамайдими бу? Ҳаққа сиғинмоқ — идеал. Наҳотки, юксак идеалдан одам аборглашса?

Аҳмад Яссавий бир ўринда «Ҳақиқатни маъносига етган киши, Беҳуд бўлиб куюб ёнар ичи тоши», дейди. Му-

тәфаккир шоир ҳақиқат маъносига етиб, шу тафайли «ичи тоши» ёришган одамлар дийдорини қўмсайди. Уларни хаёлан кўп ахтаради. Лекин тополмайди. Кимлардир унинг назарида ишқу эътиқодга содиқ кўрингандай бўлади. Аммо бундай кишиларда ҳам негадир риё сезади:

Кўз ёшингни риё қилма ҳақни тани,  
Ҳақ таоло сўйғанларни гирён қилур.

Шоир ана шундай чин гирёнларга инонади. Риё қилмасдан кўз ёш тўккан ошиқларнинг фикру қарашларини ёқлаб ҳикматлар сўзлайди. Ҳикматларини фақат «дили ойнадек» мусаффо содиқ ошиқлар эшитишларини орзу қиласди:

Менинг ҳикматларим ошиққа айтинг,  
Дили ойнадек содиққа айтинг.

Навоий «Нодонлиғ эрур элда малолатга далил» дея башорат сўзларини ёзиб қолдирган. Адабиётимиз тарихида нодонлик аталмиш оғатдан Аҳмад Яссавийчалик ранж чеккан шоир бўлмаса керак. Нодонлик — халқнинг кулфати. Нодонлик — ўзига хос ёвузлик. Нодон — ақл жаллоди. Мана шунинг учун Яссавий «Дуо қилинг нодонларни юзун кўрмай» дея ёлворган ва ўнлаб ҳикматларини нодонликдин шикоят мазмунларида яратган.

Дуо қилинг нодонларни юзун кўрмай,  
Ҳақ таоло рафиқ бўлса бирдам турмай.  
Бемор бўлса нодонларни ҳолин сўрмай,  
Нодонлардин юз минг жафо кўрдум мано.

Яссавий бу қарорга бирданига келмаган, албатта. У «нодон бирла улфат» ҳам бўлиб кўрган. Лекин бундай «улфатчилик»дан бағри кўпид, жондан тўйган. Мабодо эгрилик йўл аталадиган бўлса, нодоннинг йўли эгрилиkdir. Шунинг учун уни тўғриликка йўллаш самарасиз. Бесамар ҳаракат эса доно учун айни ғам заҳридай гап.

Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлиб,  
Бағрим куюб, жондан тўюб, ўлдум мано.  
Тўғри айтсан эгри йўлда бўйин тўлғар,  
Қонлар ютуғ ғам заҳрига тўйдум мано.

Яссавий «зоти билим либосидан маҳрум», калтабин ва ҳудпараст кимсаларнигина нодон санамаган. Балки у

«олимман деб китоб» ўқиб, «маъни уқмас»лар, фикрсизлик зулматидан руҳи сим-сиёҳ амалдорларни ҳам ашаддий нодонлар сафига қўшган. Унингча, «улув кичик ёронлардан адаб»нинг кетиши ҳам аввало нодонлик тазиқидан. Шоир ҳалол, ҳаромнинг фарқига боролмайдиган нафспараст ҳалойиқ учун «малоикдин» шарм қилади. У «Оқил эрсанг эранларга хизмат қилғил» деганида «Мұҳаббатни майдонида жавлон» қилиб, «Ҳақиқатни дарёсидан гавҳаролғон» мард кишиларни эътиборда тутади. Бироқ унинг ўзи шундай одамларни излай-излай, охири мана бундай ҳолатга етади:

Ер остиға қочиб кирдим нодонлардин,  
Илким очиб дуо тираб мардонлардин.  
Фариб жоним юз тасаддуқ донолардин,  
Доно топмай ер остиға кирдим мано.

Аҳмад Яссавийнинг донолик түғрисидаги тушунчаси — идеал тушунча. Шунинг учун доно одамлардан унинг талаби ниҳоятда катта бўлган. Масалан, у «Охир замон олимлари золим бўлди, Хушомад этгувчилар олим бўлди», десганида замоннинг охирлашганидан каромат қилишни ўйламаган. У олимнинг хушомади — золимлик, хушомад орқали олимликка эришмоқ — илм аҳлиниңг ихтиёрий равишда зулмкорлар сафига қўшилувидур деб билган. Ва бу қабоҷатда охир замон нишонларини пайқаган. Дарҳақиқат, олим билан золимни бирлаштирган замоннинг истиқболи нима ҳам бўлиши мумкин? Шонринг бошқа тўртлигидағи ҳукмича, «Доно туфроқ, нодонларни кўкси баланд». У «ҳақ таоло»га танқидий муносабатини билдирган. У оллоҳ висолинга талинмоқни сужди. Туну кун унинг хаёлида ёнади. Тангри даргоҳига ёруғ юз билан боролмаслигидан такрор-такрор ўқинади. Лекин буларнинг замирида кундалиқ ташвиш, ўткинчи ҳаваслардан кўнглини озод этишдек кучли истак ётади: Бу истакни эса Рӯҳ эрки учун жонбозлик фалсафаси деб аташ мумкин бўлурди.

Дунёпаст ножинслардин бўйин товла,  
Бўйин товлаб, дарё бўлиб тоштим мано.

«Дарё бўлиб тошмоқ» — фанолик шарофати. Давлатсевар, молпаст нокасларга бўйин эгмасликнинг асосий шарти фаноликдир. Инсон умри қисқа ва ўткинчилиги азалдан аён. Аммо у шуни яхши билса-да, ўзини дунёда ўткинчи ҳисоблайвермайди. Нега? Негаки, ишқ ва тафаккурда у боқийлигини топади. Аҳмад Яссавий шеърларини ўқиб,

«Нима учун унинг ориф юраги бу даражада бекарор, бу қадар озурда ва мискин?» — деган хаёлларга борилиши мумкин. Бунинг асл сабаби шундаки, илохий муҳаббатга берилган юрак осойишталигини буткул унугиди. Азоб ва дард ҳукмига тобе бўлиб қолади. Аслида, бу — юракнинг шодлик маросими. Чунки у энди бошқа ҳеч қачон, ҳеч вазиятда ғафлат тутқуни бўлмайди. У ердан, кўкдан, инсондан моҳият қиднради. Бу маъноларда Яссавий учун фано агадиятга интилишдан бўлак нарса эмасди.

К. А. Гельвеций шоирларга қарата: «Агар ҳақиқатни образли шаклларда тасвиrlамас экансиз, шеъриятни тинч қўйинглар», — деган экан. Бу фикрни ривожлантириб, «Агар поэтик образ «дили» ва «тили»ни тушунмас экансиз, шеър ва шоир устидан ҳукм юритманг», — дейиш лозим бўлади. Поэтик образ — фавқулодда серқиrrа «қурулма». Унинг асосий фазилатларидан бири — мазмунда «қатлам»-дорлик, туйғуда бўёқдорлик. А. Ф. Лосев «Поэтик образ ҳақида» мақоласида «Образ — бу поёnsизлик», деган. Шеърнинг руҳий ва ғоявий қудрати образда марказлаштирилади. Сўз сехри ва маъно қатламлари ҳам образ бағ-фида яширгандир. Шунинг учун Гегель «Қонунларнинг «афқатсиз кучидан, фикрнинг ноҳуш уйғунлигидан толиқ-данимизда поэтик образлардан ором ва софлик истаймиз», — деган эди. Яссавий кўпчилик ҳикматларида поэтик образга хос миқёсийлик, теранлик имкониятларидан самарали фойдаланган.

Бешак билинг, бу дунё борча халқдин ўтаро,  
Иномагил молингға, бир кун қўлдин кетаро.  
Ото-оно, қариндош қаён кетди — фикр қил,  
Тўрт оёғлиғ ҷўбин от бир кун санга етаро...

Ушбу сатрлардаги моҳият дунёнинг ўткинчилиги ҳақида. Елғиз шу тўғридами?

Аҳмад Юғнакий «Ҳиббат ул-ҳақойиқ» асарида очунни бир қўниб яма кетиладиган роботга ўхшатади. Ва кейин унга жонли сифатлар беради: дунё кишига гоҳо бир кулиб боқадио, кейин қош уйиб хўмрайиб олади. У — айёр, фирибгар. Бир қўли билан бол тутса, иккинчиси билан унга заҳар қўшади:

Бир элкин тутиб шаҳд, бири заҳар қотар.

У заҳарни четдан олмайди. Очун — илон. Унинг илондек юмшоқлиги ва ювошлигидан алданмаслик керак:

Иилон юмшоқ әркан ёвуз феъл тутар.  
Иироқ турху, юмшоқ теб иионмағу,

деб огоҳлантиради шоир. «Дунёнинг найранг ва афсунлари шулардангина иборат эмас. У сиртдан боққанда кўримли. Шу сабабли илонга ўхшамаслиги ҳам мумкин. Аммо ичиди барибир минглаб нохушлиги тўпланиб ётади. Очуннинг ташқи безакларига мафтун бўлиб, унга кўр-кўронада кўнгил бермоқ эса барча хатоликларнинг бошланишидир. «Дунё»ни ишвагар, субутсиз, алдоқчи, золим, бевафо қиёфаларида характерлаш туркий халқлар шеъриятида XII асрлардаёт гоявий-бадний анъана ҳолида шаклланган эди. Юсуф Хос Ҳожиб унга «йийиғ дунйа» бевафо дунё сифатини беради. Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Яссавий тасвирида ҳам «дунё» поэтик образга айлантирилганadir. «Бешак билинг, бу дунё, борча халқдин ўтаро»даги «дунё», биринчидан, Аҳмад Югнакий айтган, одамлар бир қўниб яна кетадиган «работ» маъносига эга. Иккинчидан, у инсон умрнинг кўзгусидай гап. Унга фикран назар ташлаб, умрнинг нақадар югуриклигини билса бўлади. Учинчидан, у тақдир тимсоли. Умрнинг елдай ўтиши тақдирданми ё дунёнинг ишими — билиш қийин. Шуниси аниқки, тақдирнинг аёвсизлиги олдида мол-дунёга иионмоқ нодонлик ва ғофилликдир. Тўртинчидан, бу олам шундай бир «майдон»ки, унда ҳамма охир-оқибатда «тўрт оёқли чўбин от» устидан жонсиз ястаниб кетмоққа маҳкумдир. Одам туғилса нега ўлади? Ўлса нега туғилади? Шарқ мутафаккирлари ўлимни тирикликнинг тескари ва тоза томони деб айтишган. Нега шундай дейишган? Бу ҳақиқатни қандай қилиб англаш мумкин? Турмушнинг майда ташвишлари ўлим қаршисида нимага арзиди? Инсон тириқ мурдага ўхшаб яшамаслиги учун Вақтни ўлдирмаслиги керак эмасми? Вақт қаҳридан чўчимаслик нима оқибатларга олиб боради? Бундай саволлар хусусида тинимсиз ўйлаш лозим. Ўлимни англаш — ҳаётни маърифат билан қадрлаш, одам фарзандини ғанимат билиш, манманлик ва жаҳолат «тулпор»ларига миниб ҳовлиқмаслик керак деган мантиқларни ҳам ўз ичига олади. Яссавийни йўлсиэлик пайтида саодатга бел боғлайолмаслик ҳислари қийнаган:

Аё дўстлар, ҳеч билмадим мен йўлимни,  
Саодатқа боғламадим мен белимни.  
Фийбат сўздин ҳеч йигмадим мен тилимни,  
Нодонлнгим мени расво қилди, дўстлар.

Аҳмад Яссавий учун саодат ва ҳақиқат ашёвий нарсаларга эга бўлишмас. Булар ҳатто мақсад ҳам эмас. Унингча, ҳақиқат Юракда. Ҳақиқат — Рух. Борлиқ, олам билан руҳан уйғунликка киришиш — олий саодат. Саодат — маърифат нурларидан оңг ва дилни тиниқлаштириш. Шоир ўз мавжудлигини Рух ва руҳий ҳаётдаги ўзгаришлар, тўлғанишлар, юксалишлар орқали идрок қилмоқни хоҳлайди. У инсондаги ички бойликни муқаддас билган. Шунинг учун ташки бойликлар, гуноҳ ва мутелик «нархи»ни оширувчи уларнинг ҳар қандай туридан у ҳазар қиласи.

Дунёдорлар молин кўриб ҳаво қилур,  
Манманликда ул даъвои худо қилур.

Бундоқ қарабланда, Мансур Халлож ҳам «Анал ҳақ» деганда худолик даъвоснда бўлган. Бироқ у дунёдорлик ҳавосигамас, руҳий камолотга ишонган. У шоҳ Жамшидга ўхшаб тожу тахт «ғурури ва азим давлат такаббури димонғига фосид хаёл солиб, оламни ўз ибодатига амр қилиб, ўз сурати била бутлар ясаб» сифиимоқ учун шаҳру кентларга юборган кибр ва шуҳрат қулларидан бўлмаган. Бойлик, такаббурик одамни ўз қавм ва элидан ҳам йироқлаштиради. Ҳаққа ёвуқлашиш сафаридаги киши эса табиат, жонли мавжудот, ҳаттоки «қурт ва қушлар»га ҳам яқинидир.

Яссавий поэтик фалсафасидаги бундай ҳақиқатларни Навоий мукаммал англаган. Англағани туфайли ҳам комилликка кўтарилиш, ҳаққа эътиқод, молу давлат учун жонсарак бўлмаслиқда «Турк пири», яъни Аҳмад Яссавийдан ўрнақ олишга даъват қилган.

Ҳар киши комил эрур, бас анга ҳақ бандалиғи,  
Мундин ўзга таман касби камол айламангиз.  
Олами фони учун ранжу мashaққат чекмангиз,  
Мол учун ғам емангиз, фикри манол айламангиз.  
Турк пири каби оламдин этакни силкнинг,  
Дўстдин ғайри таманном висол айламангиз.

Агар Яссавий «ўтакетган таркидунёчи», дунёқарали гуманистик ҳақиқатлардан йироқ, фалсафий-дидактика қарашлари «реакцион» бўлганида Навоий унинг «оламдин этак» силқишини намуна қилиб кўрсатармиди? Ёки улуғ шоир «Мол учун ғам емангиз, фикри манол (бойлик) айламангиз», дея Яссавийнинг «Дунё учун ғам ема, ҳақдин ўзгани дема» сўзларини деярли айнан такрорлармиди? Яссавийшунослар ушбу мисрадан шоир «Бу дунёни севма,

ҳаёт учун ташвиш чекма», демоқчи деган хулосаларга келишган. Навоий «Мол учун ғам емангиз» деб Яссавийдаги «дүнө» образининг маъносини шарҳлаган дейиш мумкин. Навоий шеъриятини яхши тушуниш учун — Яссавий ҳикматларидағи ғоя ва поэтик образларнинг тарихи ва мундарижасини яхши билиш лозим. Бунга истак йўқ экан, унда Яссавий ижодиётининг ғоявий-бадиий сирларини тўғри очиш учун — Навоий лирикасининг маъно ва образлар дунёсини кенг ўрганмоқ керак.

Мана, Яссавийнинг бир сатри:

Туфроқ бўлғил, олам сани босиб ўтсия.

Ушбу мисра Яссавийга кўп маломатлар ёғдирилишга боис бўлган мисралардан. Шоир худди шундай образли ифодалари билан гўёки «халқнинг қўл-оёғини» золимлар олдида кишанлаб қўйишни мақсад қилиб олган эмиш. Юзаки қаралганда, бундай таъналарда жон бордай, албатта. Дарҳақиқат, одам нечун «тоғ» бўлмасдан «туфроқ»قا айланиши керак? У «олам»нинг оёғи остида янчилиш учун туғилмайди-ку. Бу — ҳозирги ўқувчининг нуқтаи назари. У сатр мазмунини тахминан ўшандай англайди ва баҳолайди. Негаки, у «туфроқ» сўзини ўша жойда ё ўз маъносида ёки ўлиб хокка қоришиш мазмунида тушунади. Шу ўринда озорбайжон олимни Комил Валиевнинг «Сўзнинг сехри» (Баку, 1986) номли китобидаги мана бу фикрларга диққатни тортишни хоҳлардик: «Инжил» ва «Қуръон» Фузулий санъатининг ичиндадир. «Инжил» инсоннинг занфлиги, «Қуръон» инсоннинг қудрати устида яратилган. «Инжил»да инсон кучсиз, кўмак ва шафқатга муҳтоҷ, ҳар қандай зулмга чидамлидир. «Қуръон» эса инсонни империя учун сафарбар қиласи, инсонни кучли ва янада кучли бўлмоғини тарғиб этади... Кучсизлик ва кучнинг дини Фузулий шеърининг ботинидадир» (23-бет). Мазкур қайдларни Яссавийга ҳам тадбиқ қилиш мумкин. Яссавий санъатининг бағрида ҳам «кучсизлик ва куч дини» яширинган. Унда «Инжил» ҳам, «Қуръон» ҳам бор. Шоир ижодиётига «Қуръондан ўтган ғоя ва образлар сезиларли мавқега эга. Лекин улар қандай формаларда ва қайси мақсадларда ўзлаштирилганини аниқлаш зарур. Мана ўшанда ҳақиқат равшанлашиб, чин моҳият юзага чиқади.

Яссавий «Туфроғ бўлғил...», деганда катта мақсадни эътиборда тутган. Қелинг, аввало, Одам ато ҳақидаги афсонанинг мазмунини ёдга келтирайлик. Маълумки, диний

тасаввурлар бўйича худо дастлаб тўрт унсурни бунёд этган. Булар: ўт, сув, ер, шамол. Сўнг одам яралган. Бу ҳақида Абулғозихоннинг «Шажараи тарокима»сида ўқиймиз: «..Худойи таоло фаришталарга айтдиким, туфроқдин киши ясаб жон бериб ер юзинда ўз ўрнимга халифа қилиб қўятурман...» Бу ҳукмга фаришталар инсонлар ўз нафсларини забт қила олмайдилар, деб эътироз қиласдилар. Шунда худо айтганниш: «Ман билгонни сизлар билмассизлар. Боринглар, туфроқдин бир кишининг сувратин ясанг... Азройил алайҳиссалом худонинг амири бирлан бориб барча ер юзиндаги ҳар турлик туфроқдин олиб Маккан муаззама бирла Тоифнинг орасинда туфроқни балчиқ қилиб одамнинг сувратини ясаб ётғуздилар». Одам шамол ёрдамида ҳаракатга солиниб, олов билан жасади иситилганда қалби ҳароратга тўлибди. Ва яратғаннинг шафқату саховати туфайли вужуд ичидаги инсон ўз эркини тспибди. Тасаввуф фалсафасига биноан ушбу тўрт унсурнинг ҳар биридан тўрт хусусият, тўрт ҳолат, тўрт майл ва тўрт сифат юзага келтирилганниш. 1. Тупроқдан — сабр, умид (худонинг марҳаматига), эзгу хулқ ва муруват. 2. Сувдан — қувонч, саховат, назокат, бирлик. 3. Шамолдан — ёлғон, иккюзламачилик, сабрсизлик, тантиқлик. 4. Оловдан нафс, кибр, тама, ҳасад. Бундан ташқари, тупроқ оллоҳнинг мунааввар нури, сув — унинг ёруғ ҳаёти, ҳаво — буюклиги, олов — унинг ғазаби тимсоли. Тупроқ ва сув — жаннат мулки, шамол ва олов — дўзах ичидаги нарсалар. Ушбу шарҳу маълумотларни ёдда тутиб, «Туфроғ бўлғил, олам сени босиб ўтсин» сатрига яна назар ташланг. Тасаввурда нимадир ўзгардими? Албатта, ўзгарди. Чунки, «туфроқ» биринчидан, оддий сўзмас, поэтик образ экан. Иккинчидан, шоир диний ишончларга асосланиб инсонни эзгу хулқ соҳиби, муруватли ва илоҳий зот шарафиға эришишга чақирган. Яссавийдаги «туфроғ» образи худди шу маъно ва мантиқларда Навоий шеърларида ҳам тадбиқ қилинган. Мисолларга мурожаат этайлик:

Бу қадар манзилату қурби буюк поя била,  
Ўзини тутқувчи туфроғ ила ҳамвор қани?—

Туфроғ ила ўзни teng тутиш нима экан? Буюклик заминни. Хоксорлик пояси. Қибр, манманлиқдан покланиш. Инсонийлик мартабаси олдида бўлак мартабаларни назарга илмаслик. Навоийнинг бошқа бир ғазалидаги эътирофича, «Бевафолар ўт, вафо аҳли эрур туфроғ...» Мисрадаги «ўт»

ва «туфроғ» сўзларининг иккаласи ҳам поэтик образ. Шунинг учун — ўт образи орқали бевафоликни түғдирадиган шайтоний ва инсоний ҳирслар түғрисида ўйлаш керак. Вафо аҳли нега «туфроғ» эканлиги энди аён, албатта. Кўраяпсизки, Яссавийнинг «Туфроғ бўлғил» дейишининг бир сабаби Навоийда изоҳланган. Яъни бундай:

Эй Навоий, ўзин мақбул истасанг туфроқ бўл,  
Ким эрур мардуд, улким бошида пиндори бор.

Мардуд — рад этилган. Бунга сабаб — шайтоний такаббурлик. Демак, Ўзликни англаш, «ўзни мақбул» исташнинг зўр чораси тупроқсифатликдир.

Биз Яссавийдаги «туфроғ» образининг мундарижасини ҳали тўлиқ талқин этганимизча йўқ. Унда диний тушунчалар билан боғлиқ бўлмаган бошқа маъно «қатламлари» ҳам бор. Масалага кенгроқ қараб савол қўяйлик: Тупроқ нима? Тупроқ — Ватан. Тупроқ неча юз йиллардан буён не-не улуғ фарзандларини қучогига босиб келаётган мушфиқ замин. Шунинг учун биз уни эъзозлаб она тупроқ деймиз. У олис аждодларга оналик қилган. У ота-боболаримизнинг онаси бўлган. У бизнинг онамиз. Ва келажак наслларнинг онаси бўлажак. Оташнафас турк шоири Ошиқ Вайсал дейди:

Ҳавога боқсам мен ҳаво оларман,  
Тупроққа боқсам мен дуо оларман.  
Тупроқдан айрилсан қайда қоларман,  
Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир.

Ҳа, ҳақининг «ниҳон хазинаси» тупроқда. Тупроқ «дуоси» — Ватан дуоси. Чингиз Айтматов яратган Тўлғаной момонинг она замин билан ҳасратлашганларини хотирланг. У бир жойда «Умр ўтиб бораяпти, она ерим, орадан тағин бир йил ўтди. Бугун менинг сифинадиган куним», дейди. Ерга сифинмоқ одамийлик матлаби. Она заминига сифинган кишининг «Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир» дейинши, ишқ нурларини Ватан тупроғига бағишлиши шубҳасиздир.

Ўзбек адабиётида Ватан ҳақидаги фалсафий фикрлар Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бошланади:

Бошим туфроқ, ўзим туфроқ, жисмим туфроқ,  
Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ.

Яссавий байтининг иккинчи қаторидаги гапни хоҳланг, Ҳақ васлига етишишга орзуманд кишининг сўзи, хоҳланг, Ватан дийдори соғинчидаги комил Қалбнинг руҳ муштоқлиги деб қабул этинг. Моҳият бундан ўзгармайди. Чунки Ошиқ Вайсал башорат қилгандай Ватанига ёр одамгина илоҳий тилакларига етади:

Тилагинг бор эса иста оллоҳдан,  
Олмоқ учун узоқ кетма тупроқдан,  
Жумардлик тупроққа берилмиш ҳақдан,  
Менинг содик ёрим қаро тупроқdir.

Истеъдодли шоир Муҳаммад Солиҳ ёзади:

Сўзлагим келади — сўзларим тупроқ,  
Тупроқ сўзланимайди. У — тушунилар.

Яссавийга ҳамоҳанг фикрлар. Тўғримасми? Ахир, чиндан ҳам тупроқ тушунилади. Яъни, ватанпарварлик ҳавоий сўзларда оғиз кўпиртиришмас. Ватанинг англаш, тупроқ тилини билишдир. Бунда сўз ҳам, севги ҳам гўё тупроқdir. Абдулла Орипов эса:

Нечун бошинг эгик, нечун қаддинг ҳам,  
Нечун нигоҳинги тортади тупроқ?  
Менинг ер устида танишларим кам,  
Менинг ер остида дўстларим кўпроқ,—

дейди. Нигоҳини тупроқ тортмайдиган кимсалар ёвуз ва жоҳилдир. Дунёдаги барча нодон, хотирасиз барча гумроҳларнинг нигоҳлари тупроқдан узилгандир. Чунки ҳеч қачон ер остида уларнинг дўстлари бўлмайди. Улар ҳеч вақт тупроққа қоришиб ётган улуғлар учун (дўстлари учун) қадни ҳам қилишни идрок этолмайдилар. Бу ҳам ашаддий хотирасизлик.

«Тупроқ бўлғил, олам сени босиб ўтсин». Яссавий буни кимларга қарата айтган. Доно, янада тўғрироғи, ориф зотлирга. Оломонга-чи? Ҳар қалай, онги паст, руҳи қоронғу кимсаларга шоир унча инонмаган бўлса керак. Ниҳоят «олам сени босиб ўтсин» тушунчасига етиб келдик. Шеър жўн гапнинг жўнгина баёни эмас. Шеър теран фикру туйғуларнинг образли ифодаси. Аҳмад Яссавий шу имкониятдан фойдаланиб, Инсонни улуғликка чорлаган. Чунончи

Одам Ватан билан бирликка эришса, у нафақат ўз эли-нинг балки оламнинг эҳтиромига сазовор. Бундай кишини эл тушунади, дунё танийди. Бундай қудратли зотларни олам ҳам енгиб, босиб ўтолмайди. Мана, Яссавий сатридағи поэтик образнинг асосий мундарижаси ва ундан келиб чиқадиган оламшумул маъно.

Академик Д. С. Лихачёв сўзлари билан айтиладиган бўлса, «Ўтмиш ва ҳозирги замон маданияти ўртасида тескари алоқа мавжуддир. Бақт ҳамиша янги нуқтаи назарларни яратади ва эскига янгича қарааш, аввал пайқалмаганини кашф этишни талаб қиласди». Мана шу талабдаи орқада қолмаслик ҳамманинг вазифасидир.

## СУЛАЙМОН БОҚИРГОНИЙ

Сулаймон Боқирғоний тариқатда ҳам, шеъриятда ҳам Хожа Аҳмад Яссавий анъаналарининг давомчиси ҳисобланади. Боқирғоний Яссавийнинг учинчи халифаси. Хоразмнинг Боқирғон қасабасида дунёга келганлиги туфайли Боқирғоний тахаллусини олган. Туғилган йили аниқ эмас, вафоти тахминан 1186 йил деб белгиланган. У Ҳаким ота лақаби билан ҳам машҳур бўлган. Ўтмишда яратилган баъзи бир асарларда Сулаймон ота ва Ҳаким ота бошқа шахслар сифатида нотўғри қайд этилган.

Боқирғонийнинг дин ва тасаввуф, ишқ ва ахлоқ моҳиятидан сабоқ берувчи асарлари Туркистон халқлари ўртасида кенг тарқалиб, севиб ўқилган. Ҳусайн Воиз Кошифий Боқирғонийни «Дарвешлар аҳволидин туркӣ тилда калимоту ҳикмат омиз ва латойифу ибрат ангизлари Туркистон вилоятида маъруф ва машҳурдур ва аларнинг фавойиди анфоси құдсийларидан дур», деб таърифлайди.

Боқирғонийни ўтмиш аждодларимиз «ақли комил» ва «маърифати шомил», «қаноати тамом» ва «шукронай неъмати илоҳий»дан таълим ўргатган ориф шоир бўлганлиги учун қадрлашган. У «лутфу мурувват», «иззати мутавозе», «ахлоқи ҳамида», «сиққу садоқатни» улуғланганлиги сабабли асрлар давомида халқ меҳрини қозонган. Боқирғоний кўнглида «шавқи илоҳий ва завқи илоҳий» туғён қилган. Унинг тафаккур кучини тўғри белгилаш — тахайюл сирларини кашф этиш демак. Маълумки, ҳар қандай дин ва чинакам мистиканинг асосида «дунё»ни тарқ қилиш майллари мавжуддир. Лекин бу мавжуд оламга нафрат ёки бадбинлик ақидасини ифодаламайди. «Тарки дунёчилик» — руҳий машқ, олам гўзалликларининг мутлақ моҳиятига этишиш тажрибаси. Унинг мундарижаси жуда кенг ва инсоннинг ботиний ҳаётини тушунмоқ учун мислсиз бир «ҳужжат»дир.

Маълумотларга кўра, Ироқ Шайхи Хурросон Шайхига бир неча қийин саволлар билан мурожаат қилганида, саволларни у Аҳмад Яссавийнинг халифаларига йўллабди.

Тасаввуфга донир ўша саволларга Ҳаким ота шеър билан жавоб қайтарибди. Унинг бир байтида бундай дейилган экан:

Ҳар ким кўрсанг Ҳизр бил,  
Ҳар тун кўрсанг қадр бил.

Байт мазмунини биз нима деб шарҳлаймиз? «Инсон фарзандини камситма. Ҳар қайси одам Ҳизр тимсоли, уни қанча кўрсанг, ўшанча эъзозла ва манзур бил», деймизми? Бундай талқин ҳам Боқирғонийнинг панд-насиҳат сўзлари омма онгии «захарлашга» қўл келган дейишга асос бермайди-ку.

Мутлақ ҳақиқатга эришишнинг ягона йўли ва воситаси йўқ. Илоҳий ишқ калтабинликка зиддир. Чин ошиқ борки, барчасининг жони Жонон билан топишмоққа қодирдир. Маъшуқи азал ҳусн нуридан ёришмаган тун йўқ. Еру кўк, ою ва қуёш, тоғ ва дарё — хуллас бутун мавжудот унинг зоҳирий тимсоллари. Байт таркибидаги асл маъно ана шу. Демак, шоир бу ғояни илгари суришда вахдати вужуд таълимотига сунянган. Шунинг учун у «софий бўлиб», «ҳақфа ёниб», нафсга қаҳр қилиш билан қаноатланмасдан, «сирин халқдин гезлаб» Мансур янглиғ «Ҳақиқат бозоринда асир» бўлмоғни кўзлаган:

Қачон бўлғой висолинг, жамолингни кўрсам ман,  
Мансур янглиғ бўлубон дорда мажлис қурсам ман.  
Назар тегса ул замон, очилур чечак минг алвон,  
Фараҳ қилур бунда жон, жондин кечиб ўлсам ман.  
Жондин кечмай, иш битмас, нафси амморатима,  
Куруғ даъво суд этмас, ёлғон кўнгил берсам ман.  
Даъво тилем сони йўқ, ишқисизнинг жони йўқ,  
Дардсизларга даво йўқ, табибимдин сўрсам ман.  
Табиб сансан даво қил, ҳожатимни рово қил,  
Фазлинг бирла ёрий қил, йўлсиз қадам урсам ман.  
Қул Сулаймон сўзлади, сирин халқдин гезлади,  
Суратсизин излади, керак дийдор кўрсам ман.

Қўраяпсизки, Боқирғоний «нафси аммора»ни тилга олиш билан шеърхонни ботиний иллат ва нуқсонларга қарши туриш, улардан кўнгилни поклашга чорлаган. Унинг талаби — ишқ ва имон ростлиги. Куруқ даъво ва риёни лаънатлаган донишманд бир шоир ижодиётини таҳқирлаб қандай айномалар тўқилмаган дейсиз?

Олим Шарафиддинов, Сотти Ҳусайннинг 1939 йилда чиқ-

қап «Ўзбек адабиёти» мақоласидан ўқиймиз: «Яссавий ва Боқирғонийнинг асарларидан кўзга ташланадиган хусусият тилнинг соддалиги, ифоданинг равшанлигини ва форма томонидан фольклорга яқин туришидир. Бу ҳол то сўнгги йилларгача у асарларнинг халқ ичидаги тарқалишига ва ўқилишига сабаб бўлди. Бизнинг қўлимизда бу асарларнинг эски нусхалари йўқ, фақат кейинги асарлардаги кўчирмалар бор. Шундай бўлса-да, уларнинг тилини ўз даврида ҳам ҳозирги нусхалардаги тилга яқинлигини қатъий дарво қилиш мумкин. Чунки кенг қишлоқ халқи, чорвачилар оммасини сиёсий курашдан, эрк учун курашдан қайтариб, бу дунёни сотиб, охиратдан умид қилишга чақирувчи асарнинг тили халқа яқин бўлиши зарур эди. Ҳар қандай диний байроқ билан чиққан адабий оқим сиёsat билан бевосита боғланган, ўз идеясини халқ англайдиган бир тилда тарқатишга уринган».

Ўз идеясини халқ англамайдиган тилда тарқатишга уринадиган адабиёт ҳам борми? Эрк учун курашга чақирувчи асарнинг тили халқдан узоқ бўлиши зарур деб айта оламизми? Ахир, ахлоқ комиллиги ва Рух ҳурлиги учун азият чекиш наҳотки эркка тўсқинлик қилган бўлса?

Аҳмад Яссавий тариқатининг моҳиятини «ўтакетган таркидунёччилик, мистик сўғизм билан ислом динини бирлаштиришга урининиш» деб баҳолаган академик В. Зоҳидовнинг айтишича, Сулаймон Боқирғоний «ўзининг «Охир замон», «Боқирғон» номли асарларида, айрим ҳаётийлик руҳидаги моментларидан қатъи назар, асосан ўз устози Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг таълимотларини яна ҳам оммабоп қилиш ва тарғиб этиш билан машғул бўлган».

«Ўзбек совет қомуси»да у «Ўрта Осиё ижтимоий фикр тарихида ўта реакцион из қолдирган Аҳмад Яссавий таълимотининг давомчиси... Омманни итоаткорликка, дунё гўзалликларидан воз кечиб, «у дунё» фароғатларига ишонишга чақирган... шеърлари соддалиги, поэтик жиҳатдан халқ қўшиқларига яқинлиги учун ҳам омма орасида кенг тарқалиб, онгини заҳарлашга қўл келган» шоир қиёфасида элга танитилган. Соддалиги, поэтик жиҳатдан халқ қўшиқларига яқинлигидан шеърлари омма орасида кенг ёйилган шоир — ҳазилакам шоир бўлмайди. Зоро, у кўпчиликнинг кўнглига йўл топа олган. Бу мантиқ омма онгини заҳарлашга оид фикрни ўз-ўзидан йўққа чиқармайдими? Ёки халқ қўшиқлари поэтикасида ҳам онгни заҳарлайдиган «унсурлар» борми?

«Сулаймон Боқирғоний шеърларидан ташқари, деб ёза-ди профессор Н. М. Маллаев, — «Охир замон китоби» ва

«Биби Марям китоби» деб аталган икки достон ҳам яратган. Диний сафсаталардан иборат бўлган бу достонларда ҳам, у қулдек тобеликни тарғиб қиласди, дўзах азоблари, қиёмат қойим бўлиши ҳақидаги афсоналар билан халқни даҳшатга солмоқчи бўлған».

Диний мифология ва тасаввух фалсафаси Боқирғоний достонларига бутунлай ўзгача шигоҳ билан қарашиб, уларнинг мажозий мазмунларини бошқача йўналишда талқин қилишни талаб этади. Шоир достонлари бу дунёни дўзахга айлантирмаслик, нафсу ҳавога берилиб халқ бошига қиёмат азобларини солмаслик, онг қуллигидан халос бўлиш, дин қудратини улуғлаш каби маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини ифодалайди. Улкан турк олимни Муҳаммад Фуод Куприлизода «Охир замон китоби» ва «Биби Марям китоби»ни «Ўрта Осиёда, шунингдек, Идил атрофларида дикқат ва ҳарорат билан ўқилган асарлардандир», деганида, «диний сафсаталардан иборат» эканлигига ақли етмаганими? Дин ва тасаввухнинг билимдони, дунёга машҳур олим жаҳолат ва даҳшат уруғларини сочадиган шеърий ифодаларни халқ дикқат ҳамда ҳарорат билан ўқимаслигини наҳотки англамаган?

Н. М. Маллаев Боқирғонийнинг «реакцион шеърлар» яратишими бевосита Аҳмад Яссавийга боғладайди: «Боқирғон китоби»даги шеърлар гоясий услуби ва тили жиҳатидан Аҳмад Яссавий шеърларига шунчалик яқин ва монандки, баъзан уларни бир-биридан ажратиш ҳам амри маҳолдир». Фоя, услуб, тилда чиндан ҳам ўхшашлик кучли. Қул Сулаймон, Ҳаким Сулаймон, Ҳаким ота лақаблари билан ёзилган шеърлар шакл ва маъно, образ ва оҳангларда Яссавий ҳикматларига яқин, гоҳо фавқулодда ўхшаш. Аҳмад Яссавийни қизиқтирган бош масалаларга Боқирғоний бефарқ қолмаган. Умуман, «Девону ҳикмат» руҳидан Боқирғоний асарларини ажратиб бўлмайди. Шу гоявий-бадний уйғунликни М. Ф. Куприлизода «яссавийликнинг хусусий одоби» эъканлигини таъкидлаб дейди: «Ҳаким Сулаймон ота бу анъанани илк даъфа таъсис этмоғи нуқтаи назаридан Яссавий издошлари орасида энг муҳим мавқега эришишга ҳақли эди. Унинг асарлари ҳам саккиз юз йилдан бери Шайхнинг асарлари ила баробар халқ орасида барҳаёт яшаб келганлиги бундан далолатдир».

Боқирғоний Яссавийнинг муносиб шогирди бўлганлигини тасдиқлайдиган нақл ва ҳикоятларнинг кўп яратилганини ҳам тасодифий эмас. Эмишки, Сулаймон мадрасасага қатнаганда бошқа болаларга ўхшаб «Қуръон»ни елкасига осмасдан икки кафтида кўтариб қадам босар, таҳсил ту-

тагач, уйига етиб олгунча мадрасага орқа ўгирмаскан. Бир күн масжид ёнида ўтирган Аҳмад Яссавий бу ҳолни кўриб ҳушдан кетганмиш. Шундан эътиборан Хожа «Куръон» ўқитмоққа Сулаймонни ёнига олибди. Ўнбеш ёшга киргандан сўнг эса Яссавийга у мурид бўлган экан. «Ҳаким ота китоби»даги ibrir ривоятда дашибдан ўтин териб келиш воқеаси Хизр алайҳуссаломнинг Яссавийга меҳмон бўлиб келишига боғланади. Сулаймоннинг тадбиркорлигидан муттаассир бўлган Хизр унга «Бундан сўнгра лақабинг Ҳаким бўлсин. Жим юрма файз қил», деганмиш. Шу-шу Сулаймон ҳикматлар айта бошлаган экан.

Мъълумки, тасаввуф дил поклиги ва Руҳ комиллигига ўргатадиган таълимотdir. Тасаввуфдаги қўп фикрлар нафс ва ахлоқ, Руҳ ва Ишқ тўғрисида. Боқирғонийнинг илоҳий ишқ ҳақидаги фалсафий, ахлоқий қарашлари қўйидаги сатрларда ёрқин аксиини топгандир:

Менинг жоним сенинг ишқинг билодур,  
Таним ожиз вали жоним ўлодур.  
Бу ишқ гар бўлмаса мен неткай эрдим,  
Қамуғ оҳим меним ишқим қилодур...

Ошиқлик — холислик. Шу маънода холисликки, Ҳақ ошиқлари «Ногаҳон бу дунёдан кечмак керак, Тақдир қилғон ул шаробдин ичмак керак», деб билишади. Ва бу «шароб» уларни ҳар нафасда ишқ ўтига гирифтор этади. Шунинг учун «дунё ва уқбо» тўғрисида ошиқдан ҳеч нима сўрамаслик лозим:

Ошиқдин сўрмангиз дунё ва уқбо,  
Ошиқ маъшук учун ҳар дам ўлодур,  
Ошиқни кўйдурур ишқ ўти,  
Ошиқлар ишқ ўтига мубталодур...

Сулаймон Боқирғонийнинг «Маъшуқ учун ҳар дам» ўлмоққа юз бурган лирик қаҳрамонининг идеали «Ҳақиқат дарёсининг уммонидин», «Муҳаббат маърифати ишқ конидин» тил ва дил била «гавҳар» олмоқдир. Шу мақсад билан у тариқат бозорига киради:

Муродим бор ул бозорда қилсан сотир,  
Таним, жоним, бор вужудим қўйсан тутуғ.

У «тариқат майдонида парвоз қилиб» шунга амин бўладики, «Олло деган ошиқ қуллар» «ўздин кечиб муҳаббатда сизиб оққач», бошқа ҳеч пайт:

Олло ёди ошиқлардин холи бўлмас,  
Ҳақиқат эр бу дунёга майл қилмас...

Боқирғоний «ҳақиқат эр»ларни «глим кийган ошиқ қуллар» деб ҳам таърифлайди. Булар Балх мулкидин кечиб «ҳидоятга қадам урган» Иброҳим Адҳамнинг издошлари:

Глим кийган ошиқ қуллар Ҳаққа борар,  
Ул сирлари даргоҳ пира қилур қарор,  
Оҳларидин ушбу тоғлар сизиб қайнор...

Шу босн шонир Олло дебон «такаббурнинг ўйин» бузгандардан ибрат олишга чақириб дейди:

Салим бўлиб, софий бўлиб Жунайд янглиғ,  
Халқни қўюб Ҳақға ёнсам Зунун янглиғ,  
Нафсим босиб қаҳр қилсан Ҳасан янглиғ,  
Азиzlарга мутобаат қилғум келур.

Боқирғоний ҳикматлари ўқувчини айниқса нафс ва Руҳ зиддиятларидан кенгроқ огоҳ қилади. «Бу беш кунлик тириклиқда» даврон сур, тании яйрат, дейди нафс. Руҳ бунга қарши: «Илм бирла тариқатнинг йўлини билиб, Саҳар вақтда уйғоқликни одат қил», дейди. Тариқат майдонида жавлон урмасдан, «муҳаббат буроқини» миниб бўлмаганидек, «ҳақиқат дарёсидин» «гавҳар» ҳам олиб бўлмайди. Нафсга буларнинг кераги йўқ. У «бу дунёning мулки»га эгалик қилишга, йиғиб, йиғиштиришга чанқоқ. Руҳда бундай ҳорислик йўқ: «Муҳаббат камарини белга боғлаюбон, Бу дунёга талоқ бериб кетайин дер». Нафс эса:

Еб-инчиб тун-кун қорин тўлдирибон,  
Естук узра такъя қилиб ётойин дер.

Демак, Руҳ, нафсга мансуб дунёдан кечиш тарафдори.

Руҳим айтур кошки Ҳақдии тавфиқ бўлсам,  
Туни-куни тинмайин ёдин айтсам,  
Қисматимдин ортуқ таом емас бўлсам,  
Бу дунёни йиғиб териб нетайин дер?

Боқирғоний нуқтаи назарида, инсоннинг ботиний дунёси илоҳий ишқ дарди билангина ободдир. Бу дард ҳамма нарсадан қудратли ва файзли:

Сенинг дардинг башга дармандин ортуқ,  
Сенга қул бўлғоним султондин ортуқ.  
Сенинг ёднингин айсам чўл ичнинда,  
Бўлур ул чўл менга бўстондин ортуқ.

Шоир инсон хорлигини ғафлатдан деб билади: «Менинг хор бўлишим ўз ғафлатимдин». Унингча, «ботин маъмурлиги» — имондурки, имон ва Қуръон ажралмасдир:

На хуш бу дунёда имону Қуръон,  
Не бўлғай дунёда имондин ортиқ.

Яссавий тариқатида зуҳду тақво қилмаслик — инсон сийратининг бузилиши, яъни имонсизлик. Худди шу ички бузғулиқ «риё бирла халққа ўзин» кўз-кўз қилмоқ ва сотмоққа имкон очади. Яссавий ва унинг издошлари зуҳду тақво деганда нимани назарда тутишган? Яссавий таълимоти бўйча, зуҳд мақоми—риқкат (кўнгил юмшоқлиги), диққат, шафқат ва муҳаббатдан иборат. Тавбакорлик — тавозе ва мужоҳададир. Боқирғонийнинг «Тавба суви бирла ёзиқ кирларин» ювмоққа чорлаши — бадбинлик ёки мавҳум фуссалардан кўз ёш тўкишга эмас, нафсга қарши «Таваккал қиличин иликка олиб» курашга ундаш эди.

Хозир энг кўп тилга олинадиган сўзлардан бири: Шафқат. Ёвузлик ва бағри тошлиқдан дили зада минг-минглаб кишилар риққатга муҳтоҷ. Имондан ортиқ илоҳий, ахлоқий бойлик бўлмаслигига инондик. Шундай экан, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр каби шоирларнинг ижодини ўрганиш, асарларини нашр этиш ишларини нега ҳамон пайсалга соламиз? Буюк сиймолар кечиримли бўлишади. Боқирғоний тўғрисида айтилган барча ноҳақ гап ва айблолардан тониб, унинг муқаддас руҳи қаршисида тавба-тазару этиш — унинг ижодиётини тўғри баҳолаб халққа тезроқ етказниш демакдир.

## «ФАҚР ИУЛИДА ҒАНИ, ИМОНҒА БОЙ»

Мулк ўзни таҳт ўзни шоҳ ўзи,  
Борча ўзи, борчадин огоҳ ўзи.

Алишер Навоий

Абу Усмон Мағрибий тасаввуф йўлига киришининг ибтидосини шундай шарҳлаган экан: унинг бир ити бўлиб, Жазойирда у билан ов қилиб юаркан. Кунлардан бир кун у одатдагидек яғоч косасига сут қуйиб ичмоқчи бўлибди. Иттифоқо, ит қичқириб, изтиробдан инграна бошлабди. Мағрибий косани ерга қўйибди. Озроқ фурсатдан кейин яна уни қўлга олибди. Бу гал ит ортиқроқ вангиллаб, эгасига ҳамла этибди. Косадаги сут ичилмасдан боз ерга қўйилибди. Учинчи маротаба ҳам шу аҳвол тақрорланабди. Энди бу гал косадаги сутни итниң ўзи ичибди оз фурсат ўтмасдан шиншиб ўлибди. «Ҳамоно кўрган бўлғайки, йилон ул сутдин ичиб, заҳарин анда тўкмиш бўлғай. Итдин ул вафо кўргачки, ўзин манга фидо қилди, қиладурғонлардин тавба қилиб, бу тариқин ихтиёр қилдим», — деган экан Абу Усмон Мағрибий. Тасаввуф адабиётида бунга ўхаш нақл ва ҳикоятлар кўп бўлиб, уларда ит вафо, садоқат ва фидойилик тимсоли сифатида улуғлангандир. Ҳақиқий сўфий ўзини ҳеч пайт итдан баланд қўймаган. Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» достонида тасвиirlанишича, фазилатлари олий ҳақшунос зот ўзига тўхтовсиз қиёс ахтаради. Лекин «ҳар не бирлаким» қиёсламасин, сарву гул қошидаги хору хасдек ўзини улардан кам ҳисоблайди. Кунлардан бир кун шу хоскор ва ҳақсевар кишининг кўзига хаста ит кўриниб қолади. Ўзини у шу итга тенглаштиromoқчи бўлади-ю, бенхтиёр кўзларидан ёш оқиб, нола қилади.

Деди ул:— «Аҳли вафодур мен эмон,  
Ўзни онинг бирла эмди тенг демон...»

Гўёки бу сўзларнинг фаҳмига етгандаи, ит ҳам унинг олдидан йўл солиб ўтиб кетади. Нисбат навбати туфроқ остидаги оёқ изларига келади:

Деди:— Мен ортуғ эканму ё бу из?  
Яла ўзни деди:— К-эй иисофси,

Ул вафо аёғидин нишон,  
Сен вафосизлиғ сари доман кашон.

Ҳаққа вафо Эътиқоди улуғланган бу ҳикоят Ҳожа Баҳовиддин Нақшбанд тўғрисидадир. Уни ўқиб «Наҳот?!» — дейсан. Наҳотки, инсон идеалинга шу қадар ҳам содиқлик билан худбинлик ва худпарастлигини шу даражада енга олган бўлса? Навоийда «Ўн секиз минг олам ичра ҳар не бор, Ким қилурлар аҳли маъний эътибор», деган байт бор. Ҳожа Баҳовиддин мана шундай ориф сиймолардан бири. Шунинг учун ҳам унинг дил нигоҳи Ҳаққа қаратилган. Унинг хоккорлиги поклик, қаноат, вафо ва маърифат мужассамидир.

Хожа Баҳовиддиннинг асл исми Мұхаммад ибни Мұхаммад Бухорийдур. У 1314 йилда Бухоро яқинидаги Қасри Орифон деган жойда туғилган. Нақшкорлик ҳунари билан машғул бўлган. Баҳовиддин Нақшбандийни бир қатор олимлар тасаввуфдаги янги тариқатнинг асосчиси деб ваколат берсалар, баъзи тадқиқотчилар бундай қарашларни ишкор этадиган фикрларни илгари сурадилар. О. Шарафиддинов ва С. Ҳусайн нақшбандийликни яссавийликдан «бутунлай бошқа бўлган» сўфийлик оқими деб ҳукм чиқарышган<sup>1</sup>. Бу муаллифларнинг айтишича, яссавийлик «дунёдан қўйл тортишни талқин қилган» бўлса, нақшбандийлик «сўфийликда савдо-сотиқ ишларига йўл қўйган». Шунинг дек, «нақшбандийлик оқимининг вакиллари «кўнглиниг худода, ўзинг бозорда бўл», «Хилватни (чиллани) жамиятда қил» шиорларни илгари сурдилар, яъни бу дунёниг лаззатини, ишратини сур, лекин худони, охиратни унумасанг бўлди, дейдилар».

Академик Иброҳим Мўминов Нақшбандийни тасаввуфдаги «янги оқимнинг асосчиси» эканлигини қайд этиб, яна ёзади: «Сўфиизмда маҳсус оқим ҳисобланган нақшбандийлик машҳур шонир Саъдийнинг асарларидан фойдаланди ва Юсуф Ҳамадоний ҳамда Абдулхолиқ Фиждувоний асосий фояларини тиклади»<sup>2</sup>.

Дж. С. Тримингэмнинг нуқтаи назарига кўра, нақшбандийлик анъаналари Баҳовиддинни унинг номи билан аталувчи тариқатнинг асосчиси дейишга ҳуқуқ бермайди. Худ-

<sup>1</sup> Шарафиддинов О., С. Ҳусайн. Узбек адабиёти. «Ун беш йил ичидаги ўзбек совет адабиёти», Тошкент, 1939, 15-бет.

<sup>2</sup> Мұмінов И. М. Мирза Бедилнинг фалсафий қарашлары. Тошкент. 1958. 17-бет.

ди шунинг учун мураббийлик занжири — силсилат ат-тарбия унга келиб боғланмайди. Уннингча, «Рашоҳат айн ал-ҳаёт» муаллифи Фахриддин Али Ҳусайн нақшбандийликни Юсуф Ҳамадонийдан бошлайди. Зоро, Абдулхолиқ Фиждувоний бу янги таълимот учун хос бўлган тажрибанинг яратувчиси деб қаралиши керак<sup>1</sup>.

Абул Ҳасан Мұхаммад Боқирнинг «Мақомоти Нақшбандий», «Абдураҳман Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс», Алишер Навоийнинг «Насоим-ул муҳаббат» каби асарларида Нақшбандийнинг ҳаёти, таълимотининг ғоявий, ахлоқий ва фалсафий моҳияти ҳамда шартлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Навоий Ҳожа Баҳовиддинга «қабул назарн Ҳожа Мұхаммад Бобои Самосийданур», дейди. Бобо Самосий Ҳазрати Ҳожайи Азизоннинг халифаси бўлган. Баҳовиддин туғилган жой авваллари қасри Ҳиндувон деб аталган. Чунки у ерда асосан Будда динини қабул қилган одамлар истиқомат қилишган. Нақл этилишича, Бобо Самосий шу манзилдан ўтарда «Бу туфроғдин бир эр иси келур. Бўғайки, қасрда Ҳиндувон, қасри Орифон бўлғай», дея башорат этганмиш. Бу кентдан яна бир ўтарда Бобо Самосий халифаси Сайид Амир Кулолга бундай дебди: «Ул эр исики, бизнинг димогимизга етар эрди, ортиқроқ бўлубтур, ҳамоноки ул эр матаваллид бўлибдур (туғилибдур)». Чиндан ҳам ўшанда Баҳовиддиннинг дунёга келганига уч кун бўлган экан. Чақалоқни Ҳожа Мұхаммад назарига келтирганларида у: «Ул (яъни Баҳовиддин — И. Ҳ.) бизнинг фарзандимиздур ва биз ани қабул қилдуқ...», деганмиш. Сўнг Амир Сайид Кулолга буюрибдики, «... фарзандим Баҳовиддин ҳақида тарбият ва шафқатни дариф тутмағайсен ва сенга биҳил қилмағаймен (сени авф этмағаймен маъносида — И. Ҳ.), агар тақсир қилсанг (охирига етказмасанг — И. Ҳ.).

Сайид Кулол Баҳовиддин тарбияси билан машғул бўлишга ваъда беради ва аҳдига тўла вафо ҳам қиласди.

Маълумки, Ўрта Осиё тасаввуғ тарихида Юсуф Ҳамадонийнинг номи ва хизматлари алоҳида мавқега эга. У ўн иккинчи асрнинг энг атоқли мутафаккирларидан, Марв, Ҳирот, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларда истиқомат қилиб ўзининг тасаввуғга доир илмий-фалсафий қарашларни тарғиб этган. Ҳамадоний Бухоро ва Самарқандни кўчманчилар босқинидан мудофаа этишда ҳам иштирок қилган экан.

Навоий «Насоим ул-муҳаббат»нинг муқаддимасида

<sup>1</sup> Дж. С. Тримингэм. Суфийские ордены в исламе, стр. 61.

Үндән зиёд машхур машойхларнинг номларнни санаб, ҳар қайсиси бир касб ёки ҳунар эгаси бўлганликларини таъкидлайди. Чунки уларнинг бирни «ҳалол луқма касби» учун пичоқчилик билан шуғулланса, иккинчи бирни темирчилик, яна бошқалари қассоблик, ўтиччилик сингари ишларни амалга оширишган. Бундан кўзга тутилган асосий мақсад: беминнат ва ҳалол умр ўтказиш. Уларнинг эътиқодинга кўра, инсоний файзнинг ибтидоси — ҳалол луқмада. Үндан «маърифат зоянда бўлур». «Бир шубҳалик луқма онча тийралик келтурурки кўп вақт анинг ислоҳиға машғул» бўлинган билан асоратидан покланиш мушкулдири. Мана шунинг учун Хожа Абдуллоҳ Ансорийга ўхшаб этикдўзлик касбини танлаган Юсуф Ҳамадоний шогирдларини меҳнат қилиш, касб-ҳунар эгаллашга унданаган. В. В. Бартольднинг ёзишича, Юсуф Ҳамадоний Ўрта Осиё тасаввуф мактабининг асосчиси Нажмиддин Қубаро, Аҳмад Яссавий, жумладан, Баҳовиддин Нақшбандий ҳам Ҳамадоний мактабининг буюк вакиллари ҳисобланади.

Академик Иброҳим Мўминов: «Нақшбандийлик «тарки дунё» қилишга, дунё ишларидан воз кечишига қарши чиқди, реал ҳаётнинг ноз-неъматларидан фойдаланиш тўғрисида маслаҳат берди ва меҳнат қилишга, билим олишга чақириди... унинг бу ижобий томони Ўрта Осиё ҳалқлари маданияти ҳамда адабиётининг ривожланишига таъсир кўрсатди», — деган эди. Шундай нуқтаи назардаги мулоҳазалар академик Воҳид Зоҳидовининг «Улуғ шоир ижодининг қалби» китобида ҳам ифодаланган. Албатта, мазкур даъволар тўғри. Аммо эътироуз уйғотадиган бошқа жихат бор. Бу — Аҳмад Яссавий ва Нақшбандий тариқатлари ўртасидаги муносабат ва алоқадорлик масаласи. И. Мўминов ҳам, В. Зоҳидов ҳам нақшбандийликни моҳиятан яссавийликка қарама-қарши қўйишади. Гўёки Яссавийнинг «тарки дунё»чилигига Нақшбандийнинг дунёсеварлиги зид бўлган экан. Ҳолбуки бундай қарааш ва талқинлар тарихий ҳақиқатга хилофдир.

Машхур турк олими Муҳаммад Фуод Кўприлизода «сулук силсиласи» жиҳатидан Ҳожа Аҳмад Яссавийга мансуб йирик тариқатларни иккита деб белгилаган. Биринчиси — Нақшбандия. Иккинчиси — Бектошия. «Ҳақиқатда, Ҳожа Баҳовиддин Нақшбандийнинг маънавий тарбияси,— дейди М. Ф. Куприлизода, — Абдулхолиқ Фиждивонийдан дур. Бу сабабдан уни Ҳожагон силсиласидан атамак сира янгиш бўлмайди. Аммо нақшбандийлик бир ёндан Қусам Шайх ва Халил ота воситасила яссавийлик таъсирида бўлганидек, бошқа томондан, Ҳожа Абдулхолиқ Фиждивоний

Юсуф Ҳамадонийнинг Аҳмад Яссавийдан кейинги халифаси эканлиги жиҳатидан, табиий ўлароқ, бир қанча хусусиятларда яссавийликка ўхшашдир. Ҳожа Баҳовиддиндан сўнгра нақшбандийлик Мовароуннаҳр ва Хурросон турклари орасида кенг ёйилиб, яссавийликнинг нуфуз майдонини бир мунча торайтирди. Лекин нақшбандийликнинг умумий йўналиши, эътибори ила, яссавийликдан кўп фарқи йўқлиги ва Ўрта Осиёда қисқа муддат орасида кенг тарқалганлиги, аввалдан ҳозирланган замини олдидаги унинг бурчини ҳам истисно этмайди<sup>1</sup>.

В. А. Горлевский эса руҳий салафларнинг занжири Баҳовиддинни, шубҳасиз, Юсуф Ҳамадонийга этиб боғланлиги, бироқ ғоявий томондан у Аҳмад Яссавий билан алоқадор эканлигини айтган<sup>2</sup>.

Навоий ёзади: «... Ҳожа Баҳовиддин ҳазратлари дебтурларки, бидоят (ибтидо, бошланишда) ҳолда бир кеча Ҳаким Отаники, турк машойихининг қиборидур (улуғидур), воқеада (тушда) кўрдумки, бизни бир дарвешга сипориш қиласадур...» Уйғонгандан сўнгра у воқеани онасининг онаси, яъни бувисига айтади. Бувиси эса, «Эй фарзанд, сенга турк машойихидин насибе бўлғусидир...» дейди. Бугина эмас. Баҳовиддин Сайд Амир Кулол қўлида анча тарбия кўргач, истак ва интилишларини ҳисобга олиб, Сайд Кулол унга «Эмди ижозатдур. Ҳар ерда матлубдин исе димогингизга етса, тиланг ва талабда ўз ҳимматингиз мушкиби (сабаби) била тақсир қилманг», дея рухсат беради. Шундан сўнг у Қусам Шайх даргоҳига йўл олади. «Насоим ул-муҳаббат»да ўқиймиз: «Қусам Шайх — ул турк машойихдундур. Ҳожа Аҳмад Яссавий хонадонидиндур. Ҳожа Баҳовиддин ул сўз мушкибини (боисини), Мир Сайд Кулол аларға ижозат берганда деб эрди... Қусам Шайх хизматиға бордилар... Қусам Шайх хизматида Ҳожа уч ойға яқин бўлдилар. Охир ул-амир Шайх Ҳожаға ташриф берди ва деди: «Тўққуз ўғлум бор. Сен барчасидин улуғроқ ва муқаддамроқ. Андин сўнгра ҳар қаҷон Шайх Нахшабдин Бухороға келур эрди, Ҳожаға мулозамат қилурлар эрди...».

Аҳмад Яссавий издошларн ёки «хонадони»га мансуб машойихларга зўр эътиқод қўйилган ва эҳтиром сақлаган орнф унинг диний-мистик таълимотига бефарқ қолиши мумкинми? Яссавий муридларига нисбатан ихлос ва қизи-

<sup>1</sup> Мұҳаммад Фуод Қуприлизода. Турк адабиётинда илк мутасаввуфлар. Анқара, 1984, 110-бет.

<sup>2</sup> Горлевский В. А. Баҳауддин Накшбенд Бухарский. «Избранные сочинения», том II. Москва, 1962, стр. 379.

қишини асосий пир дунёқараши ва шахсиятидан ажратиб бўладими?

Навоийнинг ёзишича бирор Нақшбандийдан «Сизнинг сил-силангиз на ерга етар?»— деб сўраганида у «Қиши силсила билан ҳеч ерга отмас», «... нафсларингизга тухмат қилингки, ҳар ким тенгри инояти бирла ўз нафснинг ямонлигин ва қайд (ҳийла) ва макрин» билса поклик ҳамда ҳаққа содиқлигини исбот эта олади деган экан. Нафсга қарши курашмоқ ва «золим нафс»ни енгишга даъват гояси эса Яссавий тариқатида марказий ўринда турган. Еки шу тариқатдаги «Маърифати Ҳақ», «Саховати мутлақ», «Сидқу муҳаққақ» (ҳақиқий садоқат) каби шартлар ҳам нақшбандийликда ўз аксини топган. Зикр асносида Яссавий ҳикматларидан фойдаланиш — Яссавий тариқатининг асосий шартларидан бири бўлган. А. К. Боровковнинг тахминича, нақшбандия сулукига мансуб дарвешлар ҳам Аҳмад Яссавий ҳикматларига мурожаат қилганлар. А. К. Боровков СамДУ фундаментал кутубхонасида сақланган қўллётмада (№210) дуч келинган бир байтга диққатни жалб этади. Яссавий ҳикматлари билан бирга кўчирилган ушбу икки мисра Ҳожа Баҳовиддин номи билан боғлиқ экан. Мана, ўша байт:

Баҳовиддин қулинигни осийларнинг улуги,  
Маҳшар куни бўлғонда новмид қўймас, ё раҳмон.<sup>1</sup>

Биз бу икки тариқат ўртасидаги муносабат ва алоқадорлик масаласига бежиз урғу берадиганимиз йўқ. Чунки нақшбандийликнинг Навоий ижодиётига кўрсатган таъсири тўғрисида сўзлаганда, бу оқимнинг гоявий, мистик ўзанини ҳам унутмаслик керак. Акс ҳолда таъсир баҳсидаги даъво ва далилларнинг маълум қисми тарихсиз гаплар бўлиб қолаверади.

«Сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур?» Нақшбандга шундай савол билан мурожаат қилишганда, «...анжуマンда хилват: зоҳир юзидин ҳалқ била ва ботин тарафидин ҳақ... била», деб жавоб қайтарган экан.

Хилват ва узлат калималари — тасаввуфнинг қадимий истилоҳлариридандир. Хилватдан мақсад — олам ва одамлардан четлашиб, ёлғизликда илоҳий камолот учун машаққат тортмоқдир. Маълумки, аҳли сафонинг сифати узлат бўлса, хилват — вуслат алломатидир. Үнси Ҳақ бўлмоқни истаган солик учун албатта ихтиёрий хилват шарт ҳисоблан-

<sup>1</sup> Боровков А. К. Очерки по истории узбекского языка. «Советское востоковедение», V, М.—Л., 1948, стр. 242.

ган. У бу танхоликда кибр ва залолатдан фориғ бўлиб, одамларга хос барча тубац тушунча ва хусусиятлардан узоқлашади. Шаҳобиддин Сухравардий «Авориф-ул маориф»да хилват одоби ва шартлари ҳақида кенг баҳс юритган.

Аҳмад Яссавий тариқатида ҳам «хилват»га катта аҳамият берилган. Яссавий «хилват» сўзидағи ҳарфларда англашилиши қийин бўлган маънолар яширинганинги айтган экан. Хилват калимасидаги «х» ҳарфи — холидан (фориғлик мазмунида — И. X.), «л» — лайл (тун), «в» — вуслатдан, «т» — ҳидоятдан олинган эмиш. Хилват асносида нағс ва шайтоңга доҳил ҳислар тамоман маҳв этилгач, Ҳақ даргоҳидан нор ва нур зуҳрланиб, инсон сийратидаги қоронғулик ва кадарлардан ном-нишон қолмаскан. Сўфийлик одобига бағишланган китобларда хилват иккига ажратилган. Биринчisi — шарнат хилвати. Иккинчisi — тариқат хилвати. Шарнат хилвати адo этилмагунча, тариқат хилватига юз буриш таъқиқланган. Шарнат хилватининг ибратли жиҳатлари шундаки, у барча ёмон феъллардан, дилларга озор етказувчи жамики қўрс сўзлардан, содир бўлган гуноҳлардан халос бўлиб, тавба тазарру қилишини затъий мажбуриятга айлантиради. Ва бунинг учун субҳу шом Ҳақдан ёрдам тиланади. Нақшбандий тилга олган анжумандаги хилват — тариқат хилвати. Унда «зоҳир юзидин ҳалқ билан» бўлиб «ботин тарафдин», яъни ичдан, Оллоҳдан ажралмасликка даъват қилинган.

Нақшбандийликнинг бошқа муҳим шартлари ҳам бор. Алишер Навоий «Қаноат нақшининг ифшоси ва нақшбандия тариқатининг адоси» деб номланган қитъасида уларни ҳам шарҳлаган. Мана, ўша шеър:

Қаноат тариқиға кир, эй кўнгул,  
Ки хоти ўлғай ойни иззат санга.  
Десанг шоҳ ўлай еру кўк басдурур,  
Бу бир тахту ул чотри риғъат санга.  
Фано шуъласида ёшур жисмини,  
Керак бўлса зарбофт хилъат санга,  
Етар лола бутган қиё қулласи,  
Мурод ўлса гулгун ҳашмат санга.  
Эрур бас, ариғу нуктау қон ёшинг,  
Дуру лаълдин зебу эйнат санга.  
Десанг хилватим анжуман бўлмасини,  
Керак анжуман ичра хилват санга.  
Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,  
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.

Назарни қадамдин йироқ солмагил,  
Бу йүл азми гар бўлса рағбат санга.  
Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни,  
Ки юзланмагай ҳар дам оғат санга.  
Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,  
Чолинмоқ не тонг кўси давлат санга.  
Бу оҳанг илиа бўлғасен нақшбанд,  
Навоий агар етса навбат санга.

Қитъанинг биринчи байтидаги фикрдан англашилаётирки, нақшбандийлик — қаноат тарқи. Иzzат одобини эгаллаш истагидаги кўнгул шу мазҳабга кирмоги керак. «Ойини иззат» — образли ибора. У инсонни нодонлик ва иззатизликтан қутқарадиган юксак ҳиссиёт ва фазилатларни қамраб олган.

Навоий «Ҳамса»да «Шоҳ ул эмаским бошиға қўйди тож, Шаҳ ани билким йўқ анга эҳтиёж», — дейди. Нақшбандийлик худди шу улуғ эҳтиёждан таълим беради. У шоҳликдан кечган шоҳликка етади деб ўргатади ва фақирликдан ҳузурланишни шарт қилиб қўяди. Чунки бундай ҳузур, яъни фақир йўлидаги маънавий-руҳий ғанимлик Имон бойишидир. У ўзининг идеалига интиларкан:

Десанг шоҳ ўлай еру кўк басдуур,  
Бу бир тахту ул чотри рифъат санга,

деб билади. Қаранг, у фақат ер киши сигинамас, кўк одами ҳамдир. Унинг назарида ер «бир тахту», осмон юксаклик чодири. Фақирнинг Ҳаёли шу икки чегара оралиғида чарх уради. Ҳур руҳ вужудга ҳам озодлик «либоси»ни тақдим этади:

Фано шуъласида ёшур жисмни,  
Керак бўлса зарбофт хилъат санга.

«Фано шулъаси»га яширинган жисм — абадиятга дахлдордир. Бу шуъла инсон тафаккурини тубдан қайта ёритиб, уни Ҳақ билан қовуштиради. Шунда комил Юрак нурга тўлади. Шунда уни табиат билан фавқулодда уйғунлик ҳиссиётлари қуршаб олади:

Етар лола бутган қиё қулласи,  
Мурод ўлса гулгун қашмат санга.  
Эрур бас ариғ нуктау қон ёшинг,  
Дуру лаълдин зебу эйнат санга.

Чүнөнчи: Қонеъ одам учун улуғ эътибор ёки донг таратишига берилишинг ҳожати йўқ. Агар у гулгун дабдабаларни ҳавас қилса, тоғ ёнбағларида унган лолалар унга етарли. Дуру лаъл зебу зийнатлари эса покиза маъноли сўз ва қонли кўз ёшларидир. Бунда асосан фикр заҳмати, тафаккур тұхфалари ва Дарднинг бошқарувчиллик қудратига эътибор қаратилган. Юқоридаги сатрлар нақшбандийликнинг ваҳдати вужуд таълимотига дахлдорлигини ҳам тасдиқлади.

Нақшбандий мазҳаби бўйича «Дил ба ёру, даст ба кор», юрак худо билан бўлиб, қўл меҳнатдан ажралмаслиги зарур. Демак, жамият ишларига фаол аралашиб Эътиқод фаоллигига хилоф эмас. Шунинг учун хилватни анжуманда ахтариш — эл-улусдан узоқлашмасдан ёлғизликнин бой бермаслик жоиз. Навоий нақшбандийликнинг ушбу шартини қўйидагича шаклда баён этади.

Десанг хилватни анжуман бўлмасиң,  
Керак анжуман ичра хилват санга.

Хилватнинг «анжуман» бўлмаслиги! Шахснинг хилвати — унинг ёлғизлиги. Мана шу танҳолик Қалбни Дард тажрибалиридан чалғитмайди. Рухни яна ва яна тавҳидга ундаиди. Одамнинг ўзлиги билан ёлғизлиги оқу қаро янглиғ фарқли қутублар эмас. Унисини идрок қилган, бунисини ҳам идрок эта олади. Ёлғизлик инсон сийратидаги улуғ ва муқаддас йўл. Уни кечиб ўтмагунча умумга яқинлик, ҳамдардлик йўқ. Ёлғизлик чироғи нурланган кишиларгина меҳрли, ўзи ва ўзгалар хусусида мустақил мушоҳада юритишга қодирдир. Афсуски, биэда шахс ёлғизлигини ҳимоя қилиш эмас, уни парчалаш ақидалари устивор бўлиб келган. «Ёлғизлик — бу худодир», деган фалсафани билмоқ учун шахса жамият, Одам ва табият, Фикр ва идеал, Руҳ ва вужуд муносабатларини ҳаққоний таҳлил қила оладиган Маърифат зарур.

Нақшбандийнинг «Сафар дар ватан» тушунчаси ҳам миқёсли. Уни Навоий ифодасида ўқиймиз:

Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,  
Сафардан агар бўлса меҳнат санга.

Сафардан заҳмат бўлганда «Ватан ичра сокин» қолиш англашиларли. Лекин одам Ватанда қандай қилиб ҳам сокин яшаб, ҳам сойир бўлади?

Қадимги Хитой файласуфларидан бири «Ховлидан таш-

қарига чиқмасдан ҳам дунёни англаш мумкин. Деразадан нигоҳ ташламасдан ҳам Само йўлини кўрса бўлади. Қанча кўп талвасага берилсанг — ўшанча кам тушунасан. Шунинг учун донишманд юрмайди—бироқ, билади, кўринмайди—лекин шуҳрат топади, елиб-югурмайди—комилликка эришади», — деган экан. Навоийнинг байтида ҳам шунга монанд моҳият яширган. Бизнингча, Нақшбандий назарда тутган сафар — фақат хаёлнинг илоҳга сафари эмас, Ватанинг тарихи, бугунги, келажаги, хуллас Юрттақдирига сафардир. Инсон туғилишиданоқ Йўлчи ва сойир. У юриб Ватан қезади. У хаёл отига миниб Ватанга сайр қиласди. Унинг Руҳи сайёҳ. У тафаккурда Ватан сафарчисидир. Жону қонида Ватан ишқи туғён урган кишининг умр мазмuni «Сафар дар ватан»дир. Ватанда мусофирилик фалсафаси кишини онг турғунлиги, турмушдаги толиқтирувчи якранглик, маъниси пуч ҳаёт дағдаға доғволаридан халос этади. Унтутилиши керак бўлган нарсаларнинг барчаси унтутилади. Хотирада фақат унтуилмас мавжудлик қолади. Ана шу — Ишқ ва ошиқликнинг олий босқичи. Шунинг учун ҳам Навоий рубоийларидан бирида:

Гар ошиқ эсанг, зебу такаллуфни унут,  
Яхшию ямон ишда тахаллуфни унут,  
Ўтган гар эрур ямон, таассуфни унут,  
Келган гар эрур яхши, тасарруфни унут.

деб кўрсатма берганди. Ҳаммасига қўл силташ лоқайдлик эмасми? Йўқ. Нақшбандий айтган «Назар дар қадам», яъни чинакам масъуллик, босган ҳар қадамга орифона назар шундан сўнг бошланади. Назар кенг ва ўткир бўлса, қадамни «ўлчаш» ёки таъқиб этишга деярли ҳожат қолмайди. Шунинг учун қитъадаги:

Назарин қадамдин йироқ солмагил,  
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.

сўзларининг мазмунини тор тушунмаслик лозим.

Нақшбандий мазҳабидаги яна бир талаб—«Хуш дар дам». Бу — ҳар нафас, ҳар дамни хуш ўtkаз дегани. Бу — комиллик ва умрни ардоқлашга ундовчи гоя. Агар киши нафасдан ақлу ҳушни йироқ тутмаса, унга ҳеч қандай оғат юзланмайди, дейди Навоий:

Дамнингдин йироқ тутмағил ҳушни,  
Ки юзланмагай ҳар дам оғат санга.

Шоир мазкур фикрлар баёнидан сүнг ўмумий хулосани ҳам чиқариб ёзади:

Бу тўрт иш била рубъи маскун аро  
Чалмоқ не тонг кўси давлат санга.  
Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд,  
Навоий, агар етса навбат санга.

«Бу тўрт иш»—юқорида шарҳлаганимиз, нақшбандийлик мазҳабининг тўрт шарти. Алишер Навоий шу шартларни адо эта олган киши «рубъи маскун»—ер юзида улуғ давлатга эришади ёки давлат ногорасини чалади деб эътироф қиласди. Қитъа шоирнинг йигитлик йилларида ёзилган. Лекин Алишер Навоийнинг илк лирикасини маҳсус текширган олим Ё. Исҳоқовнинг далилларига қаралганда, шоир ижодиётида Баҳовиддин Нақшбандий гояларининг ёрқин таъсири ва талқинлари анча аввалроқдан бошланади.

Алишер Навоий «сулук маротибға гузар» қилмоқни Ҳақ буйруқларидан деб билган. Шоир йигитлигидаёқ «муршиди комил» топиб, «топқоч ўзин анга топшуршиб» тасаввифий ирфонни эгаллашни орзу этган эди. Бу тўғрида у «солики фоний ва гавҳари коний, орифи маоний» Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида бундай дейди:

Менинким бу савдо низор айлади,  
Ҳавас илгода беқарор айлади.  
Не имконки, топқай қарору сукун,  
Бирорким бу фикр этти они забун.  
Урармен қадам токи борғунча гом,  
Ки бўлгай мұяссар менга ушбу гом.  
Агар бўлса бу йўлда умрим талаф,  
Чу бу йўлдадур ул ҳам эрур шараф.

Навоий ана шу сўзларига содиқ бўлган. Шоирнинг айтишича, уни «фақр тариқиға» Сайид Ҳасан Ардашер «далолат ва иршод» қилган. Сайид Ҳасаннинг ўзи «фақр тариқини» бутунлай ихтиёр этгач, хонақоҳида «азим арбаинлар чиқариб», «фақру фано сулукида куллий манозиллар қатъ» айлаб «улуғ мартабалар ва бийик мақомларға» қадам қўйган. «Ва аларнинг сулук ва муомалаларин ул хонақоҳ аҳли дарвешлар барча мусаллам тутиб, изҳори иродат ва ихлос қилурлар эрди», — дейди Навоий.

Маълумки, Алишер Навоийнинг сўфийлик оламига теран кириб бориши ва Ибн Арабий каби тасаввиф алломалари нинг таълимотларини ўзлаштиришида Абдураҳмон Жомий-

жининг хизматлари кáттадир. Навонийнинг Жомийга бағишиланган «Хамсатул-мутаҳаййирип» асарида ўқиимиз: «Ул вақтким, фақир алар хизматида суфия рамуз ва ишорат ва алфоз ва ибороти истилоҳин ўткарур эрдим. Ҳазрати қутбус-соликин Фахриддин Ироқий...нинг «Ламаот»и орзуси хаёлға кўп эврулур эрди. Бир кун таъриб била бу маънини изҳор қилдим. Алар дедиларким: «Тариқат машойхининг форсий кутуб ва расоили оз мутолаа қилилибдур, аммо чун ҳавасинг бор, андоқ бўлсун».

То улким, ул шариф китобни фақирга сабақ айтурса муртакиб бўлдилар, ҳар куни ҳар сабақда хушҳол бўлиб таъриф қилурлар эрди...»

Жомий Фахриддин Ироқийнинг «Ламаот»и хусусида Навоийга яна бундай деган экан: «Бу китобни нодон ва беандом таврлиғ ва ноҳамвор равишлик эллининг кўпроқ машғуллуқ қилғони ҳавос аҳлида бадном қилғон эрмишким, баъзи ўқумас эрмишлар. Бу жиҳатдин бу китобининг хўблиқлари яширин қолғон эрмиш». Асрุ изҳори хушҳоллиқ ва сурур қилурлар эрди, шарҳ битмагига доғи бу иш бисис бўлди».

Абдураҳмон Жомий тасаввуф назарияси, фалсафаси ва одобининг улкан билимдони эди. Алишер Навоий Жомий ҳузурида ўқиб, ўрганганди китоблари рўйхатига «Қудсия» асарини ҳам киритган: «Ҳожа Муҳаммад Порсо... нинг «Қудсия»си дурким ҳазрати қутбил-авлиё Баҳовиддин Нақшбанд раҳматуллоҳнинг фирдавс ойин мажлисларида ул ҳазратнинг муъжиз баён тиллариға ўтган ҳақойиқ ва маоний баъзи хулафоким, жамъ қилурлар эрмиш Ҳожа Муҳаммади мазкур анфа маоний битибдурлар ва толиблар учун анинг ийҳомин возиҳ этибдурлар».

Абдураҳмон Жомий тасаввуфдаги бир қанча тариқатларга ихлос қўйган ва эътиқод кўрсатган. Масалан, у ма-ломатия тариқининг муҳиби бўлган. Лекин Жомий нақшбандийлик тариқатининг буюк вакили сифатида шуҳрат топган ва пирлик мавқеига етишган. Алишер Навоийнинг Жомий орқали расмий равнішда нақшбандийлик мазҳабита кирганилиги маълум, албатта. Нақшбандийликнинг бош шартларидан бири фақру фано мақомини эгаллашдур. Абдураҳмон Жомий «Дар маснади фақр чун бийни шохи» — Шоҳликни фақрлик тахтида кўрсанг, деб бошланадиган рубоийсида нақшбандийлик моҳиятидан баҳс юритган. Агар ҳақиқат асрорига етаман десанг, — дейди шоир, — дил лавҳида ҳусни мутлақнинг сувратини нақш қилгилки, ана шу нақш била нақшбандликка йўл топурсен! Демак, фақрлик — ҳақ сиррига етмоқ. Ҳақ асроридан отоҳ бўлмоқ —

Күнгүлда Оллоң сувратини нақшламоқ. Шу «нақш» — нақшбандийлик тариқига кириш демак. Навоийнинг фақр тариқи улуғланган шеърларида мана шу илоҳий идеал доимо собитдир. Фақр аҳли ким? Аввало, қалбида буюк ороми бор саботли одам. «Фақр даштида керак тоғдек орому сабот», дейди Навоий. Юз ғам хуруж қилганда ҳам шукрни унугиб шикоятга оғиз очган киши фақр шукуҳидан бебаҳрадур:

Эй<sup>1</sup> Навоий, фақрдин бебаҳрадур юз ғам етиб,  
Соликким шукр боринда шикоят айласа.

Фақрнинг «неча байрамларда кийган жандасига қараб уни хор кўрмаслик керак. Чунки шу шол кисватини у «салтанат зарбофтидин» тикилган хилъатга асло алмашмайди. Бугина эмас:

Фақр кўйи туфроғин шаҳ мулкига бермас фақир,  
Мулк, кўрким, тенг эмас туфроғ ила қиймат анга.  
Шаҳ сипаҳ чекса, фақир аҳволига етмас футур,  
Бу vale чеккач нафас, барбод бўлур ҳашмат анга.

Фақрнинг қудрати ва саодати — Маърифатда. «Фақр ила шод улки ҳар ким бўлса аҳли маърифат». Шу маънода фақрга тенглашиш мумкин эмас. У «ҳидоят қушлари»ни ўзига ром этгувчидир:

Ешиягни дона, бағрингни сув қилким, тутти фақр аҳли,  
Ҳидоят қушларни бу донаву сув бирла ром айлаб,

дейди Навоий. Шоир кўп шеърларида «давлати фақр» исташга чақиради. «Дунё аруси зулфин» ушлаганлар эса бу давлатдан бенасибдурлар. Навоий бундай ғофилларни илон тутмоқ била хурсанд бўлиб, ганжни унуган тентакка ўхшатади:

Дунё аруси зулфия тутқон не оғаҳ фақрдин,  
Ганж истамас улким йилон тутмоқ била хурсанд эрур.

Фақрлик — бу, ички ҳурлик. Фақрда Ҳақдин ўзга ҳеч ким ва ҳеч нимага ботиний боғлиқлик бўлмаслиги лозим. Навоий буни ични урён қилиш, яъни яланғочлаштириш деб характерлайди:

Ичин урён қилки, тошинг зеби манъя фақр эмас,  
Фақр эмастур гар ичинг мамлу, тошинг урён бўлур.

Фақр камолига түсиқ бўладиган энг ёмон бало — «нафш ширкн». Ундан тамоман покланишнинг чораси — ўзликдан кечмоқдир:

Фақр водисида чун урдуң қадам, ўзлукни сол:  
Иўл узундур, бу оғир юкни кўтарган товшалур.

Е. Э. Бертельс нақшбандийлик тариқати аввало амалиётга йўналтирилгани ва асосий қонун-қоидаларини ҳаётый тадбиқини талаб қилганлигини сўзлаган. Балки шунинг учун Баҳовиддин Нақшбандий таълимотидаги энг муҳим ақидалар Навоийнинг қитъаларида изчилроқ талқин қилингандир. Навоий «Қаноат синуқ сафолиси Жоми Жамдин ва фақр қуруқ нонин Хотам чеккан наъмадан яхшироқ кўрар...» сарлавҳали қитъасида ёзган:

Синуқ сафолики, май дурдин ичгали топсанг,  
Қабул айламагил жоми салтанат Жамдин.  
Иллекка кирса қуруқ нони, маош учун чекма,  
Нашот неъматининг миннатини Хотамдин,

Май қуйқасини синуқ сафолда ичишга қоне ва синиқ идишини шоҳ Жамшид жомига ҳам алмаштирамайдиган, қўлидаги бир парча қуруқ нонидан қорни ҳам, кўнгли ҳам тўқ, тирикчилик ташвиши ва лаззати учун ўзини ҳатто Хотам миннатидан халос қила олган Шахс — чинакам фақрдор. Демак, у Ҳазрати Баҳовиддин сабоқларига содиқ.

Хастанинг бошига чу қўйди қадам,  
Пири шикаста диле Маснҳо дам.  
Боз гашт айлади чу хаста кўнгул,  
Неки истар, топар шикаста кўнгул.  
Кўнгилда чун ҳаво қилур тутғен,  
Умр шамъига еткуурп иуқсон.

Бу шеърнинг устида қўйидаги сўзлар битилган: «Маснавий Хожаи Нақшбанд қуддуса сирруҳу каломи таржимасидаким, аввал бозгашт хотири хаста ва баъдазон хотири дилшикаста». Шоир кўнгул ҳаводорлигини «умр шамъининг заволи ҳисоблайди. Ва «пири шикаста дил» зот ҳолатини шу нуқсонга чора намунаси сифатида тавсия этади. «Неки истар, топар шикаст кўнгул» сатри беихтиёр Навоийнинг фардларидан бирини ёдга келтиради:

Мен синуқ, кўнглум синуқ, сабрим уйи худ ерга паст,  
Билмагай ҳолим шикастин кўрмаган муғча шикаст.

Алишер Навоийнинг «Хамса»сида Ҳожа Баҳовиддин Нақшбандий таърифланган фикрларни ўқиганда назарда «оғоқ ичидა» ягона, «Чархи нигун даргаҳида хок руб»у хоксор, «жоҳон мулки нигоҳбони» мавқеидаги донишманд бир ориф сиймоси гавдаланади. Барча султонлар «узга султон» бу зотнинг ҳар бир сўзи шоҳлар тожидаги қимматбахо дурдай гап. У «ҳақ сўзини элга» еткарурда шоҳу гадоҳи тенг кўради:

Барча сулук аҳлиға раҳбар бўлуб,  
Иўл элиға тийра туи ахтар бўлуб,

«тийра назарларга» нур бахш этади. Баҳовиддин Нақшбандийнинг Рӯҳ нури сўнмас. Бунга Алишер Навоий кафолат бериб кетган. Биз Алишер Навоий орқали Ҳожа Баҳовиддин таълимотига суюниб бобокалон шонримиз ижодиётини чуқур билишга ҳам эришишимиз керак.

## ИШҚ ҚАМОЛИ — РУҲОНИЯТ ҒОЛИБЛИГИ

Замин ўз ўқи атрофида айланганидек, Алишер Навоий шеърияти ҳам ишқ теграсида ҳаракат қилади. Навоий ижодиётида Ишқ — Гўзаллик, Руҳ, Ахлоқ, Дин, Фалсафа, Эрк, Абадият каби тушунчаларни қамраб олгандир. Навоий Ишқ номи билан Инсонни улуғловчи илохий сирларни тадқиқ этади, буюк шоир тасвиридаги ҳақиқий ишқ кечинмалари Инсон ва Худо орасидаги руҳий яқинлик, бирлик туйғуларини ифодалайди.

Менга агар десангиз: жон била жаҳондин кеч,  
Кечай валек муни демангизки, ондин кеч,—

дейди шоир. Навоийнинг лирик қаҳрамони жону жаҳон, «замону аҳли замондин» кечишига ўзини узлуксиз равиша тайёрлаб боради ва шу жараёнда жондан кечиб жонон висолига етмоққа қодирлигини Ҳолат ўзгаришлари орқали изчили исботлай олади. Ҷалолиддин Румий шеърларидан бирида Маъшуқи азалнинг зоти сифотидан китоб яратиб, мундарижасини Анал Ҳақ деб ўқиган қавмнинг бандасиман, деган эди.

Алишер Навоийнинг Ҳақ зоти сифоти таърифланган шеърларининг марказидаги Шахс — Румий орзу қилган аҳли ҳақиқатнинг вакили.

Оlamни севмоқ — оlamни бино этган Меъморни севмоқ. Кичик бир уй ҳам ўз-ўзича пайдо бўла қолмайди-ку. Нега дунёнинг яратувчиси бўлмас экан? Созандасиз чолғу асбоби нима деган гап. Мусаввир бўлмаса суврат чизилмаслигини гўдак ҳам англайди. Навоий ана шундай мантиқларга таянгани учун Оллоҳнинг мавжудлигига далил ҳам ахтариб ўтирумайди. Билъакс Ишқ ойнасида холиқ яратган мўъжизаларни акс эттирадики, уларнинг гўзаллик сирлари фақат Ишқ нурида очилади.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да Дунё бозорининг ғавғоси ва дунёда бор ҳамма нарсаларнинг савдохонаси-даги шовқин-сурони — ишқ туфайлидир», дейди. Шоир

шеърларини қанча кўпроқ ўқисангиз, илоҳий ишқ Favfo-  
сидан ўшанча кўпроқ ҳайрон қоласиз. Навоийнинг ҳар  
қайси шеъри — ўзича бамисоли сиру савдо «саҳна»си.  
Шеърдан шеърга шўрлик ошиқнинг дард-ҳасрат алангаси  
ортоб, маъшуқасига ялиниб-ёлвориш ҳолатлари янгиланади.  
У гоҳ Ёрнинг тенгсиз гўзаллигидан ҳушини йўқотади,  
гоҳо ғарнеб ҳаёлларга чўмади, баъзан ниҳоясиз ранж-  
машаққатларга дуч келади, гоҳо ишқ қадаҳидан май си-  
мириб маст бўлади, баъзида ҳодисотлар бўронига дош-  
беролмай аламдан кўз ёшлар тўқади ва ҳоказо. Бу ман-  
зараларни хаёлда гавдалантириб Ишқнинг беомон ўтлиги-  
га ҳам, хунхор аждаҳолигига ҳам, шунчалар қайсар ва  
зулмкорлигига ҳам тўла инонасиз. Ишқ тўфонида ғарқ  
бўлмаган ошиқ бормикан дейсиз? Ақлу ҳуш кемасини ишқ  
денизи домига тортмаган ошиқ чин ошиқми дейсиз? Шун-  
га қарамасдан, ҳақиқий ишқ — «ойнаи жаҳоннамо». Навоий  
жунун саҳросининг бечораси Мажнун қисмати тас-  
вирланган дард ва алам достонида ишққа худди шундай  
таъриф берган эди:

Хур shedи жаҳонкушой сен-сен,  
Миръоти жаҳоннамой сен-сен,  
Ким қилди санга назарни равшан,  
Кўрди еру кўкдагин муайян.  
Чун боққали ихтиёр топди.  
Ҳар сорики боқти, ёр топди.

Фақат ердагини эмас, кўқдагини ҳам муайян кўрмоқ,  
дунёниг қайсы жиҳатига назар ташланса, ўша жойдан  
Ёлни топмоқ — илоҳий ишқнинг камолот босқичи мана  
шудир.

Маълумки, айрим сўфийларнинг нуқтаи назари бўйича  
Ақл илоҳий бир нурдир. Улар икки турли Ақл борлигини  
эътироф этганлар. 1. Ақли кулл — илоҳий, қудратли, мут-  
лақ ақл бўлиб, тангрининг фаол тажаллисидан иборат.  
Илк маротаба тангридан дунёга келган бу ақл «Ақли ав-  
вал» ёки «Рұҳи аъзам» деб аталган. Шунингдек, ҳақиқати  
муҳаммадия ҳам Ақли кулл дейилган. Ақли куллдан наф-  
си кулл майдонга келганки, у лавҳи маҳфуз деб номлан-  
ган. 2. Ақли жуз — инсоннинг ҳаётӣ, яшаш одоби, фаолия-  
тига тегишли ақлдир. Ақли жуз иккига ажратилган. 1. Ақ-  
ли маод — илҳом ва ирфон билан тарбияланган инсонни  
оҳиратдан огоҳ қиласиган ақл. 2. Ақли маош — мавжуд  
дунё ҳаётини тушунишга хизмат этадиган ақл. Ақли маод  
имон соҳибларига, «ақли маош» эса барча кишилар учун  
хос деб ҳисобланган.

Саноийнинг фикрича, ҳар кимки ақлга (ақли куллга)  
ошно бўлса, у жамики айблардан покланади:

Ҳар ки бо ақл ошна бошад,  
Аз ҳама айбҳо жудо бошад.

Саноий ҳақиқатини англаш ва инсон камолотида «ақли дин»нинг ролини ҳам эътироф этган экан<sup>1</sup>.

Иккинчи нуқтаи назарга биноан мутлақ ҳақиқатни ақл воситасида идрок қилиш мумкин эмас. Ваҳдати вужуд тарафдорлари Ҳақ зоти ва сифотини билишда ақлнинг ролини инкор этадилар. Улар тавсия этган йўл — экстасик, яъни завқ-шавқ, эҳтирос-ҳаяжон. Руҳий балоғатни кўзлаган ошиқ экстаз ҳолатига кўтарилиши шарт. Фаридиддин Аттор таърифида ошиқнинг ишқи — ўт, ақли — тутун, ўт гуриллаб ёнгандага тутун барҳам топади. Улуғ шоир ишқ савдосида ақлни устод ҳисобламайди. Шунинг учун ишқ келишиданоқ ақл зудлик билан қочмоғи керак: «Ишқ к-омад даргурезад ақл зуд». Алишер Навоий «Мантиқ уттайр»муаллифига маслакдош: ақл — «барча хирад аҳлиға» устод. Бироқ у «ишқ абжади»ни билишда мактаб боласи:

Ақлким барча хирад аҳлиға эрди устод,  
Бўлди ишқ абжади таълимида тифли мактаб.

Ақл — ошиқлик йўлидаги ғовдир. Ундан халос бўлмоқни истаган ошиқ албатта, ... «эй ақл нофаржом, кет», дейиши ва ақл ранжидан омонлик истаб, «май» ила «руҳни вола» қилиши шарт:

Ақл ранжидин омон истаб тутиб мен майкада,  
Эй хирад, қўйким, тинмай бир лаҳза маъман аро.  
Кўксим ичра йўқ эса кўнглум ажаб йўқ, эй хирад,  
Не ажаб девонани гар топмасанг маскан аро.

Ақл фақру фанони англашда ҳам бир гўдак. У на «девона»лик ва на фаноликни тушунади. Хирад ҳамроҳлигига мақсад манзилига етиб бўлмайди:

Эй Навоий, ишқ аро ком истасанг, девона бўл:  
Бу шарафни топмағунг, ҳамроҳинг ўлса то хирад.

«Ишқ аро ком» исташнинг бош талаби — ақлу ҳушдан бегоналик. «Ақл пирин»нинг жаҳолати Мажнунга издош бўлишга йўл қўймайди.

<sup>1</sup> Олимов Қ. Мировоззрение Санои. Душанбе, 1973. стр. 84.

Навоий, истасанг ўзлукни, рафъ Мажиун бўл,  
Ки ақл пирин кўрдум — басе жаҳолати бөр.

Ишқининг оламсўз қудрати қаршисида ақлнинг фусун-  
бозлиги Навоий тасаввурнида тулкиликка ўхшаб кўринади  
ва арслонга пешвоз чиқаётган кўнгул шижоати билан  
дейди:

Ишқ оламсўз келди, қўй фусунинг эй хирад,  
Етти чун ер-кўкни йиришиб арслон: эй тулку, қоч.

Ишқ дарди «кўнгил ичра сокин ўлғач» ақл шу дара-  
жада кичрайдики, у гўё аждаҳо маскани чумоли манзил-  
гоҳи бўла олмаслигини тушунади.

Ақл қочти кўнглум ичра сокин ўлғач дарди ишқ.  
Мўр манзилгоҳи эрмас, аждаҳолар маскани.

Навоийда «Ул пари ишқидин ғолиб бўлди руҳониятим»,  
деган мисра бор. Илоҳий ишқ Руҳнинг ақл ва вужуд усти-  
дан чинакам ғолиблигидир. Мажозий ишқдан ҳақиқий ишқ  
маъвосига юксалган сайин одамнинг руҳий мавжудлиги  
шиддат билан тараққий эта боради. Мажнуннинг Руҳ ҳаёт-  
тини хотирланг. У бир ўринда ҳатто «Жисмимга қадарки  
руҳ берди, Бермаса эди не бўлғай эрди?» — дея нолиган-  
дай ҳам бўлади. Мажнунга ўхшаб жисмига қадар руҳга  
етишган ошиқнинг сувратини тасаввур қила оласизми?  
Мана бу сатрларга диққат қилинг:

Боштин-аёғ яланг таним узраким тоза доғ эрур,  
Ҳусунинга қиulgали назар ҳар бири бир қароғ эрур.  
Ишқ гадолари дегай кўнглак эрур муроққаётим,  
Тоза туган нишонидан ҳар сори баски доғ эрур.  
Заҳмларим фатиласи жон ўтидин туташқали  
Тийра кўнгулга дарду ғам базми учун ҷароғ эрур.  
Кўхи балодурур таним, ҷашмаси кўзки, қон тўкар,  
Тонг йўқ, агар бу тоғ уза қон оқизур бўлоғ эрур.  
Хурдасидин ичинда ўт ғунча эмаски бор аро,  
Ҳар сори ишқининг ўтидин бир қизифон думоғ эрур...

«Боштин-аёғ яланг тан». Үндаги «тоза доғ»лар. Шу  
доғларнинг ҳар бири — ёр ҳуснига назар қиладиган «бир  
қароғ» эканлиги. «Тийра кўнгулга» «дарду ғам базми  
учун» «заҳмлар фатиласи»нинг ҷароғ бўлиб ёниши ва ҳо-  
казолар. Биз бундай тасвиirlарнинг ғоявий замини ваҳ-

дату вужудлигини билсак-да, шеър қаҳрамонининг қандай ички кечинма ёки ҳаракатлар билан шу ҳолатга эришган-лигини мантиқ орқали аниқлай олмаймиз. Навоий ғазал-ларидан бирида:

Гўйиё кўнглум тахайюл мулкининг сultonидур,  
Ким хаёл ичра қилур ҳар айшиким имконидур.

деган эди. Юқоридаги сингари шеърларнинг моҳиятини англашда тахайюл кучи ва имконини ҳам унутмаслик керак.

Маълумки, инсон маъшуқи азали гўзаллиги учун севади. Маъшуқи азали ҳам гўзалликни севади. Бу эса инсон зинмасига улуғ мажбурият юклайди. Зотан, у аввал-охир руҳоният гўзаллиги, Руҳ камолотини таъминлай олиши керак. Мухаммад Фузулийнинг шариат, тариқат, маърифат моҳияти образли талқин этилган мажозий тасвиirlари шу жиҳатдан жуда аҳамиятлидир.

Кунлардан бир кун Руҳ Юрак шаҳрига сафар қилибди. Фоятда безакли, гўзал ва муҳташам бу шаҳарга олти кимса маскан тузиб яшашаркан. Улардан бири — Умид, орзуманд кишиларни мурод манзилига етказар, иккинчиси — қўрқув, бадани таҳқир зуғумидан асрар, учинчиси — «улфат занжирлари»ни ҳаракатлантирадиган Муҳаббат экан. Тўртингиси — рашку кин ишларнинг зоҳири — Адоват. Бешинчиси — шодлик ва севинчларнинг манбани — Фараҳ. Олтийчисининг номи жафокашликнинг мураббийси Ғам экан. Хуллас, Юрак шаҳри Руҳга хуш ёқибди-ю, меҳр билан таъмир этишга киришиб, уни пойтахт қилиб олишга аҳд айлаб. Сафо аҳли бўлмиш — Умид, Фараҳ, Муҳаббатни сұҳбатга чақирибди. Сўнг жафо аҳллари — Адоват, Қўрқув ва Ғам шаҳардан сургун этилиб, уч фитнакордан бадан мулки халос бўлибди. Аммо улар осонлик билан таслим бўлишармиди? Биринчи бўлиб Адоват оёқقا қалқибди. Унинг лашкарларига Ёлғон, Кин ва Бахиллик сардорлик қилишаркан. Қўрқувнинг жангчилари — Ҳайрат, Даҳшат, Ноиложлик; Ғамнинг тобелари — Мехнат, Ҳасрат ва Умидсизлик ҳам курашга чоғланибдилар. Руҳнинг кўзлари гафлат уйқусидан юмилган чоғда бу ғанимлар наъра чекиб Юрак дарвозасига ёпирилибдилар. Оллоҳдан мадад тилаб Руҳ Юрак дарвозасини ёпишга уринибди-ю, барибир шодликларини бой берибди. Шаҳар Ғамнинг ихтиёрига ўтгач, Руҳнинг йўлдошлари фикрлашиб, тадбир юритибдилар. Фараҳ дебди: «Ҳусн отли бир малак ила қадимдан дўстман. Агар фармон берсанг, уни кўмакка келтирурмен». Муҳаббат дебди: «Маним Ишқ отли рафиқам

бордур. У ҳар бир ҳунарда нүқсонасиздур. Агар уни чақир-моққа ижозат берсанг, тез орада қайғудан озод бўлурсен». Навбат Умидга келибди: «Менинг йўлдошимнинг оти Ақл. Ҳозир кўмакдошлик фурсатидир, Амр берсанг, уни қўшини билан бирликда олиб келурман».

Ҳусн ёнига етиб борган Фараҳ унга руҳнинг мазлум-лик мактубини ўқиб берибди. «Эй ўзидан хабарсиз,— дебди ғурур ва ноз ила Ҳусн,— ҳам Ишқ, ҳам Ақлга мафтун киши билан менинг дўстлигим йўқтур. Е Ишқни демоқ керак, ё Ақлни...» Ҳусн Фараҳнинг гапига кирмагац, хижолатга ботиб Руҳнинг хизматига қайтмабди.

Кейин Мұҳаббат Ишқинг ҳузурига кириб бориб юз берган воқеани сўзлагандада, у бундай дебди: «Руҳ алданибдур. Руҳ Ишқдан бехабар ва лоқайдур. Ҳусн қаерда бўлса, мен ҳам ўша жойдаман». Қарангки, Мұҳаббат ҳам Руҳнинг ҳузурига қайтиб бормабди. Ниҳоят Умид Ақлнинг сұхбатига мушарраф бўлибди. Унга мақсадни англатиб, «Инонаманки, Умидни ноумид этмассан», — дебди. Умиднинг ёлворишлари Ақлга таъсир ўтказибди-да, Юрек шаҳрига лашкар тортиб уни Ғам босқинидан озод этибди. Ғам ва Қўрқувнинг мағлубиятини кўрибоқ, Адоват ура қочибди. Лекин унинг Мараз (хасталик) лақабли бир ошноси бўлиб, у ўшандан ёрдам сўрабди. «Ҳеч қўрқма, — дебди Мараз, — яқин ўртада бир ҳийла қилиб Руҳнинг қонини, Сиҳатнинг обрўсини тўқаман». Мараз бадан ўлкаснiga Савдони сафарбар қилибди. Сиҳат бундан хабар топиб Руҳга арзу ҳол айлабди. Ӯз навбатида Руҳ Ақлга мурожаат этибди. Ақл тадбир билан Савдони занфлаштириб, Қонни муҳофазага олибди. Мараз ҳам бўш келмасдан Заъф (занфлик) ва Фитнани ишга солибди. Бу гал Ақл ночор қолиб, ўзини тамоман йўқотиб қўйибди. Сиҳатнинг Руҳдан ўзга пушти паноҳи қолмабди. «Эй Руҳ, — дебди у,— агар ғалаба биз томонда бўлса, сенинг салтанатининг боқий қолур. Агар ғанимнинг қўли баланд келса, сенинг чоранг Ватанни тарк этмоқдир».

Уртада кескин кураш бошланнибди. Охирида Заъф енгилибди. Шундан кейин Руҳнинг камоли кучайиб, гўзаллик ва завқи ҳаддан ошибди. Қадимий дўстлардан ҳеч қайси-сининг мусоҳиб бўлишинга лаёқати йўқ, Руҳ ёлғиз, йўлдош изларкан.

Мушкул пайтда Фараҳнинг Руҳ олдинга қайтмаганлиги эсингиздадир. Кунлардан бирида Фараҳ Ҳуснга мурожаат этиб дебди: «Эй кўнгил равшани, Ҳусн. Эй дунёни ёндириған жон. Анча муддат Руҳдан йироқман. Бу айрилиқ роҳатимни емирди. Вафосизликни тарк қилмоққа аҳд этдим...»

«Рұхдан яхши сүз очдинг, — дебди Ҳусн, — мен ҳам унинг маърифат боғидан гул термакни истармен. Фақат шарт шуки, Рұхнинг мендан хабари бўлмасин, мени танимасин». «Бу мушкул ишдир. Чунки унинг ёнида Ақл бор, ҳар бир ишдан у хабардордир», дебди Фараҳ. Шунда Ҳусн унга жавоб қайтарибди: «Ақлнинг мени кўришга тоби тоқати йўқдур. Аммо мен Рұхни афсунлай оламан...» Фарах бу гапдан суюниб Ҳуснни олиб бормоққа ҳозирланибди. Улар дастлаб Вужуд ўлкасини кезишибди. Бу ўлка Ҳуснга маъқул келиб у ерда Ватан қилмоққа қарор этибди. Сўнгра афсун оятларини ўқигач, Ҳусннинг латофати Рұхга фавқулодда кучли таъсир ўтказибди. Ҳусннинг Ноз, Ишва, Каравшма, Гамза сингари қўшинлари Рұхни қуршаб олишибди. Бундан Рұхнинг равнақи ортибди. Бу орада Ишқ билан ҳамроҳ бўлган Муҳаббат ундан ажралибди ва Рұхнинг хизматига келибди. Бироқ Рұхнинг Ҳуснга мафтун бўлганлиги хабарини етказибди. Энди Ишқ Рұхга қуллук айламак учун бел bogлабди... Ишқ Рұхни таърифлаб уни лойиғича власф қилибди. Ҳусн ҳақидаги суҳбат асносида Ишқ англабдики, Рұх ҳали ғофилдир. У дебди: «Ҳуснни кўрмак учун ўзингдан кечмагинг керак». Рұх айтибди: «Эй Ишқ! Сенинг гапинг амалга ошмас ишдир. Уни талаб қилмак фойдасиз. Сўзингни чинлигини исботлай олмасанг, ҳақиқатинг ёлғон, бу ривоятинг зиёсиз бир шам эрур». Ишқ Ҳусндан нишона кўрсатмоқ хусусида гапирибди. Рұхга завқ ва ҳавас ғолиб келгани учун у ўша сувратнинг ҳақиқатини англашни истабди. Ишқ Рұхнинг қўлига сафо кўзгусини тутқазибди. Кўзгуда барча айбу нуқсонлардан фориғ бир пари пайкарнинг жамоли намоён бўлибди. Ҳусн бир ёндан каманд отса, Ишқ иккинчи ёқдан ўйин бошлабди. Рұх икки ўт орасида қолибди. Ҳайрат уни беҳол қилибди. Шунда улар беҳушлик водийсига етишибди. Ўзига келгач Ишқ унга дебди:

— Эй эҳтиёжсиз муҳтоҷ. Бу сувратнинг душмани кўп. Бу маънининг муддаочиси ҳадсиздир. Ақлнинг ёнида адабсиз, риёкор ва ялтоқ кимсалар бордурки, уларнинг лақаби Зарқ (Иккюзламачилик) ва Риёдур. Бу сувратни Идрок ҳазинадорига топшир...» «Унга боқмоқ менга вожибдур...», дебди Рұх.

«Уни Ҳаёлға топширки, сувратини чизсин ва сенинг назарингда сақласин», — дебди Ишқ.

Рұх бу маслаҳатга кўникибди. Ҳусн сувратини чизниши Ҳаёлга буюрибди. Аммо Ҳаёл чизган сувратдан Рұх мурод мәнзилига йўл топа билмабди. «Эй Ишқ, ўлдим, менга чора кўрсат», дея ёлворибди.

Ишқ Ҳуснга восил бўлмоқ мушкуллигини тушунтирибди. «Машаққатга тобим бор, дардимга чора айла, қарорим йўқдур», дебди Руҳ. Сидқу дилдан талаб қилингани учун Ишқ Руҳга йўл кўрсатишни вожиб билибди. Улар аввал Маъшуқлик саҳросидан кечиб ўтмоқлари лозим экан. Бу саҳродаги биллурдан ҳам соф, ипакдан ҳам майин гўзал бир манзилда ошиқларнинг қони тўкилиб, тупроққа қоришаркан... Улар «Фаб-ғаб», «Хат», «Хол», «Занаҳдон», «Лаб», «Чашми шаҳло», «Соч», «Зулф» сингари водийларни кезиб, Ошиқлик мулкига ўтибдилар. Бу мулкнинг Маломат аталган илк бўстонида шавқ, ҳавас, айрилиқ чечаклари қулф уриб ётган экан. Бало, Мехнат, Шиддат шаҳарларидан кейин бепоён Ожизалик саҳроси бошланибди. Ниҳоят Ҳижрон гўшасида манзил қуришга тўғри келибди. Бу гўшада гоҳ Ҳайрат, гоҳ Умидсизлик, гоҳ Нола ва Зор ила сирдошлиқ қилишибди. Қарор ва Тоқат тоғидан ошилгач, Хорлик водийси сарҳадидан бир ўлка зоҳир бўлибди. Бу — хароб вуз вайрон Кўнгул ўлкаси экан. Руҳ Кўнгул ўлкасининг ахволидан изтиробга ёниб Ишққа қаратса хитоб қилибди:

— Эй мени жаҳон овораси айлаб, ёлғон ваъдалар бериб ҳалок этмоқни истаган ҳийлакор. Менинг роҳат, завқ, ва ва вайрон Кўнгул ўлкаси экан. Руҳ Кўнгул ўлкасининг ахволидан изтиробга ёниб Ишққа қаратса хитоб қилибди:

Ишқ Руҳнинг фарёдларини тинглаб дебди:

— Эй Руҳ, сенинг шикоятинг кимдандур? Бу оғат ва балоларга ўзингдан бошқа ҳеч ким айбордормас. Идрок ҳазинасидаги сувратга бир боқ. Ўша сувратнинг ҳақиқатларидан ибрат ол. Руҳ сувратни олиб келишга буюрибди. Қараса, занф бир бадан ва нозик суврат кўринармиш. «Эй Ишқ, бу суврат у аввалги суврат эмас-ку. Менга англат. Нега бундай?»— дебди Руҳ. Ишқ айтибди: «Эй Руҳ, бу лавҳ Сафо кўзгусидир. У назар аҳлининг шаклини акс этирур. Унда кўрганинг биринчи суврат сен эдинг, энди кўриб турган суврат ҳам ўзингсан. Аввал ўзингга боққанингда сен ғофил эдинг. Ўзлигингни танимасдан, ўз орзунгда юардинг... Ҳам Ошиқлик мазҳари сенсан, ҳам Маъшуқлик зийнати сенсан. Бу манзилга ёвуқлашмоқ учун барча алоқалардан айримоқ лозим эди».

Руҳ кўзларига ошнолиғ сурмасин чекиб вужуд ойнаси оламидан ўзига боқиб бир гўзални кўрибди. На суврат ва на маънига эҳтиёжсиз бу гўзал қудси Руҳ билан ҳамоҳанг равишда ваҳдат хилватида ўтирган экан. Мана шундан кейин Руҳнинг на ақлга, на ҳисга, на ишққа — хуллас ҳеч нимага муҳтоҷлиги қолмабди. Шу мақомга етишганда

«Жабарут» ва «Лаҳут» оламларига парвоз этиб асл манзилда боқий қарор топибди.

Алишер Навоий ғазалларидан бирида:

Сирри ишқимни тилармен шарҳ құлмай англасанг,  
Қим әмас ишқ өятиға маҳрами асрор лафз,

деганида инсон Рұхининг Оллоҳ Рұхи билан қовушишини назарда тутган. Рұхнинг саргузаштларга бой ва бағоят машаққатли сафари ниҳоясига етгач, «ишқ өяти»ни сүз билән ифодалаш душвордир. Бугина әмас, ваҳдат хилвати шундай бир мақомки, унда «роз ифшо айламак» истатык ўз-ўзидан барҳам топади. Шу маънода Навоийнинг қуйидаги сүзларини яна тақрор ўқиши мақсадда мувофиқдир:

Күз менга бас, тилни кесмак истарамкім хұб әмас,  
Роз ифшо айламак, басдур тамошо айламак.

Бу «тамошо» — дийдор талаблик. Аҳмад Яссавий таъкидига күра:

Хонумонин тарқ этмайин күрмас дийдор,  
Дийдор күрай деган ошиқ бұлар бедор,  
Андоқ ошиқ күрар анда дийдор...

Навоий «Хонумон таркин қилиб оворалиғ күнглум тилар», деганида дийдор күриш ва бедор бұлишни назарда тутганми? Албатта, «хонимон тарки» эса жунун камоли орқали амалға ошади. Шу маънода Навоийнинг машхур ғазалларидан бирига мурожаат этайлик:

Жунун водийсига мойил күрармен жони зоримни,  
Тилармен бир йўли бузмоқ бузилғон рўзғоримни.

Фалак бедодидин гарчи мен хокий ғубор бўлдум,  
Тилармен, топмагайлар тўтнёлнгқа ғуборимни.

Шак әрмас партави тушгач уйи ҳам, раҳти ҳам куймак,  
Чу гўристон гадойи сезмагай шамъи мазоримни.

Демаңг, қай сори азм эттунг, манга йўқ ихтиёр,  
Қазо илкига бермишмен инони ихтиёrimни.

Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфарони юз,  
Фалак зулми бадал қилди ҳазон бирла баҳоримни.

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат,  
Не тонг, бошим олиб кетсам қўюб ёру днёринни.

Ёмон ҳолимға бағри оғриғай ҳар кимсаким кўргай,  
Бағир парголосидин қонға булғонғон узоримни.

Ҳаётим бодасидин саргаронмен, эй соқий,  
Қадаҳқа заҳри қотил қўй, доғи дафъ эт хўморимни.

Жаҳон таркин қилмай чунки тинмоқ мумкин эрмастур,  
Навоий, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.

Бу ғазалда шоир ўзининг севимли қаҳрамони Мажнунга издош. Чунки «ғавғойи жунунға мубтало» Мажнун «Хушумни жунун ели совурди», дея эътироф қилган. Гап шундаки, ғазалдаги лирик «мен»нинг ақли ҳуши ҳали «жунун ели»дан бутунлай соврилмаган. Унда ҳозирча «жунун водийсиға» майл пайдо бўлган. Унинг «Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни», деган сўзларини тинглаб, мойиллик сабабини ҳам дарҳол англаймиз. Демак, бу — жоннинг зориқишидан туғилған истакдир. Иккинчи сатр зорлик шиддатига тоқат қила олмаслик даражасига етган ошиқнинг тилагини ифодалайди:

Тилармен бир йўли бузмоқ бузилғон рўзгоримни.

Бузилғанни яна бузмоқдан не самара? «Бузилғон рўзгор»ни бир йўли тузмоқ мумкин эмасми? Йўқ, жунун маърифати бунга ўргатмайди.

«Жунун — мастиликда ниҳоят, дарвишликда бидоят эрур. Жунун шундай огоҳликдурки, унда киши ўзлигидан бехабар бўлмоғи керак», дейди Саййид Жаъфар Сажжодий. Жунун — тасаввуфда ваҳдат майидан мастиликнинг ниҳояти. Навоий назарда тутган «жунун водийси», бизнингча, дарвешликка дахлдордир. Чунки ғазалнинг биринчи байтида ўзликдан кечмоқ нияти таъкидланган, холос.

Фалак бедодидин гарчи мени хокий ғубор ўлдум,  
Тилармен, топмағайлар тўтиёлиққа ғуборимни.

Бу мисраларни шоир Эркин Воҳидов бундай шарҳлайди: «Яъни, золим одамлар мени тириклигимда хўрладилар, қадримга етмадилар. Вақт келарки, менинг одамларга кўргазгиз мөхру садоқатим, фидойилигим аён бўлар. Киншилар менинг қадримга етарлар, мозорим хокини кўзларига

түтиё қыларлар. Лекин тириклигимда бедодлик қылганлар мен дунёдан ўтгач ўқынмоқлари бенаф, күзларига түтиё қылмоқ учун ғуборимни топмағайлар». «Фалак бедодидин» шикоят, албатта, шундай мулоҳазаларни илгари суришга имкон беради. Аммо бу фикрлар байтнинг зоҳирний мазмунiga тегишли бўлиши мумкин. Унинг ҳақиқий маъноси эса бошқачадир.

Фалакнинг зулму адолатсизлигидан жисми хоки ғуборга айланган шонир, «Тилармен, топмағайлар түтиёлиғқа ғуборимни», дейди. Бу гаплар кимга қаратилган? Энг аввало, ишқ аҳлига.

Абул Ҳасан Харақоний «Нур ал-улум»да ишқ туфайли ғойиб ўлмоқни учга ажратади: аввалгиси, ўзингни англасанг, Худо ҳам сени билса ва кишиларни сийрак кўрсанг. Иккинчиси — сен бўлсангу маъшуқ бўлса. Учинчиси — ҳамма бўлса-ю, сен бўлмасанг.

Навоийнинг навбатдаги тилаги шу сўнгги ғойиблик, яъни ваҳдати вужуд билан тамоман бирлашмоқдир. Турк олими Иброҳим Чубукчи ёзади: «Ваҳдати вужуд назариясининг асосчиси Ибн Арабийдур. Ўнга кўра борлиқда Оллоҳдан ўзга ҳеч нарса йўқдир... сўнгсиз шаклларда тажалли эта-диган ёки кўринадиган ягона ҳақиқат — Оллоҳ бор. Бу Ҳақиқатни майдонга келтирган ёхуд яратган бирор сабаб бўлмаганидек, унинг аксидан бошқа зуҳурланмиш нарса ҳам йўқ». Тасаввуфда илоҳий жамол тимсоли — Нур. Агар Худо ўз аксини кўрсатса — олам нур ва ёруғликка чулғанади. Навоий бу Нурнинг оламшумул қудратини улуғлаб дейди:

Шак эрмас партави тушгач уйи ҳам, раҳти ҳам куймак,  
Чу гўристон гадойи сезмагай шамъи мазоримни.

«Шамъи мазор»—жаҳондаги барча нарсани ўтга ғарқ этувчи самовий порлоқликка нисбатан кичик бир ёруғлик рамзи. Бироқ инсон руҳи «шам»га қиёсланадиган бўлса, унинг шуъласи Ҳақ нурига сингиб кетишга қодир. «Гўристон гадойи» — умумлашма образ. Шоир унда инони ихтиёрини «қазо илкига» топшириш сирларидан бехабар ғофилларга муносабатини изҳор қилган. У дашт фанога равона бўлишни кўзлагани учун ҳам ихтиёrsиз. Кейинги уч байтда «ўлим»га ризолик сабаблари шарҳланади. «Ашки гулгун»нинг тугаши, «заъфарони юз» билангина қолиниши — булар ҳақиқий ошиққа хос камолот белгилари. Бу ҳолатга эришган кишига фалак зулм ўтказиши, аҳли диёр ғанимлик назари билан қараши табиий. Мажнун қисматини

хотирланг. Уни ким тушуиди? Деярли ҳеч ким. Фалак одамлардаги гумроҳликни авж олдирмаганида Мажнун:

Девона бўлиб чиқиб жаҳондин,  
Овора диёри хонумондин,

дашту саҳроларга бош олиб чиқиб кетармиди? Қаттол фалак ҳамиша кўнглида «руҳий қудси» назул қилган ошиқларнинг «хазон бирла баҳорини» бехато ажратиб берган. Улар гўёки хазон фарзандлари. Хазон япроғи янглиғ сарсон-саргардонлик учун дунёга келгандай. Шоир ёмон ҳоли, тилинган бағир қонига беланган юзини кўрган кишининг кўнгли оғришини эътироф этса-да, барнибир ёру диёридан қочишга қатъий аҳд қиласи:

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат,  
Не тонг, бошим олиб кетсан, қўюб ёру диёримни.

Қисмат майи аччиқ ва тахир, деган гап бор. Бу бода соқийи азал — Худо томонидан ато этилади. Шунинг учун Навоий ўша соқийга мурожаат қилиб, тақдир қадаҳиға «заҳри қотил қуй», яна хуморимни тарқат дейди:

Ҳаётим бодасидин саргаронмен, эй соқий,  
Қадаҳқа заҳри қотил қуй, дағи дағъ эт хуморимни.

Навоийнинг нуқтаи назарида дунёдан кечиши — «заҳри қотил» ичиб кун кечирнишдай гап. Бу аччиқ заҳарни сипқормагунча, жаҳонни тарк этиб бўлмайди. Тарки жаҳон қилмагунча, тиним ва хотиржамлик, қаноат ва дервешликка эришиш мумкин эмас.

Жаҳон таркин қилмай чунки тинмоқ мумкин эрмастур,  
Навоий, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.

Охиригина сатрда ийҳом санъати ишлатилган. Уни «Йўқу боримни ўртайдиган бир наво қилғилки, мен бутунлай озод бўйлай», маъносида англаса ҳам бўлади. Бу күйнинг ижро-чиси Худодир. Бу илоҳий наво инсон Руҳини ҳақиқий озодлик мақомига кўтаради. Худди шу наво ишқ аҳлини жунун водийсига чорлайди:

Жунун водийсига мойил кўраммен жони зоримни...

## ФАҚРУ ФАНОЛИҚ ҲАЙРАТИ

Үн сакиз минг олам ошуби ағар бошнинадур.  
Не ажаб, чүн сарвинозим үн сакиз ёшиндадур.

Деса бұлғайқым, яна ҳам үн сакиз йил ҳусни бор  
Үн саккиз ёшиңда мунча фитнаким бошнинадур.

Үн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса улдурур  
Ҳусн шоҳи, ул балоларким, күэу қошиндадур.

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор  
Барчасыз әзид таоло сунъи наққошиндадур.

Тан анга сийму ичнінде тош музмар құнглидин,  
Ақлға юз ҳайрат, ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй мүғкін, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,  
Бул ажабларким, бу ески дайр хуффошиндадур.

То Навоий тұқтн үл ой фурқатидин баҳри ашк,  
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси аинніг ёшиндадур.

Алишер Навоийнинг «Бадоеъ ул-васат» девонидан ўрин өлган ушбу ғазали әлизиз орасида жуда машхур. Бундок қаралғанда, ғазал үн саккиз ёшли сарвиноз мадхига бағишлиланған. У шундай бир гүзал — чирой оламининг мислсиз малагики, үн саккиз ёшида «яна ҳам үн саккиз йил ҳусн бор» деса асло муболаға бұлмайди. Лекин шоирни бошқа ғиҳат ажаблантиради. Аникроғи, ажаб устига (илк байдаги) яна ажабланиш қүшилади: нечун үн саккиз ёшли ул санам мунча фитнакор? Ахир у ҳусн шоҳи. Латофатға түлиғ ўз ёшиға нисбатан яна «үн саккиз йил ҳусни бор» дейиши түғри әмас:

Үн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур  
Ҳусн шоҳи, ул балоларким, күэу қошиндадур.

Бундаги күзу қош — қаро балолардурким, ошиқнинг ақлу ҳушини горат қилади. Аммо ошиқ маъшуқаннинг «хусни нақш»ларидан ҳайратланмайди. Чунки «ҳар ҳайратки бор» барчаси «сунъи нақошиндадур». Яъни Худодадур. Үн саккиз ёшли сарвинознинг вужудининг кўксига кўнгул эмас, гўёки тош яширган. Үнинг бераҳмлиги ана шундан. Ёрнинг сувратида не сир, сийратида не сир? Буни англаш душвор. Шунинг учун Ақл ҳайрат гирдо бида қолади. Зеро, «Ақлға юз ҳайрат, ул ойнинг ичу топшиндадур». Демак, ягона чора бор: май ичмоқ керак. Нажоткор эса соқиӣ.

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,  
Бул ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

Исонинг «юз ҳайрат аро қолмиши» ҳам аввалги мисрада таъкидланганидек, ақлий ҳайратланиш. Бу ҳолатда висолга эришиб бўлмайди. Шу маънода ғазал қаҳрамони — ошиқни «бу эски дайр хуффоши» яъни кўршапалаклигидан халос этадиган ботиний зиё — Май ҳисобланади.

Ғазал сўнгидаги «ул ой» фурқатидан беҳад кўз ёш тўккан шоир сиймоси ва унинг ашк дарёсида акслангувчи қуёш тасвири чизицлган.

Хуллас, ғазалнинг муҳтасар мажозий мазмуни ана шундан иборат. Лекин ундаги мажоз «парда»си ортида яширган ҳақиқий моҳият бошқача ва нисбатан мураккабдир. Алишер Навоий шеърларининг бадиний таркибида маъно тугалланмайди. Балки туғилади. Шунинг учун Навоий шеърлари қайта-қайта ўқиши, фалсафий, тасаввуфий, диний, дунёвий нуқтаи назарлардан мушоҳада юритишини талаб қиласди. Бунинг бир сабаби мажозга боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳати, шеърий образлар характерига боғлиқ. Аввало, мажоз моҳиятини тўғри очиш ва тушунтириш осон ишмас. Мажозга қанча яқин борилса, у ўшанча узоклашади. Чунки мажозда шоирнинг ўзи кўзлагандан кўп ва кенг мазмун аксини топади. Гап шундаки, бундай вазијатда мажозий мазмунларни англашни «қулаштирадиган» бошқа бир фикрларни ўйлаб чиқармаслик керак. Шеърнинг яралишига асос бўлган ғоя, образ, кечинма ва таассуротларнинг илдизини кашф қилмайдиган талқинлар — сохта талқинлардир. Афсуски, бундай шарҳ ва талқинлар Навоий шеърларининг гўззалик маҳобати, фалсафий миқёси ва ички таркибидаги сирларини жўнлаштиради.

Шеърий образ — сўзнинг ўзлигини танишидир. Бунда

Сўз ўқувчини тинглашга, тарихий тушунча, тасаввурлар билан ҳисоблашиш, Сўзниң ранг, оҳанг, маъно қирралари билан уйғун ҳукмлар чиқаришга мажбур қиласди.

Фазал матланни бошқадан ўқийлик:

Ун сакиз мин олам ошуви агар бошиннадур,  
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиннадур.

Хўш, «ўн сакиз минг олам» — қандай олам? Ундаги фитна ва ғавғонинг сири нимада?

Иқтидорли ва заҳматкаш ёш олимларни миздан Н. Жуматевнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (1990 йил, 21 сентябрь) босилган «Ўн саккиз ёш ҳайратлари» мақоласи Алишер Навоийнинг юқоридаги ғазали шарҳига бағишланган. У ёзади: «Ўн саккиз минг олам» — турғун сўз бирикмаси бўлиб, у бутун борлиқ ўн саккиз минг оламдан иборат, деган оламнинг чексизлиги ҳақидаги афсона вий қадимий тасаввурлардан келиб чиққан». Бу — умумий гап. Ва у Навоий назарда тутган «ўн саккиз минг олам» тушунчасини шарҳламайди.

Ибн Синонинг «Мабдаъ ва маод» рисоласида ўқиймиз: «Аввало, билгилки, олам истилоҳда Худойи таолодин иборатдур. Аиммаи атҳори (имоми пок нафас) алайҳуссаломнинг асарлари даги хабарларда оламнинг миқдори ва саноғи етмиш мингдан уч юз минггача етгандир. Лекин бу оламнинг саноғи ҳар қанча бўлмасин, муҳтасар тарзда биз уни иккига ажратамиш: бири — зоҳир олами, иккинчиси — ботин олами...»

Бу икки олам ҳам ўз навбатида бир неча оламлардан таркиб топган. Олами зоҳир туюладиган оламлар қўйида гича номланган: олами маҳсус, олами сурат, олами шаҳодат, олами феъл, олами жисмоний, олами таркиб, олами жаҳр, олами ҳалқ. Олами ботиний эса мана булардан иборат: олами мужкаррад, олами маъни, олами ғайб, олами имкон, олами руҳоний, олами тафрид, олами сирр, олами амр.

«Баъзи тадқиқотчиларга кўра, — дейди Муҳаммад Фузулий «Матлаул эътиқод» асарида, — илк унсур жабарут (қудрат) олами дурки, бу лаҳуттур (илоҳийтур) Тангрига мансуб нишоът етмишdir. Ҳамчунун демишларки, бу оламда руҳлар баробар эмиш, сўнгра ундан (жабарут оламидан) малакут оламига, яъни муфрадот оламига энмишлар... Сўнгра бу оламдан мулк оламига — мураккаб борлиғлар оламига энмишлар. Бу оламда эса уч маъком бордир...»

Ботинийларнинг дунёқарашларига биноан, олам икки-

дур — руҳоний ва жисмоний. Уларнинг иккаласи ҳам мабдадан бирликда воқе бўлган ва камолдан нуқсонга томон ҳаракат этади. Сўнгра эса ноқисликдан мукаммалликка, яъни машага бориб этади. Жисмоний олам — зоҳир олами. Руҳоний олам — бу, ботиний олам.

Садриддин Куваний талқинида малакут олами—муқайяд мисол (идеялар) олами. У ғайб, руҳ, малакут оламлариши амр оламига нисбат беради. Бу оламда идея, илохий вахий ва муқаддас китоблар юзага келган. Малакут аҳлиниңг хусусиятлари, мулк аҳлининг сифатларидан юксакдир. Шунингдек, малакут тангрининг сирли «Ботин» исмини ҳам ифода этади. Мулк унинг зоҳирий исмидир.

Ибн Сино диний китобларда «оламнинг миқдори ва саноғи етмиш мингдан уч юз минггача етгандир», дейди. Сайнидали Ҳамадоний «Хилофот-ул-маноқиб»да оламнинг «саноғини олтмиш минг деб айтган экан. Баъзиларнинг ақидаларича олам етмиш мингдан иборат ва ҳоказо. Савол туғилади: Навоий «қадимий тасаввурлардан келиб чиқиб» оламнинг чексизлигини таъкидлаш учун нега юқоридаги сонлардан бирортасини тилга олмаган? Шоир «Сарвиназ-нинг бошида етмиш минг олам ғавғоси бор, аммо бунга ажабланмаслик керак, чунки у ўн саккиз ёшдадур», деса бўларди-ку! Ўшанда ҳам «биргина сарвиназ аҳволига эмас, умуман инсоннинг ўн саккиз ёшига таъриф» бериш мумкин эди.

«Асарда ўн саккиз ёшли муайян инсон тасвиранган бўлиши эҳтимол, унинг ҳаётий сиймоси бизга маълум эмас. Балки, матладаги таърифу тавсифга ўн саккиз яшар гўзал қиз эмас, баркамол бир ўспирин талъати асос бўлган-дир», — дейди Нусрат Жумаев. Ва йигит кишини васф этилиши ҳақидаги «тахмини»га эътироуз қилмасликни сўрайди: «Муҳтарам мухлис, Навоий йигит кишини васф этгани ҳақидаги тахминингизга дарҳол эътироуз билдириш ёхуд буни нотўри талқин этишдан сақланишингизни сўраймиз. Бу—ҳали илмда ўрганилмаган муаммо. Навоийнинг йигитлар васфида битилган ўнлаб рубобни (лирик) асарлари борки, улар турли андишалар билан «Хазойин ул-масний»нинг 1959-60-йилларда чоп этилган Ҳамид Сулаймон нашрига киритилмаган ва халқа етиб бормаган...». Бу ҳодиса Навоий дунёқараши билан боғлиқлиги айтилиб бундай хуносага келинади: «Ҳарқалай, асарга ўн саккиз минг оламнинг дарди билан яшайдиган, ақлу заковати ўн саккиз минг олам тилсимларини еча оладиган, ҳусни ўн саккиз минг оламни лол қолдирадиган, ҳаяжон ва эҳтирослари ўн саккиз минг олами ўртайдиган ўн саккиз ёшли инсон сиймоси

сабаб бўлган. Эҳтимол, ушбу Навонй орзусидаги комил инсондир». Бу гаплар — чиройли гаплар бўлиши мумкин. Аммо ғазалнинг яратилишини изоҳлайдиган далил — исбот бўла олмайди. Шунинг учун умумий тафсилотлар ва тахминларга берилмасдан «ўн саккиз минг олам»нинг конкрет изоҳларига диққатни тортиш керак эди.

Қадимий фалакиётга кўра туркларда ўн саккиз оламга доир қараш бўлган. Ўн саккиз оламнинг биринчиси—Ақли кулл: Оллоҳнинг яратувчи фаол қудрати. 2. Нафси кулл: ақли кулдан майдонга келган илоҳий қобилият. 3. Тўққиз кўк. Булар: Ой, Аторуд, Зухро, Куёш, Мирриҳ, Муштари, Зуҳал, Бурчлар ва Атлас кўки. 4. Тўрт унсур: Шамол, Олов, Сув, Туфроқ. 5. Уч мавлуд: ҳайвон, набот, маъдан.

Турк олими Қамол Эраслоннинг айтишича, шу ўн саккиз оламга мингнинг қўшилишидан ўн саккиз минг олам деган тушунча майдонга келган.

Ўн саккиз минг олам масаласида форсийзабон халқларнинг фикрлари нисбатан ўзгача.

«Басоир» соҳиби айтибдурки, — дейди «Ғиёсул луғот» муаллифи, — жаҳоннинг шарқу фарб, шимоли жанубдаги ҳар рубъасида тўрт минг беш юз олам бўлиб, жами саккиз мингдур...» Унда ёзилишича, баъзилар ўн саккиз оламни қуидагича сўзлар билан номлашган экан: ақлийя, нуронийя, руҳонийя, нафсийя, табъийя, жисмонийя, унсурийя, мисолийя, хаёлийя, барзахийя, ҳишрийя, жиноннийя, жаҳонномонийя, аърофийя, руъятийя, суворнийя, жамолийя, камолийя.

Таниқли тожик олими академик Абдуғани Мирзаев гувоҳлик беради: зардустийлик китоби «Бундахшин»да одам ва олам ҳақида фикр юритиб инсон вужуди борлиқ-оламга нисбатан «кичик олам» деб аталган экан. Вужуднинг ҳар бир аъзоси мажозий тарзда оламнинг маълум бир бўлагига таққосланиб, одам мускуллари — заминга, суяклари — токқа ва қояга, қон томирлари — дарё ва ирмоққа, сочи — тўқайга ўхшатилган. Айни шундай тасаввурлар тасаввувфа да ҳам мавжуд бўлиб, улар янада ривожлантирилган. Масалан, дастлабки сўфийлар инсон қалбини етти қават осмон сингари етти қисмдан иборат деб билишган. Унинг еттинчи қисми — муҳжот ул-қалб аталиб, унда илоҳий нур зуҳрланади деб белгиланган.

Маҳмуд Шабустарий инсонга қарата: «Сенинг вужуднинг бамисоли замин, бошинг — осмон. Ҳиссиётларинг — юлдузлар, қалбинг эса офтобдир. Суякларинг худди тоғдек — қаттиқ ва мустаҳкам. Соchlаринг — ўсимлик, охиратинг — дарахт», — дейди.

Шу каби тушунчалар Навоий шеърларида ҳам ўз акснни топган. Шоир бир ғазалда мана нима дейди:

Не тонг гар олами кубро эсам ҳар қатра ашким чун,  
Тенгиздекдур ичимда юз тугун ҳар қайси гардундек.

Шундаи қилиб, Навоий ғазалида таъкидланган ўн саккиз минг олам тасаввуф таълимоти замираидаги юзага келган бўлиб, Ҳақ ошиқларнинг сийрат оламига, зоҳирий оламга эмас, ботиний оламга дахлдордир. «Ўн саккиз минг олам» — тасаввуф шеъриятидаги поэтик образлардан бири. Ўнга шунчаки «турғун сўз бирикмаси» деб қаралмаслиги керак. Бу образ мундарижасини англаш жиҳатидан Аҳмад Яссавийнинг мана бундай мисралари қимматлидир:

Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса,  
Ўн саккиз минг қомуғ олам ғулғул бўлур.  
Қўнгул қуши шавқ қанотин тутиб учса,  
Жумла вужуд ёдин сайрап — булбул бўлур.

Демак, Навоий ғазалида «Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиннадур», дейилиши — «ориф ошиқ»ларнинг «жон мулкида алам» тортишига ишорадир. Акс ҳолда маъшуки азалнинг боши «ўн саккиз минг қомуғ олам» ғулғулу ғавғосига гирифтор бўлмасди.

Маълумки, фақрлик билан орнфлик ажралмас тушунчалардир. Фақрлик — орнфлик йўли ёки аксинча. Оллоҳ маърифатига ниёзманд солик — бу, фақр. «Нафоҳат ул-үнс»да фақр фазли илоҳий талаби учун ҳамма нарсадан кечиш лозимлиги қайд этилган. Ҳазиний «Жавоҳир ул-аброр»да фақирлик йўлининг машаққатларини ифодалаб, дейди: «Фақр йўлинда.... сафарлар ўлур. Ул жумлар сафарлардан олами ботин ва кишвари ғойибул-ғайб ичинда уч юз олтмиш дарё ва қирқ тўрт барзах ва ҳижоблар очилур (Аҳмад Яссавий ҳам «Уч юз олтмиш сув кечдим, тўрт юз қирқ тўрт тоғ ошдим», деган — И. Ҳ.) Ҳар барзах ва парда ва ҳижоб тахтидан, замнидан ва зуҳуридан қирқ тўрт ўлчиқур ва тўқиз тахт ва ҳар тахт узра султонни мутажаммил амру фармон ва ҳукм этар. Чун ул тахтгоҳ ва султонлардин кечилса иккى азим эшик зуҳур бўлур... ва дарёйи маввождан кечиб ўтилса, ногоҳ бир қубба воқе ўлур. Ва олти йўлки, ўн саккиз минг олам, ул олти йўлнинг бошинда-мутаҳайир ва муғаййир ва мустар қолмишлар фақру фано ила худди шу манозигл ва мароҳил биёбони фақру фанодурки бафоят мұхіб ва ажибдур».

Юнус Эмро:

Үн сакиз минг олам халқи жумласи бир ичинда,  
Кимса йүқ бирдан айру, сүйлайин дил ичинда,  
Бу тилемини англағон, жумаға дилда сүйлагон,  
Ерда күкда сиғмагон, киrmиш бу жон ичинда,

деганида, ваҳдат майидан маст, фанолик мақомига құтариленген ахли Ҳақиқаттинг ҳолатини баён қылған. Зотан, бағоят муҳиб ва ажыб фақру фано манзилида Жон бирла Жонон бирлашади. Ва шу тариқа «үн сакиз минг олам халқи», яғни хос ошиқлар вужуди мутлаққа тамоман қовушиб кетишади. Бу — халқдин Халққа сафардурки, чиндан ҳам сафар сүнгіда «бирдан айру» кимса қолмайди.

Мағлұмки, Алишер Навоий «Лисонут тайр»да ҳайраг водийсіндан сүнг «фарқу фано водийсінинг адоси» тасвирини берган:

Иүқ бу водий ичра жуз хомушлук,  
Гүнгу кар бўлмоғлиғу беҳушлук.

Чун талотум кўргузуб баҳри амийқ,  
Юз туман олам бўлуб онда ғариқ.

Баҳрининг кўллоки тушқон ҷоғда авж,  
Ким аён айлар туман минг нақш мавж.

Дам-бадам бу нақшлар топиб фано,  
Фош ўлур минг мавж гуногуң яно.

Яҳши боқсанг мавжидада йўқтур вужуд,  
Баҳрдин ўзга эрур бори нобуд.

Ҳақ вужуди келди баҳри бегарон,  
Мавжи онинг оғаринишидин аён.

Айни шу «минг нақш мавжи», яна «минг мавж гуногун»нинг кўриниши ва «ҳақ вужуди»нинг «баҳри бегарон» келишини шоир ўн саккиз минг олам ичидаги мўъжизотлар деб характеристерлаб, маъний ахли буларнинг барчасига эътибор қилишини қайд этади:

Үн сакиз минг олам ичра ҳар не бор,  
Ким қилурлар ахли маъний эътибор...

Юқоридаги далил ва мулоҳазаларга таяниб Навоий ғазалининг тасаввуфий моҳиятини шарҳлаш энди бир қадар осонлашади. Чунончи: ўн саккиз ёшли шоирнинг сарвинози — «ўн саккиз минг олам» ғавғоларининг сабабкори: «Еру азал. У қачонлардир йўқни бор қилиб «ўн саккиз минг олам»ни юзага келтирган. Лекин ўзи ҳамон ўша-ўша: «ўн саккиз ёшли» сарвинозлиги ўзгармаган. Ўн саккиз ёшга яна ўн саккиз йиллик ҳуҷнинг қўшилиши ёки «Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдуур», дея таъкидланиши — булар илоҳий ҳусн қудрати ва боқийлигини таранум қиласади. Тасаввуфда «бало» — илоҳий имтиҳон бўлиб, солик шавқу қувончининг зуҳрланишини билдиради. Ошиқ фақру фано манзилини кўзламаганида:

Ҳайрат этмон ҳусн нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,  
Барчаси эзид таоло сунъ наққошиндадур,

демаган бўлурди. Ривоят қилинишича, Биби Робия бир кун далада саір этиб юриб, «Мени Худо билан қовушмоқ иштиёқи чулғаб олди. Эй Оллоҳ, сен ҳам туфроғ, ҳам тошсан, лекин мен Сенинг ўзингни кўрмоққа илҳақман», деган экан. Тасаввуфда сув ва туфроғ сингарни тош ҳам ҳусн шоҳининг акси жамолини кўрсатадиган унсур сифатида эътироғ қилинган.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидни,  
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Иккинчи мисрада, ийҳом санъати тадбиқ этилган. Уни «Ақлға юз ҳайрат ул ойнинг суврати ва сийратиндадур» деб ҳамда «Ақлға юз ҳайрат ул ойнинг ичи ва тошиндан» деб англаш мумкин. Ёр кўнглида «тош» яширин бўлмаганида «ақлға юз ҳайрат» ато этилмасди. Зоро, ҳайрат тамали сийм тан ичиндаги ўша «тош»дир. Умуман, тасаввуфда «тош» бағритошлиқ, бераҳмликни ифодаламайди. Навбатдаги байтдаги «май» — илоҳий ишқ, тажаллий сифот, «муғ» — пир, раҳнамо, «даір» — олами носут, жисмоний ва мавжуд олам тимсоли. Ҳижронда кўз ёш оқизмоқ — сидқу содиқлик «мазҳаби». Навоийнинг «ул ой фурқатидин» тўкилган кўз ёшларини «баҳри ашқ» деб таърифлаши оддий муболага эмас. Сув бир «кўзгу» дурким, унда қўёш жамол кўрсатади. Бу қўёш — ҳусн шоҳи, яъни Оллоҳдур.

Инсон моҳият эътиборила ишқи ҳақиқийга лойиқ бир борлиқ. Ишқи ҳақиқий йўли — кўп олис ва таҳликали йўл. Лекин солик нафсни енгисб кўзлаган маконига восил бўлгач,

шубха, құрқув, ноқисликлардан покланади. Ва ҳамма нарса, ҳамма жойда ҳусни мутлақ сиімосини. күради. Шунда инсон беҳуда фикрлар, увоқ ҳислар, алдоқчи истаклардан тамоман йироқлашади.

Алишер Навоийнинг «Үн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадир» мисраси билан бошланадиган ғазалидаги улуғвор ва ўтли оҳанг фақру фано шеърларининг күнгүл садолариdir. Бу садода шавқ бор, ҳайрат бор, рұхоният бор.

## «ИҮҚ ДАҲРДА БИР БЕСАРУ СОМОН...»

Рубоийни «Ислом қомуси»да Шарқ шеъриятининг «воҳид қуёши» деб таърифлашган. Рубоий бадиий ижодда дөвруғ таратган жанр. Лекин унинг «воҳид қуёш» даражасига кўтарилиши, бизнинг ўйлашимизча, диний-фалсафий маъноларнинг губоийда кенг ва изчил ифодаланиши билан ҳам боғлиқ бўлиши керак. Маълумки, ўзларининг илоҳий ва мистик ғояларини тарғиб этмоқ учун шеърнинг ҳар хил шаклларидан фойдаланган сўфий шоирларнинг диққати кўпроқ рубоий жанрига қаратилган. Масалан, Фарииддин Атторнинг биргина «Мухторнома»сида тасаввуф йўналишидаги беш мингга яқин рубоий ўрин олган. Улуғ Жалолиддин Румий девонидаги бир ярим мингдан ортиқ рубоийнинг аксарияти ирфоний мазмунларга эга. Нажмиддин Кубро, Бобо Тоҳир, Абдулло Анзорийларнинг тўртликларини ҳам тасаввуф ҳақиқатларидан ажратиш мумкин эмас.

Жалолиддин Румий айтади:

Дил аз ҳаваси ту чун рубоб аст, рубоб,  
Ҳар пора зи сўзи ту кабоб аст, кабоб.  
Дилдор эи дарди мо агар хомӯш аст,  
Дар хомӯши дусад жавоб аст, жавоб.

Мазмуни: Дил ҳавасингдан сенинг бамисли рубобдир, рубоб. Ҳар пораси оташингдан кабобдур, кабоб. Дилдор, дардимиз бизнинг агар хомушдур, Хомушлиқда икки юз жавоб бордир, жавоб.

Рубоийда тилга олинган «ҳавас» ҳақиқий ишқнинг бир босқичидир. Шунинг учун ошиқнинг дили рубобга айланиб, муҳаббат ўти унинг парчасини кабоб қилмоғи шубҳасиздир. «Хомӯши»— шеърдаги бош сўз. Диленинг «рубоб»лиги ҳам, «кабоб»лиги ҳам хомушлиқ ҳолатига тобе. Бу сўз, биринчидан, мистик таҳайюл фаоллигидан шаҳодат беради. Иккинчидан, Ҳақ сирларидан воқиф юрак маърифатини изоҳлайди. Шу маънода «икки юз жавоб»нинг барчаси

маҳзун Руҳ садоларидир. Румийнинг эътиқодига кўра, ғам — мағзи йўқ «бодом». Бироқ бодом қалбда қулф уриб гуллаши учун уни «мағзли» этиш зарур. Бу мағз — Оллоҳ ишқи. Вужуди Ҳақнинг ҳаммоли бўлмагунча инсон ишқ всдийсига етиб боролмайди. «Ҳаммоли Ҳақ аст ин тани ҳокин мо», дея олгандагина ишқ жон ичида қўзғалишлар қиласди. Ба шундан эътиборан ғариб Юракнинг ҳайратли саргузаштлари бошланади.

«Дил кист? — Дил ким?» — дея савол қўяди. шоир. «Якс ғариби овораи мо! — Бизнинг бир ғарнб оворамиз», деб жавоб ҳам беради. Жалолиддин Румий рубоийларида ғариб Диљнинг гаройиб ововораликлари аксини топган. Шоирнинг лирик қаҳрамони «Ишқ оби ҳаёт аст, дар ин об даро — Ишқ оби ҳаётдур, шу сувга кирғил», дея кўнглига фармон беради. Юракнинг оби ҳаёти — қон:

Ҳар мавж, ки мезанад дил аз хун, эй дил,  
Он дил набуват, магар, ки дарёст, дило!

Мазмуни: Юрак қондан шундай мавж урдики, эй юрак, у юрак эмас, дарёдир.

Румий Худони борлиқ оламидан ажратмайди. Худо бутун дунёнинг ҳамма жойида мавжуд ва жаҳондаги ҳамма нигрсада Худо зуҳрланади. Унинг нури жамоли эса дилда намоёндир. Бугина эмас, ўша Маъшуқи азал юракнинг ҳокими. Кўнгул салтанатининг улга тенг сultonи йўқ. Кимнинг кўксисида юрак зарраси бўлса, тириклик нажоти, албатта, ўшанинг ишқидир:

Дар синаи ҳар ки заррае дил бошад,  
Бе ишқи ту зиндагеш мушкул бошад.

Лекин бу ишқ — жонга бало бошлаб келувчи ишқ. Бу ишқ — ранжу ғурбат, дарду ҳасрат оловларида ёндиргувчи ишқ. Ошиқда шу ишқдан бўлак зару зевар бўлиши мумкин эмас, «Ошиқ зари сурх аст, сияҳрў нашавад». У «Ҳақни ёдлаганим заҳоти қалбим ёнаверсин, Дијдамдан хуноба оқаверсин, Ҳар жойдан унинг хабари етаверсин, Бечора дилим тандан парвоз қиласверсин», деб фарёдлар чека билиши билан ибратлидир. Жалолиддин Румий бир рубоийсида «Мени она туғмаган, ишқ туққан, Бу волидага мингминг раҳмату оғарин бўлсан» дейди. Худди шу фикрда шоир рубоиётидаги бош моҳият таъкидлангандир.

Худо ва табиат бирлиги, Ишқ ва Инсон, фанолик ва бақолик—булар Абдураҳмон Жоомий рубоийларида ҳам тал-

Қин этилган. Абдураҳмон Жомий айрим тўртликларида ваҳдати вужуд таълимотига асосланиб Худонинг мавжудлигидан баҳс очади. Шоир сувда ҳам, тупроғда ҳам Оллоҳ яширин эканлигидан заррача шубҳаланмайди. Шунингдек, инсон жону дилининг хилватида ундан ўзга ҳеч ким ниҳон эмаслигига ҳам тўла инонади:

Дар сурати обу гил аён гайри ту кист?  
Дар хилвати жону дил ниҳон гайри ту кист?

Ақл-идроки паст кимсаларнинг назарида олам эҳтимол шунчаки хаёл туюлар. Аммо оламдаги жовид ҳақиқат жилвалари-чи? Табиатдаги ҳар бир нарса ўз бўйи, ранги ва тақрорланмас хусусиятларига эга экан, демак, улар Ҳақнинг ё феъли, ё сифати ёхуд зотидан шаҳодатдир:

Ҳар чиз, ки ранги бўйи ҳасти дорад,  
Е феъли Ҳақ аст, ё сифат, ё зот аст,—

дейди шоир. Ердан кўкка, кўқдан ерга тараладиган оҳанглар — ишқ оҳанглари. Уларни илоҳий ишқ садолари сифатида тинглай олмоқ керак. Гафлат бунга йўл қўймайди. Гафлат — соғ қулоқнинг карлиги, очиқ кўзнинг басирлиги. Гоғил киши ўзини ўзи тинглашга ҳам, кўришга ҳам қодир эмас. У «Мен» дейди. «Мен»нинг нималиги билан қизиқмайди.

«Ман мегўям, vale надонам «ман» чист?

Саволларнинг саволи ана шу савол тўғри ҳал этилса, гафлат пардаси чок-чокидан сўкилиб, кўнгил ваҳдат нурига чулғанганда:

Дар дига аён ту буди, ман ғоғил,  
Дар сина ниҳон ту буду, ман ғоғил,

яъни: дийдамдан жой олган сен экансану мен ғоғил, бағримда ниҳон сен экансан-ку, мен ғоғил, демоқ муқаррардур.

Жаҳон авроқида Оллоҳ номидан ажралган бирорта ҳам ҳарф йўқ. Унинг исмини «гоҳ бода, гоҳ жом, гоҳ дона, гоҳ дом» деб тақбир этишган. Жомийнинг эътирофида, исмбозлиқ ҳожатсиздир, жумла жаҳон яхлит вужуд бўлса, Худо унинг жони. Жаҳондан унинг белги ва нишоналарини ахтариш орифликмас:

Аз жумла жаҳон туро ишон межустам,  
Худ жумла жаҳон ту буди, май тоғил.

Алишер Навоий рубоийлари таҳлилига бағишилаб ўт-тиzinчи йилларда ёзилган бир мақолада шоирнинг ишқий шеърларини илоҳий ишқ йўналишида талқин этганлар «панисломистлар», «туҳматчи разиллар» деб қораланган ва таҳқирланган. Албатта, «туҳматчи разиллар» қаторига қўшилиб қолишдан, Навоий тасвирлаган ҳақиқий ишқ ғояларини нотўғри ва саёз нуқтаи назарларда изоҳлаш осон ҳамда қулай эди. Кейинчалик, шоир лирикасидаги «сўфиёна қарашлар, тасаввуф руҳидаги кайфиятлар» Навоийнинг «ҳақсизлик, ҳуқуқсизликнинг туб сабабларини» тушуниб етмаганлиги билан ҳам изоҳланадиган бўлди. Гап шундаки кимлариидир Навоий асарларини «бузиб кўрсатиш, халққа потўғри тушутиришда» айблаған тадқиқотчиларнинг ўзлари шундай усуlda қалам тебратишган.

Тарихийлик ва ҳақиқат нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, Навоий рубоийларининг ўрганилиши ва таҳлиллари ҳам қаноатланарли эмас. «Ҳазойин ул-маоний» девонидаги рубоийларнинг аксариятидаги бош ғоя: зоти мутлақ севгиси, ваҳдати жовидлик орзуси, ҳижрон дарди. «май» ва фаноликни улуғлашдир. Алишер Навоийнинг пантенестик нуқтаи назарича, оламда Худодан айру бўшлиқ бўлмаганидек, унингсиз ҳеч қандай тўлалик ҳам йўқ: «Ким андин әрур тўла хало бирла мало». Агар Оллоҳ қуёшга ўхшатилса, бу — заррани қуёшга тенглаштиришдай номувофиқликдир:

Гар меҳр анинг мисли дегайлар уқало,  
Меҳр оллида зарра янглир ўлғай масало.

Бутун борлиқни илоҳийлаштириш ишончи шоир тасаввурларини фавқулодда жонлантирган.

Кўк пўяву сайд ила талабгор санго,  
Кўк саргарибон ишқда бемор санго.  
Ой доғ ила қуллуқ айлаб изҳор санго  
Тун анижуми нақдидин харидор санго.

Кўк, Кун, Ой, Тун — булар бежиз ташхислантирилмаган. Шеърдаги тасвирни ўқувчи ўзича ривожлантириб, тоғнинг акс садоси, боғу бўстонларнинг ғаройиб навоси, дарёнинг улуғвор оқими ва бошқа ҳодисотларда ойнинг «доғ ила қуллуқ» қилиши-ю, туннинг порлоқ юлдузларни сочиб «хари-

дор» бўлишини эслатадиган сирларни кашф этади. Бундай мушоҳада йўлига тушган кўнгил учун «Ё рабки, иноятингни ёр айла манго, Йўқлуққа ҳидоятингни бор айла манго», деган илтижолар ишонарлидир.

Аҳмад Яссавий томонидан чин ошиқларга бундай кўрсатма берилган:

Ишқ боғини меҳнат тортиб кўкартмасанг,  
Хорлик тортиб шум нафсингни ўлдиримасанг,  
Оллоҳ дебон ичга нурни тўлдиримасанг,  
Валлоҳ-биллоҳ сенда ишқни нишони йўқ.

Ишқ боғини заҳмат чекиб яшинатиш — шум нафсни енгишдан бошланади. Бусиз «Оллоҳ дебон ичга нурни» тўлдириш хомхаёлдир. Маъшуқанинг нури жамоли ёришгач, Руҳ камолига халақит етказадиган ўткичи орзу-ҳаваслар барҳам топа боради. «Ҳар зулф ҳамиға» боғланиш йўқ. Ошиқ «ҳар кўз ҳавасидан» хасталанмайди. Қуйидаги рубонйда шу мантиқ гўё давом эттирилган:

Кўнглум гулу сарв майл қилмас, нетайин?  
Сарву гул ила очилмас, нетайин?  
Ҳар шўх кўрунса, кўзга илмас, нетайин?  
Бир шўхким, ул тилар — топилмас, нетайин?

Кўнгил «гулу сарв»га майл қилмагач, «сарву гул ила даме» очилмаслиги ўз-ўзидан тушунарли. Нега шундай? Саркаш кўнгил ҳолига ҳайрон ошиқ «Нетайин?»дан ўзга чора топа олмаётир. Шикоятга яна шикоят қўшилади:

Ҳар шўх кўрунса, кўзга илмас, нетайин?

«Ўзгалар ҳуснин томоша айласа чиқсни кўзим», дейди Навоий фазалда. Биз бу гапни инсоний садоқатининг олни ифодаси деб қабул қиласмиш. Ҳар шўхни кўзга илмаслик ҳам вафодорликнинг юксак намунаси. Зотан, шеър қаҳрамони хаёлида бир маҳваш яшайди:

Бир шўхким, ул тилар — топилмас, нетайин?

Ҳақиқий ошиқ кўпинча «Топмадим» ёки «Топилмас», дейди. Шарқ шеъриятида «Топмоқ — бу, йўқотмоқ», деган мантиқ қоида тусини олган. Рубонйда шоир «ишқни, ҳис, кечинмаларини шундай ифодалайдики, уни реал инсоний ишқ деб аташга ўқувчи тараддуд қилмайди». Аммо ошиқ-

нинг оғир ва маҳзун руҳий ҳолати, «ҳар шўх»га нисбатан «бир шўх» тасаввурдаги идеал образ эканлигига қараб, тасвирдан мақсад ҳақиқий ишқ бўлганлигини идрок этиш қўйин эмас. Мана шунинг учун бундай шеърларни тасаввух адабиётининг муҳлислари ҳам зўр иштиёқ билан ўқиганлар. Навоийнинг кўп рубоийларида бир маъно ортида иккинчи, айтиш мумкинки, асосий маъно яширингандир. Бу маъноларни кашф қилмоқ учун ҳар бир тўртликдаги рамзий белги, ишорат, образ, оҳанг ва маҳсус таъбиrlар билан қизиқиш керак.

Улсан ясаманг мунда мазоримни менинг  
Юклаб эллитинг жисми фигоримни менинг.  
Утру чиқориб аҳли диёrimни менинг,  
Кўйида қўюнг тани низоримни менинг.

Бу рубонидаги дард—мусофирлик дарди. Н. М. Маллаев унда шоир «ҳаётинигина эмас, балки қабрини ҳам диёри билан боғлаб, жасадининг диёри тупроғи қўйнидан жой топишини» истаганлигини таъкидлайди. Ёру диёридан айрилиқдаги одам эл-юрти висолига етишса — дунёнинг улуғ шодлигига етишади. Ва «тани низор», яъни кучсиз-мадорсиз вужуд камида қувват топади. Хастаю абгор бир «жисм»нинг кўтариб келтирилиши-ю, «аҳли диёр»нинг уни қарши олиши — таъсири манзара. Булар рубоийдаги дастлабки маъно қатламига доир гаплар. Иккинчи маъно ҳақида сўзлашдан олдин Жалолиддин Румий тўртликларидан бирига мурожаат қилайлик:

Гар ман бимурам, маро биёред шумо,  
Мурда ба нигори ман супоред шумо.  
Гар бўса динҳад бар лаби пўсндан ман,  
Гар зинда шавам, ажаб мадоред шумо.

Мазмуни: Гар мен ўлсан, мени олиб кетинглар сизлар. Мурдамни нигоримга топширинглар сизлар. У менинг чириган лабимдан ўпса, Гар тирилсан ажабланманглар сизлар.

Юзаки қарапганда, Румийнинг тўртлиги ҳам мусофирлик ҳасратини ифодалайди. Чунки бунда ҳам «Гар ўлсан мени ғарип мазор қилманглар», деган ўтинч бор. Имом Фаззолийнинг фикрича, чин сўфий ҳар куни камида йигирма маротаба ўлимни хотирлаши лозим. Сўфий ўлимни эсладими, демак у Ҳақ билан қовушиш йўлида ўлимни таслим қила боради. Сўфийнинг боқий тириклиги — «ўлим». Шу боис Румий, ўлгандан сўнг ҳам Нигорим чириган ла-

бимга лаб босса тирилишимдан ажабланманглар деб огохлантирган.

Абадий тириклик талаби одамнинг онгиға ташқаридан киритилмаган, бу азалдан унинг руҳиятида пинҳондир. Шу түйфунинг шаклланишида тасаввуф самараали таъсир кўрсатган. Навоий рубоийсига қайтайдик. Шоирнинг ўз иқро-рига кўра, олиб кетилиши керак бўлган жисм — «жисми фигор»дир. Фигор — жароҳатли, ярали деган мазмунни билдиради. Тасаввуф фалсафасида тавҳиднинг етти кўри-нишидан биттаси «фигор» деб аталган. Фигор — ақлни поклаш жараёнидир. Покиза ақл инсонни руҳий ҳаётга рағбатлантиради. Навоий шафқат истаб «Юклаб элитинг жисми фигоримни менинг», демаганидек, одамларни мусо-фир қайғусига муносабатга ҳам чорламаган.

Ривоят этилишича, Мадинада бир киши вафот этибди. Муҳаммад пайғамбар марҳумнинг жанозасини ўқиганларидан сўнг, «Бу зот мусофириликда вафот қилса қандоқ яхши бўлурди?» — деган эканлар. «Нима учун, расуллulloҳ?» деб сўрашганда: «Одам мусофириликда ўлса, ту-ғилган жойидан ўлган жойига қадар масофа чегарасида унга жаннатдан жой ажратиб берилади», деб жавоб бе-рилган экан.

Рубоий қаҳрамонида жаннатдан ўрин эгаллаш даъвоси бўлмаса-да, у ҳам мусофириликдаги ўлимни фожна ҳисобламаган. Шеърда фожна руҳи йўқ. Ўлганда ҳам ўлмаслик ишончи ҳокимдир. Сўнгги сатрга яна диққатни қаратай-лик:

Кўйида қўюнг тани низоримни менинг.

Кимнинг кўйига? Аҳли диёрнингми? Ёрнинг. Жисм Ҳақ кўйини пайдо қилмагунча, кўнгул — маъвосини, кўз — тамошасини, ашк — йўлини тополмайди:

Эй жисм, анинг кўйин пайдо қилакўр,  
Эй кўнгул, ўшул кўйни маъво қилакўр.  
Эй кўз, сен онинг юзин тамошо қилакўр,  
Эй ашк, онинг кўйи сори оқилакўр.

Тасаввур этайликки, «Кўйида қўюнг тани низоримни менинг», деган талаб амалга оширилди. Нима бўларди? Румий очиқ сўзлаган ҳодисани Навоий сир сақлаган. Навоий гарчи «Мурда жисмимнинг тирилишидан ажабланманглар, сизлар», демаган бўлса-да, бу мантиқ охирги икки мисрага сингдирилган.

Маълумки, Фаридиддин Аттор сингари тасаввуф ада-биёти вакилларининг таълимотларига биноан ишқ ҳалини бир неча тоифага ажратиш мумкин. Биринчиси — маъшуқа жамолини кўриб у билан бирлашиб кетмоқни истайдиган ошиқлар. Иккимчиси — ёр учун жондан кечиб ўзини қурбон қилишни хоҳлайдиган ошиқлар. Учинчиси — ишқдан бўлак ҳеч ким ва ҳеч нимани ўйламайдиган ошиқлар. Навоий рубоийларида у ёки бу шаклларда ушбу уч тоифага мансуб ошиқларинг қалб кечинмалари аксйни топган.

Кўнглумни ғаму дард ила қон айлади ишқ,  
Кўз йўлидин ул қонни равон айлади ишқ.  
Ҳар қатрани билмадим қаён айлади ишқ,  
Бедил эконим бўйла аён айлади ишқ.

Қани дили бу бедилнинг? — дегингиз келади. Унинг кўнглинини қон айлаган — ишқ. Кўз йўлидан қон оқизган — ишқ. Лекин у ишқдан рози. «Бедил»лигини билдирган ҳам ишқ. Унинг Дили — Ҳақ. Шунинг учун у «Бедиллиқ ўтидин мени қутқарғил ахи», дея гўё ишққа ёлворади.

«Биз одатда классик лирикада тасаввуф масаласини ҳалигача ибтидоий бир неча даъво билан қоплаб кетамиз,— деб ёзган эди Мақсад Шайхзода.— Ҳолбуки, ғазалда тасаввуф унсурларини тўғри кўра билиш ва уларни шоирнинг муҳити, истеъододи, дунёқараши билан боғлаб бир манзара яратишимииз лозим». Тасаввуф руҳи ва унсурлари тўғри аниқланмаганлиги сабабли Навоийнинг кўпгина рубоийлари ҳам асл мазмунларида талқин этилмаган.

Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,  
Уз ҳолиға саргаштау ҳайрон мендек,  
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек,  
Алқисса, алохону аломон мендек.

Бу рубоийни Ҳоди Зариф Навоийнинг «қаригаи чоғида умрида кўрмиш ҳам кечирмишларига якун ясаб, ўз давридан норозиликларини, баҳтсизлик ва қайгуларини» ифодалаган рубоийларидан деб характерлайди. Рубоийни шоир ёшлиқ йилларида ёзган. «Уз ҳолиға саргаштау ҳайронлик» даврдан норозиликни ҳам, баҳтсизликни ҳам акс эттирмайди. Бу—илоҳий ишқдаги комиллик. Навоий ғазалларидан бирини бундай сўзлар билан бошлайди:

Чорайи кор истабон бечоралиқ кўнглум тилар,  
Хонумон таркин қилиб, оворалиқ кўнглум тилар.

Рубоиїда изҳор этилган «бесару сомон»лик, «ғам күйида хонумони вайрон»лик айни шу «бечоралиқ» ва «оворалиқ» тилагининг воқеъ бўлишиди. Машҳур рус файласуфи Н. А. Бердяев, «Илоҳий — мистик идрок бу, беҳушлик ва воз кечиш демак. Фақат ақлдан бегона кишиларгина до-нишманд бўладилар. Фақат шуларгина сирни англаб етадилар. Девоналик ва тарқ қилишдан қўрқкан донолар ҳеч қачон маърифат чўққисини эгаллай олмайдилар», — дейди. Рубоиїга шу нуқтан назардан ёндошадиган бўлсак, можият янада ёрқинлашади.

Жалолиддин Румийда «Дар ишқи ҳақиқий ва вафову на жафост»—«Ҳақиқий ишқда на вафо бору на жафо», деган фикр бор. Ҳақиқий ишққа хос мазкур хусусиятни Алишер Навоий талқинида ўқиймиз:

Гар ошиқ эсанг меҳру вафо қилма ҳавас,  
Дард истау дағъифа даво қилма ҳавас.  
Ҳижрону висол мутлақо қилма ҳавас,  
Дилдорингдин ғайри ризо қилма ҳавас.

Пок ишқ шиддати «дарду ғаму меҳнат илгида» зор айлаб, «сартосар ажал тошидин афгор» қиласа-да, ошиқ сабру садоқатда тебранмасди. Аммо шунда ҳам:

Маҳбубқа эътиимод қилмоқ бўлмас,  
Андии талаби мурод қилмоқ бўлмас.

Навоий шеърияти тасаввух таълимоти билан чуқур боғланган. Афсуски, бу ҳақиқат кўп ҳолларда ва кўп тадқиқотларда ҳисобга олинмай келинди. Мана шу камчиликка бутунлай чек қўйиш вақти етди.

## «ФУРБАТДА ФАРИБ ШОДМОН БҮЛМАС...»

Фариблиеда фурбат ичра қолдым мано.

Аҳмад Яссавий

Тасаввуф шеърияти — инсоннинг руҳий ҳаёти, юксак ва мураккаб психик ҳолатларини чуқур тадқиқ этган шеърият. Унда Шахснинг илоҳий туйғу ва кечинмалари образли таҳлил қилинган, мутлақ ҳақиқатга эришиш босқичларидаги сирли хаёллари тасвирланган. «Қўнгил — диннинг моҳиятидир», дейди Людвиг Фейербах. Тасаввуфда Қўнгил — ҳақиқий ишқнинг моҳияти. Маълумки, сўфийлар одамларни ахлоқ ва ҳисснётларига қараб уч тоифага ажратганлар. Биринчи тоифа — нафс бандалари. Булар ўз нафсу ҳирсларига мағлуб ғофиллар. Алишер Навоийнинг мана бу сўзлари ана шундай кимсаларга қаратада айтилган:

Ҳирс оғатини нафс ҳавоси билгил,  
Қўймоқ ани нафс муддаоси билгил.  
Нафснинг аlam ҳирс балоси билгил,  
Кечмак мундии анинг давоси билгил.

Иккинчи тоифа — қалб одамлари. Булар онг ва идроки ривожланган, худога анча яқин огоҳ зотлар. Улар тавба қилишган. Сидқ, сабр, қаноат, таваккал, тўғрилик талабларини оғишмай бажарувчи бу кишилар:

Жуз ҳақдин анингки бўлса огоҳлиги  
Умиди эрур ғояти гумроҳлиги,

деган эътиқод билан яшаб ўтишган. Учинчи тоифа — Руҳ одамлари. Булар туну кун дийдор дардидা ёниб, ҳамма жой ва ҳамма нарсада Ҳақнинг нури жамолини кўрадилар. Юнус Эмро уларнинг нуқтаи назарини ифодалаб:

Ҳақ нури ошиқлара ҳардам нузул эмасми,  
Кима нузул бўлмаса, ишқдан малул эмасми,

дейди. Тасаввуф шеъритида такрор-такрор тилга олинадиган Фарид ҳам кейинги гуруҳнинг вакилидир.

Е. Э. Бертельс «Навоий ва Аттор» номли мақоласида тасаввуф «мустақил тафаккурга мойил кишиларнинг диққатини жалб этарди», деб таъкидлаган. Алишер Навоийнинг тасаввуф таълимотига доир шеърларида ҳам кўнгли эркин, руҳий ҳурликка илҳақ, ақлан давр ва замон, жамият ва муҳит чегараларидан ниҳоятда баланд кўтарилган орифларнинг ахлоқий, фалсафий, илоҳий тушунчалари кенг ёритилган. Е. Э. Бертельснинг айтишича, Алишер Навоий ўз ижодиётида «тасаввуфнинг бутун ахлоқий жиҳатларини қамраб» олиб, «тақдир маҳкум этган муҳитдан алоқасини узмаган бўлса-да», тасаввуфнинг «сўнгги мақсадларини бир идеал тарзда» олдига қўйган эди. Бизнингча, шу идеалга алоқадор шеърлардан бири — ёшу қари — деярли барчамиз ёд биладиган — «Фурбатда ғариф шодмон бўлмас эмиш» мисрали машҳур рубонийдир. У ўрта мактаб ва олий ўқув юрти дарслекларида мұқим ўрин олган. «Ватан адабиёти»да (б-синф дарслигига) рубоний тўғрисида бундай дейилган: «Шонрнинг энг гўзал рубонийларидан бири «Фурбатда ғариф...» рубонийсидир. Ватан муҳаббати бу рубонийнинг асосий ғояси. Бу ғояни шоир гўзал бадиий маҳорат билан яратади, яъни шоир «Фурбатда ғариф...» рубонийсини яратар экан, у бу рубонийни бевосита ўз бошидан кечирган ҳаётини воқеалар билан боғлайди ва умумлаштиради. Навоий гоҳ Астрабодда, гоҳ Самарқандда, гоҳ Балхда бўлди. Бу дарбадарлик шонрнинг ижодига кучли таъсир этади ва мазкур рубонийни яратади». Хуллас, тил нўноқлиги ва ифода ғализлигига қарамасдан, рубоний ўқувчиларга «ватанпарварлик билан сугорилган чуқур мазмунли шеър» деб тушунтирилади. Н. М. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (олий ўқув юртлари учун) дарслигига ҳам мазкур рубоний «ватанпарварлик ва эркесварлик ғояси» куйланган шеър сифатида баҳоланган.

Рубонийнинг ёзилиш тарихи, ғоявий-бадиий хусусиятлари бир қатор адабиётшунослар томонидан ўрганилган. Навоийнинг илк девонидан у мана бундай кўринишда ўрин олган экан:

Фурбатда ғариф шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга рафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

«Хазойин ул-маоний»даги вариантда иккинчи сатрдаги «рафиқ» — «шафиқ», учинчи қатордаги «қадаҳ», — «қафас»га алмаштирилган:

Гурбатда ғаріб шодмоң бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

Таҳрирга сабаб нима? Саволга таникли олим Е. Исҳоқов-нинг китобида жавоб бор: «Биринчидан, дастлабки вариантда «рафиқ» ва «меҳрибон» сўзлари уюшиқ бўлак бўлиб келган. Ваҳоланки, бу икки сўз икки хил тушунчани билдиради, уюшиқ бўлак бўла олмайди, балки «рафиқи меҳрибон» (меҳрибон ўртоқ) тарзида изофа бўлиши мумкин. Шунингдек, рафиқ (ўртоқ, дўст) бўлмаган одамнинг меҳрибон бўлмаслиги ўз-ўзидан маълум ва бу таажжубланарни ҳол эмас». Олимнинг ҳукмига кўра, бир-бирига мос тушунчаларни ифода қилувчи сўзларни уюшиқ бўлак қилмаслик «автор услубидаги чалкашлик»дан иборат бўлиб, у кейин тузатилган. Шеър таркибидаги сўз ўзгартирилиши, албатта, ўзини оқлаган. Лекин таҳрирда Алишер Навоий «уюшиқ бўлак» хусусида ўйлаганмикан? Бизнингча, «рафиқ»нинг «шафиқ» сўзига алмаштирилиши бошқа сабабга боғлиқ. Буни Ғарип характерининг ички мантиқидан ахтариш керакка ўхшайди.

Е. Исҳоқов ўз даъвосини далиллашда давом қиласди: «Иккинчидан, шоир, ўзининг ғарибликдаги оғир ҳаёти, ўз ватанига бўлган иштиёқи ва интилишини кучайтириб бериш мақсадида, қиёслаш сифатида, кейинги байтни келтиради: ватандан жудоликни булбулнинг гулзордан ажраплишига ўхшатади. Ана шу байтдаги «олтун қадаҳ ичра қизил гул бутмоқ» мисраси муболага сифатида қўлланилган бўлиб, биринчи байтдаги мазмунни кучайтириш, бўрттиришга хизмат қиласди: гул «олтии қадаҳ» («тұвак, коса»)да ўстирилса ҳамки барибир булбулга гулзордаги тиканлар каби азиз ва қадрдон бўлмайди. Демак, фурбатдаги инсон учун ўз ватанининг бир сиқим тупроғи ҳар қандай бойлиқдан азиз ва қадрлидир<sup>i</sup>. Энди тадқиқотчининг холоса сўзларини тингланг: «... биринчи вариантда жой тушунчаси, яъни ватан ва фурбат образларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ватанинн улуғлаш авторнинг диққат марказида турган. Бу ҳақида ўзининг ҳаётий тажрибаси ва мушоҳадалари асосида умумлашган фалсафий холоса чиқарган. Бироқ дастлабки вариантда ҳали тутқунлик тушунчаси йўқ эди. Кейинчалик «қадаҳ» сўзини «қафас»

<sup>i</sup> Исҳоқов Е. Навоийнинг илк лирикаси. Тошкент, 1965, 133-134-бетлар.

билин алмаштириш натижасида шеърга тутқунлик тушунчasi ҳам қўшилган»<sup>1</sup>.

Дастлабки вариантда ҳам тутқунлик тушунчаси бўлган. Шунидек, «ватан ва ғурбат образларини бир-бирига қарама-қарши» қўйиб ватанини улуғлаш шонрнинг дикқат марказида турмаган.

Алишер Навоий Ватан сўзини географик маънода, яъни туғилиб, ўсиб-улғайган жой мазмунидаги кўп маротаба тадбиқ этган. Масалан, шонр устоди Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида:

Ки бўлмоқ ватан ичра душвор эди,  
Кўнгулга жафо дафъи озор эди,

деркан, она шаҳри Ҳиротни эътиборга олган. Устод Мақсуд Шайхзода айтганидек, Навоий «ҳатто Ҳурросон салтанини йироқ вилюятларига боргандага ҳам ўзини «ғурбатда» ҳис этган». Рубонига шу нуқтаи назар билан ёндошилганда, Ё. Исҳоқовнинг «Навоий 1465-66-йилларга қадар, асосан Ҳирот ва Машҳадда яшаган. Шеърдаги «ғурбат» сўзидан кўриниб турибдики, бу шеърни у ўз ватани Ҳиротда эмас, балки ғурбатда — мусофириликда, демак Машҳадда ёзган бўлиши керак»<sup>2</sup>, деган фикрларига, бир қараашда асло шубҳаланиб бўлмайди.

«Навоийнинг ўз туғилган она шаҳри Ҳиротдан, қавму қариндошларидан узоқ Машҳадда кечирган йиллари анча машаққатли бўлган бўлса керакки, — дейди профессор А. Ҳайитметов,— у «Мажолис ун-нафоис»да у йилларни эслаб ўзини «ғариб» деб атайди ва касал бўлиб қолгандага «бир буқъада йиқилиб» қолганини айтади». А. Ҳайитметовнинг тахминича рубоний «шу вақтларда (яъни Машҳадда — И. Ҳ.) ёзилган бўлса ажаб эмас»<sup>3</sup>. Демак, «ғурбат» ва «ғариб тўртликтаги «белги» сўзлар бўлиб, рубонийнинг яратилган вақти, бош ғояси ва лирик қаҳрамоннинг қайғули ҳолатини англашга «очқинч»дир. Дарҳақиқат, худди шундай.

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш.

Шу мисранинг ўзи гўё тугал мазмунли шеър. Уни ўқиган заҳоти, юртидан йироқлардаги кишининг қисмати тасав-

<sup>1</sup> Уша асар, 134-бет.

<sup>2</sup> Уша асар, 133-бет.

<sup>3</sup> Ҳайитметов. А. Навоий даҳоси. Тошкент, 1970, 49-бет.

вурда қарийб тўла жонланади. Ватандан жудолик — фурбат. Фурбатда яшаш — ғарифлик. Ғарид — шодликтан маҳрум бир бечора. Рубоийининг охирги байтидаги образли қиёс Ватан ва фарзанд ўртасидаги боғлиқликни чуқур исботлайди. Аммо шуни унутмайликки, фурбатнинг қафаслиги, ғарифнинг қизил гул ўсган олтин қафасдаги булбулга монандлиги, булбул ўз тиканли ошёнини севганидек, инсоннинг ҳам ўз жонажон юртига муҳаббат қўйиши, ватанпарварлик ғояси — буларнинг барчаси бизнинг хаёл ва тасаввуримиз орқали тўқилган фикрлардир. Балки «фурбат» биз ўйлаган жудолик дардидан бошқа нарсадир? «Ғарид» ҳам ўзгача маслакдаги ғарифдир. Шундай бўлиши мумкинми?

Шеър ички сир ва бойлигини қанча узоқ муддат яширин сақлай олса, ўшанча яхши. Баъзан шундай ҳам бўлади. Қандайдир бир шеър ҳақида кўп гапирилади, ёзилади. Ва ўқувчиларда ўша шеър бағрида нималардир ҳамон сир ётганлигига шубҳа қолмайди. Бундай турғун муносабат — чинакам шеърни таҳқирлашдир. Ҳақиқий шеърнинг ғоявий таркиби камида икки ёки уч маъно қатламидан иборат бўлади. Бу жиҳатдан Шарқ шеърияти жаҳон адабиётида ўғнек кўрсатган. Гарб санъаткорларидан бири шеърдаги илк маънони Жаноби Биринчи Мусофири деб атаган экан. Шу Мусофирига ўқувчини юзлаштириш, шу Мусофирининг аҳвол-руҳиясини англатиш учунгина шеър ёзилмайди. Кўп маъноли шеър қандай яратилади? Мажозга асосланиб, дейди Р. Барт, Г. Рикёрнинг ҳукмига кўра, мажозий мөҳиятлар эса дастлабки маъно орқали, унга суюниб кашф қилинади. Тасаввуф шеъриятида аҳвол сал бошқачароқ. Унда мажоз бош мақсадга бамисоли бир пардадир. Шу боис шоирнинг ўзи учун ташки маъно фавқулодда аҳамият касб этмайди. Уни мажозий фикр ортида маъно дурларини бекитиш жиддий қизиқтиради. Навоийнинг рубоийнисида ҳам мазмун икки қатламли.

Е. Э. Бертельс нашрга тайёрлаган «Миръоти ушшоқ» номли тасаввуф луғатида: «фурбат — жонон ҳарамидан дилу жоннинг йироқлашуви; поклик оламидан ажralиб нафсу шарни яқин билмоқ», — деб шарҳланган. Сайийд Сажжодий «фурбат»ни қуйидаги тарэда таснифлайди:

1. Ватандан жудолик фурбати.
2. Жоҳил ва фосик қавм орасида мажбуран, яъни ғайрииҳтиёрий равишда ўтирган одам фурбати.
3. «Фурбат Ҳақ талаби бўлиб, бу — орифнинг фурбати, зоро орифнинг ҳиммати маъруфдурки, у охират аҳли орасида ҳам ғарифдур». Чунки, ориф «Халқ орасида аниссиз бўлинг! — деган даъватларни ҳам асло

ёддан чиқара олмайды. Навоий рубоийсіда илгари суріл-ған ботиний мазмун орифнинг ғурбатидир. Навоийнинг ғазалларидан бирида:

Танимға чоклар очти, не айб, агар ұлсам,  
Ки руҳ булбулининг лойиқи эмас бу қафас,

дәйилган. Ўз вужудини қафас сезган ғариб, гуноҳ ва мусибатларга тұла оламни «руҳ булбул»нинг қафаси деб аңлаганлиги шубҳасиздір. Тасаввуф таълимотида ғарибнинг илохий әрки — «Анал-Хақ»лик. Ана шу ҳурлыкка етишгүнча у ғурбатда яшайды, ғурбатдан тинимсиз азоб чекади. Бу фикрга янада ишонч ҳосил қишлиш учун иккінчи сатр устида аңдак мушоҳада юритиш кифоя.

Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Ғарига-я? Нечун? Мусофирга меҳрибонлик кўргаза олмайдиган «эл» қанақа эл? Наҳотки, ғариб «эл ямони» бўлса? (Навоийнинг «Эл қочса бирордан эл ямони билани...» сўзларини эсланг). Йўқ, ғарибу мусофиirlарга ҳаммавақт ва ҳамма жойларда ҳар қалай «шафиқу меҳрибон»лар топилган. Қолаверса, Навоий ўз диёри аҳлидан етган жавру зулм олдида ўзга юртлардаги ғарибликни ғожиа ҳисоблайвермаган:

Ўз диёринда ғариб элдин етар чун жавру зулм,  
Эл диёринда ғариб ўлмоғлиғим эрмас ғариб.

«Ғариб эл» ким? Жавру зулмга моҳир, онги занф, идроки юпун гумроҳлар тўдаси. Булар билан чин ғариблар сийратида мутлақо яқинлик йўқ.

Тасаввуф ахлоқи бўйинча, кимларнингдир шафқату муруватига муҳтожлик сезган ғариб — ғарибмас. Бунинг акси ўлароқ, ғарига эҳтиромсиз кимсалар кўнгли қаттиқ, беражм халойиқ сифатида айбланганлар. Аҳмад Яссавий бир ҳикматида «Уммат бўлсанг ғарибларға тобе бўлғил», деса бошқа бирида «Оқил эрсанг ғарибларни кўнглин овла», дея чорлайди. Лекин энг оқил одам ҳам Ғарибининг кўнглинин овлаши душвордир. Сабаб? Нақл борки, Зунун Мисрий сайёҳ киши бўлиб, кўп жойларни кезаркан. У айтган эмиш: «Бир кун борур эрдим, бир йигит кўрдумки, анда шўре бор эрди. Дедим, қайдин сан, эй ғариб. Деди:

«Фарибму билур улки, аниң била мувосанате (дүстлашиш, яқин муносабатда бўлиш) бўлғай?» Фарибнинг бу гали Зунун Мисрийга шу даражада қаттиқ таъсир қилибди, у қичқирганича хушлан кетибди. Ўзига келгач, фариб ундан «Санга не бўлди?» — деб сўрабди. Зунун Мисрий ўшандада «Дору дардга мувофиқ тушти», деб жавоб қайтарган экан.

Бирор бир дарвишнинг ёнига келиб «Нечун ёлғиз ўлтирибсан?» дебди. Дарвиш айтибди: «Эмди ёлғиз бўлдумки, сен келдинг ва манга Ҳақдин монеъ бўлдинг...» Ана шу дарвиш том маънодаги фарибдур. Фариб нима истаса маъшуқи азалдан тилайди. Вужуди мутлақ уининг танҳо Дўсти. «Бегона эл била суҳбат тута» олмаслик фарибликнинг характерли аломати. Шунинг учун Навоий «рафиқ» сўзининг жойинга «шафиқ»ни ташлаган эди. Бундан ташқари, шоир «Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш» деганида янги бир ҳақиқатни гавдалантиргмаган. Балки фариб табиати ва фариблик фалсафасининг бир қиррасига эътиборни қаратган. Чунки Шарқ тасаввуф адабиётида, жумладан, Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам ушбу масала ёрнилган. Яссавий айтади:

Фариблиғда юз йил турса, эрур меҳмон,  
Тахту бахту бўstonлари эрур зиндон.

Бу «зиндон»нинг иккинчи ва тасаввуфда оммалашган ноими: фурбат. Аҳмад Яссавий «Фариблиғда фурбат ичра қолдим мано», дея оҳ чекади. «Фурбатда фариб шодмон бўлмас эмиш» — Яссавий баёнидаги ҳақиқатнинг янгича тасвири ҳамда тасдиғидир.

Ўзбек халқ мақолида «Фарибнинг кўнгли — тангрининг уйи», дейилган. Фарибнинг кўнгли илоҳий ишқ бўstonи. Фарибнинг ботиний завқидан «еру кўклар наво» қиласди. Сайёдий «Тоҳир ва Зуҳро» достонида «Бу дунёда на мушкулдур фариблик, Ажойиб турфа бедилдур фариблик», деган. Фариб мусоғир бўлмасдан, юртида шоҳ бўлган дейлик. Нима ўзгарарди? Сайёдий тўғри шарҳлаган:

Агарчи ўз еринда шоҳ бўлса,  
Мусоғир бўлса, бир қулдур фариблик.

Бироқ бу қуллик — шоҳликдан устун қуллик, ажойиб, турфа «қуллик». Мана шунинг учун Аҳмад Яссавий, «Худойиға фариблар билгулукдир», деб ваколат берган.

Харақонийнинг «Нур — ал улум» асаридан ўқиймиз:

«Сўрадиларки, ғариб кимдур. Деди: Ўани бу жаҳонда ғариб киши ғариб эмасдур. Балки дили вужудида, сири ичидан бўлганлар ғаридур. Сўрадиларки, унинг дўстлари қандай фазилатли кишилар? Деди: дунё дўстлигидан дили фориғ бўлганлар».

Қалби вужудида, сири кўнглида ғариб бўлган ана шу қаҳрамон олий орзу ва самовий туйғулар оғушида яшайди. У дунёпаст ножинслардан, имони суст лаимлардан, «маҳлуқ хизматига қамар» боялаган таъмагир ва хушомадгўйлардан узлатга чекинади. Лекин у бу чексиз оламнинг тенгсиз гўзаллигидан ҳайратланиш, маърифат баҳрига чўкишдан чекинмайди. Тасаввуф ахлоқида ғарифлик туйғуси шундай бир ички «қалъа»дурки, унга ишқ, имон, поклик, ғурур, донолик каби ўнлаб камёб инсоний хислатлар даҳлсиз асралади. Бу «қалъа» кўнгулни бидъат ва хуроғотдан муҳофаза этади.

Ғарид ташқи дунёга ўз ички имтиёзли ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб нигоҳ ташлайди. Уни ҳаммадан ортиқ «олам уйи»нинг торлиги ва унда майдага ғавғоларнинг кўплиги қийнайди. У «ишқ водийсин» «илм ила қатъ айламак»ни «хатар» деб ҳисоблайди. Шунинг учун жон қушини «дашти фано»га сайрга чоғлаб умри бақони кўзлади.

Шундай қилиб, рубойдаги иккинчи маъно қатлами биринчисидан фарқланади, бироқ уни инкор этмайди. Алишер Навоийнинг санъаткорлиги ҳам ана шунда.

## МОҲИЯТ ВА МИҚЕС

Маълумки Алишер Навоининг «Назм ул-жавоҳир» асари рубоийлар мажмуасидан иборат. Муаллифнинг эътирофига кўра, ундаги шеърларнинг «ҳар нуктасида бир тарона» нақш этилиб, «анинг зимида» маъно гавҳарлари яширилгандир. Хўш, булар қандай тароналар? Биз бу асарнинг қайси томонларига эътибор қилиб, маъно дурларидан қайсиларига аҳамият бера олмадик? «Назмул жавоҳир»га доир илмий ишларда, асосан ахлоқий-дидактик қарашлар аксини топган тўртликлар тўғрисида мулоҳаза юритилган. Айрим тадқиқотларда ундаги ҳикматларнинг аксарияти «диний-тасаввуфий мафкура билан» мустаҳкам боғлиқлиги тилга олинса-да, намуна тарзида бирортаси таҳлил этилмаған. Шундай камчилик бизнинг «Ўзбек адабиётида рубоий» (1981) китобимиизга ҳам хосдир. Унда ҳатто ислом мафкурасига тегишли илфор тушунчалар Алишер Навоий фәлсафий-ахлоқий қарашларидағи «заиф нуқталар» деган хато фикр ёзилган.

Хондамир «Макорним ул-ахлоқ»да «Назм ул-жавоҳир»ни таржима асар деб айтади. Бу ҳақда Навоининг ўзи ёзади: «Ҳазрат Алининг «Насрул—лаолий»сини ва унинг форсий назмга солинган нусхасини ўқиганим сари менда ана шу асарни туркӣ тил била орастা қиласам... то андин турк улусига ҳам ҳаззи шофи ва баҳран вофи мұяссар бўлғай...» Шунингдек, муқаддимада «бурунғи мутаржим назм этганидек ҳар нуқтани бир рубоий била адо» қилингани ҳам гапирилган.

Аҳмад Яссавий «айтғон сўзи раҳмоний» Ҳазрати Али тўғрисида бундай дейди:

Ҳиммат қури дилида, мавлом ёди тилида,  
Зулфиқори илгода шеру худо Алидур...  
Душманларга муқобил, бўлди коғирга қотил,  
Қылғон ботилини зойил шеру худо Алидур.  
Раҳмат қылғай биру бор, ҳар не қиласа эрки бор,  
Хожа Аҳмадга мададкор шеру худо Алидур.

Ҳазрати Алиниң тасаввуф аҳли орасида нуфузи зўр бўлган. Илоҳий ишқ шайдоларининг кўпчилиги уни «шеру худо» ҳисоблаб, ўзларига мададкор билганлар. А. Кримскийнинг таъкидлашича, сўфийлар Ҳазрати Алиниң ваҳдати вужуд руҳидаги ҳадис ва шеърларини ўқиб, уларнинг мажозий талқинлари билан изчил шуғулланганлар.

«Назмул-жавоҳир» Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлаб ёзилган. Бунинг сабаби кўп томлик «Ўзбек адабиёти тарихи»да (2-жилд) қўйидагича далилланган: «Навоий фикрини «Насруллаолий»ни назмга солиш банд қилиб юрганда Ҳусайн Бойқаронинг «Рисола»си ёзилади. Бу 890(1485) йилда юз беради.

Бу «Рисола»да Ҳусайн Бойқаро Навоий мадҳига, унинг ижодини баҳолашга анча ўрин ажратади. Муқаддимада ана шу моментни кўзда тутиб Навоий қўйидаги рубоийни келтиради:

Бир заррани меҳри зарфишон васф этмиш,  
Бир қатрани баҳри бегарон васф этмиш,  
Бир хастани Исойи замон васф этмиш,  
Бир бандасини шоҳи жаҳон васф этмиш.

Шундан кейин Навоийда Ҳусайн Бойқаро ёзганларига жавобан бирор нарса яратиш фикри туғилади:

Бу фикр ғам ўтига кабоб этти мени,  
Бу дағдаға бетоқату tob этти мени,  
Бу қайғу асири изтироб этти мени,  
Ҳосилки, бу андеша хароб этти мени.

Навоий учун энг муносиби «Насруллаолий» таржимаси кўринади». Содиқлик, донолик, жасурлик, диний камолотда донг таратган Ҳазрати Алиниң асари бўлганлиги учунми? Ёки «шери худо» шоҳимизга мададкор бўлсин деган ички бир мақсад кўзда тутилганми? Балким. Лекин бунда бошқа бир ниятни ҳам мушоҳада қилиш зарурга ўхшайди.

Маълумки, Алишер Навоий дарвешнинг тахтга чиқшинимас, шоҳнинг дарвеш бўлмоғини орзу қилган. Унинг идеалида: «Шоҳ агар дарвешваш эса, шаҳдор, Шоҳу дарвеш ишидан огоҳдур». Шоир ғазалда Ҳусайн Бойқарони шундай шоҳ сифатида таърифлайди:

Шоҳфа шаҳлиғ мусалламдур, агар бўлғай мудом  
Шоҳлик таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анга.

Мумкин эрмас шаҳлар ичра бўйла ниятлиг, магар  
Шоҳи Фозийким, мұяссар бўлди бу давлат анга.  
Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳини, бор  
Шоҳлиғ сурат анга, дарвешлик сийрат анга.

«Насрул-лаолий»дан олинниб рубоий шаклида ифодаланган ғояларнинг аксарияти ичдан покланиш, сийратда дарвишлик ҳиссиётларини тарбиялашга хизмат қилган. Бу — масаланинг бир жиҳати. Унинг иккинчи муҳим томони ҳам бор. Бу — Алишер Навоийнинг «Қуръон»га муносабати. Алишер Навоийнинг «Бадойиъ ул-бидоя» девонида бир рубоий бор:

Бу даврда йўқ сен киби хушхон ҳофиз,  
Хуффоз аро сарҳалқай даврон ҳофиз.  
«Қуръон»га сен ўлғон киби яксон ҳофиз,  
Бўлсун санга барча ишда Қуръон ҳофиз.

Ҳофиз — ҳифз этувчи, яъни ёддан билувчи. Рубоий «Қуръон»ни қироат қилувчи «хушхон» ҳофиз мадҳига бағишиланган. У бу ишда ўз даврининг ягонаси. Шунинг учун ҳофизлар аро «сарҳалқай даврон». Бунга эса унинг «яксон»лиги ҳам сабаб. Ҳа, у «Қуръон»га ўзини ғарқ этган. Шоир шу ҳофизга «Барча ишда ҳимоячинг «Қуръон» бўлсин!» дея тилак билдиради. Алишер Навоийнинг ўзи ҳам «Қуръон» ва унинг тафсирларини мутолаа қилишдан вақтини аямаган. «Насрул-лаолий»ни назмга солиш Навоийга «Қуръон» ва тафсирлар мутолаасидан туғилган таас-суротларни ифодалашда ҳам қулай имкон ҳамда восита эди. Шунинг учун муаллиф «Назм-ул-жавоҳир»ни таржима асар деб характерлаган бўлса-да, уни камида эркин таржима деб қабул қилиш лозим. Чунки ундаги кўп рубоийда Навоийнинг умумшеъриятига хос фалсафийлик, донишмандлик, теранлик, сўз ва тасвирда моҳирлик каби фазилатлар зоҳирдир.

Буюк даҳолар, алломалар барча асрларда ҳам башарият қайғуларига малҳам сўзни ахтарганлар. Шоҳу гадонинг онг ва юрак хасталикларини баб-баробар тузатадиган жонбахш сўзлар афсуски ғоятда сийрак яралган. Навоийнинг бу тўғрида ўйламаслиги мумкин эмасди. Мана, шу йўналишдаги бир фикр:

Оlam эли ичра гар гадо, гар шаҳ эрур,  
Не дардки, ул кўнгли аро ҳамраҳ эрур.  
«Қуръон»ни тиловат этсун ар огоҳ эрур,  
Эл кўнглига чун даво каломуллоҳ эрур.

Эл күнглига каломуллоҳ даво бўлмоғига Навоий шубҳаланмаган. Бу ерда бир нарсанни аниқ фарқлаш керак. Шонир «Қуръон» тиловатини кимга тавсия қилаётир? Огоҳ одамга: «Қуръон»ни тиловат этсун ар огоҳ эрур». Ақлий, ахлоқий, руҳий огоҳлик эса кўр-кўрони тақводорликка зиддир. Навоий ўзлигини англамаганларни кўз олдига келтириб:

«Қуръон»ки эрур муждан жони ўқумоқ,  
Иўқ, йўқи, ҳаёти жовидоний ўқумоқ.  
Бил кўнгулга истасанг шифони ўқумоқ  
Ким, келди кўнгул шифоси они ўқумоқ,

деб мисралар тизмаган. Албатта, ушбу фикрлар ҳар бир комил мусулмоннинг кўнглига таъсир ўтказган. Аммо «мискинлик сармояси»дан бўлак ҳеч нимани назарга илмаган, «Бунда сайр айлара келдим, боғча ила боғим унда...» дейя яшагувчи Ҳақ ошиқлари «Қуръон»нинг сўзларидангинамас, ҳарфлардан ҳам «муждан жон» ва «ҳаёти жовидон» сир-асрорларини ўзлаштирганлар.

«Ҳақни туйган кишилар Ҳақ ила тўқ»,— дейди буюк Юнус Эмро. «Ҳақ ила тўқ» зотлар учун «Жаҳона Ҳақ тўлиғдир...» Навоий ҳам «туну кун кўнгил муроди Ҳақ» бўлган ишқ эли тўғрисида:

Юз ҳар сориким, кетурса ҳоди ҳақдур,  
Хуш вақти анингки, эъти modи ҳақдур.

деган. Худди шундай кишилар «Дунё сори ҳирс ҳар ямондин ортиқ» деб билишган. Худди шундай зотлар «Хуштурур бу жаҳонда бенишонлиқ кишига, Фақр аҳли йўлида нотавонлиқ кишига», дейя фақру фанолик йўлига чорлаб, одамларга донолик «тўн»ларини таклиф этишган: «Кий хирқаи фақру хотирингни тиндор».

Жаҳл аҳли билан кимгаки улфат бўлғай,  
Ул улфат ичра юз минг оғат бўлғай.

Жаҳл аҳли сафига қўшилиб «юз минг оғат»га йўлиқмасликнинг битта зарур чораси — «фақр аҳли била» суҳбат тузмоқдир. Чунки бу суҳбатларда камолот сари юксалишнинг шарт ва мashaққатлари мушоҳада қилиниб, дунё зиндонидан Руҳни озод айлаш сирлари очилади.

Одам фарзанди устим бут, қорним тўқ бўлсин деб тиниб-тинчимайди. Бу табиий эҳтиёж. Бироқ айни пайтда

нотабиний эҳтиёж ҳамдир. Тўқтикка ўчликдан ҳорислик, қаноатсизлик томир ёзди. Шукр неъматидан маҳрум, таъмагир кимсага «Кўнглунгни арит борча ямон хислатдин» демоқ бефойда. Ўнга «Тўқлуқ чу кўнгулни қатиқ айлар, оч ўл», дейиш керак. Фақр аҳли дунёқарашида «очлик» мана бундай моҳиятга ҳам эга:

Гар кисса аро тўла жаҳон моли эса,  
Хушроқ андия агар кўнгил холи эса.

Жаҳон молидан холи кўнгил «ҳирс оғатини нафс ҳавоси» билиб, дунёни сотиб яшамайди.

«Сўфийлар демишларки,— дейди Муҳаммад Фузулий,— шайтон инсон табиатидан иборат бўлиб, шаҳватларга мойил кўрсатур. Агар инсонни нафс тобе этса тўғри йўллардан озур, агар уни ўзига у бўйсундирса, бутун таҳликлардан қутилур». «Назм ул-жавоҳир»да шу масала ҳам талқин этилган. Шоирнинг қатъиӣ тавсиясига кўра, «шайтон йўлидин» чекиниш учун Ҳаққа юз буриш зарур:

Шайтон йўлидин айла хизмат зинҳор,  
Қилғил раҳмон сори азимат зинҳор.

«Раҳмон сори азимат» қилган одам — «Имон топқон киши» бўлиб, унда «Фам йўқ шайтон васвасау заҳматидин». Шайтонни енгиш — шижоат ва тўғрилик ғалабаси. Бироқ айни шу шижоат қўрқувга ҳам эрк беради. Бу — Худо олдидаги қўрқув. Зотан, илоҳий қудрат қархисида ҳамма нарса кучсиз ва таслимдир. Ҳақдан чўчишни худосизлар жаҳолат ҳисоблашади. Тўғри, «олам фисқ»ларидан бехабар омий тақводорларнинг Тангридан қўрқишлиари гумроҳлик. Абдураҳмон Жомий:

Тарсгари зи худо оқили аст,  
Лекин аз ғайри худо ғофили аст,

дейди. Яъни: Худодан қўрқиши оқилликдур. Лекин худодан бошқасидан қўрқиши ғоффиллик эрур. Тасаввуф Оллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нимадан қўрқмаслика чорларкан, оқилликни ёқлайди, орифликни кўзлади.

Ҳар бир одамнинг ичидаги таҳлика «майдони», қўрқув «саҳро»си бўлади. Бу «майдон» ва «саҳро»даги қўрқувларнинг илоҳдан қўрқувга алоқаси йўқ. Буни аниқ билиш керак. Жоҳилнинг Тангридан чўчишидан не самара, у ўз жаҳолатидан қўрқсин, шуни тушунсин. Нодон ўлгунича ҳам Ҳақ қаҳрини идрок этолмайди. У ўз ваҳшийлигидан ҳа-

зар этсин. Ёлғончи — худонинг душмани дейилади. Лекин у алдов ва риё илдизини бағридан сугуриб ташламас экан, наинки худонинг, элу юртнинг ҳам ғаними бўлиб қолаверади. Шунинг учун Алишер Навоий:

Ҳақ ваҳмидин улки йиғламоқ фан қилғай,  
Ул ашк аниг кўзини равшан қилғай,

деганида изтироб нури ила дилни равшанлаштиришни назарда тутган эди.

Ёдингға ўлум кирмаги мотам санга бас,  
Улмакни яқин айламагинг ғам санга бас.

Үлимни ёддан чиқарма. Уни эсласанг умри равонинг қайга шошаётганлигини ўйлаб маҳзунлашасан. Шу мотам ҳам кифоя санга. Үлимни ўзингга яқин кўрсанг ғамга тўласан. Шу ғам «бори элдин ўзни кам билиб», ҳовлиқмасдан, «Ҳақдин не келса» сабр қилиб, ҳеч кимга озор бермасдан, хотиржам яшаб ўтмоғинг учун басдир. Байтдаги биринчи маъно шарҳи ана шундай. Бу ерда ҳам гўё қўрқувга даъват бордай. Рубоийлардан бири «Ғамдин дуур ўзни шод топмоқ билгил», деб бошланади. Юқоридаги сатрларда инсон қалбини мурод йўлига олиб чиқадиган Ғам назарга олинган. Навоий ғазалларидан бирининг матланини ўқиймиз:

Эй кўнгул, келким бало базмид жоми ғам тутай,  
Ўз қатиғ ҳолимга ўлмастин бурун мотам тутай.

«Бало базми» нима? Ғам жоми-чи? «Ўлмастин бурун мотам тутай» дейилганда қандай ҳолат кўзда тутилган? Рубоий байти билан ғазал матланини мантиқан қиёсланг. Маъноси сизга унча маълум бўлмаган истиоравий иборалар мазмун касб этади. «Бало базми»— бу, «ёдингға ўлум кирмаги», ўлмасдин бурун мотам тутиш — ўлмакни яқин кўриш, жоми ғам — тушкунлик ва бадбинликка берилемасдан нурли хаёлларни сабит билиб, «Ғамдин дуур ўзни шод топмоқ» дея умр ўтказишидир, дейсиз.

Тирик инсонда ўлим тажрибаси йўқ. Бундай «тажриба»ни фақат тасаввур қилиш мумкин. Лекин тасаввур — реалликмас, аввалдан ўйланган, хаёлда яралган нарса бўлади. Ўзгаларнинг ўлим «тажриба»си тирик киши учун бамисоли сароб, ўлим ҳодисасининг на илоҳий сирларини оча олади, на уларга инонтира билади. «Faflat майининг

ҳамиша дилтанги» бўлиб қолмаслик учун тасаввуф бу «жумбоқ»ни фано саёри воситасида ҳал этишга ўргатади. «Хўш вақти фано базми борғонинг» мисрали рубоий шу тўғрида.

Диннинг шакли бор ва руҳи бор. Диннинг шакли асосан ахлоқ ва ақл тарбиясига хизмат қилади. Диннинг руҳи эса илоҳий гўзаллик ҳамда озодликка чорлайди. Инсон учун бу Руҳ чинакам ҳурлик нажоти. Борлиқ — оламнинг кўрки, абадият, меҳр-шафқат сирлари ана шу Руҳ орқали очилади. Бу Руҳ ҳеч қачон ва ҳеч қандай вазиятда ёмонликни ёкламайди, бағритошликка йўлламайди, ўзгаларнинг кулфат ёки баҳтсизликларига бефарқ қарашга ўргатмайди.

Бизда ҳанузгача бадиий ижоднинг диний моҳияти ёхуд диннинг бадиий ижоддаги ролига мутлақо эътибор берилмаган. Ҳолбуки, бу масала бир неча ўн йиллармас, бир неча асрларга даҳлдор. Дин на санъат, на адабиёт, на фалсафа — буларнинг ҳеч қайсисига муҳтоҷ бўлмаган. Лекин том маънидаги адабиёт, санъат, фалсафа диннинг руҳига ҳамиша эҳтиёжманд бўлган. Бадиий ижоддаги диний «тажриба» диндорлик тажрибасидан бутунлай фарқланади. Адабиётни диннинг тарғиботчиси деб биладиганлар, албатта, янглишадилар. Масалан, Алишер Навоийнинг кўпгина ахлоқий, ижтимоий, маънавий қарашлари ислом таълимоти билан чуқур боғлиқ. Лекин шунга қарамасдан Навоийнинг ижоди тажрибаларини диний мезонда баҳолаш ёки уни диний ақидаларнинг тарғиботчиси сифатидагина улуғлаш асло мумкин эмас. Чунки Навоийнинг илҳоми ҳам, санъаткорлик меҳнатлари ҳам диний тушунчалар доирасига сиғмайди. Навоий масжидга бориб туну кун тоат-ибодатга машғул бўлганида, ўзбек халқи Навоийдай даҳо ижодкорга эга бўлолмасди. Тоат-ибодатга берилмоқ учун на истеъодод, на ижодкорлик зарур, комил мусулмонлик бўлса, бас. Диндор нимани яратади? Аввало ўзини. Унинг энг мукаммал «асарий»— ўзи. У шу ишни тоза эътиқод билан уddaрай олмаса, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ижобий таъсир ўtkаза билмайди. Ижодкор-чи? У ўзини комиллаштириш баробарида дунё учун ўлмас асаллар яратади. Ижодда ҳам ўзига хос диний йўл мавжуд. Бундаги илоҳийлик, руҳонийлик ғоятда самовий ва қудратлидир. Сўз сеҳрини теран идрок қилган ҳар бир улуф ёзувчи ва шоир ўзича «диндор». Алишер Навоийнинг «Назм-ул-жавоҳир»даги динга доир фикрлари устида мулоҳаза юритганда масаланинг ана шу жиҳатларини ҳам албатта инобатга олмоқ шартdir.

## «КИМКИ ҰЗЛИК ИМОРАТИН БУЗДИ...»

Алишер Навоий ва тасаввуф масаласи ёритилган айрим тадқиқотларда шонрнинг бу таълимотга қизиқинши узоқ муддат чўзилмаган ва муносабати ҳам ўткинчи характерда эди, деган фикрлар айтилган: «Навоийнинг кеъини кириб келгани катта ҳаёт йўли, аччиқ ҳаёт тажрибалари унинг кўзини очди, тасаввуф уни, унинг севгилиси бўлган инсонни қаерга олиб боришлиги, нималарга эга қилишлиги унга ойдин бўлади, тасаввуфнинг ғайри ҳаёттилиги фош бўлади, Навоий ўндан узоқлашади...»<sup>1</sup>. Аксинча, Навоийнинг «катта ҳаёт йўли, аччиқ ҳаёт тажрибалари» тасаввуфга уни янада яқинлаштириб, улуғ шонир илоҳини ишқ, мутлақ ҳақиқат, руҳий камолот муаммоларини ҳар қачонгидан кенг ва теранроқ тадқиқ қилган. Тасаввуф «унинг дунёқарашида бир система ҳолига кўтарила» олмади, деган ҳукм мунозарали. Маълумки, Алишер Навоий ўндан ортиқ шеърий жанрларда асарлар яратган. Мана шу асарларнинг барчасида тасаввуфий ғоя ва образларнинг у ёки бу даражада ўрни ҳамда роли бор. Буни текшириш эса, тасаввуфни яхши билиш билан бир қаторда, унга алоқадор ҳар қандай моҳиятни тўғри баҳолай олишга ҳам боғлиқдир. Навоий дунёқарашида тасаввуф «бир система ҳолига» кўтарилганми, йўқми — ана ўшандагина қатъий хулоса чиқариш мумкин бўлади. Навоий шунослик аллақачон амалга ошириши зарур бўлган бу иш ҳанузгача четда қолиб келмоқда. Навоийни тасаввуфдан узоқлаштиришдан манфаат йўқ. Шу ниятда қилинган илмий ишларда Навоийнинг мислсиз ижод намуналари ва санъаткорлиги қандай нуқтаи назарлар билан баҳоланганилиги равshan, албатта. Навоийни дин ва тасаввуфга атайн яқинлаштириш ҳам саёзлик, бир ёқламалик, шеърхонни чалғитишдан ўзга натижা бермайди. Шонир шеърларнда тасвирланган ғоя, туйғу, образ руҳий манза-

<sup>1</sup> Зоҳидов В. Улуғ шонир ижодининг қалби. Тошкент, 1970, 369-бет.

раларни ўз номи билан айтишга эришиш, улар бағридаги яширин маъно ва бадийлик сирларини таҳлил тилида ифодалаш — ҳақиқатнинг бош мезони мана шудир.

Алишер Навоий ўзбек адабиётининг қайси жойида бўшлиқ ёки етишмовчилик сезган бўлса, ижод тажрибаси билан ўша бўшлиқни тўлдириб, камчиликларга чек қўйган. Шоирнинг қитъа жанри такомили ва тараққиётидаги хизматлари шу томондан ҳам таҳсинга лойиқ.

«Навоий қитъаларининг асосий хусусияти шундаки,— дейди А. Ҳайитметов,— улар кўпроқ традицион мазмун ва формалар билан эмас, балки тўғридан-тўғри ҳаёт билан, шоирнинг турмуши билан боғланган. Бу шоирнинг умри давомида яратган кундалик дафтари, у ёки бу ҳодисалар муносабати билан яратган бадиҳалари мажмуаси, ҳаётий мушоҳадалари ва хуласаларидир...»<sup>1</sup>

Бевосита ҳаёт ва «шоирнинг турмуши» билан боғланган, «кундалик дафтари»ни эслатадиган ёки бадиҳа шеърларда ҳам тасаввуфий мазмундаги мисралар анчагина.

Эй Навоий, кўп мажози ишқ ила машъүфсан.

Ўткил андин, доги ён ишқи ҳақиқат сори бот.

Иккисидин гарчи ошиқ ўлмаки лозим келур,

Бори ул ўлмакки, бўлрай зимнида юз минг ҳаёт.

Бу шеър — шоирнинг ўз-ўзига бир танбиҳидир. Унинг кўнгли мажозий ишқдан кўп хурсандлик топган. Лекин у бу шодликларидан ҳаволанмасдан тезроқ ишқи ҳақиқат шавқи ила яшашни орзу қилаётир. Ишқнинг ҳеч бир турида омонлик йўқ. Жондан кечмагунча жононга етиб бўлмайди. Аммо илоҳий ишқ йўлида ўлмакнинг бошқа; зимнида «юз минг ҳаёт бўлғай». Бунинг яна бир муҳтасар атамаси — «мақсади кул». Бу якуний мақсадга эса ҳеч қайси солик «фонийи мутлақ» бўлмаса, эришиб бўлмайди. Чунки «қатра» ҳам «қаро туфроқ»قا сингмагунча, «Андин имкони йўқ очилмоқ гул». Фонийи мутлақ ким? «Нақди фано»га эга ошиқ. «Нақди фано» ниманидир қўлга киришишмас, балки «ўзлук иморатин» бузниш:

Қимки ўзлук иморатин бузди,

Бўлди нақди фано анинг музди.

Ул иморатни бузмайпн солик,

Бўла олмас бу нақдга молик.

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961, 52-бет.

Үзлик «бандидан» халосликни шоир — «Хақиқат кишвари сори ҳидоят айлаб» огох бўлмоқ, дейди. Бошқа бир қитъада бунинг асосий шарти сўзланган:

Пиру истеъдоду тавфиқ ўлмаса бўлмас бу иш,  
Қимдуурким, бағри бу ҳасратдин онинг қон эмас.

Үзликдан кечган кўнгилда Үзлик бўлиб Ҳақ «иморат» тузади. Шунда дил ҳам, тил ҳам тангриники. «Ҳар киши тенгрига бўлса,— дейди Навоий,— тенгри ул кишига бўлур. Ва тенгрига бўлғонлиқнинг маъниси муни дебтурларким, тенгри таолонинг буйруғи била амал қилилғай... Ва тенгри таоло бу кишига бўлмоқнинг маъниси муни дебтурларким, қулнинг ҳар навъ муроду мақсади бўлса, тенгри таоло ҳосил қилғай ва барча оғат ва балодин сақлағай».

Инсон «тенгри таоло буйруғи била» қачон амал қила олади? Қачонки, фисқ, кибр, риё ва бошқа гуноҳлардан юракда ғубор ҳам қолмаса. Қачонки, шахсиятини доимо кузатиб, ич-ичидан ўрганиб, билса. Қачонки, у руҳий ҳаёт кечира бошласа.

Фосиқ мену кофири ниҳони,  
Қаъба сафари эрур манга ҳайф.  
Ўзни буки яхши кўргазурмен,  
Биллоҳки, менга келисё ҳайф.

Бу шеърда «Қаъба сафари»га доир гап — восита. Унга асосланиб фосиқлик, яъни зоҳирий мусулмонлик ортидаги ниҳоний кофирилик фош қилинган. Бундай риёкорликнинг илдизи — ҳудпастлик: ўзни яхши кўргазмак балоси. Охирги сатрда ҳудпастликдан будпастлик афзалдир, деган мантиқ аксини топган.

Ҳилқатимни девлар бирла агар қилсан қиёс,  
Лоф бўлғай, гар десамким, ул ҳамондур, бу ҳамон.  
Тоатимни габрлар фисқинга ёндоштурсалар,  
Не бу андни яхшироқ бўлғай, не ул мундин ёмон.

Тасаввуф ана шундай қиёсларда инсон ўз табиатини текширниш ва ҳеч чўчимасдан нуқсонларини тан олмоғлигини заруриятга айлантиради. Инсонийликнинг «ўзани» қаерда? Юракда. Ноинсонийликнинг-чи? У ҳам одамнинг ичиди. «Ҳилқатимни девлар бирла агар қилсан қиёс», «Лоф бўлғай» дейилганда лоф йўқ. Одам сийратида шундай шайтоний кучлар яширганки, жаҳлу ғазаб, макру

риёда у девларга ҳам панд беради. Ҳақиқий тоат-ибодат ичдан покланиш, журму гуноҳлардан ҳалос бўла боришни ўйлашдир. Абу Ҳошим Сўфий «Юракдан кибр разолатини даф қилишдан кўра, тоғни игна учи билан қўпориш осон»— деган экан. Айтишларича, кишининг «уч юз олтмиш томири» уйқуга кетганда ҳам «кин томири» бедор бўлармиш. Ҳасаддинг ёвузлиги шу даражада эканки, Юнус Эмро унинг «Тангри ҳайбатидин қўрқуси йўқ»,— дейди. Инсон ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракати ва ахлоқий хислатларига ўзини масъул билиши керак. Шундагина у қалбининг зулмат гўшаларига зиё тилайди. Шундагина у ўзининг фаяқат ҳақлигини эмас, ноҳақлигини ҳам тушунади. Айбордлик ҳиссидан айб ва камчиликларнинг томири бир қадар қурийди.

Зунун Мисрий «Уч сафар қилдим ва уч илм келтурдум Аввалки сафарда илме кетурдумким, хос қабул қилди ва ом ҳам қабул қилди. Иккинчи сафарда илме кетурдумким, хос қабул қилди ва ом қабул қилмади. Учунчи сафарда илме кетурдумким, на хос қабул қилди ва не ом...», деганмиш.

Бу илмларнинг аввали — тавба илми. Иккincinnisi, «таваккал ва муамолат ва муҳаббат». Учунчи, ҳақиқат илмидурким, элнинг илм ва ақл тоқатидин ташқари» бўлиб, ҳалойиқ уни англамаганлиги туфайли инкор қилишган экан<sup>1</sup>. Навоийда комил инсон концепцияси «ҳақиқат илми»ни ҳам қамраб олгандир.

Филология фанлари доктори Р. Орзивеков Навоий қитъаларининг ўзига хос ғоявий хусусиятлари тўғрисида Фикр юритиб, яна бундай дейди: «Навоий қитъалари ўзининг ахлоқий-таълимий мағзининг кучлилиги билан ҳам қимматлидир. Шоир ҳар бир кишидан жамиятга, оммага фойда келтиришни талаб этади. Дунёга келдингми, яхшилаб ҳунар ўрган, йўқса, нотамом, чала ўтасан:

Камол эт қасбким, олам уйидин  
Санга фарз ўлмағай ғаминок чиқмоқ.  
Жаҳондан нотамом ўтмак бнайнинҳ,  
Эрур ҳаммомдни нопок чиқмоқ.—

деб, кишиларни илм-ҳунар ўрганишга чақиради»<sup>2</sup>.

Ростдан ҳам шеърда шундай талаб ва чақириқ борми? Бу саволга жавоб қайтаришдан аввал бошқа олнимларнинг шарҳ ва мулоҳазаларига мурожаат этиш зарурдир.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15-том, Тошкент, 1968, 77-бет.

<sup>2</sup> Орзивеков Р. Лирикада кичик жанрлар. Тошкент, 1976, 23-бет.

Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзлари жамланган тўп ламда қитъанинг насрий мазмуни шундай берилган «Оламдан ғамсиз ўтай десанг илму ҳунар ўрган. Дунёдағ камолотга етмай ўтиш, ҳаммомдан тоза бўлмай чиқиш нинг худди ўзи»<sup>1</sup>.

«Ҳаётдан мурод фақат айш-ишрат эмас. Ҳаётнинг ме зони инсоннинг фаолияти, хатти-ҳаракати, сифати ва фазилатидир. Инсон ҳаётини ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам фойдали бўлган хизматга бағишилаши, касб-ҳу нар ўрганиши, маърифатли бўлиши, яхши фазилатларни эгаллаши керак. Шундагина у ўз инсоний бурчини адо этган комил инсон бўлади». Н. М. Маллаев шу фикрларга қитъани далил қилиб кўрсатган<sup>2</sup>.

Энди ўзга бир асада ўқиймиз: «Ҳақиқатдан ҳам дунёда яшаб, умр кўриб бирор касбга, бирор ҳунарга эга бўлмаган инсоннинг, шоир айтганидек, ҳаммомга тушиб кирдан тоза бўлмаган инсондан фарқи бўлмайди».

«Кирдан тоза бўлмаган»ларнинг кимлиги балки қизи қарлидир. Ана, әшитинг: «Маълумки, Алишер Навоий сарой доирасини яхши билар, уларнинг хулқ-атворини яхши ўрганганди. Шоирнинг юқоридаги тўрт мисра шеъридаги (қитъадаги дейилмоқчи — И. Ҳ.) фикри, яъни ҳаммомга тушиб тозаланишнинг ўрнига кир билан ҳаммомдан чиқиши, турмушда бир касбга эга бўлмаслик каби фикрлари худди ана шу сарой аҳлларига қарши қаратилган эди. Ўсарой аҳлларининг мана шундай ғайриинсоний хулқ атвонини жамият, халқ олдида аямай фош қилди».

Эркин Воҳидов Навоий ғазалларининг айрим таҳлилларида муносабат билдириб, «Ғазалнинг мазмунини жўт гапириб бериш — таҳлил эмас. Бу ғазални ечинтириш. Уні шоҳона либосдан ҳоли қилиб, очиқ танасини кўрсатиш холос. Бундай таҳлил шеърхонни совутади, шоирни бе обрў қиласи», деган эди. Алишер Навоийнинг ҳар қандай шаклдаги шеърлари мазмунини жўнлаштиришнинг таҳлилга алоқаси ийқ. Кейинги «таҳлил»да ҳатто қитъанини «танаси» ҳам кўринмайди. Энг ёмони, у ўқувчининг қизишишини сўндиради.

Филология фанлари доктори А. Абдуғауровнинг фикрича, «Кўб олтун — кумуш сори қўл сунмағил» деб бошланадиган қитъадагидек, «Камол эт касбким...»да ҳам «шоирнинг кузатган асосий мақсади мавжуд нуқсон-иллатларни фош этиш, қоралаш эмас, балки комил инсон идеа-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Афоризмлар. Тошкент, 1941, 35-бет.

<sup>2</sup> Маллаев Н. М. Уша китоб, 389-бет.

ли нуқтадан назаридан кишиларни ёмон йўлдан қайтариш ва панд-ўгит билан тўғри, ҳалол бўлишга ундаш, касб-хунар эгаллашга даъват этишдир»<sup>1</sup>.

Бунда «идеал» сўзининг тилга олиниши ўринли. Шеърда «кишиларни ёмон йўлдан қайтариш», «тўғри, ҳалол бўлишга ундаш» бор. Албатта, касб-хунар эгаллаш ҳам комиллик шартларидан ҳисобланади. Лекин «ҳалол бўлай деб жони ҳалак», ўзича тўғри яшаб, бирор-бир касб ёки ҳунар ўрганган одам ишқдан йироқ, орифлик маърифатидан хабарсиз бўлса-чи?

«Камол эт касбким...» номли китобчада қитъанинг ғоявий моҳияти қўйидагича шарҳланади: «Камол касб этмоқ дегани — беҳад кенг ва теран тушунча... Алишер Навоий «Лисон-ут-тайр»да: «Тўрт унсур, етти кўк ва олтига томон — булар коннотнинг нодир ва энг олий асосини ташкил этади. Коннотдаги барча нарсалар ичida ҳаммадан энг улуғи Инсон бўлиб, унинг камолоти олдида ақл ҳайрон қолади», — дейдилар. Инсоннинг камолот йўли мана шу ҳақиқат ҳақида чуқур ўйлашдан бошланади. Ва у аста-секин ўзлигини излайди. Ўзини таниган оламни танийди. Шу тариқа у «олам уйида» ғам ва ғафлатда тутқун яшашдан руҳини қутқаради. Ҳазрат Навоий «Камол эт касбким» дея даъват қилганларида комиллик учун зарур жуда кўп хусусиятларни назарда тутганлар. Қиши ўзини ҳирс, таъма, нафс, ғафлат, нодонлик сингари майларидан покламаса, у ҳеч пайт комил бўлолмайди... «Оlam уйи»да яшаш — унинг фуқаросига айланишдир. Мир Алишер Навоий инсоннинг жаҳон фарзанди мавқенига кўтарилишини хоҳлаганлар. Худди шу мавқени эса камолотнинг олий чўққиси деб билганлар»<sup>2</sup>.

«Камолотнинг олий чўққиси»га оид охирги гап нотўғри. Чунки қитъада жаҳондин ўзни тўла озод айлашга даъват қилинган. Бу — тасаввуфдаги бош масала.

Камол эт касбким, олам уйидин  
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.

Аввало шу байт маъносини талқин этайлик. «Касб» сўзи икки маънони англатади. Биринчиси — ўрганиш, одат қилиш, ҳосил қилиш, эгаллаш. Иккинчиси — ҳунар, билим, машғулот. Шунга биноан байт мазмунидан икки хил

<sup>1</sup> Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик кўйчилари. Тошкент, 1979, 89-бет.

<sup>2</sup> Ҳаққул И. «Камол эт касбким...», Тошкент, 1991.

хулоса чиқариш мүмкін. Чунончи: 1. Эй, инсон, билем ва ҳұнарда камолотга әриш. Акс ҳолда на келмагингу на кетмагингдан натижа топмайсан. Шуни англагилки, «олам уйидин» ғамга тұлиб кетмоқ сен учун шараф әмасдур. 2. Эй, инсон, камолот босқычларини әгалашни құзла. Наф-сингга мағлуб бўлиб қолма. Дунёнинг «зебу зоҳир»ларига кўнгул қўйма. «Маъни аҳли» сафида бўл. Комилликинг — ноқислигингни билиш. Ҳақни сев. Шодлигинг — фақру фаноликда. Бўлмаса «олам уйини» хушнудлик билан тарки-бига тўла мувофиқ?

Шеърни тушуниш учун матнни ҳар жиҳатдан тўғри ўқиш лозим. Лекин бу камлик қиласи. Шеърни тинглай билиш керак. Шеър фақат сўз ёки фикрмас, овоз ҳамдир. Шу овозни шеърхонга етказувчи «орган» — бу, образ. Потэтик образ шонирнинг фикридан кўра, нотинч руҳи, дардли қалбига мансубдир, деган қараш мавжуд. Бунга инномоқ керак. Чунки образ мундарижаси ҳамиша руҳ ва қалб ҳақиқатини ифодалайди. Шеърни англашнинг яна бир зарур шарти бор. Шеър сени ҳам эшиши лозим. Шеърга аввалдан ўйланган ақлли ва қуруқ гапларнинг кераги йўқ. Унга Ғам ва Армоннинг акс садоси етиб боради, холос.

Камол эт қасбким, олам уйидин  
Саңга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.

Нега оламдан әмас, «олам уйидин?» Бу образ оламнинг «уй» қадар торлигини аниқ ҳис қилган кўнгилдагина таассурот уйғотади. Образнинг мундарижасини чуқур билмоқ учун эса, олам ва одам муносабати масаласини тасаввуф фалсафаси контекстидан ажратмаслик керакдир. Биз «олам уйидин» ғамсиз чиқмоқни қанчалик тор ва бир-еқлама тушунсак, «ғамнок чиқмоқ»ни ундан ҳам саёзроқ тушунамиз. Қани, Алишер Навоийнинг ўзларига мурожаат этайлик-чи:

Ҳар киши комил эрур, бас анга ҳақ бандалиғи,  
Мундин ўзга таман касби камол айламанғиз.

Демак, чин маънодаги комиллик — Ҳаққа қуллик, кимки комил бўлса (комилликка интилса ҳам) «мундин ўзга» касби камол истамайди. Ери азалдан ўзгасидан «таманнои висол» талаб қылмайдиган ошиқлар «олами фони» учун мутлақо ғам емайдилар. Алишер Навоийнинг бир рубойисида бундай дейилган:

Аҳбоб, денгизки, хонумондин тамаъ уз,  
Не хону не мон, кавну макондик тамаъ уз,  
Не кавну макон, жону жаҳондин тамаъ уз,  
Лекин демангиз муники ондин тамаъ уз.

Кимдин «тамаъ уз» демаслик керак? Ҳусни мутлақ маъшуқадин. Аслида, «хонумон», «кавну макон», «жону жаҳондин» кечмасдан, Ҳақ висолига умид қўзини тикиб бўлмайди. Шеър қаҳрамони буларнинг барчасидан ўзни озод айлай олган, дилда боғлиқлик сезганида, «Лекин демангиз муники ондин тамаъ уз», дея қатъий қаршилик билдирамасди. «Лисон-ут-тайр»да Иброҳим Адҳамнинг «сулукин имтиҳон» қилувчилар унинг кўнглида мулки ёди сақланганлиги учун:

Дедиларким нотамом эрмиш ҳануз,

дея уни ҳали «хом» ҳисоблашади.

Жаҳондин нотамом ўтмак бнайниҳ,  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Бундаги «нотамом» ҳам сўз — образ, жаҳондан томоман этак силкимаслик ноқисликларини акс эттиради. Достонда ҳам, қитъада ҳам «нотамом» бир моҳиятда тадбиқ қилинган. Лекин шеърдаги қиёсий далил янги топилган. «Ҳаммомдин нопок чиқмоқ»—«жаҳондин нотамом ўтмак»-лик натижасини гўё реаллаштиради.

Тасаввуфда мужаррад олами, маъни олами, ғайб олами, руҳ олами, тафрид олами, сир олами каби атамалар мавжуд. Буларнинг барчасини ботиний олам тушунчаси ўз ичига олади. Ташқи, яъни зоҳирий дунёдан кечиш — ана шу оламга сафар қилиш демак. Тарк этган — топади. Топган — тарк ҳам этади. Шундай экан, тасаввуфий шеърлардаги «таркидунё»чилик кечинмалари барча манзара ва оҳанглари билан текширилиб, ундан сўнг бу foявий йўналишни бадбинлик ёхуд реакционликка нисбат бермоқ адолатдан бўлади.

## МАЖОЗ — СУВРАТ, ҲАҚИҚАТ — СИИРАТ

«Лисон-ут-тайр» достонидаги ҳикоятларнинг аксарияти дин ва тасаввуф ҳақиқатларидан юзага чиқарилган бўлиб, тарбиявий ва таълимий аҳамиятга эга. «Суду савдо шевасида моҳир» бир савдогар Ҳинд дарёсида савдосотиқ ишлари билан шуғулланар экан. Унинг димоғига «мояни савдо» шу қадар чуқур ўрнашибдики, сувга фарқ бўлиш эҳтимолини ҳам хаёлга келтирмайдиган бўлибди. Фойда ҳирси уни бир мулкда ўн кун сокин туришга қўймас, у сув сари югуравераркан. Йиллар шу янглиғ ўтаверибди. Баҳри беомон унга «ҳар офтадин» холи кўринаверибди. Юнус Эмро «Ким нени севса — имони шулдир», деганидек, ҳалиги савдогар чин имон, эътиқод эҳтиёжларини ҳам унитибди:

Макка атрофин сув ичра айланиб,  
Фарз адo этмай, яқин етгоч ёниб.  
Халқ дебким йўл мушарраф ҳажға ҳам  
Майл бермай ул тараф ҳирси дирам.

Кунлардан бир кун дарёда бўрон қўзғалибди. Савдогар савдо-сотиққа қандай фарқ бўлган бўлса, унинг кемаси ҳам сув қаърига чўкиб, ўзи балиққа ем бўлиб кетибди.

Бу ҳикоятда, бир қарашда, бойликка муқкасидан кетган кимсанинг фожиаси кўрсатилгандай. Лекин ундаги ички мақсад бошқа. Аҳмад Яссавий:

Тарқатга шарнатсан кирганларни,  
Шайтон келиб имонини олур эрмиш,

дейди. Ҳикоятда худди шу ҳақиқат ифодаланган. Шарнат қонун-қоидаларига риоя қилингандагина, имон шайтон чангалидан омон асралади, дейди ҳикоят мантифи.

Маълумки, Шайх Санъон Шарқ адабиётидаги машҳур қаҳрамонлардан бири. Шайхнинг севги қиссаси — гуфёнли ва мунгли қисса. Унинг ишқий қисмати биринчи ма-

ротиба буюк мутасаввуф шиоир Фарииддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» асарида тасвирланган. «Лисонут-тайр» даги ҳикоятлардан бири ҳам «ишқ ва муҳаббат баҳрининг гавҳари ва шавқу маломат оташкадасининг самандари» Шайх Санъон ҳақида. Навоийшунос олим А. Ҳайитметов уни «ҳажм эътибори билан, айниқса бош қаҳрамон... образининг тўла ва чуқур очилиши билан бошқа ҳикоятлардан кескин фарқ қиласи ва уни бемалол достон ичидаги мустақил шеърий қисса ёки поэма деб қараш мумкин», деб характерлайди.

Достонда тасвирланишича, Шайх Санъон «Кўнгли ғайб асроридин огоҳ» зот. У Каъбада авлиё ва ориф одамлар орасида, ўз саҳобалари даврасидаги пайғамбардай кун кечирган.

Остонининг гадойи шоҳлар,  
Қуллуқига муфтахир огоҳлар.

Кимки бирор балоға мубтало бўлса, «ул дуо қилғоч» ўша бало дафъ бўлган. Иттифоқо, Шайхнинг ўзи чорасиз савдога йўлиқибди. У «неча тун бир туш» кўрибди. Ва «риштан сабру қарори» узилиб, тушида ҳар гал бегона мамлакатда сайр этиб юрар, қандайдир бутхонага кирав, мастиликдан ғайридинлар сафида будпарамстлик қилар экан. У охири ўша юрга, яъни Румга боришга аҳд қилибди.

Ботроқ ул кишварға азм этмак керак,  
Ҳар қаён тортар қазо — кетмак керак,  
Чунки бўлса бизга ул маъво насиб,  
Бошимизга ҳарна келса ё насиб...

Рум иқлими сафарида унга «тўрт юз аҳли тарийқ» ҳамроҳ бўлишибди. Ул кишварга қадам қўйилиши билан муҳташам бир бутхона кўринибди. Унинг тошлари «ғам ва машаққат тоғидан келтирилган бўлиб, хиштлари дарду бало тупроғидан» қорилган эмиш.

Таъбия ҳар кунгурида тошлар,  
Ишқ тигидин кесилган бошлар.  
Аҳли дин бошиға паррон қилғали,  
Оlam узра сангборон қилғали.

«Куфру исён зулмати»га қопланган бу жойга кириш даноқ, Шайхнинг жисму жони изтиробга тўлибди. У «ҳар

тараф ошуфтавор» назар ташларкан, беихтиёр юзида ларда тортиғлик санамга кўзи тушибди. Шамол шуни кутиб тургандай пардани кўтарибди ва ҳамма жой «ул қуёш»нинг нури жамолидан ёришиб кетибди:

Не қуёшким, юз қуёш девонаси,  
Ҳусн шамъи даврида парвонаси.  
Пайқари руҳи мусаввирдин мисол,  
Руҳға ҳар лаҳза ондин ўзга ҳол...

Алишер Навоий «Мұхокамат-ул-луғатайн»да, «Чун «Лисонут-тайр» алхопи била тараннум тузубмен, қүш тили ишорати билан ҳақиқат асрорин мажоз суратида күргузубмен», деган эди. Шунинг учун достондаги ҳар бир сўз ва сатр замирада «ҳақиқат асрори» мавжудлигини асло унумаслик керак. Аҳмад Яссавий таърифида:

Тажаллини мақомидур ажаб мақом,  
Ул мақомда ошиқ қуллар жавлон қилур.  
Қай кўнгилға тажаллиси партав солса,  
Бехуд бўлиб ўзни билмай афғон қилур.

Шайх Санъон ана шу «ажаб мақом»га кўтарилган ошиқ қуллардан. Унинг кўнглига «тажаллиси партав» солган. Шунинг учун у «бехуд бўлиб ўзни билмай афғон» эта бошлайди. Чунки илоҳий ишқ унинг «жисм ила жонига» ўт ёққан эди:

Тушти жони пок фаржомига ишқ,  
Кирди қондек етти андомига ишқ...

Ахир Шайхни «дин тариқидин мубарро» айлаб, «куфру дайри ичра» расво қилган бир «тарсозодан оғоқсўз»нинг дардидан туғилган севгининг илоҳий ишққа нима алоқаси бор?» деган эътиrozлар бўлиши мумкин.

Алишер Навоий ғазалларидан бирида:

Титрангиз, эй аҳли дин, исломингиз бошиғаким,  
Форати дин эткали ул номусулмоним чиқар,—

дейди. «Ул номусулмон» ким? Албатта, ҳусни мутлақ. Бу ерда шоирнинг қандайдир ғайридин қизга муносабати ҳақида ўйлаш кулгулидир. Тарсо қиз ҳам дин форатчиси. Шоирнинг ғазалда битган мана бу гапларини шу қизга қаратади:

Ҳам қошинг тақвию тоатқа бало,  
Ҳам күзунг офати ақлу динди,

дәя бемалол тақрорлаш мүмкін.

Демоқчимизки, тарсо маҳваш хаёл ва тасаввур кучи билан яратылған образ. Үнда оддий инсоний хислатлардан күра, илохий сифатлар устүн ва характерлидир. Достонда бу даъвони исботлайдиган ишоратлар күп. Эңг эътиборлиси мана булар: унинг оғзи «Ғайб сирридин» нишон берса-да, «Ўзи ғайб ахлидек, аммо бенишон». Бироқ унинг нопайдолиги ҳам пайдоликдир. У «Зулмат ичра нурни» нечоғлик пинҳон қымасын, юзи ҳамиша нурағын, «Шуълаи ҳусни» «давронға ўт солади. У шайх күнглини ҳам нурга чулғаб, жонини «шуъла дарёсига» ғарқ айлаган эди.

Лекин ҳикоятдаги «ҳақиқат асрори» шундангина иборатмас. «Ишқи золим зулмидин зору» интизор Шайх ғам шомларининг азобларига сабр тополмасдан:

Дүстлар, нетти мадад еткурсангиз,  
Жамъ ўлуб мен зорни ўлтурсангиз...  
То жаҳонда бўйла расво бўлмайин,  
Бир ўлай, юз қатла ҳардам ўлмайин,

дәя ёлворади. Унинг ҳолиға ҳайрон, «ҳардам онинг даридин қон» йиғлаётган асҳоблардан бири сўз бошлаб: «Қ-эй муршиди арбоби дин, умр йўлида гоҳо шундоқ кўргиликлар содир бўлади, бунда ўзини қўлга олган кишигина нажот топади»,— дейди. Бироқ «Ўзлук қани?» Ўзлигидан озгина нишон қолганида, Шайх шу аҳволга тушармиди? Мурид буни англолмайди. Аглолмагани учун ҳам муршидини ҳамон «арбоби дин» деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, Шайх ишқ туғёнидан бўлак — на дин, на имон — хуллас, ҳеч ни мани идрок қила олмас, «кўзга аввал» «меҳри мунир»ни кўргузуб, сўнгра уни ёшурган гўзалнинг порлоқ чеҳрасидан ўзга ҳеч нарсадан нажот истамас эди. Афсуски, бу сирни Шайх Санъонга ҳамроҳ бўлишган «тўрт юз аҳли тарийқ»дан ҳеч бирори идрок қила олмайди. Улар айтган гапларга жавобан Шайх билдирган фикрлар, илохий ишқ шавқидан маст ошиқнинг аҳвол-руҳиясини англаш жиҳатидан характерлидир:

Бири дебким:— «Бу эрур шайтон иши,  
Зикр ила ондин топар махлас киши».  
Шайх деб:— «Жамнъят анда шарт эрур,

Мен паришонман — не хоснат берур».  
Бири деб:— «К-эй муқтадойи аҳли роз,  
Бу бало дағынға вожибдур намоз».   
Шайх дебким:— «Урма бу маънида дам,  
Телбадурмен, телбага йўқтур қалам».   
Бири дебким:— «Кўп, таҳорат айлагил,  
Элга тоатқа ишорат айлагил».   
Шайх деб:— «Йўқ кўз ёшимдин ўзга сув,  
Қон келур ҳардам боғирдин кўзга сув».   
Бири дебким:— «Фусл пок айлаб кўнгул,  
Форир эт ғамдинки — будур тўғри йўл».   
Шайх дебким:— «Фарқан баҳри фано,  
Бўлмишам, мендки на истарсан яно?»

Демак, «паришон»лик «кошифи асрори ниҳон»ликнинг дастлабки белгиси. Паришонлик — «ўз ҳолиға саргаштау ҳайрон»ликка йўл очади. Ундан сўнг «телбалик» юз кўрсатади. Ҳушини ишқ ўғирлаган телбаларнинг пири комили Мажнундир. Кўздин сув ўрнида қон оқиши — сидқу садоқатдаги балофат. «Фарқан баҳри фано»— ишқ баҳрига бутунлай ғарқ бўлиш. Бундай ҳолатдаги ошиққа «шайтон иши», намозу таҳорат, тасбихи мисвокдан насиҳат ўқиши ғоғилликдир.

«Тазкиратул-авлиё»да Робия ҳақида шундай мазмундаги ҳикоят нақл этилган экан: Кунлардан бир кун Робиядан «Сен шайтондан нафратланасанми?» деб сўрашибди. «Йўқ!»— дебди у. «Нечун?» «Чунки менинг Худога бўлган ишқим шайтондан нафратланишимга вақт қолдирмайди»,— дебди-ю, у яна давом этибди: «Мен бирда пайғамбаримизни туш кўрдим. Ул зоти пок «Робия, сен мени севасанми?»— деб сўрадилар. О, Расули оллоҳ, ким ҳам севмайди Сизни? Лекин Ҳақ ишқи менинг борлиғимни шу қадар ишғол қилганки, бошқа бирорни севиш ёки кимдандир нафратланишга заррача ҳам имкон йўқ менда». Шайх Санъоннинг ўз яқинларига айтган кейинги фикрлари туб моҳиятда Робиянинг эътиroz сўзларига яқиндир:

Бири деб: «Саҳв агар тутти вужуд,  
Узриға туфроғ ўпуб қилғил сужуд».   
Шайх дебким, оқизиб қон ёшинн,  
«Олмоғумдур бу эшиқдин бошини».   
Бири дебким:— «Румға бўлди сафар,  
Қаъбани қилмоқ керак эмди мақар»,   
Шайх дебким:— «Онда қилғонни талаб,  
Мунда топдим, не чекай ул ён таъб...»

Ха, Шайх Қаъбада «талаб қилғонни» Румда топади. Румда топгани, азалий талабига мос ва мувофиқлиги учун ҳам у на панд, на таънаю маломатларга парво қилмайди. «Йўқ алар бирла ишим, Ким харобот ичрадур истар кишиш», дея дийдор дардида ёнаверади:

Кундуз — оқшомғача бағри чок-чок,  
Кеча тонг отқунча фирқатдин ҳалок.  
Ҳар нафас бир ойдин ортиб меҳнати,  
Бу эди бир ойға тегру ҳолати.  
Чунки ҳаддин ўтти ранжу дард анга,  
Түфроқ ўлди жисми ғам парвард анга.

«Ранжу дард» ҳаддан ортиб, «жисми ғам парвард» туфроқ ила тенг бўлгач:

Кофири золим сиришти ишвагар  
Ена ул манзардин ўлди жилвагар.

«Кофири золим» ёр бу гал «ўз афтодаси»дан «Куфр дайриға» не сабабдин асир бўлганлигини сўраб-суриштиради. Шайх эса ҳушдан кетиб, «Жисмида қолмай ҳаётдин асар», «Бир кечакундуз ўлуклардек» чўзилиб ётади. Фурсат етиб, завқ ила бехушлик гўё чекинади. Шунда у Ёрга дарду ҳолини изҳор қилади. Шайхнинг дил изҳоридан маҳвашга бир ноқислик сезилади. У «аҳли роз» «ишқни маҳфий» тутишларини эслатиб, ошиғини «кўп хижолат» қилади-ю, охири шарт қўяди («Ким менинг васлим таманно айламиш, Ихтиёр этмак керакдир тўрт иш...») Бу шартлар: май ичиш, маст бўлиб, зуннор боғлаш, «Қуръон»ни ўтда ёқиш ва будпарастлик динига ўтмоқдир. Булар ишқнинг «шукронаси» бўлса, икки «журмонаси»— жаримаси ҳам бор: бири — бир йил мобайнида чўчқабо-қарлик қилиш. Иккинчиси — шунча муддат оташгоҳда ўт ёқиш. Шайх бу ишларнинг ҳаммасини бажаради. Маъшуқа дастлабки шартларни фанонинг «тўрт такбири» дейди. Шайх ҳам уларни худди шу мазмунда қабул қиласи ва фаноликка монелик кўрсатмагани учун ҳам тўла бажаради. Бу ерда дин ёки имондан кечиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шайхнинг дини — Ишқ, имони — дил соҳиби ўша Моҳ эди. Ахир, у булардан тонгани йўқ-ку! Демак, у умрини тиккан ҳақиқат — мутлақ ҳақиқат. Шунинг учун унга бошқа ҳар қандай ақида ва муқаддас тушунчалар фоятда нисбий туюлган.

Неки амр этса пари рухсор ёр,  
Ошики девонаға ие ихтиёри!  
Харне матлуб үлса, ҳокимсан буюр,  
Қылмасам — тиги жафо бўйнимга ур!

У нима ишга қўл урган бўлса, ана шу эътиқод сўзларига  
событилигини намойиш этган, холос. Ишқ мулкида гадову  
шоҳ деган тафовут бўлмаганидек, мўмину тарсо деган  
Фарқ ҳам йўқ. Шайхнинг муҳаббат тариқати—илоҳий бир-  
лик тариқати.

Риёни Қаъбадин дайри фаноға  
Кириб, гар бутқа зоҳир қилдим имон,  
Мени ёзғурма, эй шайхи риёни,  
Ки гар коғир эдим, бўлдум мусулмон.

Навоийнинг бу қитъаси гўё Шайх Санъон тилидан ёки  
унинг толенини назарда тутиб битилганга ўхшайди.

Ҳикоятда яна бир ибратли маъно илгари сурилган.  
Ошиқи девона Шайхнинг қилмишлари туфайли, унга эр-  
гашиб келган кишиларнинг ҳаммаси пирларини ёлғиз таш-  
лаб Қаъбага равона бўладилар. Унинг ишқ майидан қон-  
ган бир фоний муриди бўлиб, Шайх Рум томон юрганида,  
у бошқа мамлакатда экан. Сафардан қайтгач, пири боши-  
дан кечган воқеаларни эшитибди, унга хабар етказган  
ҳалиги қочоқларга қаратадебди:

— К-эй ҳамиятда тўнғизлардин батар,  
Шайхким пир эрдию, сизлар мурид,  
Борчага иршодидин беҳбуд умид.  
Фақр аро шарти иродат келди бу,  
Қимни қилса муршиди фархунда хў,  
Хайли асҳоби ташаббуҳ айламак,  
Тенгрима лекин таважжӯҳ айламак.  
Гар тааллуқ бўлса, гар тажрид анга,  
Ҳарне қилса айламак тақлид анга.

Демак, фақру фанолик талаби бўйича пир не деса,  
нима ишни қилса, муридлар ҳар қандай вазиятда унга  
тақлид этиб, сўзларини жон қулоғида эшитишлиари шарт.  
Шайх Санъоннинг мурилари-чи? Ул «вафосизларга фақр  
атвори ҳайф», «Аҳли тақво хирқаву дастори ҳайф». Улар  
тинчлик ва хотиржамлик пайтларида ёлғон лоф уриб со-  
диқликларини исботлашга тиришган бўлишса, Шайх бо-  
шига иш тушгач, дарров «бевафолиқ» йўлига ўтишган.

Уларнинг ўзни «салоҳ андеш» тутиши, бир-бирини «дарвеш» аташи, «Зуҳду тасбеху ридо»си, «кафшу дастору асо»си — хуллас, барча-барчаси уят. Чунки:

Бўлса эрди Шайхқа сакбонлик иш,  
Қилса эрди бир неча ит парвариш,  
Чарҳдин еткаида бу янглиғ жафо,  
Кўрмагайму эрди итлардин вафо?!

Хуллас, «Одами бўлса вафо андин йироқ, Ит вафо бобида андин яхшироқ». Ҳикоятдан келиб чиқадиган яна бир муҳим маъно ана шу!

«Як жиҳатлиқ бобида мардона» шу мурид (ҳалиги жамоат ҳам ҳоҳлар-ҳоҳламас унга йўлдош бўлишади) Рум томонга йўл олади ва бориб Шайхни топади. На ислом, на имон маслагидан асар қолмаган, хотири зуҳду тақво андишасидан тўла фориғ Шайхга яратгандан најжот тилаб муриди кўп дуо ўқийди. Оқибат шу бўладики, Шайх асҳоблари қуршовида Каъбага қайтади.

Савол туғилади: тарсо қизнинг Шайх олдига қўйган шартлари тўғримиди? Ислом дини нуқтаи назаридан ўша шартларни бажариш гуноҳи азимлиги тушунарли. Лекин ҳақиқий ишқ маслагида-чи? Ушбу шартларда ҳам бир сир очилади. Бу — тарсо қизнинг «вафо бобида хому но-тамом»лигидир. Шайх ва асҳоблар йўлда экан, маҳвани тарсога бу «нотамом»ликни Исо пайғамбар маълум қилади. У туш кўради. Тушида унга Исо бундай дейди:

Мезбонлиқнинг тариқин билмадинг,  
Ўйла меҳмонга веларким қилмадинг.  
Дайрнинг меҳмонлирин тарк этти ул,  
Мезбонлиқа ҳарамфа кетти ул.  
Бот етиб бўлрил, мушарраф диниға,  
Үзрининг айтиб, кир аниңг оиниға.

Тарсо қиз уйқудан уйғониши ҳамон «Шайх аёғининг изи»га айланишни истаб қолади. Қилган ишларини ёдга олиб, «хотири ношодига» ўтлар туташгач, «оҳ уриб» ўрнидан туради-ю, Каъба эҳроми томон елади.

Тез борур эрди борғон сори эл,  
Элтгандек тоза гулбаргини ел.  
Солур эрди ғомини беҳолваш,  
Чарҳ аниңг қилғонларидин кинакаш.  
То биёбон ичра ошти шиддати,  
Фолиб ўлди ваҳму бийму ҳайрати...

«Заъфу ожизлиқ» юз кўргазгач, у «ёлғизу бекаслигига» йиғлайди. Жудолик жафосин англаб, ҳажр «Чорасин билмаслигига» йиғлайди. Ниҳоят ғамкаш маҳваш:

Шайхнинг қўйнида кўргач бошини,  
Тўкти рухсориға ҳасрат ёшини...

Кўзларида ҳасрат ёшлари, беадаблигу юзқаролигига иқ-  
пор бўлиб Шайхга у дейди:

Беадаблиғларки қилдим билмишам,  
Афвунг оллида сияҳрӯ келмишам.  
Ҳар неким қилдим ҳамон, қилдим ҳамон,  
Мен ямон, кешим ҳамон, диним ҳамон.

Қарангки, «Фоғил элнинг ҳар бирида юз хаёл», бу гал  
ҳам улар ишқ сирини кашф қила олмайдилар.

«Инжил»да «Менга инонган ўлса ҳам, яшайди»,— дей-  
ди Исо. Шунингдек, у «Худо Руҳдир... Руҳдан туғилмаган,  
худонинг Шоҳлигига киролмайди... Руҳ истаган жойда  
эсиб туради ва унинг товушини эшиласиз, лекин қайси то-  
мондан келиб, қайси томонга кетганини билмайсиз...»,—  
деган. Тарсо қиз «Мен ямон, кешим ҳамон, диним ҳамон»  
деркан, ўзи, маслаги, динидаги ноқисликларни айблайди,  
аммо Исога шак келтирмайди. Шунинг учун унда фақат  
«шавқи ислом» эмас, Исо пайғамбар башоратидан нишон-  
лар зоҳир бўлади:

Зоҳир этти шавқи исломни ҳам,  
Исо руҳиллоҳи аъломни ҳам.

«Менга иймон арз қил!»— дейди маҳваш ошиғига. Тила-  
ги бажо келтирилади. Шундан сўнг у «Оҳ уруб Шайх ол-  
лида» жон беради. «Булъажаб иш зоҳир ўлди, булъа-  
жаб»,— дейди шоир. Ахир, Ишқ ниҳояти йўқ ажойибот-  
лар олами. Бу оламда булат чархни нигун айлайди. Паш-  
ша анқони забун этади.

Ишқ аро дарду балодин ўзга йўқ,  
Зулму бедоду жафодин ўзга йўқ...

Ишқ зулмидан ўлган — асло ўлмайди. Боқий яшайди.  
Чунки у «ишқ айвонида» дағн этилади. Ишқ айвони эса  
мангу қуламайди. Дунёдаги ҳамма динлардан мукаммали,  
динларнинг дини — Ҳақ ишқи. Муҳаббат дардидан пок

ва қудратлироқ имон бўлиши мумкин эмас: Мана шунинг учун Шайх Саънов ёрини «ишқ айвонида», «Дину иймон аҳли гўристонида» дафн қилади.

Нақл этилишича, бир гуруҳ басирлар «Ё мусофирилғ билла ёхуд асирик» боиси Ҳиндистонга бориб қолишибди. Орадан анча вақт ўтгач, фалакнинг гардиши билан кўрлар яна юртларига қайтиб, масканларида қарор топишибди. Ана шунда бир киши улардан «Филни кўрдингизларми?»— деб сўрабди. «Кўрдик!»— дейишибди басирлар. «Қани, далил келтиринг»,— дебди ҳалиги киши. Аслида уларнинг ҳеч қайсиси филни кўрмаган, унинг айрим аъзосини пайпаслаб, шу билан кифояланган эдилар. Филнинг «қўл»ларини ушлаган кимса уни «Сутун» деса, қорнига қўл теккизгани «Бесутун» (устунсиз) дебди. Хартумини ушлаган одам филни аждаҳога нисбат берса, тишини тутгани фил — икки суюқдир, дебди. Филнинг бошини сийпалаган шахс уни бир чўққининг тумшуғи дея шарҳласа, қулоғига қўл етказгани фил — қимирлаб турган икки елпуғич экан, дебди. Хуллас, бу сўзларнинг барчасида аниқлик, тўғрилик бўлса-да, «умъё юзидин»— кўрлик сабабли ҳукм чиқарилганлигидан нуқсонли ва тартибсиз эди. Шу воқеа «пилбонлиғ шевасида устод», «ҳакими комили ҳунду нажот» бўлмиш зотга айтилганда, басирларнинг «филшунос»лигини у қуйидагича шарҳлабди:

Деди ҳар бир улча воқиғ эрдилар,  
Пил ҳолидин нишоне бердилар.  
Бир-бирининг сўзига айлаб хилоф,  
Гар жадал қилдилар эрдилар маоф.  
Ҳар бирни ўз билгонидин деди сўз,  
Солмоғон эрди бири пил узра кўз.  
Лек жамъ ўлғонда бу барча сифат,  
Пилға ҳосиллур улдам маърифат.

Ҳар қандай дин ёки мазҳабда хусусийлик мавжуд. Қаердаки ҳақиқат ва тўғрилик шу хусусийлик доирасидан чиқмас экан, у жойда мутлақ ҳақиқат ҳам, умуминсоний маърифат ҳам йўқдир. Шайх Бистомий демоқчи, кўнгул Ҳақ нуридан қонмагунча, «Ўз демоқлик бирла келмас рост сўз». Мана, ҳикоят замиридаги сира эскирмайдиган моҳият.

Иброҳим Адҳам ҳаётидан олиб тасвирланган ҳикоятда «Ўз демоқлик»дан қутулиш «тажриба»си кўрсатилган. Алишер Навоий «Насоим ул-муҳаббат»да «Иброҳим Адҳамнинг ҳолоти бафоят кўптур. Бир китоб битса бўлур»,

дэйди ва яна ёзади: «Бир кун овға борур эрди. Хотифе нидо қилдики, эй, Иброҳим, сени бу иш учун яратмайдур. Бу — сўздин анга огоҳлиғ юзланади. Ва мулк таркин қилиб, бу тоифа тариқин ихтиёр қилди ва Маккага борди ва анда Суфиён Сурий ва Фузайл Аёз ва Абу Юсуф Гайбулий суҳбатиға етишти ва Шомда ҳалол рӯзи учун позир-бонлиғ, яъни доштбонлиғ қилур эрди ва анга ҳадисдур: бийик каромот ва мақомот аҳлидин бўлди...»

Иброҳим Адҳам Маккага бориб улуғ шайхлар суҳбатига етишган. Ризқ учун даштбонлиғ қилган. Қароматлар зоҳир этиб, мақомоти буюк тариқатчилар сафидан ўрин олган.

Ишқнинг бошланғич босқичи — покланиш. Покликка эса ҳунар ёки билимга, давлат ёхуд мартабага эришгандай эришиб бўлмайди. Покланиш «истеъдод»и ишқда бошқача. Шунинг учун ишқ ганжига восил бўлган шоҳлар тожу тахтидан, бойлар молу давлатидан, олимлар мансабу мартабаларидан жуда осон кечишган. Иброҳим Адҳам кўнглида ошиқлик шоҳликдан ғолиб чиққач, у сўфийлик хирқасини кияди-да, Балхдан Нишопурга қараб юради ва бир төғ бағрида яшай бошлайди:

Бу макон бўлди чу ул гавҳарға көн,  
Етти йил бир төғ аро қилди макон.

«Лисон-ут-тайр»даги ҳикоятда ҳам собиқ шоҳ мафорада яшаркан, тоат-ибодат қилади. Рӯза тутади. Сирли хаёлларга ғарқ бўлади. Лекин ҳалол луқма учун заҳмат ҳам тортади:

Жамъ этиб водийда кундуз хасу ҳор,  
Бир қучоқ боғлар эди мардонавор.  
Эгнига боғлаб, бориб бозорға,  
Сотар эрди шом учун ифторға...

Кунлардан бир кун «эгнида ўтун», «жисмида ранж», шаҳарга бораётган Иброҳим Адҳамнинг йўлини бир гуруҳ кишилар тўсишибди. Мақсад — унинг сулукда нимага эришганлигини имтиҳон қилиш экан. Имтиҳон сўз билан эмас, мушт билан бўлибди. Бири мушт билан урса, бошқаси бўйнидан бўғишга бошлабди. Шунда Иброҳим Адҳам, «Ким ониким сен тилайсен қолди ул, Балхдин мен бу тарапф тутқонда йўл», дея ўзлигидан кечганлигини эътироф этибди-ю, балога қолибди:

Балх онинг чиқмайдур эрмиш ёдидин,  
Ким бош эрди хотири ношодидин.

Неча йил чекса бу янглиғ ранжу дард,  
Мулкининг ёдидан ўлгай кўнгли фард,

дейиншибди имтиҳончилар. У «нотамом эрмиш ҳануз».

Нимаси «нотамом?» «Хотири ношодидин» Балхнинг чиқмаганими? Абу Язид «Ориф на тушида, на ўнгида ҳусни мутлақдан ўзга ҳеч нимани кўрмайди, ундан бошқа билан учрашмайди ва ҳеч бирор нарсага кўз тутмайди», деган экан. Ал-Шибилий таъбирича, «Ошиқда — шикоят, қулда — эътиroz, қўрқоқда — хотиржамлик бўлмаганидек, орифда ҳеч нимага боғлиқлик бўлмаслиги керак».

Орадан бир йил фурсат ўтгач, синовчилар яна Иброҳим Адҳамнинг йўлини тўсадилар: «Яна бир мушт имтиҳонга урдилар...» Бироқ бу сафар ундан ҳеч қандай садо чиқмайди. Бундан «мумтаҳин»ларнинг ўzlари фарёд тортиб:

Дедилар толиб ул ойин биғла ком,  
Ким сулук ичра иши бўлмиш тамом...

Бу Иброҳим Адҳамнинг ҳақиқий шоҳликка кўтарилиши эди: «Шаҳфа андин сўнгра итти шоҳлиғ». Аввалги шоҳлиғ ёди унинг кўнглида бир пардага ўхшаб турганки:

Файр ёди кўнглида то бор эди,  
Парда янглиғ монеъни асрор эди.

Қиссадан ҳисса шулки, ҳақни деган ёлғиз Ҳақни севиши, фанолик йўлида «булҳавас»лик қилмаслиги керак. Ана шундай эшиқ комилу покбоздур.

«Лисон ут-тайр»да хилма-хил мавзулардаги олтмишдан ортиқ ҳикоятлар бор. Уларнинг кўпчилиги ҳали таҳлил этилмаган. Бағрида мутлақ ҳақиқат томон бориш сирлари яширин бу ҳикоятларни ўрганиш, айни пайтда, тасаввуфни ҳам ўрганишдир.

## ЖУНУН МАЪРИФАТИ

Бу ишқ ўтиға давому бўлғай?  
Хар ким тиласа равому бўлғай

Машҳур араб адиби Абул Фаррож Исфаҳонийнинг «Кўшиқлар китоби»да Мажнун ҳаётидан шундай воқеа қайд этилган. Мажнун бир кун Лайлиникига ўт сўраб чиқибди. Лайли унга лахча чўғни рўмолнчага ўраб берибди. Гап гапга уланибди-ю, латта ёниб тугабди. Лекин Мажнун жойидан жила олмасмиш. У якtagини йирта бошлабди. Яктақ ҳам куйиб битибди. Сўнг у беҳуш бўлиб Лайлининг пойига йиқилибди. Лайли берган ўт — ишқ ўтининг чўри эди. Бу чўғ Мажнун кўнглида алангага айланиб, у шу оловда Қаңусга ўхшаб тириклай ёнганди. Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун»нинг хотимасида, «Ўт солса жаҳон элига Мажнун, Бир куйгучи бўлғуси Филотун», дейди. Навоий достони Мажнун руҳида порлаган муҳаббат ўти тасвирларига бағишлилангандир. Мажнун қисматининг тимсоли достонда ўт ва нур. У туғилишидан то охирги нафасигача ўтга талпиниб яшайди. Унинг ҳаёти — нур ичидан кечган ва нурдай безавол ҳаётдир.

Қайс ҳали чақалоқ, эмаклай ҳам олмайди. Аммо унда қандайдир пинҳоний иштиёқ кўзга ташланади. У «Ўт кўрсаки майл этиб ниҳони, Ишқ ўти тасаввур айлаб они» бешик ичра фифон тортаверади. Бундай гўдәк табиатида фавқулодда хислатларнинг уруфи яшириниши шубҳасиз, албатта. Қайс мактабга қатнай бошлашиданоқ ўша хислатлар қувватини кўрсатади. Унинг зеҳни ниҳоятда ўткир. Дарсларни жуда тез ўзлаштиради. «Ҳамдарслари бу ҳолатдин, Ожиз эрдилар хижолатдин».

Кунларнинг бирида Қайс сабоқ олаётган мактабга, атрофида канизаклари, Лайли кириб келади. Лайлининг чехраси гўё гулистон саҳнида ўтдин очилган гул, «ул гул била» у жаҳонга ўт солади. Бу — чақалоқликда Қайс ҳушини эгаллаган ишқ ўти эди. Лайли юзида балқиган ёлқинга Қайс бардош беролмай қолади. Ранги сарғайиб, кўнглида қўзғалон кўтарнилади. Ишқ зўр келгач, у ҳушини «аввал қадаҳ»га топширади. Бу «қадаҳ»га «май» тўлгунича йўқ. Қайс ҳали ишқ майдан сипқормаган. Шунинг

учун у «май нси бирла масть» бўлиб, илк бора ғам тўдасидан енгилади. Нозикфаҳм Лайли буни дарҳол сезади. Чунки унинг ҳам «жони зори» «шавқ ўтида» ёна бошлаганди.

Қайснинг изтироблари атрофида гиларга ошкор бўлиб қолмаслиги учун Лайли чора ўйлаб топади. Унинг таклифи билан аҳли мактаб боғ сайрига чиқадилар. Баҳор фасли. Дараҳтлар яшил либосларга бурканган. Гуллар қулф уриб очилган. Чор атрофдан қушлар чуфури эшитилади. Болалар у ёндан-бу ёнга қувнаб югуришади. Аммо Қайснинг дил ғунчаси очилмайди. Хомушлиги, ҳазинлиги аввалгисидан кучайган. Сирини пинҳон сақлашга ҳар қанча уринмасин, уддалай олмайди: гоҳ кўзидан ёш оқади, гоҳ ихтиёрсиз оҳ чекади. Лайлига қарай деса, кўнглида ўт ло-вуллаб кетади.

Боқай деса доғи қуввати йўқ  
Боқмай деса доғи тоқати йўқ.

Лайлининг саъй-ҳаракати туфайли улар хилватда учрашишади. Ери келганда Қайс гуллар орасида яшириниб фироқ қўшиқларини куйлаётган эди. Ў «ўз ҳолифа зор йиғлар», «бесабру қарор» тўлғанарди. Қайснинг ўз ҳолига ҳайронлиги ортар, барча чин ошиқлардек у дил дардиди очиқ изҳор эта олмасди. Балки шунинг учун Лайлига у «турфа йигит» бўлиб кўрингандир. Балки шунинг учун беҳисоб хижолатлар тортиб бўлса-да, маъшуқанинг ўзи аввал сўз бошлагандир. «Не навъ ғаму малолатинг бор?» деб сўрайди Лайли ундан. Буни Лайли билмаганми? Лайли Қайсни «ширин сўзидан» лол қилганди. У ҳолшунос эди. Қайс ҳам унга «забони ҳол бирла» сўз айтади. Ва илк дафъа «ҳайрат ўти»ни тилга олади:

Қ-эй жонима ҳайрат ўти солғон,  
Кўнглумни бурун назарда олғон.  
Аввалки жамолидин сочиб барқ,  
Ўт ичра вужудим айлаган гарқ...  
Қилғонни ёшурмоғинг не эрди,  
Мендин яна сўрмоғинг не эрди?

Ҳайрат ўтидан жони ўртанган Қайс ҳушдан кетади. Маҳваш унинг бошини қучоғига олади. Юзига гулоб сепади. «Ким бўлди бу шиддатингға боис?» деган ўз сўроғидан гўё пушаймон бўлиб йиғлайди. Шу пайт Лайлини излаб юрган канизаклар келиб қолишади. Юз берган во-қеа уларни чўчитиб юборади.

Күзларига даҳр ўлуб қаронғу,  
Құрқиб дедилар: «Не ҳол әрүр бү?»

Лайли уларни сирдан огоҳ қиласы. Қанисаклардан бири ишқ дардидан воқиға әди. Шу қиз Лайлига тасалли беріб, уни уйға жүнатади. Қайсни эса яқин кишисини топыб унга топширадилар.

Хушдин хабари, «рухдии асари» йўқ Қайс ярим кечада ўзига келади: «Қўрди ўзинни чаман ичинда, Сарву гулу ёсуман ичинда». Худди шу тунда Қайс янгидан туғилганди. У энді табиат билан бир тану бир жон әди. Унинг «гул атри» таъсиридан ҳушига келиши оддий ҳодиса эмас. Гул — тимсол. У табиат ва инсон руҳиятидаги уйғунлик, илоҳий бирлік моҳиятими ифода этади. Навоий бир ғазалида «Ул қуёш васлиға бир дамлиқ хаёлимни десам» «етти чарх» варақлари тўлиб, «етти баҳр» сиёҳдон бўлади, деганди. Қайс ҳам ана шундай хаёллар билан сеҳрланганди. Буни ҳаммадан аввал бағри сўзон булбул тушунди. Ва унинг боши узра сайраб, аҳволига йиғлади. Сўнг гул «гулгун ёқасини» пора-пора қиласы. Лола, нарғис, сунбул, дараҳт, сабза, сув — булар ҳам Қайсга ҳамдардлик билдиришади. Лекин «кандуҳ ўти»ни нима сўндиради? Висол. Ҳар ён боқиб ёрини топмаган Қайс кўнглида энди фироқ ўти шуъла сочарди:

Кўкси аро шуълан фироқи,  
Бу ўт била доғи иштиёқи...

Айрилиқ азоблари шу зайлда кечаркан тонг ўз байроғини кўтаради. Тонг ёруғида умидсизлик зулмати чекинади. Ошуфта йигит сабодек «гул бошиға» эврулади. «Дедиким: Қани ул гули шакарханд, Ким бу гул эрүр юзига монанд?» У бутун гулшан бўйлаб монандлик ахтаради ва ғунча, сарв, сабза, туфроғ, сув — ҳамма-ҳаммасида ёрдан алоҳида-алоҳида бир нишона топади. Масалан, сарвда ёр қаддининг нишони бўлса, туфроғда унинг «аёғ нишони» мужассамдир. Тунда Қайс булбулни тинглаганди. Тонгда булбул унинг фифонига қулоқ тутади. Қайс булбулнинг «Гул суҳбати ичра муҳтарам» эканлигини эътироғ қиласы. Аммо унинг минг тил била ҳар шому саҳар нола чекишини ёқламайди. Биринчидан, ошиқлик даъвоси элга заррача ҳам озор етказмаслиги керак. Бундан ташқари, ишқдан лоғ урган — ишқ аҳли томонидан тан олинмайди. Иккинчидан, булбул «аҳли висол» вакили, «ҳажр аҳли қошида» дам урмаслиги лозим. Қайс ўзини висол аҳли қаторига қўшмайди.

Мискин мену дардманди мажруҳ,  
Топмай тан аро нишонаи руҳ.  
Яъни ғам ўтида жисми зорим,  
Йўқ жон киби сарви гулъузорим.  
Сен тортма нола мубталовор.  
Ким нола эрур манга сазовор,—

дейди у. Достондаги воқеалар ривожи — Қайсдаги мискинликнинг ривожи, дардманликнинг кучайиши ва мубталолиг ноласининг шиддатланишидир. Қайс ҳар гал ҳушини йўқотганда жононнинг руҳи унга жон бўлиб қайтаверади. Қабиладошлари уни олиб кетмоғ учун келишганида Қайс ақлу ҳушдан бегона, худди жонсиз аҳволда ётарди. Уйга олиб борилгач, у ўзига келади. Кўз очса, бошида ота-онаси турибди. Уларни ғам эзган. Онаси ўғлининг мусибатидан зор инграб бошларини силаса, отаси меҳр билан пешонасидан ўпарди. Алишер Навоий ғазалда бундай дейди:

Гар забун бўлсан ажаб эрмаски түнса шиқ аро.  
Аждаҳолар хоксор ўлмоқ тариқин ўрганур.

Ҳақиқатда ҳам ишқ хоксорлик тариқати. Ишқ аждаҳони ҳам хоксорликка ўргатади. Ишқа забун бўлган одам меҳру шафқатда ғолибdir. У қаҳрдан, ваҳшатдан покланади. У ўзининг илоҳий моҳиятини тушунади. Хоксорлик — Қайснинг туғма фазилати эди. Ишқ ундаги хоксорликни мукаммалаштириди. У бағоят андишли ийгит эди. Хижолат ҳисси ота-онасининг кўзларига тик қарашга имкон бермас, у уятдан қийналарди: «Чун кўрди ато билан аноси, Ким они ҳалок этар ҳаёси». Ҳаёдан ўлаёзган кишига насиҳат не ҳожат? Шу боис на ота, на она унга бирор нарса демайдилар. Унинг «турфа ҳоли» ва «ажаб ҳаёли»ни ўзларича мулоҳазадан ўтказадилар. Бирларига уни пари йўлдан оздиргандай бўлиб туюлади. Йккинчиси, «Девчалиб кетибди», дейди. Бу ҳукмлар огоҳликдан далолат эмасди. Бу тахминлар кейинчалик Қайснинг оёғига занжир бўлиб боғланди. Унга хайриҳоҳ одамлар кўп эди. Лекин чигал қисмати ва руҳий ҳаётини бутун мураккаблиги билан тушунадиган одам йўқ эди. Навоий улуғ Шахс ва муҳит, идеал ва воқелик ўртасидаги ана шу фоже муносабатни чуқур тадқиқ этади.

Қайс ғам кулбасида ёлғиз бир лаҳза бўлса ҳамки, ақлу ҳуш ғолиб келиб турибди. Ўз ҳолатини у мушоҳада этмоқчи. Бироқ уни ҳайрат енгади. Ботин оламидаги ға-

ройиб ўзгаришлар Қайсни ҳайратлантиради. У яна ҳамма нарсаны эсдан чиқаради:

1

Чеккач яна ишқ ўти забона,  
Күймади вужудидин нишона.

Қайс «бало қабиласи» томон равона бўлади, яъни «Маъшуқ уйининг йўлини» тутади. Моҳлиқо ҳарамига қараб чопаётган Қайсни ким биринчи бўлиб қаршилайди? Мана, эшитинг: «Чун бўлди қабила ўти пайдо, Ул ўт билла куйди зор шайдо». Ўт ўтга чирмашади. Кўнгилдаги ўт ўша ўтга юз уради. Ўтинафас ошиқ ул ўтга қарататарона оғоз айлайди:

К-эй ҳажр тунида ахтари ишқ,  
Рахшанда нечукки гавҳари ишқ.  
Бил машъали фароғ сенсен,  
Е гавҳари шабчароғ сенсен...

Ғам шомида қўлин тутиб, ҳижрон тунида дилин ёритган бу ҳаётбахш ўт — фароғат машъалидан шукроналар тўқиб, сўз охирида у:

Дойим бу тарни шевани тут  
Ҳам ёру ва ҳам жаҳонни ёрут,

дея илтижо килади. Шу «гавҳари шабчароғ»сиз ёр ва дийдор тушунчаси Қайснинг тасаввурига сифмайди. Уннингча, жаҳоннинг илоҳий файзи айни шу ўт ёлқинининг дарражаси билан белгиланади.

Қабила аҳли маст уйқуда. «Ишқ аҳлигадур ҳаром уйқу» деганларидек, Лайли бедор. Ерининг хазин ноласини эшитишиданоқ, ўрнидан у қўзғалади. Лайли бошига тушган ишқ савдосидан хабардор доя Қайсга ҳам хайриҳоҳ эди. Улар икковлон Қайсга пешвоз чиқадилар. Ошиқ ва маъшуқ бир-бирин кўргач «оташин оҳ» тортадилар:

Ким ўтларидин жаҳон ёрушти,  
Хирманларига бу шуъла тушти.

Пок ишқнинг сўзон шуъласи дояни ҳайрон қолдиради. Лайли ҳам, Қайс ҳам унинг кўз ўнгига беҳуш бўлиб йиқиладилар. Висол мазмуни улур учун гўёки муҳаббат оташи ичра тўлғанмоқ эди.

Қайснинг бу навбат ғойиб бўлиши энди кўпчилик қа-

биладошларини ташвишлантирганди. Уни ахтариб ҳар ёқ-қа кишилар жүнатилади. Изловчилар унинг изини аниқлашгач, Лайли қабиласига қараб юрадилар. Ахтара-ахтара уни қумга күмилган ҳолда топишади. Қайс уйига күтариб келтирилади. Яна муштипар она фифон қилиб йиғлайды, ота ўксиб бел букади. Бошқалар-чи? Улар ҳуши ўнгланган Қайсга насиҳат қилиб, таъна ва маломат сўзларини ёғдиришади. Бу сўзлар унинг кўксига найзадай санчилар, паришонлигини янада орттиради. Ошиқнинг боши маломат тошларига нишон эканлигини Қайс яхши биларди. У ғофиллик, нодонликнинг зуғумига нисбатан беҳад бардошли эди. У норасолар билан баҳсга киришишни худпарамстлик белгиси деб фаҳмларди. Кимdir Қайснинг «Оёғига кишан солиш керак», дейди. Лекин бу гап унинг хотирига бориб етмайди. Чунки у мутлақ ҳурлик йўлига тушган ва ҳеч қандай қаршилик уни бу йўлдан ҳайтара олмасди. Шунинг учун ярим тунда у яна дилбарининг уйига қараб югуради. Бу воқеа кетма-кет қайтарилаверади. Қабила аҳли чора излашади. Бироқ Қайс сийратидаги ўт кучайгандан кучайиб бораверади. «Дам бирла ўти батар тутошиб», унда жунун шавқи зўрайганди. Шундан эътиборан, уни «Мажнун» деб атайдилар ва унга назари тушган эл «Келди Мажнуну, келди Мажнун», дея қичқиришади. Аммо бу вақтларда Қайс бутунлай ўзини унуган сиру савдо баҳрида сузарди.

Уз отию қавму хайли оти,  
Иўқ ёдида ғайри Лайли оти.  
«Лайли, Лайли» дебон чекиб ун,  
Эл деб: «Мажнундур, ушбу Мажнун».

Хуллас, «Бу сурат ила ҳар сабоҳу ҳар шом» Мажнун Лайли ҳарами сори елаверади. Навоий чин ошиқлик шартларини ғазалда шундай талқин этади:

Кимки ошиқ бўлса зору хаста ҳол ўлмоқ керак,  
Рашқдин олам элига бадхаёл ўлмоқ керак.

Васл тоғмоғлигки ишқ аҳлига амридур маҳол,  
Кечаву кундуз иши фикри маҳол ўлмоқ керак.

Шавқ аро гаҳ мўядин бўлмоқ керак андоқки мўй,  
Ҳажр аро гаҳ ноладин андоқки нол ўлмоқ керак.

Васл мумкин йўқ вали ҳижронда ҳар дам юз бало,  
Мундоқ оғат мубталоси моҳи сол ўлмоқ керак...

Мажнун бундай ҳолат ва ҳиссиётларни бутун туғёнлари билан бошдан ўтказар, бениҳоя «зору ҳаста ҳол», эли ҳам, өлами ҳам унинг Лайли эди. Лайли ёди уни бамисоли най каби ингратар, ҳижрон даштида ҳар дам юз бало юзма-юз келишини у истиқбол муждаси ҳисобларди.

Дашт узра фифон қилиб ҳамеша,  
Кезмак анга бўлмиш эмди пеша.

Ошуфталиги ҳаддидан ошган Мажнуннинг жонида «бalo ўти» ёнса кўнгли «савдо ўтидин» мунаввар эди. У бир ўринда «Ким жисмда хасча ҳам эмасмен», дейди. Бу гапда муболоға йўқ. Мажнунда вужудпарамстлик майли тамоман сўнган. У Рух одами. Унинг бахти ҳам, ўзгалар назаридаги бахтсизлиги ҳам мана шунда:

Жисмимға қадарки руҳ берди,  
Бермаса эди не бўлғай эрди?—

дейди жафокаш Мажнун. Агар унга шу қадар руҳ ато этилмаганида, у ишқ мулкининг сultonи бўла олмасди.

Ҳижрон офати зўрайганда Мажнун ўзини ожиз сезади. Баъзан ўлим ҳақидаги хаёлларга берилади:

Маълум этибон чу ўлганимни,  
Ит олиға солибон танимни.  
Жонимни халос этиб анодин,  
Қутқарсалар эрди минг балодин.  
Жисмимни талашса эрди итлар.  
Қонимни ялашса эрди итлар...

Мажнун шу қадар шафқатлики, жонсиз жисмига ит ҳам тиш уришини истамайди. Негаки, ит ўша заҳотиёқ қутуради. «Телба бўлиб» жаҳонга ўт солади ва «юз ҳастай нотавон» балоға йўлиқади. Шунинг учун у бундай қарорга келади: унинг вужудини аввал ўтга ташлаб куйдириш керак. Ушандা ҳам вужуд «ул ўт аро» «изтироб бирла» ёнмоғи лозим. Ўтдан нишона бўлиб қолган кул шундан сўнг кўк узра соврилгани мақсадга мувофиқдир. Нечоғлик изтиробга ташна, қалб ёнгинига ўч бу Мажнун?! Унинг беқарор кўнгли «ўтга маскан». Бу масканда узлуксиз олов ёнади.

Оваҳки бу ўтдин ўлди тобим,  
Йўқ, йўқки ичинда изтиробим.

Кулбамдау масканимда бу ўт,  
Жонимда бу ўт, танимда бу ўт...

Тасаввур қилинг, кулбаву маскани, жони тани ўт ичида қолган бир бечора ошиқнинг оёғи кишанланган бўлса? Бу бедодлик, бағритошлиқ эмасми? «Одатда бирорни ўт ичига ташланганда оёғидан кишанин оладилар. Менинг толеимда ҳам ўт, ҳам кишан, гуноҳим шундай катта экани?»— деб ўқинади Мажнун. У заиф ва хасдек жисми билан замон занжири ва муҳитнинг темир кишанларини жуда осон парчалаб ташлайди.

«Лайли ва Мажнун»нинг бобларидан бирида Ҳақдан шафқат ва шифо тилаб Мажнунни Қаъбага олиб борилиш воқеаси тасвирланган. Қаъбанинг «арши аъзам»дек улуғвор салобати Мажнун дилида маҳобатли туїғулар уйғотади. Сўнг нима бўлади? «Кўнгли аро шавқ оташи» ёнади-ю, бенхтиёр у йиғлай бошлайди: «Ёғдурди кўзи ёшин ёғиндек». Тун олам узра қора пардасин тортганда Мажнун ҳар ҳукмда қодир, ҳакими донога нидо қилиб, мотамвор фарёд кўтаради:

Эй ишқ ўтии айлаган жаҳонсўз,  
Андин мени нотавонни жонсўз,  
Эй ургон ул ўтии хирманимга,  
Хирман исқи, жон била танимға...

Бу ўтдан наинки жон, «мағзи устухон» ҳам куйиб би-таётир. Ахир, ҳакиму донога «Мени беомон бу ўт азобидан халос қил»,— дейиш мумкин-ку! Мажнуни оташсевар буни хаёлга ҳам келтирмайди. Балки, «Дерманки менга бу ўтни ҳардам, Афзун қилу қилма зарра кам!»— деб тавалло этади у. «Ишқ ўтидан эт юзумни рангин!» Бу ҳам Мажнуннинг олни орзуси. Ишқ ўтидан бошқа ўтга у синиммайди. Шу ўт ҳароратидан йироқ ҳар қандай ўт унга аҳамиятсиз:

Ҳар ўтки йўқ анда ишқ сўзи,  
Мен хастага қилма онни рўзи!

Ишқ ўтидан асар сезилса, у дўзахға ҳам киришга рози. Маълумки, Мажнуннинг ошиқлигидан хабар топгач, Лайлининг отаси ғазабланади. Аммо унгача у Мажнун таърифида анча-мунча баланд фикрларни тинглайди. Шулардан бири Мажнуннинг шоирлик истеъодига берилган баҳодир. «Табъи хушу назми ҳам равондор», дейилади бу

ҳақда. Мажнуннинг назмида аввалларин «бори бир исм»—Лайлиниң мадҳи зикр этилган бўлса, кейинги шеърларида ҳам шу ном янада кўпроқ тақрорланади.

Ийк ҳеч сўз айтмоққа майли,  
Айтур сўзи бу қадарки: «Лайли».  
Ҳам Лайли ўлуб тилида зикри,  
Ҳам Лайли ўлуб ичидаги фикри.

У «Лайли ғамидан қилиб тафаккур» юзлаб байту ғазал тизар, уларнинг барчасида ёрнинг зоти ва сифоти улуғланарди. Гап шундаки, ўша пардадор мисраларнинг маъни таркиби оловли эди. Шавқ ва сирга бой у шеърлар элнинг ҳам димоғидан дуд чиқарарди:

Абётиға маъни оташолуд,  
Назми чиқориб димоғидин дуд...  
Ул назм илаким тузуб навое,  
Солиб улус ичра ҳой-ҳое.  
Пажмурдаға жон мулосиқ айлаб,  
Афсурдан зору ошиқ айлаб.  
То ҳуш димоғим солиб тоб,  
Абёт деб ўйлаким дури ноб.

Инсон дами нафасидан тандир қизишига ақлингиз бовар қиладими? Мажнун Лайли қабиласи кўчиб кетган манзилга ёвуқлашиши билан кўнглига олов туташади.

Ҳам дилбар исин топиб димоғи,  
Бўлди яна тоза ишқ доғи.

У «жонон уйи ўрнини» топиб саждага бош қўяди. «Туфроғини кўз аро ёшуриб» киприклари билан ерни супиради. Шундан кейин «бир лаҳза танур ичига» кириб «ўтлуғдами» билан уни қизитади. Бу ҳодиса эҳтимол бизга ғайритабиний туюлар. Лекин Мажнун учун у табиийдир. Мажнун қўтириб бир ит билан ҳасратлашаётганда ўтган, қайтган йўловчилар унинг қилиқлари ва айтаётган сўзларидан ажабланишади. Ҳатто айримлар унинг аҳволига ачиниб зор-зор йиғлайдилар. Қарангки, Мажнуннинг ишқий камолотини тўғри характерлай оладиган бир сўхта зот ҳам топилади. У ишқ ўти ичра самандар бўлган Мажнунга қаратади:

К-эй, ишқ ўти ичра ахгар ўлғон,  
Не ахгарким, самандар ўлғон.

Бу ўт била пайкарингга таркиб,  
Бу ўт била хилқатингга тартиб.  
Зотинг бўлуб ўт била сиришта,  
Тонг йўқ десалар сени фаришта.

Бизнингча, «ғавғойи жунунға мубтало» Мажнунга берилган ҳаққоний таъриф ана шу сўзлар эди. «Лайли ва Мажнун»даги «машҳур образларга» хос «пассивликни» таъкидлаб профессор F. Каримов ёзади: «Мажнун бутун достон давомида жафо чеккан, адолатсизликка учраган, зулм кўрган одам сифатида фарёд қиласди. Жамиятдан ва унинг қонун ва адолатларидан норози бўлиб, ваҳший ҳайвонлар билан улфатлашади, уни ҳақорат қилганлар билан алоқасини узиб замонга, муҳитга лаънатлар ўқииди. Лекин ўз мақсадларига эришиш йўлида бақувват, жанговар тадбир, ҳаракат ва қураш олиб бормайди».

Мажнуннинг «ўз мақсадларига эришиш йўли» жанговар қурашчанлик эмас, камолот йўли. Унинг душмани — золим нафс. Навоий айтмоқчи, тўқайдаги шерни енгишдан кўра нафс итини мағлуб қилишни у зўрлик деб билади. Шу қурашда Мажнун бағоят событ ва изчилдир. Мажнун на жамият, на замон ва на муҳит қаршисида таслим бўлганмас. Чунки у ўзлиги олдида таслим эмас эди. Мажнун Лайлига ёзган мактубида, «Йўқлуқ менга гар булуб турур йўл, Сен бор бўлу бу йўққа ёр ўл», — дейди. Бу — фанолик йўли. Фанолик эса ишқи ҳақиқийнинг сўнгги босқичи. Бу босқичга кўтарилиган ошиқ руҳ қушини ўзлик қафасидан бутунлай ҳалос қилиб, боқий ҳурликка эришади. Мажнуннинг «ваҳший ҳайвонлар билан улфатлашиши» — бутун борлиқ олам билан бирлашиш рамзиdir. Шунинг учун у «Тоғ чўққилари менинг отим, самум хулласи менга тўндири», дейди. Шунинг учун унинг ҳажр тифидан чок кўксидан ҳашаротлар қўрқмасдан ичига киради. Бағрида чибинлар кириб ғавғо қилишади. Кўзи уйида чумоли ватан қуради ва ҳоказо.

Мажнуннинг Лайлига шайдолиги алал-оқибатда уни Анал—ҳақлик мавқенга етказгандир. Акс тарзда у телбалик ва савдо пайғамбари бўла олмасди. Мажнун олий мақсад йўлида ҳамиша тадбирли.

Анчадан буён дашту биёбонларда саргашта юрган Мажнунни топмоқ учун бенаво отаси йўлга чиқади. У ўғлига «ғифону зор» қилиб («Шоядки ичига кор қилғай», деб ўйлаб), «насиҳат доруси» билан таъсир кўрсатишга умид боғлайди. Излай-излай у боласини бир вайронада топади. Гоҳ чумоли тутиб, гоҳ туғроғ сочиб, гоҳ бойқушнинг сай-

рашига ҳамдард бўлаётган Мажнуннинг ҳолатини кўргач  
отаси лол қотади:

Дедики: Недин мисол экин бу,  
Субҳоналлоҳ, не ҳол экин бу?..

Мажнун отасининг йиғлаб-ёлвориб айтган насиҳат ва  
истак сўзларини эшигади-ю, ўзининг аҳволини мана бун-  
дай қиёсда шарҳ этади:

Минг барқ тушурса ишқи бебок,  
Нетгай анинг ўтрусида хошок.  
Не буйруғинг ўлса сўз демасмен,  
Мажнун мену лек Қайс эмасмен...

Достоннинг ишқ таърифига бағишлиланган қисмида Навоий ишқни «хуршиди жаҳонкушой», «миръоти жаҳонна-  
мой»га нисбат беради ва ким ишққа назарни равshan қилса, «Кўрди еру кўқдагин муайян. Чун боққали ихтиёр  
топди, Ҳарсорики боқти ёр топди», дейди. Ишқ аро фироқ  
иля дард ўтидан жисму жони тўлғанган Мажнунга фақат  
мажозий ишқда мусалламлик эмас, ҳақиқий ишқдан баҳ-  
рамандлик ҳам насиб этган эди:

Мажнунға бири бўлиб мусаллам,  
Баҳра топди иккинчидан ҳам.  
Эрмас эди ўзидин бу ишлар,  
Бал ишқдан эрди ул кашишлар.

Мажнун кўнглидаги ишқ шавқини дамодам афзун қил-  
ган кенглик нима? Жунун. Мажнуннинг жунун йўли —  
маърифат ва ибрат йўли. Шунинг учун Навоий Мажнун-  
га издошлиқдан фахр туди ва жунун йўлини — Ватанга  
раҳномолик камолоти сифатида таърифлайди:

То тутти жунун йўлия Навоий,  
Ким бўлди Ватанга раҳнамоий.

## ТАСАВВУФ ВА БОБУР ШЕЪРИЯТИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тасаввуф таълимотига муносабати илмда маҳсус текширилмаган. Бобурни тасаввуф жиддий қизиқтирганми, йўқми? Бобур дикқатнни тасаввуфга жалб этган сабаблар борми? Бор бўлса, улар нималар? Бобур тасаввуфдаги қайси йўналишларга эътиқод боғлаган? Шоир шеъриятида тасаввуфга доир қандай ғоя ва образлар акс эттирилган? Ва уларни маълум бир ғоявий-бадний манзара га эга дейиш мумкинми?

Бу ва бунга ўхшаш яна қатор саволларга аниқ жавоблар қайтарилиши зарур, албатта. У ёки бу шоирнинг шеърларидағи илоҳий-фалсафий маънони таҳлил қилмоқ учун, биринчи галда, ўша шоирнинг тасаввуфга ички яқинлигини аниқлаш керак. Ундан сўнг Ф. Роузентал тавсия берганидек, шоирнинг таржимаи ҳоли, дунёқараши, ижодий муҳити, қандай адабий анъаналарга издошлиги каби қатор жиҳатларни ҳисобга олиб шеърий матнни таҳлил қилиш лозим бўлади. «Бобурнома»ннинг номаълум котиби Бобурнинг форсийда битилган шундай рубоийсинн келтиради:

Дарвешонро агар на аз хешонем,  
Лек аз дилу жон мұттақиди эшонем,  
Дуруст магу шоҳи аз дарвеши,  
Шоҳем, vale бандан дарвешонем.

Мазмуни: Дарвешлар, агарчи бизларга қариндош бўлмасалар-да, лекин биз уларга жону дил илиа эътиқод қўйганимиз. Шоҳликни дарвешликдан йироқ дема, биз шоҳ бўлсак ҳам дарвешларнинг бандасимиз.

Баъзи тадқиқотчилар мазкур рубоийни «тақводорликни тарғиб қилувчи» ва «бадбинлик майллари» ифодаланган шеър сифатида баҳоламоқчи бўлганлар. Ҳолбуки бу ўринда тақводорлик ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Дарвешликни шоҳликдан устун қўйиш наҳотки бадбинлик ҳисобланса? Бу шеърда Бобур тасаввуфдаги дарвешлик маз-

җабига эътиқодини ифодалаган. Бунда дарвешликни улурловчи Саъдий ғояларига тарафдорлик бор. Бунда Алишер Навоийнинг «Шоҳ агар дарвешваш эса, шаҳдур, Шоҳу дарвеш ишидан огоҳдур», деган фикрларнинг акс садосини эшитиш мумкин.

Арзимас ғам емакка бу дунё,  
Бал отин ҳам демакка бу дунё.  
Тамаъ узгил бу эски дунёдин,  
Хотирингдин чиқар бу дунё ёдни.  
Давлат учун ўзунгни зор этма,  
Иzzат учун ўзунгни хор этма.

17

«Шоҳ юриб олам очар, дарвеш оламдин қочар»,— дейди Алишер Навоий нақшбандийлик фалсафаси илгари сурилган ғазалларидан бирида. Юқоридаги сингари сатрларда ҳам «олам очмоққа» иштиёқманд шоҳга эмас, балки дунёй дундан чекинаётган сийрати дарвешваш Бобур билан юзма-юз келгандай бўламиз. Бундай оҳангларнинг туғилишини тожу таҳт курашларида Бобурнинг «мағлубият ўқунчларини татиган»лиги ёки ҳаётидаги омадсизлик ва ҳар турли қийинчликларгагина дахлдор билмаслик керак, албатта. Бобур шоҳ эмас, «оддий» шахс, яъни шоир бўлганида ҳам «Арзимас ғам емакка бу дунё...»,— дегандай фалсафий ҳукмларни шеърда акс эттиради. Негаки, бу «эски дунёдин» тамаъ узиб, хотирини янгилай олмаган шоир ҳеч қачон шеърият оламига ўзининг маънавий-руҳий янгиликларини олиб кира билмайди. Бобурни тасаввуфга яқинлаштирган бош ички эҳтиёж ҳам шудир.

«Бобурнома»даги қатор маълумотлар Бобурнинг Шариат, Тариқат, Маърифат шартларинингина эмас, яхлит ҳолда, тасаввуф моҳиятини ҳам теран тушунганлигига тўла ишонч пайдо қиласди. Бобур ёзади: «...Қамолиддин Ҳусайн Гозургоҳий эди, агарчи сўфий эмас эди, мутасаввуф эди. Алишербек қошида мундоқ мутасаввуфлар йиғилиб, важд ва самоъ қилурлар экандур. Аксаридан мунинг усули яхшироқ экандур. Фолибо сабаби риояти усули бўлубтур. Ўзга дегудек ҳайсияти йўқ эди. Бир таснифи бор: «Мажолисул-ушшоқ» отлиқ, Султон Ҳусайн Мирзонинг отига боғлаб битибтур, бисёр суст ва аксар ёлғон ва бемаза беадабона ҳарфлар битибтур. Андоқким, баъзидин таваҳҳуми куфрдур. Ничук ким хили анбиёни ва авлиёни мажозий ошиқлиққа мансуб қилиб ҳар қайсиға маъшуқ ва маҳбубе пайдо қилибтур...»

Демак, Бобур чин сўфийни — мутасаввуф ва ҳар қан-

дай мутасаввуфни сўфий қаторига қўшмаган. Важд ва само қилиш билан ҳам сўфийликка эришиш мумкин эмас экан. Бундан ташқари, «мажозий ошиқлиққа мансуб» кишиларнинг «ҳар қайсиға маъшуқ ва маҳбуб» яратиш «гўлонга амр» бўлмайди. Лекин авлиё ва анбиёнинг ишеки — ҳақиқий ишқ. Шунинг учун уларнинг маҳбуби ҳам — хусни мутлақдир. Бобурнинг сўфий бўлмаганлиги ўз-ўзидан англашиларли. Аммо унда мутасаввуфлик даъвоси бўлганми? Йўқ, у тариқатга кириш орзуи билан яшаган ва тавба мақомида баъзи натижаларга етишган. Бобурнинг дарвешлиги — сийрат дарвешлиги.

«Душанба куни жумодил-аввал ойининг йигирма учидаги сайд қила отландим,— деб ёзади Бобур.— Сайд асносида хотиримга еттиким, ҳамиша тавба дағдағаси хотиримда бор эди, бу номашруъ амр иртикоидин алъиддавом кўнглумда рӯбор эди дедимким, эй нафс:

Чанд боши зиңмаоси мазакаш,  
Тавба ҳам bemаза нест бичаи.\*  
Неча исён била олудалингинг,  
Неча хирмон аро осудалингинг,  
Неча нафсингға бўлурсен тобиъ,  
Неча умрунгни қилурсен зойиъ...»

Бобур бу тавба асносида, «барча гуноҳидин ўзин» поклаш нияти билан чоғирхўрликни ҳам бас қиласди: «Тавба қилдим чоғир ичмакликтин». Май идишларини тўплаб синдиритиради ва «бу синдуруулғон олтун-кумуш суроҳий ва олотни мустаҳиқларға ва дарвешларға» улашиб беради. Тўғри, узоқ йиллик бу тавба дағдағаси Рено Сангога қарши уруш арафасида амалга ошириладики, шоир уни ўлим олдидаги тозаланиш мазмунидаги ҳам талқин қиласди:

Нияти ғазв ила ким юрибсен,  
Ўлмакнингни ўзунга кўрубсен.  
Кимки ўлмак ўзига жазм этар,  
Ушбу ҳолатта билурсенки нетар...

Бобурнинг ўшандаги бутун мамлакатда майхўрликни таъкиқлаш ҳақида чиқарган фармонида бундай сўзлар билдишган: «инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русми, подшолик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдин тор-

\* Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан; тавба ҳам bemаза эмас, ундан татиб кўр.

тиб сипоҳийгача гўзал ёшлиқ кунларида шариат манъ қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружу қилинарди». Шунинг учун Бобуринг «тўлиқ жиддият билан» «тавба эшикларини» очишини шариат талаби ва манъфаатлари чегарасидаги ишdir деб баҳолаш ҳам мумкин. Бундай баҳо бўлиши шарт. Чунки Бобур комил мусулмонлик йўлини тавба-тазарру йўлидан ажратмаган. Лекин у бунда тасаввуф адабиётида кенг ёритилган асосий бир масалага диққатни тортади. Бу — нафс. У нафсга тобе бўлишни — умрни зойиे этишга teng қўяди. Бобур нафсни енгишни инсоннинг ўз хоҳиш-иродасигагина нисбат бермайди: «...инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир, завқ келтирувчи ёқимли нарсаларни тарк этиш худонинг тавфиқ беришига ва осмоний кўмакка боғлиқ». Унингча, «нафсга қарши уруш»— «зўр уруш». Шоир форсий рубоийсида ёзади:

Дар ҳавои нафси гумаҳ умр зое кардаем,  
Пеши аҳлullo аз афъоли худ шармандаем.  
Як назар бо мухлисони хастадил фармо, ки мо,  
Хожагиро мондему ҳожагиро бандаем.<sup>1</sup>

Мазмуни: Гумаҳ нафси ҳавоси билан умрни зое қилдик. Аҳли дин олдида ўз феълимииздан шармандамиз. Бир бор хастадил мухлисларга амр этки, биз хожаликни ташладигу ҳожатманд бўлдик.

Бобур «нафс илгига забун бўлмоқ»ни — фисқ ва фахш телбалиги, ҳавоу ҳавас разиллиги, деб таърифлайди. У «хотиримни сахлар эсанг кел қўпғил», сатри билан бошланадиган маснавийсида «Эй тил», дея тилга мурожаат қиласди. Бу тил — қалб тили, маърифат тили. Шунинг учун у шоирнинг шарҳи ҳолини аҳли дил, яъни ҳақиқат аҳлига етказмоғи керак:

Аҳли дил оллида суръат била ет,  
Сенга ҳарнеки десам сен арз эт.  
Мушкилим олида тақрир этгил,  
Ҳолатим шарҳини бир-бир этгил.

Асл мақсад нима? Ҳолатидаги мушкулликлар-чи? Шоир бу маснавийда эътиқод ва умид суюнчи тўғрисида сўзлаб, «Равишу тавру сулик» йўлидан баҳс очади.

<sup>1</sup> Самойлович А. Собрание стихотворений императора Бабура. Петроград, 1917, стр. 81.

Дегасен мұнтақиду маъмудум,  
Равишу тавру сулуку йўлим.

Сулук сўзи икки маънога эга эканлиги маълум. Биринчи-  
си — яхши йўлга кириш, равиш тутиш. Иккинчиси — ху-  
дога яқнилашиш йўли, дарвишлик ҳаёт. Бобур «равишу  
тавру сулик»да Ҳаққа юз буриш йўлини назарда тутган.  
Кейинги байтни ўқиймиз:

Бордур андоқки аён айлабмен,  
Мен «Мубаййин»да баён айлабмен.

«Бобурнома» котиби ёзади: «...маснавий китоби ҳам бор-  
ким, оти «Мубаййин»дур. Тил билур доно ҳалқ орасида  
анингдек латойиф йўқтур. Ва Ҳожа Аҳрор айтган рисо-  
лаким, анинг оти «Волидия»дур, ўшал подшоҳ (яъни Бо-  
бур — И. Ҳ.) назм қилибдур».

«Волидия»нинг тасаввуф ва ахлоқ масалаларига бағиши-  
ланганлиги илмда қайд қилинган. «Мубаййин» эса закот  
тўғрисида маълумотлар берувчи асар бўлиб, у бобуршу-  
нос олимимиз С. Азимжонова томонидан тадқиқ этилган<sup>1</sup>.  
«Мубаййин»да асосан солиқлар ҳақида сўз юритилса-да,  
унда Бобурнинг шариат, шунингдек, тасаввуф аҳлига оид  
қараашлари ҳам ифодасини топган, айниқса, тасаввуф ада-  
биётидаги марказий қаҳрамон — ғариф характери ва  
аҳволига доир шарҳлари муҳимдур:

Бил, ғариф, улдурки ғурбатда  
Кун кечиргай азобу шиддатда.  
Ватанида нечаки бўлса ғани,  
Мустаҳқи закот билгилани.

Гап шундаки, «Мубаййин»да баён этилган «равишу тавру  
сулик»ига даҳлдор фикрларни шоир «дарди дил чораси»  
учун кифоят деб ҳисоблай олмайди:

Бир анинг бирла иш очилмас эмиш,  
Дарди дил чорасин қилмас эмиш.  
Нетайнин, не қиласин дардим учун,  
Чора кимдин тилайнин дардим учун?

Ана шунда у пир мададига эҳтиёж сезади. Пир раҳнамо-

<sup>1</sup> Қаранг: Азимджанова С. А. Государство Бабура в Кабуле и в Индии. М., 1977.

лигнда сулук этса, чорасиз дардига чора тәпиладигандай туюлади:

Чорасиз дардимға магар пир этгай,  
Чорасиз ишім табдір этгай.

Аммо пир этагин тутиб, Ҳақ йўлларига чиқмоқ ва илгариламоқ учун ҳам қобиляят керак. Фақру фанолик истеъдоди зарур. Лекин Бобур қобиляят ва истеъдодига қандайдир ишончсизлик билдиради.

Найлайн муршиду нетай иршод,  
Қобиляят қанию истеъдод?

Бироқ шоир бошқа бир ишда истеъдодли бўлишга даъват қиласи үзини. Бу — «ғайб илҳомчиси»дан руҳланиш ва илоҳий файзларга восил бўлмоққа қобилликдир:

Мустаид бўлу қил үзни қобил,  
Файзлар то санга бўлгай восил.

Улуғ файзу фараҳларга восил ўлмоқнинг шартлари нима? Биринчи навбатда, «тengri маърифатин дарк» қилишдир. Сўнг эътиқодни рост тутиш. Аслинг нима, охирнинг нима бўлади — буларни билиш:

Рост қилғайсан эътиқодингни,  
Билгасен мабдау маодингни.

Худди шу маъноларда шоир үзининг саюю ҳаракатлари, талабу тажрибаларида беҳад ноқислик кўради. Ҳатто тангри олдидағи гуноҳларини «бilmakka biliq» етмаганлигини тан олиб, ғафлат ила кечган умр «саҳифа»ларини варақлаб, ўзига қарата дейди:

Шаҳвату нафс гирифторисен,  
Дад била дев номудорисен.  
Шаҳвату нафе қавий душмандур,  
Минг сенингдекни забун қилғондур.

Энди шоир шоҳ Бобурнинг ғаразларини аёвсиз фош қилишга ўтади:

Тунд раҳшингни миниб елдурубон,  
Элга ўзни танитиб, билдурубон.

Ҳукмунг ўлмоқ бори элга жорий,  
Сўзунг ўлмоқ — бори ерда кори.  
Тобсинг мулки Хурросон бўлмоқ,  
Ҳинду Чин олмогнинг осон бўлмоқ.  
Қуллуқу хизматнинг этмак йилу ой,  
Насли Жўжину уруғи Чифатой.  
Борча ишга бўлубон дастраснинг,  
Келиб илгингга неким бор ҳаваснинг.

Нафснинг «тунд» отига минган киши борки, имкон етгунча «элга ўзни танитиб» обрў қозонишни истайди. Ҳукмдор эса элу юрт ўртасида гапи-гап, сўзи-сўзга айланиб қолишини, йилу ой одамлар унинг хизматида қуллук этишини хоҳлади. Ахир, ишқ ва эзгулик, ҳақпараматлик ва хоксорликдан бўлак, «Бори фонию, бори ҳеч» нарса-ку! Нега, шуни била туриб, одам ўзини ғафлатга уради? Нечун «Нафс ёғисини мағлуб» этмоқ бу қадар қийин? Нега ўзини ўзгалардан баланд кўриш хоҳиши инсон қонида бу қадар занглаб ётади? У қилғиликни қилиб, кейин нечун ғам-ғусса, ноумидлик ва афтодалик ботқоғига ботиб яшайди? Нега? Чунки у тангри иродасидан ўзининг ожиз иродасини ортиқ қадрлайди. Бобур маснавийда ана шу нодонлик ва басирликни қоралаб, шеърхонни ҳам ҳақ мадди ила нафси шумдан ғолиб чиқишига даъват қиласди:

Тенгри тавфиқи магар ёр ўлғай,  
То киши ҳаққа талабгор ўлғай.  
Тенгри тавфиқи дею тек турайнин,  
Не қилай, чорани кимдин сўрайин?  
Тут қулоқким, будуур таҳқиқи,  
Тенгрининг бўлмағучя тавфиқи,  
Мумкин эрмас бўла олмоқ ҳеч иш,  
Нега керак санга мунича печиш!  
Кирдигоро, манга тавфиқе бер,  
Юрмакка раҳи таҳқиқе бер...  
Гўшу ҳушимни сўзунг сори қил,  
Жону кўнглумни ўзунг сори қил.  
Ғамларнинг бирла овут кўнглумни  
Маърифат бирла ёрут кўнглумни...

«Гўшу ҳушимни сўзунг сори қил, Жону кўнглумни ўзунг сори қил»— бу илтижолар ҳусни мутлаққа қаратилган. Шоирнинг «Эй, сабо, елмакни қуйғил, ҳазм қил» мисрали шеърий мактубидаги мажозий тасвиirlарнинг замирида

ҳам илоҳий моҳият яширингандир. Буни қандай илғаш мумкин?

Айтгил ул ҳусн мулки хониға,  
Демайни хон, балки жонлар жонига.  
Кўрмайни юзунгни бемор ўлмишам,  
Фойиона ошиқ зор бўлмишам.

Охирги сатр — ғайб сирридан огоҳликка ишорат. Шунингдек, «Жонлар жони» иборасига алоҳида аҳамият бериш керак. Бундан ташқари, ошиқ:

Яхши пайғомингни еткурди расул,  
Лутфу икромингни еткурди расул,

деб Ёрга етказ дея сабога буюради. Ёрнинг «яхши пайғомини» ва «лутфу икромини» еткарган расул ким? Оллоҳнинг расули, яъни Муҳаммад пайғамбардир. Расулни оддий элчи маъносида англаш жўнлик бўлурди. Маълумки, тасаввуфда ўзни билмаклик учун ўзликдан кечмоқ керак. Қуйидаги байтларда фаноликдаги янги ўзлик яъни ўлганда ҳам тирилмаклик назарда тутилган:

Гар сенинг васлинг умиди бўлмаса,  
Васлингга етмак навиди бўлмаса.  
Ўзга бўлмас, ўзни билмаклик манга,  
Балки мушкулдур тирилмаклик манга.

«Бобурни мистик мақсадлар, мавҳумий дунёга интилишлар қизиқтиргмаган. Ў ҳамма вақт реал борлиқ ҳақида ўйлаган»,— деган қатъий фикрлар илгари сурилган<sup>1</sup>. Мистик мақсадлар билан қизиқмаган ижодкорнинг яхши шоир бўлмоғи қийин. Ҳамма улуғ шоирларда мистик кечинмалар бўлади. Бу — аввало, шеъриятнинг табиати ваталабидан келиб чиқади. Иккинчидан, «ҳамма вақт реал борлиқ ҳақида ўйлаган» шоир ўзини ўзи Сир ва Сеҳр оламидан маҳрум қиласиди. Бундай шоирнинг хаёли самовий кенгликлардан ажралади. Чин шоирнинг Руҳи «мавҳумий, дунё»дан реаллик ахтариш билан ибратлидир. Учинчидан, реал борлиқ, ҳанузгача, бирор-бир буюк санъаткорни олами ғайбга «саёҳат»дан тўхтата олмаган.

<sup>1</sup> Зоҳидов В. Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида. «Бобурнома», Тошкент, 1960, 21-бет.

Улки йиллар, ойлар ўткаргай ғаму мотам била,  
Шоду хуррам бўлмағай наврўз ила, байрам ила,—

дейди Бобур ғазалларидан бирида. Ой ва йилларини «ғаму мотам» ила ўткарган одамнинг кўнгил тарихини тасаввур этиб кўринг! У олам аҳлидангинамас, мавжуд оламдан ҳам ўзни четга олади. Яъни дунёни тарк этади. Мана шунинг ўзи мистик ҳаётнинг юксалишидирки, акс тарзда Бобур:

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзинким, менинг  
Улфатим йўқ олам аҳли бирла, бал олам бирла,

деб ёзмасди.

Бобур мемуарида 1502—1503 йил воқеаларини ҳикоя қилиб, бундай дейди: «...Бу муддатким, Тошкентда эдим, хили қаллошлиқ ва хорлиқ тортилди: вилоят йўқ, вилоят умидворлиғи йўқ, навкар аксар тарқади...» Муваффақиятсизлик ва хорликлар уни олис юртларга бош олиб кетмокка ундайди. У оёғ етгунча кетиш, ўзни улус назарида хор этмасдан, ҳатто «азиз элга» ҳам кўринмасликка вақт етган ва бу тангрининг амри эмасмикан деб мулоҳаза қиласди.

Қелди ул вақтки бошимни олиб кетгайман,  
Оlam ичра аёгим етгунча кетгайман.

Истарам ўзни азиз элга кўрунмасликтин,  
Неча ўзумни улус кўзида хор этгаймен?

Халқ юз жавр ила ишлар буюрур кош элнинг  
Не юзини кўргамену не сўзин эшитгаймен...

Дема Бобурга нетарсен бош олиб кетмакликни,  
Тенгрининг хости мундоқ эса мен нетгаймен?

Биз юқорида шоирнинг ўлимга тайёргарлик маъносидаги сатрларини келтирган эдик. Бундай ҳолатни Бобур аввал ҳам кечинган. Авваллари ҳам ўлимнинг яқинлигини ўйлаган: «Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш...» Узумда бетоқатлиғе фаҳм қилдим. Қўптум, боғ гўшасиға бордим. Узим била андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, агар минг яшаса охир ўлмак керак.

Агар сад сол мони вар як рўз  
Бибояд рафт азин коҳи дилафрўз.

(Мазмуни: Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгул очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлур.

Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ушал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуга борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яҳёнинг ўғли ҳазрати Убайдуллонинг набиралари рўбаройимга аблак от миниб кўп жамоати аблак сувор билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз. Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларға истионат (кўмак) тегуруб, подшоҳлик маснадига ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарифа келтурууб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг, Ушал ҳолда хушхол бўлуб уйғондим...»

Бу каби далиллар шоир Бобурнинг руҳий таржимаи ҳолини ўрганиш учун ҳам ғоятда аҳамиятли. Бобурнинг «боғ гўшасига» бориб ўзи била «андиша» қилиши, ҳозирги илмий тилда айтганда, психоанализдир, у психик аҳволини ҳеч шубҳасизки, тафтишдан ўтказган. Бу «таҳлил» жараёни осон кечмаган, албатта. Маҳзунлик бўлган. Таҳликали туйғулар бош кўтарган. Нималардир журъатга эрк бермаган в. ҳ. Ахир, «жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас», деган киши, дафъатан «Ўзимни ўлумга қарор бердим»,— дея олмайди-ку!

Бошни «муножотқа қўюб» тилак тилаш ҳолатини биз тахминан тасаввур қиласиз. Лекин шоир Руҳнинг худога, худонинг шоир кўнглига нақадар яқинлашганлигини аниқ билмаймиз. Шунингдек, Бобур Хожа Яҳёнинг ўғли тушимга кириб Хожа Аҳрорнинг сўзларини менга етказади деб уйқуга кўз юммаган.

Бобур рубоийларидан бирида яратганга илтижо қилиб:

Руҳумни яратиб эдинг латофат бирла,  
Қилдинг анга тани ҳамроқ оғат бирла.  
Руҳимни чу тан эвига келтурдунг пок,  
Мундин бори элитма касофат бирла,—

деган эди. У Руҳнинг латофатига инонарли. У Руҳнинг улуғ ғамхўри эди. У Руҳнинг «тан эви»да оғатсиз, касофатга йўлиқмасдан ҳур ҳаракатда бўлишини хоҳларди. Мана шунинг учун ўлим унга осудалик уйқусига ўхшаб қолганди. Ҳамма-ҳаммаси бу илоҳий осудалик қаршисида арзимас ва беҳудалигини у теран идрок этганди:

Улым уйқусыға бориб жақондин бұлдум осуда,  
Мени истасанғиз, әй дүстлар, күргайсиз уйқуда.  
Неким тақдир бұлса ул бұлур, таҳқиқ билгайсиз,  
Әзүр жаңгу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.  
Ұзунгни шод туткил, ғам ема дунё учун зинхор,  
Ки бир дам ғам емакка арзимас дунёйи фарсада...

Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул авлиё»сида шундай нақл бор: Малик Динор Ҳасан Басрийдан «Бу дунёниң азоб-үқубати недур?»— деб сүрабди. У «Қалб ҳало-кати»,— деб жавоб берібди. «Қалб ўлими недур?» «Бу дунёга муҳаббат»,— деган экан Ҳасан Басрий. Ана шу фалсафа, тасаввуфий эътиқод Бобур шеъриятининг таркибиға сингиб кетгандир. У шунинг учун дунёни «бир дам»лик ғамга ҳам арзитмаган ва «вафоси йўқ золим» даҳрдан кўп шикоятлар ёзганди.

Бобур ўзича дунёдан этак силкиб, узлатга юз бурган фурсатларини, «давлату тахту иззу жоҳ»га эришган вақтларга мутлақо қарама-қарши қўяди:

Кунжу узлатта рӯ қилиб эрдим,  
Ғаму меҳнатта хӯ қилиб эрдим.  
Эй хуш улким, жамии ҳамдамдин,  
Дема ҳамдамки, жумла оламдин.  
Форир эрдим, қаноатим бор эди,  
Қонеъ эрдим, фарогатим бор эди.  
Гўшае ихтиёр қилғон эдим,  
Faflat уйқусидан ойилғон эдим.

Булар Бобур шеърларидаги орифона оҳанглар. Биз шоир шеъриятининг тасаввуфга алоқадор айрим жиҳатларини талқин этдик. Ўйлаймизки, бу масала бобуршуносликда яна тадқиқ этилади ва шу тариқа буюк шоир ижодиётининг қалбига янада чуқурроқ кириб боришга имконлар очилади.

## ХАҚИҚАТ ИҮЛ ТУТАЙ ДЕСАНГ...

Фақр излаган эл давлати шоҳонани кўрди,  
Тарк этиб оламники жононани кўрди...

*Бобораҳим Машраб*

Бобораҳим Машраб ғазалларидан бирода «Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлиқ билан»,— деган эди. Машраб чиндан ҳам «ғам даштида»ги бир ошиқ дарвешдир. «Ҳайронлиқ» — унинг кўнглидаги доимий ҳолат. У ҳайронликдан ҳайратгача бўлган ботиний йўлни кечиб ўтган:

Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман, гоҳи бехудман,  
Жунун бозорида мастманки истиғноға сиғмамадур.

Машраб соҳибжунун шоир. Машрабдаги Жунун — илоҳий ишқ ҳосиласи. У ишқнинг энг шиддатли түфёнларида «жунун водийси»га қочади. Уни ҳамма жойда ва ҳамма томондан «ғам лашкари» таъқиб қиласи. «Ғам лашкари ичра» «ҳайрон хароб» шоир гоҳ «жисму жони»нинг афгорлигидан сўзласа: «Лашкари ғам бу синуқ кўнглумни афгор айлади»; «Жисму жонимни фигор этти ғамингни лашкари», гоҳ ўзлигини «ғам тарозусиға» тортади: «Ғам тарозусиға тушган бори вазминмен бугун». Машрабнинг дарди — ғам, дардига дармони ҳам ғам:

Ғамдин ўзга бўлмади дардимга дармон оқибат,

деганди у. Машрабнинг шахси ғам қуюни ичидағи бир дарахтга ўхшайди. Шоир қалбидағи беқарорлик, саргашталик, оворалик ва ҳайронлик мана шундан. Машраб шахсиятини тинглаган киши унинг ички ҳаётида ҳеч қачон сокинлик, хушнудлик бўлмаганлигига дарҳол ишонч пайдо қиласи. Мана, шоир шеърларидаги айrim жумла ва иборалар. Буларнинг барчасида шоир «мен»нинг ҳақиқатлари сўзланган: «Ишқ саргардониман». «Дард ила хароб ўлдум». «Тинмай куюб ёндим». «Манга мотам тутиб йиғлар дару девор». «Тилим лолу кўзум гирён». «Нолишимдан қўрқаман». «Саҳар сўзимға чирмашдим». «Дилим дарёи нурдур». «Гунаҳим ғайрдин эмас, кўзумдин».

«Үлтүрүб қон йиғласам арзир». «Таҳ-батаҳ қондур юрак», «Мандын забунроқ йүқ киши». «Мен қонлар ютай то ўл-гунча». «Дарду ғам ичра сарғайды юзум». «Айланиб келдим яна ғам уйига». «Меҳрибоним йүқ мани». «Етибмен қору ёмғур устима ўтиб». «Мусибат селини барбоди бўлдум». «Кўнгулда гусса кўп». «Ҳамдарду киши бирла ҳамдам йўқ». «Танг бўлубдур аҳволим». «Ғамни лойи ичра қолмишман».

Бир мартабада турмас эрмиш шоҳ ила дарвеш,  
Бас жандани кийдим ўзими дарбадар эттим.

Дарвешлик Машраб учун шоҳликдан баланд марта-ба. У «жон тўтисини ишқ ила шаҳбоз этай деб», жандани кийиб ўзни дарбадарликка йўллаган эди. Машраб чин маънодаги сўфий шоирдир. У «Шариат шарбатин ичгон», «Тариқат ҳалқасин тутқон», «Ҳақиқат шоҳини сургон», «Маломат кўйида юргон», «Муҳаббат йўлида куйгон» «суяр қуллар», яъни ҳақ ошиқлари фикру кечинмаларининг тарғиботчиси. Машраб ҳақиқий ишқ баҳрига чўмган ва сиру савдо пайғамбарига айланган мистик санъаткор эди: «Шудам пайғамбари савдо, мани девонаи Машраб».

«Йўлни кўрганлар ҳама дунёни таркин қилдилар», дейди шоир. Қайси дунёни? Машраб ғазалларидан бирини шундай сатрлар билан бошлайди:

Дунёға келиб лойиға билмай бота қолдим,  
Дармон йўқидин заҳри балосин юта қолдим.  
Кўрдум мен они душмани руҳи тан экандур,  
Ло ўқи билан икки кўзини ота қолдим.

Дунё аввал-охир ботқоқдан иборат эмас, лекин лой — ботқоқ рамзи. Дунё ботқоғига ботган киши (гарчи у билмай бота қолса ҳам) фақат жисман ифлосланиб ёхуд дармонсизланиб қолмайди, балки онг равшанлигини ҳам бой беради-ю, кўнглинини «лой» қоплади. У эркидан ажралади.

Ҳурлик нима? Бу саволга Машраб шеъриятининг мөҳиятида «Инсон!» — деган савол яширингандир. Аммо ҳар қандай инсон эмас. «Ишқ йўлиға киргон албатта кечар жондин, Кечмаса агар жондин айтгон сўзидур ёлғон», — деган, «жуунун бозорида Мансурдек афсона» бир Инсон. Дунёниг лойиға булғанмоқлик — бу, ҳорислик, гумроҳлик, нафсга қуллик. Бу — ғайбдин келадиган «илҳоми худони» сезмаслик. Машраб ғофилга ёр «дунё»ни тарк этиш тарафдори. Бу дунё руҳнинг душмани. «Йўлни кўр-

ганлар» кимлар? Күнгүл «ризоли» «санвори тажалли била сут» ичган, «Шариат ҳам, тариқат ҳам ҳақиқат мандадур мавжуд», деге оладиган «мудом мискин» ахли ишқидир. Булар ҳусни мутлақнинг «қасри» беҳад йироқлигини ва унга ҳар қанча жадал этилгани билан етиб бориш мушкуллигини билишади («Узоғ эрмиш ўшал зебо санамни қасри, эй Машраб, Агар юз йил жадал қилсанг, бу манзилга етиб бўлмас»), аммо бошқа «йўл» орқали маъшуқи азал васлига восил бўлмоққа ҳам тўла ишонишади. Бундаги тўсиқ — «парда». Шариат, Тариқат, Маврифат, Ҳақиқат босқичларинда қаттиқ риёзат чекмагунча, бу парда барҳам топмайди ва «Кўтарсанг парданни ногоҳ жамолингни кўрай дерман, Жамолинг партавин солсанг, ки ҳуснингга тўяй дерман», «Пардангни олиб мен сари гар биргина боқсанг, Ул дам мени мотамзада дар ханда бўлойин», сингари илтижолар дилбарга бориб етмайди. «Ошиқи мубтало», «ёр юзини кўрай» деса, «васли била бўлай», деса: «Ризо керак қазосиға, сабр керак балосиға», «Фисқу фужур гуноҳлар» «Муҳаббат ўтиға» куйса «Хилват этиб келур ўзи кўнгулни хонақосиға». Уртадаги «парда»нинг кўтарилгани аниа шу бўлади:

Пардан кўтариб ул шўх, ҳар лаҳза тоб айлар,  
Ноз билан ул дилбар ошиққа азоб айлар.

Машраб тавба мақомига доир фикр-мулоҳазаларида «Маломат кўйида юргон» соликларнинг ахлоқий-фалсафий қарашларини ёқлаб, гуноҳ ва гуноҳкорлик туйғуларини энг охириги чегарасигача идрок этишга чақиради:

Эй бандан пургуноҳ турғил саҳарда, йиғлагил,  
Кўз ёшинингни ҳурматидин, ҳар кунда минг наво келур.

Шоир ўзини «бош-оёғ» «жўши гуноҳдин» олуда, бандан пургуноҳ ҳисоблайди: «Гуноҳимдин хабар олсам жуҳуд, тарсо менингдек йўқ...» «Аё дўзах, мани куйдур, ҳалойиқ куймасун ҳаргиз, Тамуғдин ишқ ўти пурзўр, анинг заҳрин ютуб ўттум», «Булҳавасни мағзи йўқдур, пўстдур беэътибор». «Маънипарвар одам» кўнгулни гуноҳлардан поклаш учун азобу азиятдан қочмайди. Шу тариқа Ёр «чароғи ҳусни рўйи»дан дилни мунаvvар айлайди.

Маъшуқ юзидин берса агар зарра зиёе,  
Тоғлар куярму мӯе паямбар чидаёлмас.  
Бир жилва қилиб чиқса агар олам ороси,  
Девона бўлиб мўмину кофар чидаёлмас.

Машраб бир қатор ғазалларида тасаввуф таълимотининг умумий ғоя ва ақидаларини талқин этади:

Маърифат бозорининг девонаси,  
Ҳам ҳақиқат ишқининг майхонаси.  
Оҳ уруб икки жаҳонни куйдурур  
Ишқ элининг эйнати — сармояси...

Шоирнинг кўпчилик мутасаввуфона ғазалларида эса ҳақиқий ишқининг баланд нуқтасини белгилайдиган сўфиёна ҳислар, фавқулодда туғёнили кечинмалар тасвирланган. Шундай ғазаллардан бирида ўқиймиз:

Онқадар дарё бўлубман осмонга сиғмадим,  
Тоқи аршу курсию лавҳу жинонга сиғмадим.

Машраб форсий ғазалида «Анал-ҳақ гўи эжодам, тажаллипарвари ишқам»— ижодамни Анал-ҳақлик десанг, мен ишқининг тажаллипарвариман, деб ёзганди. Юқоридағи сатрлар билан бошланадиган ғазалнинг ғоявий таркиби Анал-ҳақлик ва тажаллипарварлик моҳиятидан таркиб топган. Ғазалнинг навбатдаги байтларида бу ҳақиқат тўлиғ равшанлашади:

Қимга соям тушса бир нури яқин бўлди у ҳам,  
Дафтари руҳи қудусдурман забонга сиғмадим.

Дўзахи сақар манам, жаннат ила қавсар манам,  
Бир ўзумдурмэн бу кун ҳафт осмонга сиғмадим.

Бор эдим Нуҳ вақтида ғарқ этмади тўфони ҳам,  
Ҳамроҳи Мусо бўлуб Туру Синоға сиғмадим.

Эллик йил Исо билан юрдум ўлукни тиргузуб,  
Бонси бир нуктадин, Машраб, замонга сиғмадим.

Ғазалда илоҳий «ишқ сиррин баёни» берилган. Бу «ишқ ўтидин» кишиига «заррае етса», кифоя, у — гирён, бесабру бетоқат, унинг тили лол, сўнгаклари ниҳон ўртангани ўртанган. У на заминга, на осмонга, на замонга сиғмайди. Чунки у оламни ўзида бирлаштирадиган поёнсиз кенглилкка эришади. Шеърдаги Нуҳ, Мусо, Исога тегишли талмиҳларданоқ тавҳид ҳолатининг тасвирини мушоҳада қилиш мумкин. Лекин шоир «ҳафт осмонга», «Туру Синоға» ва «замонга» сиғмаслик сабабини

«Боиси бир нуктадин», деб таъкидлайди, бу нукта — Анал-Ҳақлик завқидир. Машраб буни «Ажаб Мажнун»лик «ажаб девона»лик деб ҳам характерлайди.

\* \* \*

Тарихдан маълумки, тасаввуфдаги қаландария мазҳабига Жамолиддин Соважий асос солган. Қаландария маломатия силсиласи билан узвий боғлиқдир. Бобораҳим Машраб қаландария мазҳабига мансуб шоирлардан. Бу тўғрида О. Шарафиддинов ва С. Ҳусайннинг «Ўзбек адабиёти» мақоласида шундай дейилган: «Машраб ўз замонасида кенг ёйилмағда бўлган қаландарликнинг (сўфизмнинг бир оқими) йирик вакили сифатида танилган ва халқ ичидаги катта таъсирга эга шоирдир. Қаландарлик вакиллари расмий ислом ва унинг қонунлари билан келиша олмас ва шу қонунларни ҳимоя қилувчи ҳокимларга, расмий ортодоксал руҳонийларга қарши курашар, уларни шиддатли танқидга олар эдилар»<sup>1</sup>. Мақола муаллифлари қаландарлик тариқати вакилларини «оғир зулмларни бошидан кечирмоқда бўлган ва жуда қашшоқлашган» омманинг ўртасида «душманлардан ўч олиш ва зулмдан қутулиш учун ёрдам берувчилар» сифатида баҳолаб, Машрабни ана шу кураш қурбони бўлганлигини қайд этганлар. Уларнинг ҳукмига биноан, Машраб ижодиёти «бирбирига ўта қарама-қарши бўлган қутубларга эга». Бу «қутуб»лардан бири — «расмий ислом, руҳонийларни, ҳокимларни, шариат қонунларини аямай танқид қилиш» бўлса, иккинчиси — «тарки дунёчилик, дарбадар ва қаландарона ҳаёт кечиришга даъват». Машраб бутун ижоди давомида тасаввуфдан узоқлашмаган ва ваҳдату вужуд идеали билан яшаган мистик шоир. Зоҳирий оламдан ботиний дунёга у жуда вақтли чекинган.

Менин зоҳир кўзида кўргон эл ўзин гумон айлар,  
Вале, эл ичра ўздин, барчадин бегона Машрабман.

«Эл ичра ўздин» ва «барчадин бегона»лик — Машраб мистик ҳаётининг мазмунини характерлайдиган бундан аниқ ифода топиш қийин. Машрабдаги ёлғизлик — «ўздин» ҳам бегона бир танҳолик. Акс ҳолда у «шаккоклик» билан, «Этагимни елпишидин юз худо пайдо бўлур», дея башорат эта олмасди. Машрабдаги инсоний ёлғизлик, ило-

<sup>1</sup> «Ўзбек адабиёти 15 йил ичидаги». Тошкент, 1939, 19-бет.

хий ёлғызликка эврилгандир. Үндән «Елғызлик нима?»— деб сүралганда у албатта «Худо!»— деб жавоб берган бүлурди. Ёки қуйидаги сингари мисраларни эсга солурди:

Ху десам, Анал-хақ, деб олам бориси ҳақдур,  
Лайлыга бўлуб шайдо Мажнунга ўттай дерман.

Бобораҳим Машрабни, Машраб тахаллуси билан ижод қилган бошқа шоирлардан ажратиш учун ўзбек адабиёт-шунослигида анча ишлар амалга оширилди. Шу маънода шонир шеърларини йиғиб, нашр эттирган олимларнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир. Лекин асл Машрабнинг қиёфаси — унинг шеъриятида, адабиётшунослик илмида Машрабнинг инсоний ва ижодий ўзлиги тубдан ўзгартирилган ҳамда сохта талқинларга гирифтор этилган.

Машраб шеъриятининг ғоявий, фалсафий, ахлоқий замини — тасаввуф. Шонир ижодиётига доир тадқиқотларда унинг шеърлари онгли равишда ўз заминидан ажратилиб таҳлил қилинган. Натижада илоҳий ишқ моҳиятини очувчи фикру кечинмалар дунёвий муҳаббатга мансуб тасвирлар сифатида тавсия этилган. Машраб ижодиётидаги «антеклерикал мотивлар» ҳақида айтилган мулоҳазалар ҳам бирёклама, гоҳо жуда чалкашдир. Бунинг сабаблари изоҳланганда, икки жиҳатга алоҳида дикқат қилиш керак бўлади. Биринчisi, давлат ва сиёsat миқёсида динга қарши ҳужумнинг авж олдирилганлиги, иккинчisi, тасаввуф таълимотининг юзаки ўрганилганлиги.

И. Султон ва И. Аҳмедовларнинг «Асл Машраб» мақоласида бундай дейилади: «Феодал даврда ва шу жумладан XII асрда биз жамиятда жуда катта бир табақанинг юзага келганлигини кўрамиз. Бу ўз турмушидан норозилар табақасидир. Хонларнинг зулми, бекларнинг талаши, руҳонийларнинг алдамчилиги ва сотқинлиги натижасида неча-неча минг ҳалқ хонавайрон бўлди, оч-яланғоч қолди, гадой бўлди. Бу омма ғазабланар, лекин бу ҳолдан чиқиши йўлини билмас эди... тасаввуф таълимотида шу иложсиз ҳолда қолган омманинг кайфиятига мос тушибадиган бир қанча унсурулар бор эди».

Қандай «унсурулар» улар? Мана, әшитинг: «Масалан, тасаввуф тарки дунёни ташвиқ этар, ислом динининг бир қанча шартларини рад қилас, дунёдаги азобларни жуда илоҳийлаштирас («қанча кўп риёзат чексанг, яъни бу дунёда қанча азоб тортсанг, худога шунча яқин бўласан»), бу дунёда мол-мулк йиғувчиларга, яъни бойларга таҳқиқ кўзи билан қарап эди...»

Бу гаплар сталинизм хуруж бошлаган йил — 1937 йилда эълон қилингандан. Масаланинг туб моҳияти зулм, ижтимоий тенгсизлик, турмушдан норозилик сингарилар билан белгиланадиган бўлса, ўша йилларда ўз ҳаёти ва қисматидан норози кишилар каммиди? Айни ўша вақтларда эртаги куни бугунгисидан ҳам ёмон бўлишини сезган одамларнинг ҳолати-чи? Уз тирикчилигидан, бу дунёнинг азоб-уқубатларидан безор бўлиб, умидсизликка тушгандарнинг сону ҳисобини аниқлаш кимнинг қўлидан келади? Нега ўша хунхорлик йилларда жон ҳовувлаб яшаган минг-минглаб ҳимоясиз бечоралар тасаввуф билан қизиқиб, тарки дунё қилмаганлар? Ахир, ҳали «тасаввуф эшонлари» ва уларга мурид бўлгувчилар бутунлай қирилиб кетмаган эдилар-ку! Ҳар қандай тарихий ҳодисани сталинча синфиийлик ва ғоявийлик нуқтаи назаридан баҳолаган адабиётшунослик илми тасаввуфи ҳам «ўта идеалистик, хурофий бир таълимот »деб эълон қилди. Шунингдек, «ҳар қандай бўлмасин, тасаввуф реакцион таълимотидир, ислом тасаввуфи ҳам бир диндир... Тасаввуф ислом хурофотини қуюқлаштиради»,— дея ваколат берди. Бундай қарашлар китобдан-китобга кўчиб, ҳар турли бирёқлама мулоҳазалар билан «бойитилди».

«Ўзбек адабиёти тарихи» (III том) китобида Машраб яшаб ижод этган даврларда «диний реакциянинг» кучайланлиги, «зулм ва истибдоднинг» авж олганлиги, «ҳоким ва беклар, кичик-кичик феодаллар» ўртасидаги ўзаро урушлар натижасида меҳнаткаш халқнинг ниҳоятда эзилганлиги таъкидланиб, яна ёзилади: «Бундай шароитда ҳеч тасоди菲й эмаски, олти-етти асрлар илгари шаклланган сўфий таълимот турли йўналишларда кенг тарқала бошлади... Аммо бу даврда ҳам тасаввуфининг ана шундай ўта пессимистик зоҳидлик йўналишига нисбатан бирмунча жонли, ҳаётий бўлган бир талқини, йўналиши ҳам бор эдики, Бобораҳим Машраб дунёқарашининг айрим томонлари билан унга ёndoшган эди». Шоир дунёқарашининг ушбу «айрим томонлари» ҳам «ўша феодал шароит тақозоси билан изоҳланувчи чекланган томонлар», деб хulosалангандир. Наҳотки, тасаввуф дейилишиданоқ, дарҳол тарки дунёчилик тушунилса? Ҳамма нарса ўз номи билан аталадиган бўлса, тасаввуф умидсизликка бутунлай қарши-ку! Тасаввуфда «ўта пессимистик зоҳидлик йўқолиши» йўқ. Булар, ўйлаб чиқарилган гаплар. Тасаввуф Машраб дунёқарашининг «чекланган томонлари» эмас, балки ички офтобидир. Тасаввуф, биринчи галда, Руҳ тарбияси. Тасаввуф — ахлоқ ва одоб

камолоти учун изчил қайғуриш демак. Тасаввуф — Хаёл ва тасаввур кенглиги. У оламдаги жамики күчсизлик, жамики тобеликларга иштибоҳ билан қарашга ўргатади. Тасаввуфнинг деярли барча мазҳабларида ғамгин ва фуссакаш инсон «Мени»нинг ботиний фаоллиги акс этади. Тасаввуф таълимотида тарбияланган кишиининг ҳаёт завқидан қўл силташи мумкин эмас. У ўткинчи завқларга мутлақо беларво қарashi табиий, албатта. Дин сингари тасаввуфнинг ҳам оламшумул мафкураси Ишқидир. Шу маънода дин ва тасаввуф ўртасида кескин ихтилоф йўқ.

«...Машраб фақат руҳонийларга эмас,— дейилади «Асл Машраб» мақоласида,— балки диннинг ўзига ҳам ёмон кўз билан қараган. Унинг шеърлари ҳам динга қарши нафрат билан тўлгандир». Машраб руҳонийларга ёмон кўз билан қараган. Лекин қандай руҳонийларга? Бу саволга тўғри жавоб қайтарилса, Машраб шеърларида «динга қарши нафрат»дан ном-нишон йўқлиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

Мақоладан яна бир кўчирма келтирайлик: «Машрабни Маккага боришга даъват этганларга берган жавоби жуда ажойибдур. У Маккани «Иброҳимнинг эски дўкони» деб ҳақорат қиласи (Маккани Иброҳим пайғамбар солдирган ёкан); жаннатларнигина эмас, балки иккала дунёни ҳам бир пулга қиммат ҳисоблайди.

Ёрсиз ва бодасиз Макка бормоқ инмадир,  
Қолган ул Иброҳимдан эски дўконни на қилай.  
Урайму бошима саккиз беҳишту дўзахин,  
Бўлмаса васи манга, икки жаҳонни на қилай».

Бу мисраларни «далил» келтириб, Маккани ҳақорат қилиш ҳақида сўзлаш кулгили. Шоир Маккага боришга асло қарши эмас. «Ёрсиз ва бодасиз», яъни ҳусни мутлақ дийдорини талаб қилмай, «бемуҳаббат ҳалойиқ» тимсолида Маккага боришга қарши у. Унинг беҳишту дўзахи, «икки жаҳони» ҳам Ҳақ висолидир. Агар Макка «Аршининг кунгурасин устиға» қадам босмоқча илҳомлантириласа, у Иброҳимдан қолган «эски дўкон»дан ўзга жой эмас. «Эски дўкон» нега Муҳаммад пайғамбарга нисбат берилмаган? Шундай дейилса «динга қарши нафрат» конкретлашарди-ку!

Норасоларга сухан қилмоқ хатодур, Машрабо,  
Билса ҳар ким чорёу босафони дардини.

Мұхаммад пайғамбар халафларига әхтиромда бұлган шоир ислом динининг асосчисиға нечөөлік сидқу ихлос боғлаганлигини англаш нақотки қийин бўлса? Машрабда бундай сатрлар бор:

Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни топиб,  
Чун рибову ришвани ерлар хушдорлиқ билан.  
Рост сўз айтсанг аларга зарра қилмаслар қабул,  
«Куфр айттинг»,— деб урарлар неча озорлиқ билан.

Дин номидан ҳукмлар чиқариб, «роҳи шаётин»дан юргувчи, ришвахўр, «бухлу ҳаводорлиқ билан» умр ўтказған дилозор, риёкор мулло ва эшонларга Машраб салбий муносабатда бўлган. У ана шундай калтабин ва ақидапараст дин аҳлиниң имонини — имонсизлик, динпарастлигини динсизлик деб билган. Қалби илоҳий зиёдан йироқ диндор — шоирга қолоқлик, чекланганлик тимсоли бўлиб кўринганлиги рост. Аммо Машраб ҳеч пайт ислом динининг асл моҳиятига шак келтирмаган. Шунинг учун ҳам «Бир худодан ўзгаси, барча ғалатдур»,— деб ҳисоблаган. Машраб маслагича, оламнинг мазмуни, хаёлий гўзаллиги ва абадияти биргина сўзда ифодаланади. Бу сўз — Худо. Шу сўз дунёнинг Дили, дунёнинг тили. Жаҳоннинг қайси гўшасига назар ташламанг, ҳусн нурини сочаётган ва забони файбда такаллум этмоқда бўлган худо зоҳирдир: «Оlam ҳама кўз бўлди тамошо қилайн деб».

Восибли ҳақ бўлай десанг, ишқу муҳаббат ҳосил эт,  
Ўрта ҳавоу кибр уйин шамъи юзин зиёсига.

Машраб илоҳий «ишиқ муҳаббат ҳосил» этмоқ маъносида қаландарлик тарниқатини танлаган. Ва қаландар ошиқнинг биринчи вазифаси — бу, ваҳдат майдин қонмоқ деб билган. Унинг қатор байтларида шу моҳият аксины топгандир:

Соқий, қадаҳни қилғил муҳайё,  
Ваҳдат майдин ичголи келдим.

Машраб ижодиётини ўрганган олим М. Зокиров шоирнинг «илк ижодий қадамлари» «мистик тасаввуф таъсирида» шаклланганлигини сўзлаб, яна ёзади: «У ўзининг қатор шеърларида илоҳий ишқнинг моҳиятини очишга интилади, гоҳо сўфиёна ишқнинг мажзубона рақсига тушиб, қайнаган ҳисларига эрк беради, ўзини «рамузий

ишиң» йўлига бахш этганлигини очиқ сўзлайди. Аммо шоир ижодига мистик сўфизмнинг таъсири ва конкрет фактларга қараганда, у қадар узоқ давом этмаган бўлса керак. Кейинчалик у мистик сўфийликнинг расмий ақидаларини (масжидга кириб сажда қилиш, рўза тутиш ва шунга ўхшаш расм-русларни) тан олмаган<sup>1</sup>.

«Конкрет фактлар»— Машрабнинг шеърлари. Уларга қараб хулоса чиқарилса, «шоир ижодига мистик сўфизмнинг таъсири» «у қадар узоқ давом этмаган бўлса керак» деган тахмин, шунчаки тахминга айланниб қолаверади. Бундан ташқари, «масжидга кириб сажда қилиш, рўза тутиш» каби «расм-руслар» тасаввуфий мистиканинг «расмий ақидалари»дан саналмайди. Машраб «ўзининг қатор шеърларида» эмас, «қатор» шеърлари истисно қилинганда, умумшөъриятида илоҳий ишқ моҳиятини поэтик талқин этади. Бу — унинг асосий мақсади, шеъриятидаги бош йўналиш. Машраб девонида шу йўналишдан бутунлай ажralиб қолган шеър йўқ. Шоир ғазалларидан бирида:

Баҳри раҳматга кириб қилдим вужудимни адам,  
Маърифатдан бехабарсан гавҳаримни кавлама,—

деган эди. Байтнинг биринчи мисраси ўзликдан кечиб, фаноликка эришиш тўғрисида. Ундаги умумий фикрнинг шарҳини бошқа ғазалда учратамиз:

Бўлдум фано мен туфроғ ичинда,  
Бир дона эрдим минг дона бўлдум.  
Ул юз ўтида буд бўлди нобуд,  
Жон жонға кирди, жонона бўлдум.

«Жон жонға кирди, жонона бўлдум»— Машраб мистикасининг энг олий ва якуний нуқтаси ана шу. «Жон жонға» қовушгунгача бўлган йўл — мashaқатли йўл.

Солдим туну кун нафс итим бирла урушни,  
Танҳо қиличи бирла уруб ҳай-ҳалаб ўттум.  
Хомуш пичоқини олиб бўйнига қўйдим,  
Чўр найзаси бирла кўзин найзалаб ўттум.

«Нафс ити» бирла бўлган «уруш»да ғолиб келган ошиқ, албатта, хомушлигини, мискинлигини топади. Мискинлик

<sup>1</sup> Зокиров М. Эрк ва маърифат куйчилари. Тошкент, 1984, 63-бет.

руҳи уйғонмагунча, ҳақ толиби ожизу афгорлигини англай олмайды, гуноҳларидан тавба қилмайды, сир пардасининг очилишини тилаб зору таваллолар этмайды. Машрабнинг ўнлаб ғазалларида «хомуш пичоқини» нафс бўйнига қўйган ошиқ ҳолати ва кечималари тасвирланган.

Машраб «толиби дийдор»ликда Мансур Халлож, Шайх Боязид Бастомий, Фаридиддин Аттор, Имодиддин Насимий сингари «толиби содиқ»ларга издош ва маслакдош. У Мансур Халлождан кейин машҳур сўфий Иброҳим Адҳам тариқини ўзи учун ибрат ва намуна сифатида эътироф этади:

Жаҳонни тарк қилди Машраб Иброҳим Адҳамидек,  
Саропо дард кўрдим, муддаони кўрмадим ҳаргиз.

Маълумки, «Қуръон»даги «алфақру фахри» (фақирлик менинг фахримдир) ибораси Муҳаммад пайғамбарга нисбат берилган бўлиб, фақрлик моҳиятини у жуда аниқ гавдалантиради. Фақр — ҳар қандай моддий манфаатдорликни кўнгилдан супуриб ташлайди. Фақр — эҳтиёжнинг негизидаги хорликни теран пайқайди. Фақр — Ҳақ маърифатидан ўзга ҳеч нимани талаб қилмайди. Машраб фақрлик йўлига содиқлиги учун ҳам:

Шаҳи рўйи замину тахту тожин орзу қимай,  
Гадои фақр бўлдум, сайр этарман баҳру бар танҳо,—

деб ёзган эди. Фақрлик мақомига юз бурмаган ошиқ ҳақиқий ишқ сиррининг кошифи бўла олмайди.

Асли муҳаббат истасанг, кулли сивони ташлағил,  
Фақр либосин кийиб, дарбадари гадо келур.

## МУНДАРИЖА

«Тасаввуф эмас заҳду тақвию тоат...» . . . . .	3
Аҳмад Яссавий . . . . .	32
Сулаймон Бокирғоний . . . . .	6
«Фақр йўлида ғани, имонға бой» . . . . .	5
Ишқ камоли — руҳоният ғолиблиги . . . . .	5
Фақру фанолик ҳайрати . . . . .	5
«Иўқ даҳрда бир бесару сомон...» . . . . .	10
«Гурбатда ғариб шодмон бўлмас...» . . . . .	11
Моҳият ва миқёс . . . . .	12
«Кимки ўзлук иморатин бузди...» . . . . .	13
Мажоз — суврат, ҳақиқат — сийрат . . . . .	13
Жунун маърифати . . . . .	15
Тасаввуф ва Бобур шеърияти . . . . .	16
Ҳақиқат йўл тутай десанг... . . . . .	17.

Литературно-художественное издание

Иброҳим Ҳаккулов

СУФИЗМ И ПОЭЗИЯ

Художник В. Лисс

Ташкент, издательско-полиграфическое объединение  
им. Г. Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

Иброҳим Ҳаққул

ТАСАВВУФ ВА ШЕЪРИЯТ

Муҳаррир А. Шаропов

Расмлар муҳаррири В. Немировский

Техник муҳаррир Н. Сейдуалиева

Мусаҳид М. Насридинаева

ИБ № 4459

Босмахонага 15.02.91. да берилди. Босишга 04.06.91. да руҳсат этилди. Бичими 84×108/32. 1 босмахона қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма тобоги 9.66. Шартли бўек—оттиск 9.66. Нашр тобоги 10.5. Жами 8000 нусха. 1108 рақамли буюртма. Баҳоси 2 с. 50 т. 91—90 рақами шартнома,

Faғfur Fуломномидаги нашриёт-матбаа бирлашинаси. 700129. Тошкент, Навонек кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССҶ. Матбуот давлат қўмитаси нашриёт-матбаа ишлаб чиқария. Бирлашинасининг 1-босмахонаси. 700002. Тошкент, Сарбон кӯчаси, 1-берк кўча. 2-уя.

